

84/59/14  
K 59

ОРЖОВОВ



ҚИССА

**ҚИЛ** УСТИДАГИ  
**ТАҚДИР**

III

Азамат ҚОРЖОВОВ

# ҚИЛ УСТИДАГИ ТАҚДИР

III КИТОБ  
Қисса



Тошкент  
«ИЮД-PRESS»  
2016

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ў)7

Қ59

Қоржовов, Азамат

Қил устидаги тақдир: /К.3: қисса/ А.Қоржовов – Т.: “Ijod-Press”,  
2016. 236 б.

УЎК: 821.512.133-32

КБК: 84(5Ў)7

Хорижга кетган келин-куёв бошига оғир мусибат тушади. Куёв қиморбоз эди. У ишлайдиган қаҳвахонада қимор ўйнашарди. Эски “касби”нинг хумори тутган куёв хатога йўл қўяди: яна қарта ўйнайди ва келинчагини ютқазиб юборади. Азамат Қоржововнинг “Қил устидаги тақдир” қиссаси қаҳрамони Лобарнинг ҳаёти мазкур мудҳиш воқеадан сўнг бутунлай ўзгариб кетади: у ҳам қарта сирларини ўрганиб, чет эл қиморхоналарида машҳур “Қора хоним”га айланади...

III китобнинг VI ва VII қисмларида киритилган Лобарнинг Саудия Арабистони ва Японияда кечган кунлари, уюшган жиноий гуруҳлар билан тўқнашуви ҳамда дунё бўйлаб ўглини ахтариши қаламга олинган. Қимор инсон ҳаётини қанчалик чигаллаштириб юбориши, қарта ўйинлари жиноятга бошловчи восита экани, ўз вақтида ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этмаслик оғир оқибатларни келтириб чиқариши воқеалар замирига сингдириб юборилган.

#### Тақризчилар:

Э. ВАЛИ – ёзувчи, доцент

Б. АВЕЗОВ – ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси

ISBN 978-9943-994-26-3

Abdulla Qodiriy nomidagi  
viloyat AKM

INV № 168 518-20190

© “Ijod-Press” нашриёти, 2016

## VI ҚИСМ КЎП КЕЛИНЛИ ОЙЛАДАГИ МОЖАРО

Баҳорнинг айна ўртаси. Дарахтлар эндигина яшил либос кийган серқуёш кун. Кўпчилик енги калта кўйлақларда, қиш бўйи одамлар нигоҳидан яширинган билакларини яйратиб юрибди. Қизлар қайтадан ҳуснга киргандек гўё.

Аммо бир келинчак буларга эътибор бермайди. Енги тирсакдан тушиб турган пистончали қора-қизил кўйлаги устидан сиёҳранг енгсиз жакет кийиб олган. Негадир ҳадеб жакет ёқаси билан кўксини бекитмоқчи бўлади. Қайғули кўзлари атрофга олазарак боқиб, кимнидир ахтарди.

У шошганидан қоқилиб кетди ва ҳайрон бўлиб қараган семиз бир хотиндан сўради:

— Ассалом... Менга Лобар опанинг уйлари керак эди... Билмайсизми?

— Ким? — семиз хотин ўшшайди.

— Лобар опа...

— Лобар... ҳим-м. Лобарми?.. Ўзингиз ким бўласиз, келинжон?

— Мен... мен узоқроқ қариндошларининг келиниман.

— Қаерликсиз? Бунча рангингиз оқариб кетмаса?!

— Шаҳарданман... Шаҳар четидан... — Келинчак эзма хотиндан норози бўлганини билдириб, қаттиқ оҳангда деди: — Лобар опани танийсизми ўзи, хола?

— Нега танимас эканман?! Қариндошининг келини бўлсангиз ҳам эшитиб қўйинг: у бузилиб кетган хотин. Маслаҳатим, уникига ёлғиз келаверманг.

— Уйи қаерда?

— Бунча шошиласиз, келинжон?! У уч марта эрга теккан. Эркаклардан таниши кўп. Уйдан ҳар хил эркакларнинг қадами узилмайди. Вой... бормай қўя қолсангиз бўлмайдимиз уникига?

- Муҳим иш билан келаётгандим-да...
- Э, эр-перингизни юборишингиз керак эди. Биласизми, келинжон. Лобар деганлари аёл бўла туриб, қиморбоз деган ном чиқарган. Мишимшилар бекорга туғилмайди. Бузуқлиги етмагандай, қартабозлик ҳам қилади, яшшамагур.
- Бунни эшитиб келинчакнинг юзи ёришиб кетди.
- Холажон, уйини кўрсата қолинг, — деди ялиниб.
- Қовоғидан қор ёғаётган семиз хотин маҳалла ичкарасида, бир неча уй нарида кўриниб турган тунука томли баланд уйни кўрсатди. У ишора қилган маҳал томдан беш-олти чоғли каптар ҳавога кўтарилди.
- Хув ана, каптархона... — деди семиз хотин. Сўнг қўшиб қўйди: — Тағин каптархонага кириб, “эмиратский” бўп кетманг.
- Худо сақласин, — келинчак энди ошкора жеркиб берди.
- Онам қатори аёлсиз, гапларингиз эса...
- Келинчак бу каби ҳақоратларни ҳали ҳеч кимдан эшитмаган бўлса-да, тилини вақтида тийди ва манзил сари шошилди. У яна жакетнинг ёқасини чангаллаб олди. Оққа бўялган дарвоза тагида бир оз тургач, қўнғироққа қўл чўзди. Дарвоза тепасида осиглик бир боғлам исиріқ юрагига алланечук таскин бериб, у то эшик очилгунча елпиниб олди.
- Уй бекаси остонада келинчакни кўраман деб ўйламаган чоғи, бир сония ҳайратланиб қолди.
- Келинг, — деди у синиқ жилмайиб ва беихтиёр кўчага аланглади.
- Лобар опа керак эдилар.
- Менман...
- Сизда гапим бор эди.
- Кириг, ичкарида гаплашамиз.
- Келинчак ийманиб қадам босди. Димоғига хушбўй, салқин ҳаво урилди. Паст қисмига мәрмар, юқорисига ганч билан ишлов берилган деворларга анграйиб қараркан, “бу аёлнинг эри шаҳардаги йирик тадбиркорлардан ёки ката амалдорларидан бўлгану шундай ҳашаматли уйни мерос

қолдирган” деб ўйлади (бундай хаёлга Лобарнинг азадорлар киядиган кўк кўйлаги ҳам сабабчи эди).

Ҳовли турли мевали дарахтлардан иборат боғ бўлиб, ўрик тагида нақшинкор катта чорпоя турарди. Лобар меҳмонни ойнаванд хонага бошлаган эди, у чорпоя устидаги овқат масаллиқларини кўриб, деди:

– Сизни ишдан қолдирмайманми, опа?

– Йўқ, хижолат бўлманг.

Келинчак барибир тўхтади.

– У ёқда ўтира қолайлик. Айтадиган гапим кўп.

– Ичкарида бафуржа гаплашамиз. Ҳозир қўшни қизни чақирсам, ошга ёрдамлашади.

– Опажон, уйингизда биздан бошқа ҳеч ким бўлмаса, чақирманг, ўзим ёрдамлашаман. Меҳмон деманг, келин ўрнида кўринг.

Лобар ноилож уни чорпояга эргаштириб келди. Кунлар исигач, кундузлари шу ерда ўтириш Лобарга ёқарди. Гилам устига кўрпача тўшаб, ошга сабзи-пиёз тўғрамоқчи бўлганида, дарвоза қўнғироғи чалиниб, иши чала қолганди.

– Сизни танимадим, – деди Лобар.

– Мен шу ерликман, дарё томонда яшайман. Опа, сиз ҳақингизда мишмиш эшитиб, не-не умидларда келаяпман. Илтимос, ёрдам беринг.

Лобар сергак тортди. У қанчалар қийналганини ҳеч ким билмайди, эшитганлар ишонмайди. Шунча гам-аламли кунлардан сўнг тинч ва хотиржам яшашни истаган аёлга ўтмишини писанда қилсалар, чидаб ўтиролармикан? Мишмиш эмиш. Она шаҳрида энг катта душмани мишмиш, гийбат, қўлини бигиз қилиб кўрсатаётган одамлар эмасми? “Бу келинчак мендан нима истайди? – ўйлади Лобар. – Ё асабимни бузадиган хирапашчаларданми?.. Кўриниши бинойидек...”

Келинчак ҳазин жилмайиб:

– Ёрдам берасизми, опа? – деб сўради.

– Қанақа мишмиш эшитдингизки, айнан мендан ёрдам сўрашга мажбур қилган?

- Бирдан айтолмайман.
- Менга қаранг, пул керакми сизга?
- Йўқ.

– Ишингиз суд-пудга тушган бўлса, таниш топиб берайми?

- Йўқ.

Келинчак Лобарнинг жаҳлини чиқариб қўйишдан чўчиб, мутелик билан термилди.

– Опа, мenden хафа бўлманг. Сизга тўғридан-тўғри айтолмайман. Бироқ бошимга тушган савдолардан хабардор бўлсангиз, албатта, ёрдам берасиз. Бу сизнинг қўлингиздан келади, сиз учун ҳеч гап эмас.

- Қўнглим ёмон нарсани сезаяпти. Айтмоқчисизки...

– Илтимоc, аввал дардимни эшитинг. Рад этиб, икки дунёмни куйдирманг, – келинчак Лобар томон сурилиб, қўлларига ёпишди. – Бу сиз учун хасни бир четга олиб қўйишдек гап. Йўқ, деманг. Аввал дардимни эшитинг...

У тўсатдан йиғлаб юборди. Бундай бўлишини кутмаган Лобар донг қотди. Кейин эса анча вақтдан бери биров билан дардлашмаганини эслаб, “кел, шу инсоннинг ҳам дардини эшитсам эшита қолай” деб, рўйхушлик берди, бояқишни юпата бошлади.

– Кечиринг, опажон, ўзимни тутолмадим, кечиринг... – деди келинчак кўз ёшларини артиб. – Мен ҳаётимда ҳеч бунақа аянчли аҳволга тушмаганман, бунақа бўлади деб ўйламаганман ҳам.

– Хўп, синглим, дардингизни эшитишга розиман. Қани энди йиғламасдан рўй-рост сўзланг. Бироқ зинҳор-базинҳор қимордан гап очманг. Қимор дейишингиз билан сизни кўчага қувиб чиқараман.

Келинчак кўзларини пирпиратди. Антиқа гап эшитган мисоли ҳайрон қараб қолди.

- Опа, қимор деб қартани назарда тутаяпсизми?
- Ҳа, қарта орқали ўйналадиган қиморни.

– Эшитганман, эрингиз сизни Москвада қиморга тикиб юборган...

Лобар оғринса-да, билдирмади. Қаршисидаги келинчакнинг ўйламай-нетмай шартта юзига гапириши қизиқиш уйғотди. Ҳа, унда одамни ўзига тортадиган, яқин тутишга ундайдиган очиқлик, самимийлик, дангаллик бор эди.

— Исмиңгиз нима? — сўради Лобар.

— Фароғат.

— Қариндош-уруғларингиз борми?

— Бор. Нега уларга эмас, менга келдингиз, демоқчимисиз? Бошимга тушган савдони фақат сиз ҳал қилиб беришингиз мумкин.

Лобарнинг миясида “мафия!” деган сўз чақмоқдек чақиди да, шошиб, деди:

— Мабодо сиз ёки куёвингиз бирон жиний гуруҳ домига тушиб қолмадингизми? Унда огоҳлантириб қўяй мен ҳаммасидан кетганман. Ҳозирда ҳаётимни тинч йўлга тикладим. Яна қайтиб хато қилишни ҳеч қачон истамайман. Сизнинг масалангиз билан шуғулланадиган тегишли органлар бор. Мурожаат этинг, албатта, ҳимоя қилишади. Балки сизни атайин юборишгандир?

— Йўқ, Лобар опа, мени ҳеч ким юбормаган. Биламан сиз билан тил топишиш осон эмас. Шунинг учун аввал дардимни тингланг, деяпман. Бирдан мақсадга кўчсам юзимгаям қарамайсиз.

— Ўрнимда бошқа одам бўлганида, сизни уйга киритмасди ҳам, — деди Лобар. — Озмунча қийналдимми?! Жазойимни олиб, эндигина қутулдим деганимда бир нотаниш келинча келиб, фақат сиз ёрдам бероласиз, деб шубҳалар гирдобига таъшлаб ўтирса, қандай бўлади, ўйлаб кўринг? Бир вақтлар сизга ўхшаган келинчак келиб (исми Озода эди худ раҳматлининг) “эрим мени қиморга тикди, опажон, ёрдам беринг, менга қарта сирларини ўргатинг, аблаҳларни ютиб қасосимни олай”, деганди. Нима бўлдию унга ўргатдим. Эри билан бирга бориб, ростдан қиморбозларни ютган. Бироқ оқибати нима билан яқунланганини эшитинг. Озода ҳаддидан ошиб кетди, “ўзимни қутқарсам бас, кейин



қарта ұйнамайман” деб қасам ичган одам мўмай пулнинг ҳидини сезиб қиморбозга айлиниб қолди. Панжикент, Қонибодом, Ўш қиморхоналарида катта ютуқларни қўлга киритди. Кейин эса Қозоғистондаги ўйинда россиялик қиморбозларнинг энг даҳшатлиси, енгилмас жодугар Анна Сергеевнага дуч келди. Ким бўлишингиздан қатъи назар, шуни билиб қўйинг: Анна Сергеевна менинг устозим. Буни ҳеч кимдан яширмаганман. Ундай нафратланиб яшаганимни, ўлимига ҳам ўзим сабабчи бўлганимни бемалол айта оламан. Биласизми, Анна Сергеевна қариган сари ашаддий қартабозга айлана бошлади. Авваллари қиморхоналардан ҳазар қилган аёл аллақандай жинойий гуруҳ баҳонасида қарта ўйнаб, одам ўлдиришга киришиб кетди. Озодани ҳам улар ўлдирдилар. Сўнгги чақасигача ютиб олгач, ютқазган қартабознинг ўзини юқори баҳода нархлашади. Восвосга учган қартабоз яна ўйинга тушади. Қандай қилиб ўз ҳаётини ёки яқинларини ютқазиб қўйганини билмай қолади... Озоданинг мурдасини кўрган тошюрак инсон ҳам йиғлаб юборарди.—Жинойий гуруҳ йигитлари чангалига ташланган бечора келинчакни... Айтишга одамнинг тили бормади. Балки Озодани қасам ургандир, деб ҳам ўйлайман. Кўрдингизми, мен ҳам бу фожиада қанчалар айборман.

— Анна Сергеевна қандай ўлди? — қизиқиб кетган Фароғат Лобарнинг кўзларига боқди. — Наҳотки, уни сиз...

— Уни ўз қўлим билан ўлдирган эмасман. Лекин менсиз ҳали-вери ўлмасди. Айтдим-ку, қариган сайин қутура бошлади деб. Осиёда ҳам, Европада ҳам Анна Сергеевнани тўхтатиб қоладиган куч йўқ эди. Мени ҳам Озода каби хор қилиб ўлдиришга жон-жаҳди билан киришди. Халқаро қимор ўйинларининг бирида биз сўнгги бор тўқнаш келдик. Уни енгдим ва нафақат қимор, балки ҳаёт саҳнасида ҳам супуриб ташланди.

— Самолёт ҳалокатида ўлдимми?

— Самолёт ҳақида ҳам эшитган экансиз-да?

— Ҳа, эшитдим. Туркиядами, Арабистондами, самолёт қулаб тушибди. Фақат сиз тирик қолибсиз. Ўйладимки, Анна Сергеевна ҳам ўша ерда ўлган.

— Жодугар самолёт ҳалокатидан бир неча ой муқаддам қиморхоналарнинг бирида отиб ташланган.

Фароғат бурнини тортиб, сўнгги кўз ёшини ҳам рўмолчаси-ла артди. Чуқур тин олиб, Лобарнинг қошида бош эгиб ўтирди.

— Бир бошидан гапирмоқчиман, — деди у. — Келинг, ишингиз ҳам қолмасин, сабзи арчишай. Биласиз-ку, аёлларнинг қўли ишда, оғзи гапда бўлади.

— Майли, хулоса чиқарган бўлсангиз, дардингизни айтинг, сизни тушунишга ҳаракат қиламан, — деб Лобар иккинчи пичоқни олди.

Улар ош масаллиқларини тайёрлашга киришдилар.

\* \* \*

— Эрим узоқ қариндошимизнинг кенжа ўғли, — ҳикоясини бошлади Фароғат. — Бизлар асли битта туманданмиз. Оталаримиз ўттиз йиллар аввал шаҳарга кўчиб келишган. Фарзандлар туғилиб, ташвишлари кўпайган. Едириш-ичириш, кийинтириш керак, ўқитиш керак. Дадамнинг касби ҳисобчи. Мақтаниш эмас-ку-я, дадам жудаям меҳнаткаш инсон. У киши бизни ҳеч нарсадан кам қилмай, ҳеч кимдан паст қилмай вояга етказдилар. Биз — опасингиллар дадамнинг сочидаги ҳар бир оқ толасининг қадрига етамиз.

Дадамнинг ҳам қариндоши, ҳам ўртоғи бўлмиш қайнотам эса унчалик жон куйдирувчи эмаслар. Кўп йиллар қайсидир корхонада ишлаб, охирида бир ўғирликда айбланиб, корхонадан бўшатишган. Шундан кейин “энг тинчи — боғбонлик” деб шаҳар четидаги қўриқхона идорасига боғбон бўлиб ишга ўтганлар. Боғбондан ҳам кўра қоровул десак тўғрироқ бўлади (ахир, кўп вақтини дарахт соясида ўтказадиган одамни бошқа нимаям дейиш мумкин?)

Бу икки одамнинг ғалати феъл-атворлари ҳақида эшитсангиз ёқа ушлайсиз. Даставвал, дадамдан бошласам. Дадам зикна эмаслар, лекин пулни тийинлаб ййғадиган жуда пухта киши. Ҳисобчиликдан ташқари бошқа томонлардан ҳам пул ишлардилар. Масалан, аям болаларбоп кийимчалар тикса (бунақасини фабрикалар ишлаб чиқармайди), дадам якшанба кунлари бозорга элтиб, сотарди. Ҳовли олганимиздан сўнг бир парча ерга пиёз, редиска экиб, уни ҳам бозорга чиқарадиган бўлдилар. Ҳовли тўридаги эски омборхона ва товукхонани бузиб, новвосхона қурдирдилар. Қаерда пўчоқ ёки овқат ювиндиси бўлса олиб келардик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, дадам момоларининг урф-одатларини қилиб, урчуқ ҳам йигира бошлади. Аммо қўли-қўлига тегмай меҳнат қиладиган инсоннинг камчилиги ҳам бўларкан, албатта. Бу шундай камчилик эдики, бориб-бориб мени ҳалокат ёқасига суриб келди...

Қайнотамнинг исми Масъуд ака. Қачон қараманг, у киши ёстиққа ёнбошлаб чой ичаётган ё дўпписини кўзига тушириб, мизғиётган бўлади. Буйруқ беришни, юмушларини бировга бажартиришни, ғалати тартиблар жорий-қилишни шўнчалар яхши кўрадики, одам деган сал бошқаларга ўхшаса деб орзу қиласан киши.

Олти нафар ўғли бор. Олтови ҳам битта ҳовлида, ота уйида яшайди. Келин бўлиб тушимдан бурун уларнинг яшаш тарзлари ҳақида кўп эшитганман. Дадам ёки аям тез-тез Масъуд ака хонадони ҳақида гапириб қолишарди. Бешинчи келин тушганида аям шундай деганди: “Ё тавба, кичик ўғилларини уйлантиришга шошилгунча, катталарини уйли-жойли қилса бўлмайдами?! Битта ҳовлида бешта келин! Масъуд акадай одам дунёда бошқа топилмайди, ахир, бешта келинни бошига тўплаб ўтиришни қайси қайнота ўзига эп кўради?!”

Ўшанда аям хаёлига келтирмагандики, олтинчи келин ҳам келади ва ўша келин мен бўламан. Орадан икки-уч йил ўтиб, Масъуд ака кенжа ўғлини уйлантириш ташвишига тушиб қолганида биз йиғлашни ҳам, кулишни ҳам

билмасдик. Боиси, у киши бизникига келиб, дадамнинг розилигини олиб, мени келин қилишга киришган эди. Бир хонадонда яшайдиган беш келин устига олтинчиси! Бунинг устига Масъуд ака ва хотини ҳам шу ерда яшайди. Хоналар тор, кириш эшиклари бир-бирига яқин, деворлар юпқа. Йўталсангиз, қўшни хонадагиларга бемалол эшитилади.

Нега турмушга чиқдингиз, деб сўрасангиз, мен сизга айтмоқчи бўлган дардимнинг дебочасига йўл очилади. Бироқ куёвга узатилиш сиримни ўзим ҳам кейинроқ билганим сабаб, сизга ҳикоям ўртасида айтаман.

Хуллас, Масъуд ака дадамни кўндирди. Кечагина ўртоғини танқид қилиб ўтирган одам бирдан ўзгарди-қўйди ва оғзидан мақтов тушмай қолди. Бўлажак қайнотам ақлли эмиш, шунча келиннинг тинч-тотув яшашини назоратига олганмиш, биронта фарзанди ишёқмас, кўчабезори эмасмиш. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси мўмин-қобил.

Учрашувга чиққанимда бўлгуси турмуш ўртоғим — Жалолбек акани кўриб ишонч ҳосил қилдим. Дадам айтгандики, “куёв йигит кенжатой, бундан чиқди, акалари уй олиб, секин-аста кўчиб кетадилар, кенг ҳовлида ўзларинг қоласанлар. Ўғиллари ичида энг яхшиси ўша кенжаси...”

Ёшликнинг энг қийин даври, бу — бир умрлик турмуш ўртоғни танлаш, деб ўйлайман, Лобар опа. Биргина хато билан инсон умрбод афсус чекиб яшаши мумкин. Жалолбек акани мен танламадим, дадам қўярда-қўймай розилигимни олди, аммо хато қилмагандек туюлди. Ахир, рўпарамдаги йигит келишган, истараси иссиқ, хушмуомала эди-да. Тўғриси, эрим шунақа бўлишини орзу қилардим.

Гаплашдик, бир-биримизга маъқул тушдик, фотиҳа тўйимиз кузда, никоҳ тўйимиз шу йил февралда бўлди. Ҳақиқатан, уйлари тор эди. Келин-куёв мундоқ очилиб-яйраб юролмайди ҳам. Ношукр эмасман, кўникдим.

Оиламиз ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишингиз учун, аввало, қайнотамнинг ғалати одатларини айтиб ўтаман. У киши ошхона ёнидаги ҳужрада қайнонам билан ётиб-турадилар. Ўттизга яқин одам ҳар куни уч маҳал

овқатланадиган каттакон ошхонага тез-тез борганим сабаб ҳужра ёнидан кўп ўтардим. Эшиги очиқ бўлса-да, ўтаётиб ҳечам нигоҳ ташламасдим. Бу одобга ҳам тўғри келмайди, дерсиз. Тўғри, лекин одам беихтиёр нигоҳ ташлаб қўйиши мумкин-ку.

Ва бир куни шундай бўлди. Келин уй – болохонадан тушиб, ошхона томон юрдим. Ҳужра эшиги очиқ эди. Ташқарида уч жуфт калишни кўриб, қайнотамнинг ҳузурида кимлардир борлигини англадим. Қайнотамдан нафақат келинлар, ҳатто, мушугу итгача зириллаб қўрқилишининг сабабини ҳали тушуниб етмагандим. Нима бўлдию эшик ёнига етганимда, ҳужрага кўз ташладим. Кўз ташладиму “вой” деб қичқириб юборишдан ўзимни зўрға тийиб қолдим.

Фароғат тўхтаб, Лобарга қўрқа-писа тикилди. Пичоқ ушлаган қўли қалтираётганини кўрган мезбон “бу келинчак қимордан сўз очмоқчи” деб ташхис қўйди... Ва янглишмади.

– Лобар опа, – деди Фароғат ялинчоқ овозда, – мени кўчага қувманг... Дардимни охиригача эшитинг...

Лобар сабзи тахтани нари суриб, қўлини артди. Келинчак ҳам пичоғини оҳиста қўйиб, мўлтираб қаради.

– Мени тушунинг, опажон... – деди у.

Лобар юзини ўгириб, қаттиқ тишланди. Аччиқроқ нимадир демоқчи бўлдию ўзини босди.

– Бусиз мумкин эмас... – зорланди келинчак.

– Нимасиз мумкин эмас? – Лобар сал бўлмаса меҳмонни силтаб ташлаёзди. – Очиқроқ айтаверинг, нимасиз мумкин эмас?! Қимор ҳақида гапирмоқчисиз, тўғримми? Боядан бери гапни айлантириб, қандай қилиб қиморга боғласам экан, деб бош қотираяпсиз!

– Ундай деманг, опажон. Мен атайин гапни қиморга тақамоқчи эмасман. Қайнотамнинг галати қилиқларини қартасиз қандай сўзлаб бераман?! Илтимос...

– Хўп, қартани шунчаки тилга олиб ўтмоқчисиз, сизни тушунибманми?

Келинчак кўз ёшини артиб, Лобарга алам билан боқди. Тилидан:

– Йўқ... йўқ... тушунмаяпсиз, опагон... – деган сўзлар учди.

Лобар раҳми келганидан “начора” деб бош чайқади. Ичида: “Қанийди, ўрнингда бошқа киши бўлганида, кўчага қувиб солардим, афсуски, сен бечорагина келинчаксан”, деди. Фароғат шошиб ҳамда янада мазлум қиёфада ҳикоясини давом эттирди:

– Қайнотамнинг ҳужрасида хонтахта бор эди ва улар (қайнотам билан икки меҳмон) қарта ўйнаётгандилар. Билмадим, бу манзара бошқаларга қандай таъсир қилади, лекин мен қачонки қарта ўйнаётганларни кўрсам, қўрқа бошлайман. Қарта ўйинини четдан кузатинг, опагон. Бегона кўз билан, хокисор, ҳуркак, пок нигоҳ билан!.. Ахир, ёмон-ку бу! Қарта ўйнаётган эркаклар – жиноят оламининг рамзи. Балки бошқалар учун бундай туюлмас, лекин менга улар фақат ўғри-каззоб бўлиб кўринадилар. Шу боис ҳам “вой” деб юборишдан ўзимни базўр сақлаб, ошхона томон ўтиб кетдим.

Ошхонага нега келганимни эслолмайман. “Болохонадан нега тушдим, эшиги очиқ ҳужрага кўз ташлашга нима мажбур қилди, шуми менинг қайнотам – эримнинг отаси?!” деган саволлар ич-этимни кемира бошлади.

Ошхонадан қайтиб чиққанимда, ҳужра эшиги ёпиқ эди. Эркакларнинг кулгисини эшитиб, изза бўлдим. Гуё улар менинг чўчиб тушганимни айтиб кулишарди. Кейин уйга чопдим. Эрим ялт этиб қаради.

“У киши... улар хоналарида қарта ўйнаётдилар”. – дедим йиғламсираб.

Жалолбек акам кулиб, мени юпатган бўлдилар. Кейин тушунтирди. Айтишича, қайнотам ўз ўртоқлари билан (ҳаммаси олтмиш ёшлар атрофида) ҳар замонда қарта ўйнаб турарканлар. Ўйин қизиши учун арзимган пулга ўйнарканлар. Омади умуман чопмаган одам бундай ўйинда нари борса бир кило гўштнинг пулини ютқазаркан, холос.

Дабдурустдан дадам ёдимга тушди. Эримдан сўраганим, қарта ўйнаганини ҳеч кўрмаганман, эшитмаганман, деди. Бироқ эримнинг ўзини тутиши, гап оҳанги менга ўта шубҳали

туюлди. Хонадон сирини барибир ечаман, деб қўнглимга тугиб қўйдим. Овсинларимдан секин суриштиришга киришдим. Билсам, қайнотамнинг беш ўғли ҳам қарта ўйнаркан. Бешаласига ҳам қайнотамнинг ўзи қарта ўргатган бўлиб, фақат менинг эримгина ўйнолмас экан.

“Мана, кенжатой уйланди, — дейишди овсинларим, — отамиз энди, албатта, унга қарта ўргатадилар”.

“Нега ўргатарканлар?! Ота ҳам ўз ўғлини қимор йўлига бошлайдими?” — жиғибийрон бўлдим мен.

“Қўйсангиз-чи, овсинжон, — кулишди улар, — салга ваҳима қилаверасизми? Эрларимиз мактаб ўқувчиси бўлганларидаёқ отамиз қарта ўргатганлар. Оилада қиз йўқ. Олти ўғли билан қартабоз ота нимани эрмак қилади? Қартани-да, ахир. Бу билан улар қартабоз бўлиб қолишгани йўқ. Ўзи топишларининг мазаси йўқ, бунинг устига қарта ўйнаб бор-будларини ютқазиб келса, қўямизми?!”

“Қарта ўйнамайдиган эркак борми? — деди овсинларимнинг ичида биринчи кунданоқ менга ёқмаган заҳил юзлиси. — Эркакмисан, от минишни, қарта ўйнашни, кураш тушишни, пул топишни бил, деганлар. — Кечирасизу, кичик қайним яқин-яқинларгача қайнонамсиз кўчага чиқолмас эканлар. Мана, бошқалардан сўранг, ишонмасангиз. Шунинг учун қайнотам “Жалолбек уйланса, пул керак бўлади, пул топиш учун, аввало, қартани билиши керак”, деганлар...”

Ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай қолдим. Ишонай десам, ота ҳам шунчаликка борадими?! Ишонмай десам, Масъуд аканинг антиқа феъл-атворларидан хабарим бор, қарта ўйнаётганини ўз кўзим билан кўрдим.

“Эртага байрам, — деди катта овсиним, — буларга ишонмадингиз чоғи, ўзингиз гувоҳ бўласиз”.

Жалолбек акам дадаси ҳақида очиқроқ гапиришга кўрқардилар. Кейин билсам, қайнотамнинг қонунларига кўра, кимда-ким хотинига ўз уйи, ота-онаси, қариндош-уруғларидан нолиса, яланғоч орқасига қайиш билан саваланар экан. Ака-укалар жазога маҳкум қондошларини ушлаб турадилар. Ҳайрон қоласиз, Лобар опа, хонадонимизда

қайнотам ўз ўғилларига отадай эмас, худди тўдабошидай муомала қилади. Ота-бола муштлашиб ёки сўкишиб кетишига бир баҳя қолганига кейинги кунларда кўп шоҳид бўлдим.

8 март келди. Қуёш чиқмасдан ҳовлининг у ер-бу ерини тозалаб қўяй, деб ўрнимдан турдим ва ёнимда Жалолбек акамнинг йўқлигини кўриб, тушунолмадим. Бунчалик эрта уйғонмасдилар. Кийиниб, эшикка қўл чўздим у қотиб қолдим. Ташқаридан супургининг бир маромда ширтиллаши эшитила бошлади. Қулоғимни динг қилдим. Адашмаётган эдим: ростдан кимдир ҳовли супураяпти. Олти ойгача ҳовлини фақат янги келинчак супуради, деб келишиб олгандик. Аниқроғи, қайнотам бу тўғрида ўзларининг қарорларини эълон қилгандилар.

Эшикни очиб, зинапоя супасига қадам қўйдиму даҳшатдан кўзларим қинидан чиқиб кетаёзди. Ҳовлини супураётган киши Жалолбек акам эдилар. Қайнотамнинг ҳужрасида чироқ ёниқ. Уят ва номусдан ўзимни қўярга жой тополмай, зинадан югуриб тушдим. Югуриб тушаётиб нималарни ўйламадим дейсиз... Эримнинг қаршисида пайдо бўлган чоғимда, ҳужра эшиги очилиб, қайнотам кўринди. “Супургини беринг, нималар қилаяпсиз?!” деб эримнинг қўлига чанг солдим.

“Келин, — деди қайнотам қовоғини солиб, — биринчидан, бировнинг қўлидаги супургини олмайдилар, — бу, бало-қазони олдинг, дегани. Иккинчидан, бугун ҳовлини Жалолбек супуради, бу — 8 март, дегани”.

Чой тайёр бўлгунча тўйиб ухлашим учун қайнотам мени хоҳамга жўнатди.

“Бу хонадонда, — деди у, — 8 март куни биронта аёл ишламайди. Қайси келин ҳар куни нима юмуш қилган бўлса, бугун унинг ишини эри бажаради.”

Шундай қилиб, Лобар опа, 8 март куни биз — овсинлар қўлимизни совуқ сувга урмадик. Қайноғаларимнинг бири сигир соққан, бошқаси куви пишган, яна бири қўшнилardan пўчоқ йиққан.



Кечқурун эрим “сенинг ишинг ҳамманикидан кўп экан”, деб нолидилар. Кулишдик. Байрам куни ҳақиқатан ажойиб ўтди.

— Овсинимнинг писандасини эсламасликка, кайфиятимни бузмасликка тиришдим. Бироқ у огоҳлантирган ҳодиса эртасига содир бўлди. Чойнак-пиёлаларни артаётиб, қайнотам билан учинчи овсиним ўртасидаги суҳбатни эшитиб қолдим.

“Ота, мен уйга бормоқчи эдим”, — деди овсиним.

Қайнотам индамади. Қарамасам-да, сездим: Масъуд ака норози ҳолда қош чимириб, бир нуқтага тикилган кўйи ёнбошлаб ётибди. Овсиним чала бўялган тирноқларини асабий ишқаламоқда. Ва албатта, гуноҳкорлардек бош эгган.

“Яқинда бориб келмадингизми, келин?” — сўради қайнотам босиқлик билан.

“Янги йилда боргандим”.

“Икки кундан кейинми?”

“Ҳа, иккинчи январь эди”.

Қайнотам томоқ қириб, ётган жойидан туриб, ўтирди.

“Менинг ҳам ҳисобим бор, кўрдингизми, келин, адашмабман... Хўш, икки ой бўлар-бўлмас яна бориш қандоқ бўларкан? Бу тўғрида ўйлаб кўрдингизми?”

“Онамнинг мазалари бўлмабди. Байрам баҳона ҳол сўраб келсам дегандим, ота”.

Қайнотам қудасининг аҳволини обдон сўраб, ҳарҳолда раҳмдиллик қилди. Ижозат олгани учун овсинимнинг хурсандлигини кўриб, ичимда нимадир узилгандек бўлди. Бу уйда байрамлар байрам эмас, уйга кетиш учун рухсат олиш байрам эканлигини англаган эдим.

“Тўхтанг, келин, — деди қайнотам, — кеча 8 март эди, қудағайимизга тузукроқ совға олиб бординг”.

“Хўп”.

“Қанча пулингиз бор?”

“Меними?.. Ҳалиги... етарли...”

“Ётадимми?” — қатъий қилиб сўради қайнотам.

Овсинимга ўгринча қарадим. У бечораҳол бир алфозда қўрқа-писа бош қимирлатди. Овсинимнинг бу аҳволию қайнотамнинг бирдан мардлиги тутиб кетиши мени ҳайратга солди.

“Етмайдиганга ўхшайди, — деди қайнотам. — Қиз деган ҳар замонда бориши керак. Лекин қудалар бизни қийналиб қопти, демасин. Олтита нон, қанд-қурс, икки-уч кило гушт, мева-чева...”

Қайнотамнинг гапларини эшитиб, ҳазиллашаяптими ё кесатаяптими, деб нигоҳ ташладим. Қараганимни кўриб, менга ҳам гап қотдилар:

“Сиз янги келинсиз. Биринчи боришингизми, юзинчи боришингизми, ота-онангизникига қуруқ қўл билан ҳеч қачон бормайсиз, тўғрими?”

“Гап бирон нарса оборишда эмас”, — дедим.

Қайнотам ичаётган чойига тиқилиб қолди. Сўнг қизариб, деди:

“Яхши... яхши... Жуда тўғри фикр”.

Овсиним кетишга изн сўради.

“Энди-и, — деди қайнотам чўзиб, — менда ортиқча пул йўқ эди, келин. Остонжон ўтган ҳафтадан бери бир ўртоғи билан бозорда картошка-пиёз сотаяпти, анча-мунча пули борга ўхшайди”.

“Менга кўп пул керак эмас, — куйинди овсиним. — Қуруқ бормайман, ул-бул оламан, ота”.

“Остонжоннинг қурумсоқ одатини яхши биламан, бермайдими бундоқ ўттиз-қирқ минг сўм!”

“Савдони эндигина бошладилар...”

“Уни чақириб, ўзингиз тайёргарлик кўраверинг. Ярим соатда сизга пул топиб бераман”.

Ҳаял ўтмай қайноғам етиб келди. Лаби-лунжини йиғиштиролмай илжаяр эди. Отасининг рўпарасига, кўрпачага ўтиргач, сўради:

“Ҳа, ота, чақирган экансиз?”

“Ҳаммасини биласан-а, сен писмиқ, — пўписа қилди қайнотам. — Қани бўл, қартангни опке!”

“Опкелдим”

“Пулингни-чи?”

“Пулимни ҳам”.

Улар ростакамига қарта ўйнай бошлашди. Ошхонада ортиқ туролмадим. Юмушларимни чала қолдириб, хонамга йўл олдим. Овсиним хурсанд. У ўгилчасининг юзини ювар, “бувингникига борамиз”, деб қувонар, қайнотамга қартада омад тилар эди.

“Янга, — дедим чидаёлмай, — акам билан отам ошхонада қарта ўйнаяптими, пулдан?”

“Меҳмонга боришимни эшитиб, дадаси атайин бозорга бормади, — овсиним қувониб сўзлади. — Чунки отамиз кимнинг хотини меҳмонга кетаётса, эрини чақиртириб, қартадан пул ютиб берадилар. Бир қисмини ўз чўнтагига уради, отамизга гап йўқ! Дадаси бу сафар югаман, деб хомтама бўлиб ўтирибди. Эҳ-ҳе, қайнотамни яхши билмайсиз-да! У киши пихини ёрган қартабозлар! Ҳозир дадасининг камида қирқ минг сўмини қоқиб берадилар...”

Юрагим орқага тортиб, бошим айланди, ўзимни лоҳас сездим. Шу куни қайнотам ростдан ҳам ўглини қимордан ютди. Ярим соат ичида овсиним ўйлаганчалик миқдордаги пулни қўлга киритмаган бўлса-да, ҳар қалай ўн-ўн беш минг олиб берди.

Лекин бунақа одатларни ҳеч кимга айтолмас эдим. Келин эри ва эрининг яқинларидан нолиса, кулса ё биронтасининг ҳурматини жойига қўймаса, ўлгани шу эди. Бир йил мобайнида ўша келин энг қора ишларни бажариб юарди. Масалан, пиёз арчиш, болаларнинг булганган кийимларини ювиш, қўшнилardan пўчоқ ва ювинди сўраш, ҳар куни ҳаммининг коса-товоғини ювиш. Балки бу ҳар бир келиннинг вазифаси бўлиб туюлар, аммо бошингизда бешта овсин томоша қилиб турса, қандай чидайсиз? Кўмак бермоқни истаганларнинг ўзлари жазога маҳкум инсоннинг ўрнига тушиб қолишлари мумкин. Кўрдингизми, Лобар опа, мен яшаётган хонадон ҳаёти сизгаям қизиқиш уйғотди. Гап фақат қиморда эмас, қиморни юзага чиқарувчи муҳитда!..

Шунча гапирганларимни ҳикоямнинг бошланиши деб тушунинг. Асосий айтадиганларимга энди гал келди. Шундай қилиб, ўшандан сўнг чехрамдан кулги йўқолди. Уй-хаёлим Жалолбек акамларда эди. Ишқилиб, қарта ўрганмасинлар, ҳеч қачон қимор ўйнамасинлар. Агар ўрганаётганини сезсам, қайнотамга нима дейишимни ҳам ўйлаб олдим. Уйимизда қайнотамнинг дегани-деган, аммо бизда ҳам мия бор, кўз бор, тил бор. Қайнотаман деб истаган ишини қилаверадими! Умуман, ота зоти шунақа иш қилиш керакми?!

Эҳ, агар қайнонамнинг ўрнида бошқа аёл бўлганидами?!

— Қизиқ одамлар бор, — деди Лобар келинчакнинг бир зум тин олганидан фойдаланиб. — Ҳаётнинг ўзи қизиқда, Фароғатхон. Лекин бир жиҳатга эътибор бердим. Қайнотангиз тартиб-интизомни жуда яхши кўрарканлар. Шунинг учун ҳам олти келинни битта ҳовлида уруш-жанжалсиз олиб ўтирибди. Бошқа хонадонларда иккита келин битта ҳовлида яшолмайди. На қайнотанинг, на қайнонанинг роли бор!

Фароғат мезбонни қизиқтиролгани учун гулдай яшнаб кетди. Қимордан сўз очишим билан Лобар опа мени кўчага қувиб солади, деб қўрққанди бояқиш.

— Опа, — деди у ўзгача меҳр билан; — тўғри айтасиз, шундай хонадонлар борки, қайнона битта келин билан ҳам яшолмайди. Қайнотам жорий қилган мустаҳкам қонун-қоидаларнинг кўпчилигига тан бераман. Аммо...

— Аммо мен ҳам қарта ўйнашни ҳеч вақт ҳазм қилмаган бўлардим, — деди Лобар.

— Қандай ҳазм қилиб бўлади, Лобар опа?! Қимор ўз номи билан қимор! У ҳеч кимга хурсандчилик келтирмаган. Қайнотам нега қартага эрмак сифатида қараяпти, бунгаям ҳайрон эдим. Ўзи қартага қизиқар, ўйинни яхши билмайдиган нўноқроқ қартабозни шилишдан ҳузур топар, аммо болаларининг тақдирини ўйлаши керак-ку! Эртага уларнинг қиморбоз бўлиб кетмаслигига ким кафолат беради? Ҳар бир ўғлининг қўлида доимо эллик-олтмиш

минг сўм бўлади. Қайнотам уларнинг пулсиз юришини истамайди. Бир марта эллик-олтмиш минг сўм бердим, бу миқдор умрбод-камаймаслиги шарт. Умрбод!

Уғил картошка олиб сотадими, юк ташувчилик қиладими, дўкандорнинг қўлида сотувчи бўлиб ишлайдими, қайнотамга фарқи йўқ. Маълум бир миқдордаги пул йўқолиб кетмаслиги керак. Жалолбек акамнинг айтишича, қайнотам шу йўл билан фарзандларини ўйлаб пул сарфлашга, қарзга ботмасликка; режа билан яшашга ўргатар эмиш.

Бироқ мени “тадбиркор” қайнотам ташвишга солиб қўйди. Эрта-индин у эримни қимор йўлига бошлаши аниқ эди. Ота-боланинг ҳар бир қадамини кузата бошладим. Ва кунларнинг бирида Жалолбек акам отасининг хужрасидан ҳеч чиқавермагач, тап тортмай эшикни тақиллатдим. Ҳовлида қуймаланиб юрган қайнонамнинг капалаги учиб:

“Ҳой, Фароғатжон, эшикни тақиллатманг, уят бўлади, — деб пилдираб келди. — Қайнотангизнинг феълини биласиз...”

“Жалолбек акамларда ишим-бор-эди”, — дедим янаям қаттиқроқ тақиллатиб.

Ичкаридан қайнотамнинг “Эй, астароқ!.. Қайсинг у?!” деган хитоби эшитилди.

Қайнонам қўлимдан тортиб, секингина олиб кетмоқчи эди, баланд овозда чақирдим:

“Жалолбек ака, шу ердамисиз?”

Қайнонам кўзларини олайтириб, шивирлади:

“Оббо, келин, нега тушунмайсиз, улар қарта ўйнаяпти. Халақит берманг...”

Қайнонамни илк марта силтаб юбордим-да, эшикни очдим. Ота-бола қўлларда қарта, менга ҳайрат ичра қараб қолдилар. Эримни қимор устида кўриб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

Қайнотам хонтахтани тап этказиб уриб, қаддини кўтарди.

“Бу нима бозор, Фароғат?!” — деди ғазабдан кўкариб.

“Нега қарта ўйнаяпсизлар?” — овозим қалтираб чиқди.

Эримнинг ҳам, отасининг ҳам лабида масхаромуз илжайиш пайдо бўлди. Гўё улар ҳеч қандай ноҳўя иш қилмагану ҳаммасига менинг ваҳимакашлигим айбдор эди. Қайнотам офиз очганди, аввалдан ўйлаб қўйган гапларим билан фош этиб ташладим. У гапларимни охиригача тинглади, эримни ҳам, қайнонамни ҳам гапиртирмади. Сўнгра қарталарни йиғиштириб, шундай деди:

“Бизнинг оилада қарта шахмат-шашканинг ўрнига эрмак сифатида ўйналади. Агар ўғилларимдан биронтаси қимор ўйлига юрса, терисини мана шу қўлларим билан шилиб оламан. Қирқ беш йилдан бери қарта ўйнайман, ҳамма иш сиз ўйлаганчалик бўлса, қани қиморбоз бўлиб кетганим?! Ё бирон марта уйимдаги гиламни, телевизорни қиморга тикканманми?! А?! Сўранг-чи булардан!”

Аламига чидаёлмай ўтирган эрим:

“Бошқаларникини ютгансиз, айтаверинг! — деди отасига. — Дада, кеча тушган келинингиздан гап эшитгунча, айтинг, нега яширасиз?!”

“Жим бўл!” — қайнотам ўрнидан туриб кетаёзди.

“Жим бўлмайман! — деди эрим мен ҳеч қачон кўрмаган газабнок қиёфада. — Ҳеч қайси келинингиз сизга тик қарамаган! Бу эса чилласи чиқар-чиқмас, битта қартани деб сизни сариқ чақага олмади. Айтинг, бунинг ўзи ҳам бизникига қарта орқасидан келган-ку! Ё ёлғонми? Айтинг!”

Кўз очиб кўрганим мен ҳақимда куракда турмайдиган гаплар айтмоқда эди. Қайнотам кўзлари ола-кула бўлиб, ўғлига таҳдид қила бошлади. Қайнонам эса рўмолини тишлаб, алланималар деб гудранарди.

“Нима деяпсиз, Жалолбек ака? — деб йиғлаб юбордим.

Эрим мен қартадан ютиб олинганимни такрор-такрор айтди. Қулоқларимга ишонгим келмасди.

Кечкурун қайнотам юпатди.

“Тўғри, сизни қартадан ютиб олганман, — деди у. — Лекин хафа бўлишга асос йўқ, деб ҳисоблайман. Ўғлим ёмон йигит эмас, оиламиз ҳам ёмон эмас. Фақат бу ерда нима ёмон? Дадаси қизини қиморга тикибди, ютқазибди,

деган гап. Сиз ишонинг келин, сир икки куда ўртасида қолиши керак эди. Қаёқдана Жалолга айтдим! Тагин воқиф бўлганингизни дадангиз эшитмасин, кўнгли оғрийди. Аслида сизни қимордан бой берилган деб ҳам бўлмайди. Фақат куда бўлишга розилик бериш-бермаслик менинг ихтиёримга ўтганди, холос”.

Шу билан у менинг қиморга бўлган муносабатимни ўзгартиришга уринди. Кунларнинг бирида Жалолбек акам бошқа ишга ўтганини маълум қилди. Бир неча кун қатнагач, мени ҳам таклиф этди.

“Сен тикувчиликни ўрганасан, — деди у. — Ажойиб устахона. Тикувчи опа ҳам таниш”.

Янги келинчакнинг кўчага чиққиси келади. Мен ҳам дарров рози бўла қолдим. Шундоқ ҳам “умумий ётоқхона”да юрагим сиқилиб кетганди.

Шундай қилиб, келин-куёв шаҳар марказига қатнай бошладик. Тикувчилик устахонаси ва эримнинг ишхонаси рўпарама-рўпара жойлашган эди. Дастлаб ҳеч қандай ёмонликни сезмадим. Мен чевар опанинг ёнида тикиш-бичиш сирларини ўрганаман, Жалолбек акам эса кўчанинг нариги томонидаги меҳмонхона тагида жойлашган ресторанда хизмат қиладилар. Ҳар куни тушликда бирга ўтирардик. Ўшанда ҳам ҳеч нарсани сезмаганман.

Биркунимазам қочиб қолди. Иш вақти тугашига икки соатлар бор эди. Опадан жавоб олиб, эримнинг ёнига шошилдим. Ресторан хизматчиларидан уни чақирворишларини илтимос қилдим. Кутилмаганда ходимлар елка қисиб, Жалол деган одамни танимасликларини айтишди. Шу пайт бошқа бир ходим етиб келди-да, официантларни койиб берди. Кейин менга мулойим жилмайиб: “Узр, бу йигитлар янги, ҳали Жалолбекни танймайди”, деди. Бироқ у ҳам эримни топиб беролмади. Озиқ-овқат масаласи бўйича чиқиб кетган эмиш. Алдашаётганини гоҳида дарров пайқайсан киши. Ходимнинг гапларига ишонмадим ва шубҳалар гирдобига тушиб қолдим. Икки кундан сўнг атайин ахтариб бордим, у яна иш жойида йўқ эди. Билардимки, эрим ресторанинг озиқ-овқат

ишлари билан шуғулланмайди. Юк ташувчи ҳам эмас. “Нега уни арзанда қилиб ёнларида олиб юришган экан?” — деб кўп ўйландим. Гумонларимни бировга айтмасимдан, эримнинг айнан нима иш билан шуғулланишини аниқламасимдан бурун барчаси тўсатдан рўй берди. Устахонага кириб келган басавлат эр-хотин мени имлаб чақиришди. Ҳаддан ошиқ бўянган, тилла тақинчоқларга кўмилган, айниқса, эркакларча нигоҳ ташлайдиган аёлларни кўрсам, ҳар доим таъбим тирриқ бўлади. Ёнидаги эркакнинг қарашида эса на меҳр бор, на маъно...

“Сани исминг Фароғатми?” — сўради аёл.

“Ҳа”, — дедим.

Аёл шеригига иршайиб, қош қоқди.

“Кўрдийми, ман вапше адашмийман”.

Эркак тўнғиллади:

“Бу ерда фақат мана шу ёш, қолганлари пачоқ товуқлару қандоқ адашасан?”

“Мендан нима истайсизлар?” — дедим хавотир билан.

“Жалолчикнинг олдига бир ўтасан биз билан, — аёл шундай деб ресторан томон имо қилди. — Эрчангиз салгина хато иш қипти, шуни сансиз тўғирлаёлмайди”.

“Ресторан хўжайинимисиз?” — ичимга кирган титроқни босолмай сўрадим.

“Э, худо олсин шу ресторанни! — шанғиллай кетди аёл. — Шуям ресторанми?! Ҳожатхонам ўрнида кўрмайман бунини! Билиб қўй, мани Москвада, Лондонда, Дубайда, Нью-Йоркда ресторанларим бор. Ким деб ўйлаяпсан?!”

Дағдағаларга устахона аёллари чидаёлмади.

“Ўв бойвучча, қани, қорангни ўчир, артелда сасима!” — деди устозим важоҳатли тусда:

Аммо олифта хотин бўш келмади. Агар мен ҳозир бормасам, эримга қийин бўлишини уқтирди. Телефонини чиқариб, Жалолбек акам билан ҳам гаплаштирди. “Нима гап?” десам, айтолмайди. “Келиб кет”, дейди, холос.

Ноилож, бордим. Ресторан орқали меҳмонхонанинг орқа ҳовлисига ўтдик. Иккинчи қаватга кўтарилдик. Хоналардан



бирида уч киши мени кутмоқда экан. Эримнинг боши ҳам. “Ўзинг тушунтир хотинингга”, — деди ҳалиги шаллақи хотин.

Эрим менга қаради-ю кўзлари пирпираб, гапиролмади.

“Нима бўлаяпти?! Тушунтирсангиз-чи, ахир?! — дедим Жалолбек акамга зорланиб. — Нега мени бунақа жойга чақиртирдингиз?”

“Фароғат, мен анча ютқаздим...”

“Ютқаздим? Бу нима дегани? Нимани ютқазасиз?”

“Қартадан ютқаздим... Буларга...”

“Қартадан?! Қартадан!.. Сиз ҳали қарта ўйнадингизми?!”

Довдираб қолганим бойвачча хотинга ёқмади. Эшикни қулфлашларини буюриб, оппоқ бармоқлари билан кўйлагимнинг бир четидан авайлаб ушлади.

“Тикувчиликни ўрганаёпман, деб юрибсанми? — деди у. — Эрчанг сани гаровга қўйиш учун алдаб артелга олиб келганини, агар ютқазса, биз сани ҳар қандай вақтда қўлга киритишимиз мумкинлигини тушингдаям кўрмаган бўлсанг керак?! Келинчақларнинг тушига фақат куёви киради, тўғри топдимми? Ҳали бошқа эркақларни билмайсан!..”

Эрим “Бас қилинг!” деб қичқирди. Ўрнидан сапчиб туришига ёнидаги эркақ йўл қўймади. Сатанг аёл биз — келин-куёвларнинг устидан ошкора мазах ва нафрат билан кулиб, деди:

“Жўжахўроз, ҳой жўжахўроз, энди чиранишдан фойда йўқ. Ўйнадингми? Ўйнадинг. Ютқаздингми? Ютқаздинг. Яна нима керак сен мишиқига?! Умрингда ҳеч “круг” кўрганмисан? “Деловой”лар билан қарта ташлашганмисан? Ё биз биринчиларингми?.. Унда қулоқ сол! Кекирдагингни чўзганингни ҳисобга олмайман, сани кечираман, лекин хотинчангни қолдириб кетасан. Так что... Ё пулни опкеласан, ё хотинчангдан воз кечасан! Қайсиниси маъқул, эркақ?”

“Майли, ўлдириглар мени!” — эрим бўғилиб хитоб қилди.

“Демак, келишолмадик... — деди аёл ва эркакларга мени кўрсатиб имо қилди. — Бошланглар. Шу ерда”.

Эркаклар мен томон бир қадам ташлаган эди, ўзимни эшикка урдим. Қиморбозлар бундай чаққонликни кутмаган чоғи, эшикка етиб бориб, калитни бурашга-да улгурдим, лекин кучли қўллар сочимга ёпишди, орқага тортди. Мувозанатни йўқотиб, эримнинг оёғи остига учиб тушдим. Додламоққа овозим йўқ эди. Эримни тентакларча қучиб олдим. У ҳам менга ёпишди. Иккимизни битта қўрқув, битта қалтироқ эгаллади... Лобар опа, ўшандаги аҳволимиз ҳақиқатан аянчли эди. Ростдан қўрқиб қолгандик!..”

“Пулни тўлайман! — жон ҳолатда гапира бошлади Жалолбек акам. — Қаердан бўлсаям топаман! Лекин хотинимни қўйворинглар! Илтимос, опажон, буларга айтинг...”

“Хотининг пул топиб келадими?”

Эрим деди:

“У тополмайди. Ўтинаман, икковимизни қўйворинглар. Қасам ичиб айтаман, албатта, пул топиб келаман. Агар қочиб кетсам, ўлдиришлар, розиман!”

Бойвачча хотин совуқ ишшайди, ўлдириш учун қурбондан сўраб ўтирмаслигини бир қанча вақт дўқ-пўписа билан уқтирди. Кейин ҳар биримизга қасам ичтириб, қўлидан кўп ёвузликлар келишини такрор-такрор айтиб, кетишга ижозат берди. Мендан бахтли ҳамда мендан бахтсиз аёл йўқ эди шу тобда.

Уйгача йиғлаб бордим. Эрим ота-онаси сезиб қолишидан чўчиди ва мени дарё томонга етаклади. Биз то ўзимизни босиб олгунимизча, икки соат дарахт тагида ўтирдик.

Маълум бўлишича, Жалолбек акам ресторанга иш сўраб борганда, хўжайинга ёқиб қолибди. Қартани яқинда ўргангани, қиморга ҳаваси борлиги, шу йўл билан бойлик орттириш мумкинлигига ишончи қўл келибди. Эримнинг сезишича, хўжайинга яқин кунларда шундай бир одам керак экан, яъни бор-будини қартага тикадиган даражада қизиқувчан, нўноқ қартабоз. Сатанг хотин

ресторан хўжайинидан анча вақтдан бери норози бўлиб, “қачон емларни даврага тортасан”, деб қисти-бастига олиб юрармиш. Дастлаб эримга анча-мунча имкон беришибди. Кейин эса...

Фароғат аламли онларни эслаб, унсиз йиғлади. Лобар дарҳол сўради:

– Айнан қанақа имкон беришибди улар Жалолбекка?

– Дастлабки кунлари сал-пал ютқазган, кейин бир оз ютган, охир-оқибат эса, ўзингизга маълум...

Лобар бошига тоғдай ташвиш тушган келинчакнинг кўз ёш артишига бир нафас қараб ўтиргач, янада жиддий оҳангда деди:

– Қимор оламининг тулкиларини билмайсиз-да, Фароғат. Ҳамма тулкиликлар қиморда. Қимор қинғирлик билан бошланиб, қинғирлик билан тугайди. Гапирмайман дейману барибир мажбур бўламан. Эрингиз казуистларга дуч келган.

– Кимга?

– Казуист-қиморбозларга! Улар ўзларини эмас, қиморга қўл урган кишини мутлақо айбдор деб ҳисоблаб, даҳшатли равишда шилиб-олишади. Шунақаларнинг биридан сўраганман: “Нима учун бечорани боз устига хонавайрон қилаяпсиз? Шунча ютқазгани ҳам етади-ку!” Казуист жавоб берган: “Бунга ким ўйнасин дебди?! Ахир, қимор ёмон эканлигини билади-ку! Бу ерда мен эмас, унинг ўзи юз фоиз айбдор. Хонавайрон қилганим учун Худо кечиради”. Кўрдингизми? Казуистлар Худодан ҳам қўрқмайди. “Бир кун келиб Худо бизни кечиради, қимор ўйнаб, зулм қилишимизга шарт-шароит яратган ўша жабрдийданинг ўзини жазолайди”, деб сафсата тўқишади.

– Биз кейин казуист деганларингиздан ҳам ёмон одамларга рўпара келдик, – деди келинчак.

– Қанақасига? – ҳайрон бўлди Лобар.

– Ўша куни қайнотам сезиб қолди. Иккимизни роса тергов қилди. Менга ҳам ўшқирди. “Эрмак учун ўйнаётганимизда сезиб қўйгандингиз, бу сафар сизни

ўртага тикиб ўйнабди, эс-ҳуши қаёқда эди?!” — деди. “Ўз отаси қарта ўргатса, мен нима қилоламан?” — деб йиғладим.

Ютқазилган пул уч миллион сўмдан зиёд эди. Уйдаги пуллар ярим миллионга зўрға етди. “Мен ҳеч кимдан қарз сўрамайман, — деди қайнотам. — Касал бўлиб қол, сўрайман! Ўлиб қол, жанозаю маъракаларинг учун сўрайман! Бироқ қимор ўйнаб, нонкўрлик қилдингми, пулни қаердан бўлсаям ўзинг топ. Сен ютқазган пулларни бировлардан қарз-ҳавола қилиб тўплайдиган аҳмоқ йўқ. Майли, келиб сўйиб кетсин... Зора, бошқа ўғилларимга сабоқ бўлади...”

Қайнотам шу қарорга келган эди. Жаҳл устида гапирди-қўйди, ул-бул сотиб, уч миллион тўплаб беради, деб ўйлаганларимиз хомхаёл бўлиб чиқди. Тўрт кун самарасиз ўтди. Қиморбозлар белгилаган муддатга икки кун қолгач, ўзимизни қўярга жой тополмай, чор атрофга зир югурдик. Ҳеч ким қарз бермади. Дадамга ҳам бордик. “Куёвингиз бир тижоратчининг уч миллионини йўқотиб қўйди, шу ҳафта ичида топиб бермаса, тижоратчи судлашиб ўтирмас экан...” дедим. Дадам ҳам юз ўгирди. “Отаси тирик, онаси тирик, товонини мен тўлайми?! Қариндошлари ўртада пул йиғсин, мен ҳам уч юз-тўрт юз минг қўшаман”, деди. Бироқ эртасига ҳам пул йиғилмади. Муддат тугашига бир кун қолган. Тоғалари келиб, милицияга берамиз ўшаларни, деб анча дағдаға қилишди. Ресторан ва меҳмонхоналарда қиморхона очиш у ёқда турсин, пул тикиб бильярд ўйнаш ҳам жиноят эмиш...

Ҳар ким ўзича ҳар нима деб шовқин солаётган кечки маҳал телефон жиринглаб қолди. Бирдан жимлик чўкди. Ҳамманинг нигоҳи телефонда.

“Жирингладими ҳозир?” — сўради қайнотам.

“Жиринглади... Аниқ жиринглади...” — дейишди бошқалар.

Қайнотам негадир девордаги соатга қаради. Шу он телефон қайта жиринглади ва қайнотамнинг ўзи гўшакни олди. Барчамиз кўзу қулоққа айланиб, у кишига диққатимизни жалб этдик.

“Ким? Танимадим?” — деди қайнотам.

Нариги гўшакдаги одам алланимани жон-жаҳди билан тушунтираётганди. Қайнотамнинг қошлари чимирилиб, пешанасидаги чизиқлар кўпайди.

“Японияданми?! — қайнотам тажанг ҳолда гўшакни Жалолбек акамга узатди. — Япониядан келдим, дейди. Синфдошинг эмиш...”

Эрим шошиб гўшакни олдию ўртоғи билан ҳол-аҳвол сўраша бошлади. Бир оз ўтгач, гап даромадга тақалди.

“Ойига уч минг доллардан ишлолдингми?” — эримнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Қайнотам “пул сўра” деб шивирлади. Эрим эрталаб боражагини айтдию, афтидан, балого қолди: ўртоғи шу кеч уйига таклиф қила бошлади.

“Хўп, хўп, бораман дедим-ку, албатта, бораман, — қувонди Жалолбек акам. — Қачон келаркинсан, деб йўлингга интизор эдим. Ҳозироқ қанот боғлаб учаман!”

Кўнғироқ шу тариқа ҳаммамизни суюнтириб юборди. Аёллар Аллоҳга шукрона айтишар, эркаклар “хорижда ишлаб келган одамга уч миллион сўм нима, икки ярим минг доллар-да” дейишарди.

Тоғалари Жалолбек акамнинг қайтишини кутмай, уйларига жўнадилар, фақат оила аҳли қолдик. Дақиқама-дақиқа кута бошладик. Қани, эрим кела қолса! Хаёл ҳар томонга олиб қочади. Тагин йўлда ўғриларга дуч келиб, ўртоғидан олган пулдан ҳам айрилиб, олти миллион бўйнимизга тушмаса гўрга эди, дейман ичимда.

Худонинг зорини қилдим, опажон. Ниҳоят, ярим кечаси дарвоза тақиллади. Болохона зинасидан чопиб тушгунимча, қайнотам эшикни очишга улгурибди (ухламай пойлаётган экан-да.) Уларга яқинлашишим билан қайнотамнинг сўкинишини эшитдим. Қарасам, Жалолбек акам чайқалиб турибди. Хўрлигим келди. Йиғлаб юбормаслик учун лабимни тишлаб, деворга суяниб қолдим. Ота маст ўғлини ёнимдан судраб ўтиб, зинапоядан чиқариб қўйди. Мен жонсиз соя каби уларнинг ортидан эргашдим. На ота, на ўғли менга сўз қотди. Эримнинг биргина “Хавотир олманглар деяпман-у”, дегани, сал бўлса-да, менга ҳам тааллуқли эди.

Қиморбозлар белгилаган кун — эрталаб эрим деди:

“Кийин, Фароғат, бир жойга борамиз”.

“Ҳеч қаерга бормайман, — меҳмонхонадаги одамларнинг турқини эсласам ҳам юрагимга қўрқув тушяпти. — Ўша ҳамтовоқларингизнинг башарасини кўрганимдан ўлганим афзал”.

“Сени ҳеч қачон уларга дучор қилмайман, — деди эрим. — Биз бошқа меҳмонхонага борамиз. Кеча Япониядан қайтган синфдошим ўзи билан бирга Токиодаги аллақайси фирма вакиллари ҳам келишганини айтди. Улар...”

“Чўпчак айтманг, Жалолбек ака. Токиодан келган нотаниш ишбилармонлар бизга қарз берадими?! Нима, ҳалиям мастлигингиз тарқамадими?!”

“Ҳамма гап шунда-да, Фароғат. Улар нафақат қарз, ҳатто, қайтиб сўрамаслик шарти билан пул ҳам беришади”.

“Жинни бўп қопсиз!..”

“Қулоқ сол, — деди эрим мени кучиб, — кеча ўртоғимдан пул сўрадим. У нега бунча пул керак бўлаётганини суриштирди. Аввалига алдадим, лекин у “фақат ростини айтсанг, ёрдам бераман”, деди. Шундан кейин қимордан ютқазганимни яшириб ўтирмадим. Дўстим ҳайратдан донг қотди ва тасодиф бўлса шунча бўлар-да, деб фаройиб бир гап айтди...”

Эримнинг гапига ҳамон ишонмай жаҳл аралаш “нима гап?” дегандим, у ҳам менга аччиқ қилди. Сафсатанинг фурсати эмаслигини, ўртоғи рост гапирганлигини, агар алдаса ўша пулни ўзи бериб туришини айтганлигини уқтирди. Тасодиф шу экан: ўртоғи аэропортда токиолик ишбилармонлар билан танишиб қолибди. Улар дунё бўйлаб кезиб, қиморбозларни аниқлар эмиш, айниқса, қимордан ютқазганларга турлича ёрдамлар кўрсатиб, ижтимоий тадқиқот ўтказишаркан. Қаерда қанақа қимор ўйинлари уюштирилади, қиморбозлар қандай одамлар, ютқазилган маблағ қанча... Масалан, дунё аҳолисининг неча кишидан бири қимор ўйнайди, қиморга тикилган пуллар киши бошига қанчадан тушади...

— Тўхтанг, тўхтанг, — деди Лобар. — Сиз ҳақиқатан мени қизиқтириб қўйдингиз. Японлар ҳақида қизиқ маълумотлар эшитаяман. Аммо аниқроқ айтсангиз, Токиодан келганлар ишбилармонлар эканми ё олимлар?

Фароғат истеҳзоли кулимсиради.

— Лобар опа, ҳозир билиб оласиз. Биз ўша куни меҳмонхонага жўнадик. Икки қаватли хусусий меҳмонхона олдида хорижий маркадаги бир неча машина турарди. Кўнглим ёмонликни сезгани боис қўйнимга лезвия яшириб олгандим. Худди бу ёруғ дунёни охири марта кўраётгандек кўчага, дарахтларга, булутли осмонга суқланиб боқдим...

Бизни аввал ҳеч кўрмаганим — ҳашамат ичидаги меҳмонхона тўрига бошлаб боришди. Қалин эроний гиламлар тўшалган йўлакда қадам саси эшитилмасди. Чиройли кичик чироқлар ганчкор деворларда сарғиш нур таратиб, юракка гулгула соларди. Шундай бир хонага олиб кирдиларки, қичқирсам ҳам кўчага эшитилмасди. Диванда икки киши ўтирарди. Иккови ҳам қисик кўз. Меҳмонхона хизматчиси чиқиб кетгач, бири оёққа қалқди. Тўладан келган баланд бўйли бу одамнинг юзида ёвузлик аломатлари сезилмас эди.

“Биз ўзбек тилини билмаймиз, — деди у. — Эримга яқинлашиб, — лекин рус тилида гаплаша оламиз. Мана, гаплашаймиз ҳам!..”

“Эй Лиён, — шериги уни тўхтатди. — Гапни қисқароқ қил. Ким эканлигимизни гапириб ўт-да, мақсадга кўч.”

Дароз киши давом этди:

“Биз Токиодан келганмиз. Сенинг қимор ўйнаганингни, қанча ютқазганингни, кимлар ютиб олганини — барчасини биламиз. Уртоғим айтди деб хомтама бўлма. У қўғирчоқ, холос. Аслини олганда, унинг ўзи ҳам ўлимга маҳкум!”

“Нега ўлимга маҳкум бўларкан?” — эрим саросимага тушиб, беихтиёр ютинди.

Шу пайт эшик очилиб, яна бир одам (юзидаги чандиқ ва кўзидаги ёвуз нур сескантириб юборди) кириб келди. Кириб келдию костюмининг этагига қўл суқиб, ялтироқ ханжар чиқарди.

“Энди у эмас, сенлар ўлимга маҳкумсанлар”, деди дароз кимса. Эр-хотин бир-биримизга қисиниб, бурчакка чекиндик. “Қиморбозлардан омон қолишимиз аниқ эди, булардан эса йўқ”, — ўйладим мен.

Кўрққанимдан қичқиришга куч тополмасдим. Олдиндан спорт билан шуғулланиб юрган уч эркакка нимжонгина йигит ва келинчакни сўйиб ташлаш нима бўпти, энди тамом, дердим ичимда.

“Нима учун? Нега?” — эрим уларга зорланди.

“Ўртоғинг Токиода қарта ўйнаб, қўлга тушди, — деди дароз. — Биз қиморни тақиқлаганмиз. Биласанми, киммиз? “Якудза” деб эшитганмисан?”

“Эшитганман... Газетада ўқиганман”.

“Нима фарқи бор қаердан билишингнинг?! Қисқаси, “Якудза” рухсатисиз, ўзларича аллакимсаларнинг фойдасига қарта ўйнайдиганларни ўлимга маҳкум этганмиз. Бу янги қарор бўлса-да, Осиёнинг ярими эшитиб улгурди. Марҳамат, кимда отникидай юрак бор, ё ким қўлимизга тушмасликка ишонади, ўйнайверсин”.

“Бу ер Япония эмас-ку”, — эрим кўзларини пирпиратди.

Кўзи қисик жинойтчилар кулишди. Кўзлари янада қисилиб, қорачиқлари кўринмай кетди.

“Ким айтди сенга “Якудза” ўз катагида ўралашиб қолган деб?! — дароз Жалолбек акамнинг елкасига куч билан қўл ташлади, мен эса ханжар олдида лезвиямнинг умуман керак бўлмаслигини ўйлаб, дир-дир титрай бошладим. — Қиморбоз осиеликми, европаликми, америкаликми, биз албатта, қидириб толамиз. Кўза кунда синади, деб бежиз айтишмаган. Ўйнаб юраверишади, Ер шарида сон-саноксиз қиморбозлар бор, Япония қаёқда-ю Алжиру Озарбайжону Польшаю Ҳиндистон қаёқда деб!..”

“Ўз дўстим мени сотди-я!” — деди эрим алам билан.

“Нега сені сотади?! — эътироз билдирди дароз. — Сен ўзингни ўзинг қиморга сотдинг. Қимор ўйнамаганингда сен билан зигирчайм ишимиз бўлмасди.”

“Демак, хотиним айбсиз экан-да!”



Жиноят олами вакиллари мен томон тикилдилар. Негадир яна кулишди.

“Агар у сенинг сўйишлишингни томоша қилишга мажбур этганимизни жазо деб ҳисобламаса, биз бу аёлга ҳеч қандай чора кўрмаган ҳисобланамиз”, — деди дароз Жалолбек акамга.

“Тўхтанг, нега унда сотқин синфдошимни ўлдирмадинглар?” — сўради эрим бояқиш.

“У “Якудза”ни тан олмасдан қимор ўйнайдиган бешта қиморбозни тутиб беришга ваъда берди. Шу боис Япониядаги ишларини ими-жимиди яқунлаб, ватанига қайтди. Бу ерда қартабоз топиш унга осон экан. Мана, сени ҳам осонгина топдик”.

“Шунақа шартларингиз ҳам борми?”

“Албатта-да! Битта қиморбозни сўйгандан кўра уни гаровга олиб, қолган бештасини сўйганимиз афзал эмасми?”

Эрим тутилиб қолди:

“Т-ту-шунмадим...”

“Нега тушунмайсан, галварс?! Сен бешта қиморбозни тутиб беришдан қўрқмасанг, марҳамат, уларнинг исм-фамилияси ва манзилларини айт. Сўнг қандай қилиб биз айтган жойга олиб келишни ўйла. Фақат бир нарсани билиб қўй. Сен ҳақингда бизга ўртоғинг маълумот бергани сенга қандай маълум бўлса, ўлимга маҳкум этиладиган бешта қиморбозга ҳам шунчалик маълум бўласан. Қолаверса, ҳар бир қиморбоз энг яқин одамнинг кўз ўнгида қатл этилади. Кейинчалик сени сотқинликда айблашиб, биздан бешбаттар ҳолда қийнаб ўлдиришларидан қўрқмайсанми? Ахир, қиморбоз ҳам одам. Ҳар қандай одамда эса бир оз гурур, бир оз қасоскорлик, бир оз ёвузлик бўлади”.

“Мен қанақасига гаровда бўламан?” — пешанасида тер томчилари кўринган эрим жонини жабборга бериб, қутулиш илинжида ўртанар, қанчалик ўртанса, шунчалик ишонмасди ҳам.

“Агар бешта қиморбоз топиб келаман, десанг, сени ўлдирмаймиз. Шундан сўнг икки йўлдан бирини

танлайсан. Ё биздан маълум миқдорда ёрдам пули олиб, қимордан бутунлай кетасан, ё бизнинг, яъни “Якудза” мафиясининг манфаатлари учунгина қарта ўйнайсан”.

“Мен қимордан бутунлай кетаман”, — деди эрим шошиб.

“Бешта қартабознинг исмини ва яшаш жойини айт”, — амр қилди дароз пинагини ҳам бузмасдан.

Эрим шу заҳотиёқ ресторан хўжайини, сатанг хотин ва унинг ҳамтовоқларини тилга олди.

“Бир ўқ билан икки қуённи урдинг, — деди дароз. — Омадинг бор экан, йигитча. Биз уларни таниймиз ва сенга ҳузуримизга бошлаб кел, деган мажбуриятни юкламаймиз. Ҳозироқ биздан қутуласан. Қани, бунинг пулини беринглар. У биратўла душманларидан ҳам қутулади”.

Ҳамон диванда ўтирган киши қўйнига қўл солди ва олдиндан тайёрлаб қўйилган чоғи, санамасдан пул узатди. Эрим талпинган эди, бош чайқади.

“Пул сенга эмас, хотинингга”.

Шунда дароз ханжарли кимсага буюрди:

“Суй!”

Диванда ўтирган киши сапчиб туриб, қўлимга пул тутқазди-да, пешанам ва иягимдан маҳкам қисиб, эримга қаратди. Дароз ва чандиқли киши бечора Жалолбек акамнинг қўлларини қайириб, гилам устига таппа босишди. Мен ҳам, у киши ҳам овозимиз борича қичқирдик.

Гум-гурс эшиклару деворлар энди бизга ҳеч ким ёрдам беролмаслигини уқтириб, жим томоша қиларди, холос. Даҳшатдан эсим оғиб қолаёзди...

Эрим ҳадеб типирчилаб, икки кишига куч бермагач, дароз “Аблаҳ! Ҳайвон!” деб бошига мушт билан қайта-қайта урди. Бўғриқиб, қизариб кетган эримнинг туси бирдан оқарди. Бурнидан қон келди. Менга тикилиб турган кўзларида бир зум маъно йўқолди.

Жиноятчи қулоғимга пичирлади:

“Эрингнинг қарта ўйнаш одатини била туриб, билмасликка олдинг, мана, оқибатини кўриб қўй. Шу кўйга тушганларингдан кўра, бошданоқ қўлларини ўзинг уриб синдирсанг бўлмасмиди?!”

Овозим битиб қолганди. Жиноятчилар эримнинг ўзига келишини кута бошлашди. Ҳаял ўтмай Жалолбек акам хириллади, йўталди, сўнг нега ваъдаларида турмаётганини сўради.

“Биз сўзимиз устидан чиқамиз, — деди дароз, — бу борада ўзингга қийин бўладими, деб ўйлаб қолдим”.

“Нега?.. Нима учун?.. Ваъдамни бузмайман!.. Қасам ичаман!” — йиғлаб-ёлворди эрим.

“Бунча қуёнюраксан, жаноб қартабоз?! — дароз эримнинг юзига енгил шапалоқ урди. — Сени ҳозирча ўлдирмаймиз, деб келишдик-ку, ахир. Аммо қуруқ ваъдага ишоналмаймиз, унинг учун бўйнингдан оққан қон билан онт ичирмоқчимиз. Розимисан? Сендан розимисан, деб сўраяпман! “Сўй” деганим калласини узиб ол, деганим эмас!”

Эримнинг тили калимага келмай қолгани учун (бу вақтда ўткир ханжар бўйнига ботган эди) дароз биқийнига тепди. Бемаъни овозда бўкирган эрим яна тепки еди.

“Онт ичасанми?” — деди дароз дарғазаб бўлиб.

“Ҳа... Ҳа... Ўлдирманглар...”

“Ҳеч қачон қарта ўйнамайман, “Якудза”нинг юзига оёқ босмайман, агар шу-сўзларимдан қайтсам, калламдан жудо бўлай, де!”

Эрим такрорлади. Чандиқ юзли кимса ханжарни қаттиқроқ ботирди, тирқираб чиққан қонни кўриб, ҳушимдан кетдим...

Кўзимни очсам ўша хонадаги диванда ётибман. Оёқ томонимда бўйнига сочиқ босган эрим мунғайиб ўтирибди. Кўзлари тўла ёш. Хонада бошқа ҳеч ким йўқ.

“Улар қани? Кетишдими?” — сўрадим қўрқа-писа. Жалолбек акам бош қимирлатди.

Қаддимни зўрга кўтариб, суяниб ўтирдим. Танимда қувват йўқ эди. Мафия одамлари қасамни қон билан тасдиқлатиб, чиқиб кетишибди.

Қўлимдаги юзталиқ долларни эримга узатдим. Санаб кўрди: икки минг етти юз доллар экан...

Фароғатнинг ҳикоясини диққат ила тинглаётган Лобар сўради:

– Пулни ўша сатангга бердингларми?

– Бердик, қутулдик, опажон.

– Эрингиз уларни “Якудза” мафиясининг қора рўйхатига тиркаб қўйган бўлса, қандай қилиб ёмон қолди?

– Нима учун сизни ахтариб келганим ҳикоямнинг шу – охири қисмида ойдинлашади, опажон, – деди Фароғат. – Ўтинчимни ерда қолдирмайсиз, деб умид қилиб келдим. Агар ёрдам бермасангиз, – тўсатдан келинчакнинг овози қалтираб чиқди, – мен ҳам, эрим ҳам ваҳшийларча ўлдириламиз.

– Сизга бошидан айтгандимки...

– Лобар опа, илтимос, бошқа ҳеч нарса деманг, ҳикоямни давом эттирай.

– Қанчалик маҳорат билан давом эттирманг, агар у менинг истакларимга зид бўлса, барибир сизга ёрдам бермайман, – деди Лобар қатъий оҳангда.

Келинчак шунда ҳам ҳикоясини берилиб сўзлай бошлади:

– Мудҳиш кундан сўнг биз қўрқув ичра яшай бошладик. Эрим бирон кун қўлига қарта ушласа, кўз ўнгимда ҳайвонларча ўлдирилиши муқаррар эди. Сатанг хотинни сўрадингиз, улар ҳақида мафия одамлари “вақтинча индамаймиз, қатллар орасида бир марта янги ой чиқиши керак” деган экан. Гарчи “Якудза” аъзолари одамхўрликни ўзлари амалга оширса-да, аммо қурбоннинг яқин кишиси “сотқин” эрим эканидан хабардор бўларди. Бу эса оиламизнинг тинчлигига мафиядан қолишмайдиган даражада таҳдид соларди. Дардимизни ҳеч кимга ёролмадик. Миқ этиб оғиз очсак, мафия устимиздан ўлим ҳукмини ўқишлари тайин эди. Жалолбек акам бир неча ҳафтадан сўнг ярим кечаси яна маст ҳолда келди. Кўзи кўкарган, ёқаларига қон сачраган. У бир амаллаб уйга кириб олгач, менга қараб ғалати тиржайди.

“Ҳаммаси ёлғон экан”, – деди дона-дона гапиришга уриниб.

“Нима ёлғон экан?” – тушунмадим мен.

“Мафия!.. “Якудза”... Энди тушунгандирсан?”

Кўриб турардимки, эримни шайтон йўлдан урган эди. У бизга пул берган кишиларни дадаси ёллаганини, ўзларини мафия одамлари қилиб кўрсатган кишиларнинг вазифалари қиморбоз йигитни тавбасига таянтириш эканлигини айтиб, хонтахтани муштлади.

“Улар ҳақиқий ёвуз одамлар эди, кўзингизни очинг, ўз бошингизни ўзингиз еманг!” — деб зорландим.

“Қанақа ёвуз одамлар?! — бақирди эрим. — Қанақа мафия?! Қанақа “Якудза”?.. Ҳозир синфдошим билан муштлашиб келаяпман. Мени японларга сотдингми, деб оғзи-бурнини қон қилдим. Шунда у ҳаммасини дадам уюштирганини айтди. Наҳотки, шунга ақлим етмади мен гўрсўхтанинг?! Минг лаънат!.. Ахир, “Якудза” Ўрта Осиёда ..ейдими?! Энди ким деган одам бўлдим? Ҳаммага мазак бўлибман-ку!.. Томоша бўлибман-ку!..”

Эримни бу фикридан қайтармоқчи бўлгандим, ёқамдан бўғиб, кўзларини олайтирди. Ароқнинг қўланса ҳиди кўнглимни айнитди.

“Улардан яхшилик кутманг...” — дедим сўнгги бор.

“Ҳеч замонда, — вайсай бошлади эрим, — мафия менга қимордан ютқазганим учун пул берадими? Жа одам ўлдиришнинг устаси эканлар, қани, қиморбозларнинг биронтасини йўқ қилгани?! Тонг отсин, дадам билан гаплашиб қўяман. Бўйнимдаги чандиқ ҳали битгани йўқ... Балки битиб кетар, аммо қалбимдаги яра ҳеч қачон битмайди... Ҳеч қачон!.. Абадулабад!.. Эшитяпсанми?! Э, ҳаммасини...”

Эрим сўкиниб-сўкиниб ухлаб қолди. Шу кеч алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқдим. Тонг-саҳарда дарвоза тақиллаганда, зўрға уйғондим. Деразадан қарасам, чиқиндилар ташийдиган машина турибди. Кўча тозаловчиларнинг ҳеч бунақа одати йўқ эди-ку, деган хаёлда болохонадан тушиб, дарвозани очдим. Афсус, айнан мен очмасам бўлар экан. Бу менинг катта хатоим бўлди. Кўча тозаловчилар кийимидаги эркак мени бир зумда деворга қисиб, кўзимга ялтироқ ханжарни яқинлаштирди. Эримнинг қаерда

эканлигини, хонасига қандай кириш мумкинлигини сўради. Айтдим. Сўнгра оғзи-бурнимга дори пуркагани эсимда...

Кўпинча жиноятчиларнинг омади чопади. Улар болохонага чиқиб, Жалолбек акамни олиб тушгунларича ҳам кўп одам яшайдиган ҳовлида бирон киши хонасидан чиқиб қолмаган...

Кўзимни очганимда одам ўғрилари рус тилида шулар тўғрисида гаплашаётган эди. Бир-бир қарадим, ўтган сафарги одамларга ўхшамади: бўйлари пастроқ, қовоқлари шишинқираган.

Улар қисик кўзларини каттароқ очиб, ҳайратланиб қарашди. Бурчакдаги киши (у япон эмасди):

“Мана, хоним уйғондилар”, — деб иршайди.

Икки япон ва европанусха киши русча сўзлашгани боис ҳаммасига тушуниб ўтиргандим. Бироқ кўзи қисиклар ўз тилларида алланималар деб чуғурлашиб олишди. Эримга қарадим. Кечаги ичкиликбозлик оқибатида боши оғриётгани, лоҳас бўлаётгани дам-бадам ағдарилаётган пастки лабидан сезилади. Кўзидаги сўлғинликни кўриб, йиғлаб юбораёздим. Одам ҳам шунчалар иродасиз бўладими?! Барча касофат шунинг дастидан-ку. Нега энди далда бўлиш ўрнига бу алфозда ўтирибди?!

“Хотининг ўзига келди, — деди япон. — Тирик эканлигига, эс-хуши жойидалигига ишондинг, шундайми? Ё гапиртириб кўрайликми?”

Жалолбек акам шунда ҳам менга қарамади. Қўрқув ва хўрликдан йиғлай бошладим. Қўлларимни ечишларини сўрадим.

“Ана, гапирди, — япон эримга масхаромуз тикилди. — Нега тумшаясанг? Хотининг ҳозирча соппа-соғ. Ишонмасанг, ҳозир унинг ақлини синаб кўрамыз. Ҳей, Қозоғистоннинг пойтахти қаер?”

“Олмаота”, дедим.

Жиноятчилар совуқ ва ҳиссиз кулишди.

“Балки Бокудир”, — устимга энгашди япон.

Нахотки, адашаяпман, деб ўйладим. Бундай вақтда мия ишламай қолиши мумкин. Лекин Қозоғистон пойтахти Олмаота эмасмиди? Ё Остонамикан? Олмаота-эди, шекилли.

“Майли, етти карра етти неча?” — сўради япон.

Унинг энгашиб, саволга тутишига ортиқ дош беролмай, кўзларимни чирт юмдим. “Бундай кунларни кўргунча, қанийди, ҳозир осонгина, ўзимга ҳам сездирмасдан жоним чиқиб кетса”, дедим ичимда.

Япон иягимга қўл узатди. Бошимни бирдан тортган эдим, деворга гурсиллаб урилдим. Учала жинойтчи ҳам устимдан кулса-да, эрим миқ этиб оғзини очмади. Бир гал иккимиз аллақайси пивохоноа ёнидан ўтиб кетаётганимизда уч-тўрт йигит “янги келинчак экан, қаранглар юришини”, дея кулганида Жалолбек акам улар билан ёқаллашиб кетганди. Энди эса у кўз ўнгимда нафақат гурурини, инсоний қиёфасини ҳам йўқотган тирик мурда қиёфасида ўтирарди. Буларга кучи етмайди, аммо тили бор-ку. “Акажонлар, хотинимни қўйворинглар. Унда нима гуноҳ? Ҳаммаси учун ўзим жавоб бераман”, деса тили узилиб тушадими? Ўзимиз эркакчасига гаплашайлик, деб айтиш учун бу одамга филникидек юрак керакми?! Товуқ ҳам боласини химоя қилиш учун ўзини дадил тута олади...

Япон қўлимни бўшатди. Эримнинг ёнига чўккалатиб ўтиргизди. Ўзимни ҳеч босиб ололмасдим.

“Бунча қалтирайсан?” — деди япон.

“Илтимос, бизни кечиринг, мен ортиқ чидолмайман...”

“Сенларни деб шунча йўл босиб келдик. Индамай кечириб кетаверамизми? “Якудза” мафиясининг пул заводи йўқ. Уйларингдан шу ерга, уч чақирим берига олиб келишимизнинг ўзи икки минг долларга тушди, эшитаяпсанми, ҳой?”

“Эшитаяпман”.

“Унда гапни чўзмай, бошладик. Эрингнинг қимор ўйнашидан хабаринг борми?”

“Хабарим бор. У ўшандан сўнг қарта ўйнагани йўқ, тавбасига таянган...”

“Яхши. Демак, “Якудза”нинг чизган чизигидан чиқмабди-да?”

“Чиққани йўқ, ишонинг”, — шундай деб эримга кўз қиримни ташладим ва унинг ранги мурданикидай оқариб кетганини кўрдим.

“Нега унда кечирим сўрадинг?” — деди европанусха кимса. Бироқ саволига жавоб олиш ўрнига японларга тикилди.

Гап нимадалигини тушунмай, яна эримни оқлашга тушдим:

“У қартага қайрилиб қарамайди, ичган қасамини умрбод унутмайди. “Якудза” бизга ёмонлик эмас, яхшилик қилди. Мингдан-минг розиман. Ҳам эримни қимордан қайтарди, ҳам ёрдам пули бериб...”

“Овозингни ўчир! — Шу вақтгача индамай ўтирган иккинчи япон бақриб оёққа турди. — Айт, уларнинг афтини танийсанми?”

“Эслолмайман...”

Жаҳл билан юзимга чарс-чурс шапалоқ туширди. Юзим лов-лов ёнди. Қани, қулоқларим эшитса: битди-қолди.

Бир оз ўтгач, у куйиб-пишиб сохта мафия одамлари ҳақида гапираётганини англадим. Кимлардир учинчи бор Осиёда “Якудза” номидан ғаройиб томоша қўйганмиш. Йирик мафияни турли мамлакатларда шу тариқа мазах қилиб юрганмиш.

“Уларни ҳам, сенларни ҳам ўлдираимиз!” — деди япон.

“Бизда нима айб? Улар “Якудза”миз деса, нега биз айбдор бўламиз?” — дедим.

“Манави суратларга қаранглар. Қайси бирлари эди? Топиб берсаларинг, ҳаётларинг ўзларингга совға қилинади”.

Суратдаги одамларнинг бирортаси меҳмонхонада биз кўрган кишиларга ўхшамасди. Ҳаммаси бадқовоқ, қаҳрли кимсалар.

“Ҳўш, бормикан?” — тергади японлар.

“Йўқ, — дедим. — Лекин уларни тасвирлаб беришим мумкин”.



“Тасвирлаш — сўнгги имкониятларинг”.

“Бирининг юзида чандиқ бор эди”.

“Айнан қаерида?”

Ханжар ушлаган кишининг юз тузилишини қўлдан келганча таърифладим. Кейин дарозни тилга олдим.

“Нима дединг? — японлар ажабланиб бир-бирига қарашди. — Дарозмиди?”

“Ҳа, баланд бўйли, қизил юзли киши”.

“Қизил юзли? Мазах қилаяпсанми?”

“Йўқ, кўрганимни айтаяпман, — дедим шоши-пиша. Бири иккинчисига “Эй Лиён” деб мурожаат этганини эсладим. — Биттасининг исмини биламан”.

Нафақат японлар, эрим ҳам ялт этиб қаради. Ҳушсиз ётганимда булар Жалолбек акамни роса тергаб, ҳеч вақо ололмаган кўринадилар. Хотирам кучли чиқиб қолганидан қувонганларини сездирмасликка уриниб, рўпарамга тиз чўкиб, сўрадилар:

“Сен исмини биласанми? Қаёқдан?”

“Биттасининг “Эй Лиён” деганини эшитдим”.

“Лиён?”

“Ҳа, Лиён”.

“Тушунарли, — деди япон тишларини ғижирлатиб. Ли Ён Ким! Ҳеч қанақа япон эмас, корейс”.

Европанусха киши эримни бир тепди.

“Тентак! Японлар билан корейсларни фарқламадингларми? Қайси японнинг исми Ли Ён?! Ҳе... Василий!”

Шундан сўнг иккинчи япон ўзини таништирди (ким билади, сохта исмдир):

“Мени Накамура Сан дейдилар. Сўзим Америкадаги мафияларга ҳам ўтади. Бир неча ойдирки, “Якудза”ни масқара қилиб юрган уч аблаҳни ахтараяпман. Тутиб олсам, ўзим каллаларини оламан. Сенларни эса ўлдирмайман. Бу нуханинг қиморбоз эканлигини билиб, жуда қувондим. Чунки ўзим асли қиморбозман. Япония бўйлаб бошдан-оёқ кезиб чиқсанглар ҳам Накамурадек моҳир қартабозни ахтариб тополмайсанлар. Нега ўлдирмаганим равшан бўлгандир?”

Эрим терлаб кетган бошини чайқаб, алланималарни гўлдиради. Накамура завқ ила кулиб, елкасига қоқди.

“Хотининг мен билан қарта ўйнайди. Қиморбознинг хотини ҳам қиморбоз бўлсин!”

Эрим бўяқиш сўлагига тиқилиб, йўталиб қолди. Менинг ашаддий жиноятчига қарши қарта ўйнашим – денгизни ичиб, қуритиб берасан, деган шарт билан баробар эди.

“Ўзим.. ўзим ўйнайман”, деди Жалолбек акам.

“Тўнғиздек бефаросат одам билан ўйнамайман”.

“Лекин хотиним қартани билмайди!”

“Шанба кунигача ўргат”.

“Қартани ўрганолмайди! – эрим овозини баландлатди. – Қарта нима эканлигини бизнинг аёллар тушунмайди, минг йилда ҳам!”

“Эй “Томодачи”ни ўрганиш осон-ку! Нега оламини бузиб бўкирасан?! Шанбагача сабринг чидамай, ўлгинг келаяптими?”

“Сиз айтаётган шартни барибир бажаролмаймиз... Барибир ўлдирасиз...”

“Сохта мафиозлар корейс миллатига мансуб эканлигини аниқлашга ёрдам бермаганларингда, эҳтимол, мурдаларинг чиқиндихонада экспертиза ходимини кутиб ётарди. Ҳозир сенларни ўлдириб фойда топмайман. Иккита шартим бор: бири, биз ҳақимизда ҳеч кимга оғиз очмасликларинг. Иккинчиси, қарта. Мана шу икки шартни бажарсанглар, биз билан тил топишган ҳисобланасанлар”.

Биз рози бўлдик. Рози бўлмаслигимиз ҳам мумкин эмасди. “Йўқ, мен қарта ўйнамайман, марҳамат, ўлдиришларинг мумкин”, демайсиз-ку, ахир...

Фароғатнинг узундан-узоқ ҳикояси шу ерга етганида, ош масаллиқлари ҳам тайёр бўлди. Иккови ошга уннаб, қозон бошида бир оз куймаланишди. Ёгга ташланган гўштнинг қовурилишига хаёлчан қараб қолган Лобар деди:

– Фароғат, бошингиздан кечирганларингизни деярли сўзлаб бўлдингиз. Фақат битта илтимосингиз қолди.

Худди шу илтимосни айтишга журъат этолмаётган келинчакка гўё далда берилган эди. У гоҳ қозонга, гоҳ Лобарга қараб, ниҳоят:

— Ҳа, фақат илтимосим қолди, — деди. — Дарвозахонангиздаёқ айтсам, гапимни охиригача эшитмасдингиз, опажон. Биламан, сизнинг бошингизга меникидан ўн баравар ортиқ савдолар тушган. Эндигина тинч ҳаёт бошлаганингизда, бировни деб бало орттиришни истамайсиз. Аммо... аммо менинг ҳам яшагим келади. Қолаверса, ҳаммаси тинчлик билан якун топади. Кечаю кундуз Худодан шунинг зорини қилаяпман... Агар менга кўмак беришдан бош тортсангиз... Шундоқ ўлиб кетавериш...— Келинчак томоғига аччиқ нарса тиқилгандек бир нафас тўхтади, кўзларида ғилт-ғилт ёш кўринди. — Сўнгги умидим, опа... Ўрнимда бошқа одам бўлганида ҳам, чўкаётган чўпга ёпишар, деганларидек...

У ҳиқиллай бошлади.

— Бас, — деди Лобар, — йиғидан фойда йўқ. Ўрнингизда бошқа одам бўлганида, бундай юрмасди, тегишли жойларга мурожаат этиб, зўравонларнинг танобини торттириб қўярди. Мафия нималигини биласизми ўзи? Сизларга дуч келган иккинчи тўда ҳам мафия эмас чоғи. “Якудза” бунақа майда-чуйда ишлар билан шуғулланмайди, шуғулланолмайди ҳам. Фароғат, жиңой тўдаларга қарши бошқа бир жиңоятчини ишга солишга ҳеч қачон урина кўрманг. Бу уруш деб аталади. Уруш сизнинг ҳам, оилангизнинг ҳам ёстигини қурилади. Менга сўзлаб берганингизни кассетага ёзиб олганимни, ҳойнаҳой, сезмагандирсиз?

— Кассетага ёздингизми?

— Ҳа, эҳтиёт чоралари кўриб қўяман. Бир нима бўлса, кассета орган қўлига тушади. Ҳикоянгиз, агар тўқима бўлганида, жудаям завқли чиқарди, афсуски, у — сизнинг фожиангиз. Маслаҳатим, қоғозга туширинг, сўнг ички ишларгами, прокуратурагами, ўзингиз олиб боринг.

— Бундай қилолмайман.

— Нега? Ўйлаб ҳам ўтирмасдан шундай қилинг. Акс ҳолда,

хафа бўлмангу, мен сизни ақли заиф деб ҳисоблайман. Ўзим шаҳар ички ишлар бошқармасига сим қоқиб...

— Йўқ-йўқ! Лобар опа, тушунинг... Бизни жувонмарг қилманг. Улар қасамдан қандай кўрқижимизни билишар экан. Оқ сурпга ўралган китоб билан эрим иккимизга қасам ҳам ичирди...

Лобар қозонга гуруч солиб, суви тортилишини кутар экан:

— Фароғат, — деди, — сиз йўқ жойдан ваҳима қиладиган болага ўхшайсиз. Бу гаплар нимага керак? Учраган нокас қасам ичтириб, одамларни ўз ноғорасига ўйнатаверса, дунёнинг дунёлиги қоладими?

— Бошқа иложим йўқ.

— Яна шундай дейсиз-а!

— Улар бир кунмас-бир кун барибир қайтишади, орамиздан ҳеч бўлмаганда бир кишига жабр қилишади. Қўлларидан ёвуз ишлар келишига ишонаман, Лобар опа.

— Ишонасиз-да, — кесатди Лобар. — Куппа-кундузи уйингиздан ўғирлаб кетишибди-ю!

— Шунақа-да, опажон, битта ўйин учун жонимизни хавф остига қўйишни истамаяпмиз.

— Қартадан ютқазсангиз-чи?

— Эрим айтдики, ўйинга катта пул тикилмайди. Нар и борса, тўрт юз-беш юз доллар ютқазармиз. Ахир, улар Япониядан атайин биз билан қарта ўйнашга келмаган. “Якудза” номидан иш кўраётган одамларни аниқлаш — асосий ишлари. Ўша Накамура дегани қарта жинниси бўлиб чиқмаганида, сизни ахтариб ҳам юрмасдим, Лобар опа.

— Демак, шанба кунигача қарта ўргатишим керак.

— Икки куннинг ичида нимаям ўрганардим.

Лобар ялт этиб қаради.

— Ҳали ўрнингизга мен боришим керакми?

— Илтмос, тўғри тушунинг, гапларимдан хафа бўлманг. Наҳотки, бировни жиноят йўлига бошловчи кишига ўхшасам?

— Ўхшаш ҳам гапми?!

— Бу — бор-йўғи бир соатлик кўнгилочар ўйин.

— Нега унда боядан бери ўламиз-ўламиз деб бошимни қотирасиз? Боринг-да, эрингиздан қарта ўрганинг. Сўнг айтаган долларингизни олиб, ютқазиб келинг. Қийин жойи борми? Тирик қолиш учун тўрт юз доллар кетса-кетибди-да.

— Бир бора ўйнасангиз; қиморга қайтиб қоласизми, Лобар опа? Икки кунда нимаям ўрганардим. Накамура эрталабгача ўйнайсан деб туриб олса, юз минг доллар ҳам ютқазим мумкин. Эрим ким? Бир жонсарақ одам бўлса... Ўлганимиз шу эмасми?

Улар ошни дамлаб, ташқарига чиқишди.

— Кетаман, — деди Фароғат.

Лобар қовоғи дир-дир учаётган, юзида мунг қотиб қолган келинчакка тикилди. Келинлик даврини эслаб, оғир уҳ торти.

— Кетаман, лекин оёғингизга ўзимни ташлаб, қон йиғлаб кетаман, — Фароғат титраб-қақшаб сўзлай бошлади. — Қўлингиздан келадиган хасчалик ишни дариг тутиб, ёшгина келинчакнинг хазон бўлишига қараб турганингиз учун қачонлардир юрагингиз ачишади. Яхши аёл эканлигингизни кўриб турибман... Яхши... бўлганингиз учун ҳам қиморни тарк этгансиз... тўғри қиласиз...

Лобар Фароғатни куч билан тўхтатиб қолди-да, чорпоя томон олиб кетди.

— Меҳмонимсиз, — деди у. — Ош пишсин, еб, кейин кетасиз. Унгача сизга мен ҳам бир ҳикоя сўзлаб берсам. Балки бу афсона бўлиб туюлар, аммо афсонанинг тагида ҳақиқат борлигини унутмайсиз, синглим.

Келинчак ҳеч нарса демади. Унинг ҳаёт шами ростдан-да сўниб бораётганга ўхшарди.

\* \* \*

— Самолёт ҳалокатидан омон қолганимни билар экансиз, — деб ҳикоясини бошлади Лобар. — Бунни омад деёлмайман. Ҳаётга омадсиз бўлиб келганимнинг исботи мана: кўк кўйлак, данғиллама уй, ҳатто, сизнинг ташрифингиз!.. Чунки мен ҳаётни бошқача тасаввур қилганман ва

тасаввуримча бўлиши керак, деб ўйлардим. Аслида инсон кўп нарса сўрамайди. Сўрагани сароб бўлиб чиқса борми...

Мактабда аъло баҳоларга ўқидим. Хулқим ҳам яхши эди. Ҳозиргача синфдошларим Лобар деганда ўша даврлардаги маъсума қизни тасаввур қилишади. Кейинги қисматимдан бохабар бўлганлар эса... Қараб туриб ишонмайди! Лобар Россияга бориб бузилиб кетганмиш, гиёҳвандга айланиб қолибди, қимор ўйнармиш... Мен ҳақимда мишмишлар кўп, Фароғат. Баъзилар ўзимга ҳақман, тўғриман, дейишади. Ўзимни оппоқ демайман. Мен жиноятчиман. Фақат биргина давлат ҳудудида эмас, бир неча юртда жиноятлар содир этдим. Россия, Туркия, Миср, Греция, Бирлашган Араб Амирликлари... Бу давлатларда мендан қора излар қолди, қиморхоналарни тўлдириб ўтирдим, кишилар ўлимига сабабчи бўлдим. Барчаси нимадан? Албатта, қарта ўйинларини яхши билишимдан. Қарта бўйича шунчалик устаси фаранг бўлиб кетдимки, ҳатто, Осиёда менга тенг келадиган қиморбоз топилмади. Боз устига халқаро қиморбозлик билан шуғулланадиган жинорий тўдалар кучимга куч қўшишимга ундардилар.

Фароғат, дўхтирлар чекиш соғлик учун хавфли, деб бонг ургани билан одамлар тамакидан воз кечишмайди. Қарта ҳам шундай. Мен қарта ўйнаш хавфли, дейман. Лекин ҳеч ким қулоқ солмайди. Чекувчиларнинг барчаси касалликдан ўлмагани каби қартабозларнинг ҳаммаси ҳам бор-будини ютқазмайди. Ҳаёт сири шунда. Фожиа бўлишини сезганинг ҳолда балки фожиа бўлмас, дея яшайсан. Мингдан бир, миллиондан бир бахтсизликка айнан сен гирифтор бўлмасликка умид қиласан. Кейинчи? Фожиа юз берса нима қиласан?

Қартани қаерда бунчалик кучли ўрганганимга қизиқаётгандирсиз? Шу бугунгача бошимдан кечирганларим сиз учун афсона. Шундай афсонаки, қаршингизда ўтирибман, ишонмайсиз.

Тоғамнинг ўғлига турмушга чиққанман. Исми Маъруф эди. Тоғам бир вақтлар катта ишларда ишлаган. Келин

бўлиб тушганимда оила иқтисодиёти ўтириб қолганди. Эримнинг топиш-тутиши ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У иродасиз, инжиқ, мардликдан йироқ инсон эди. Қарта ўйнайдиган одати борлигини кейинроқ эшитганман.

Фарзандимиз бўлмади. Дўхтирга бордик. Даволаниш харажатлари анча кўп эди. Шу баҳона Россияга кетишга қизиқиш кучайди. Қайнона-қайнотамнинг қаршиликларига қарамай Москвага жўнадик. Бахтга қарши, биз жойлашган квартирада тожикистонлик эр-хотинлар ҳам ижарада яшашарди. Хотин – фаррош, эр – қиморбоз. Оғир иш қилиб кўрмаган эрим тез чарчади. Душанбелик эса ялло қилиб юрибди. Эрим шу тариқа унга илакишиб қолди ва кунларнинг бирида уйга зўрға қайтиб келди. Қандайдир қаҳвахонада у кавказликларга мени ютқазиб қўйибди. Ўз хотинини қиморга тикиш даражасида тубанлашган кишининг оиласи эканлигим бошимга кейинги шўрликларни ҳам ёғдирди. Эрталаб келган барзангилар мени машинага босиб, қўнимгоҳларига олиб кетишди. Ўша пайтда нималарни ҳис қилганимни сўзлаб беролмайман. Тирик мурда эдим, Фароғат!..

Қиморбозлар бошлиғини Маловеер дейишарди. У мени тўшагига тортмоқчи бўлганида, бошқа бир жиноий тўда бошлиғи халос этди. Бу одам чеченистонлик Шомил эди. Кейинги кечмишларим Шомил ака билан чамбарчас боғлиқ.

Биласизми, унинг бир қанча яхши ва ёмон хислатлари бор. Яхши томони, Шомил ака мусулмон қизи эканлигимни ҳисобга олиб, мени қутқарди. Гарчи уникида асиралардек яшаган бўлсам-да, зўравонлик қилмади. Ёмон томони, у одам ўлдириш билан шуғулланарди. Виждонлими, виждонсизми, ким бўлишидан қатъи назар одамни жисмонан йўқ қилишга Шомил аканинг ҳақлари йўқ, албатта. “Мен ёвуз кимсаларни ўлдираяпман”, дейиш билан қотилликни оқлаб бўладими?!

Далаҳовлиси мисоли бир қаср эди. У ерда менга Анна Сергеевна деган кампир бир неча ой давомида қарта ўйинларини ўргатди. Йигирманчи аср бошларида Кавказда

“қора қарта рақси” номли афсунли ўйин усуллари пайдо бўлган. Буни ўрганган одам қартада беназир бўлиб қолади, ким билан ўйнаса ютаверади. “Қора қарта”нинг ютуғи ҳам, фожиаси ҳам шу.

Билиб-билмай ахийри мен ҳам Анна Сергеевна каби қартабоз аёлга айландим. Қартани қанчалик зўр билмайлик, биз қиморхонага бормасдик. Қарта икки аёлга эрмак эди, эрмак учун ўйнардик.

Бу орада Шомил акага турмушга чиқдим. Кўп ўтмай иккинчи эримнинг Россия жиноят кўчаларидаги мавқеи йўқолди. Маловердан мени тортиб олган одам энди пусиниб яшашга мажбур эди. Шу боис Анна Сергеевна билан мени бошқа жойга кўчиртириб, ўзи рақиб гуруҳларга қарши очиқчасига кураш бошлади. Оқибатида далаҳовлиси вайрона ҳолга келтирилди.

Ўшанда мен унинг ўлганига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай, карахт бўлиб юрдим. Ва бир куни таваккал қилиб, далаҳовли харобаларига бордим. Ертўладаги ётоқхонада бир дипломат пул яширилгани менгагина маълум эди. Эримнинг бошқа оиласи йўқ, пулларига ёлғиз мен меросхўрман, деб дипломатни пол остидан чиқариб олдим. Дугонамнинг ёрдамида пулларни онамга юбориб, сўнгра ўзим ҳам Самарқандга қайтдим. Тижорат билан шуғулланиб, бой-бадавлат яшай бошладим.

Кунларнинг бирида Абдулла ака деган киши билан танишиб қолдим. Ишонасизми, Москвада бир туш кўргандим: чақалоқ кўтарган костюм-шимли қориндор киши. Абулла ака ўша одамга қуйиб қўйгандек ўхшарди. Шунданми, унинг совчиларига розилик билдирдим. Учинчи турмушимдан бола кўрдим. Маҳалламизда Парвиз исми кенг тарқалгани учун ўғлимнинг исмини Парвиз қўйдик...

Лобарнинг овози титраб кетди. Аммо у матонат билан ўзини тутиб олиб, деди:

— Ўғлим беш ёшга кирганида, қиморбозлар одамгарчиликка оид ҳамма жиҳатларини йиғиштириб, боламни гўрга тикдилар. Аммо ўлмаган бўлиб чиқди: уни қабрдан ўғирлашди. Кейинчалик Парвизжон билан телефон



орқали гаплашиш насиб этди. Бироқ бу орада кўп ишлар бўлиб ўтганди... Битта нарсани алоҳида айтиб қўяй: қиморга киришимда Абдулла аканинг роли катта. У муаллимликни ташлаб, майда тижоратчи бўлиб юрарди. Менга уйлангач, пул уни ўзгартира бошлади. Маишатпарастликка берилди. Ахлоқсизлигини сезиб юрардим, аммо охир-оқибат қимор ўйнай бошлаганини кеч пайқадим. Бир куни катта нарса ютқазиб келди. Тўлаш осон эмасди. Бир илож қилиб пул тўплادик. Учинчи эрим ҳам қиморбоз чиққанига асти чидаёлмай, тўппа-тўғри қиморбозлар сардориникига бордим. Эрим ютқазган пулларни бердим ва “агар эркак бўлсанглар мен билан ҳам ўйнанглар”, дедим. Ўша куни эрим ютқазган пуллар тугул қиморбозларнинг бойликларини ҳам шилиб олдим. Шу хатойим туфайли Ўрта Осиёдаги ягона “Қора қарта соҳибаси” мен эканлигим жинойт оламига ошкор бўлиб қолди...

Дубайда қимор ўйнашим керак эди. Машҳур бир қиморбоз менга қарши қўйилганди. Вазият шундай: болам қиморга тикилган бойликлар эгасида. Агар ютқазсам, уни қайтиб кўролмайман. Қарта ўйнашни эса шунчалар истамайманки, агар Нарвизжон гаровда бўлмаганида, бўйнимга милтиқ тираганларида ҳам ўйнамасдим. Масала фақат бу эмас. Қимор оламида қотиллар уюшмаси ҳам фаоллашиб кетганди. Сизга бу эртақдек туюлар. Шунини билингки, катта миқдордаги пуллар тикиладиган қимор столи атрофида ҳамини каллакесарлар пайт пойлайди. Бироқ менга таҳдид солган одамлар пул учун эмас, қиморга қарши курашаётганлари учун ҳам хавfli эдилар. Йирик қиморда иштирок этганимни ҳеч нарса билан оқлаёлмасдим, тушунаясизми? Боламни қутқаришим керак, десам, улар асло ажабланмасдан отиб ташлайдилар. “Болангни қиморхонада ўтириб қутқарасанми?” — дейди, тамом-вассалом.

Дубайдаги ўйинларнинг ҳеч охири кўринмасди. Мен ютқаза бошладим. Ҳаммаси тамом бўлди, деганимда, қиморхона соҳибни полициянинг нигоҳига тушиб қолди. У Саудия Арабистони фуқароси эди. Зудлик билан Саудияга

чиқиб кетиш зарурияти туғилди. Аниқроғи, хусусий самолётда янги қиморхона сари учдик, аммо манзилга ета олмадик. Кутилмаганда самолёт салоида Шомил ака пайдо бўлди, отишмада ҳушимни йўқотдим. Кўзимни очсам, қум устида ётибман. Оғзим қумга тўлган. Ярадорман. Қорни ёрилиб, иккига бўлиниб кетган самолётдан ёқилғи ҳиди анқийди, мурдалар кўринади.

“Худога шукр, омон қолибман”, — дедим-да, хийла вақт кўкка тикилиб ётдим. Сўнг танамга куч-қувват қайтганини ҳис этдим. Бир таёқни ҳасса қилиб, ҳалоқат жойидан узоқлашдим. Анча юрганимдан сўнг қаёққа кетаётганим ҳақида ўйлаб кўрмаганим ёдимга тушди.

“Адашмасам, Саудия Арабистонидаги саҳродаман, — дедим ўзимга-ўзим. — Самолёт ҳалоқати ҳақида хабар тарқалгач, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлади. Кичикроқ самолёт бўлса ҳам довруғи катта бўлади бунақаларнинг. Ёрдам кутиб ётишим керакмиди? Балки ўз-ўзимни тутиб беришга ёрдам берган бўлиб чиқарман?! Йўқ, бошим оққан томонга кетаман...”

Шу пайт чўнқайиб ўтирган икки эркак кўринди. Икковиям арабча либосда эди.

“Ҳой, менга ёрдам керак!” — дедим.

Улар қайрилиб-да қарамади. Қияликдан тушиб, ҳалигиларга хийла яқинлашдим.

“Менга ёрдам керак... Эй... Доллар бор, яхшигина ҳақ тўлайман”.

Мағрибдан кўз узмай, ҳайкалдай қотиб ўтирган икки араб шунда ҳам қилт этмади. Дарвоқе, уларнинг нимасидир бошқача эди: ўлик десанг ўликка, тирик десанг тирикка ўшашмайди.

Қиялик пойидаги қумга ботиб, йиқилдим. Иссиқ жон-жонимдан ўта бошлаган, қақраган томоғим бир томчи сувга зор эди. Кўзларим беихтиёр икки кимсанинг сувдонини ахтарди... Тополмади.

“Сув йўқ, — ўйладим мен. — Ахтарган нарсам қачон топилгандики, энди топилса! Худо биледи, шу одамлар ҳам кўзимга кўринаётгандир. Саҳрода сароб кўринади, деб бежиз айтишмаган. Сароб!.. Шунчалар аниқ сароб...”

Ўшанда умрим ҳам сароб бўлиб туюлган. Бир туш каби ўтиб кетганини, дунёда яшаб, на тайинли иш, на Яратганга чин дилдан ибодат қилганингни эслоласан киши.

Бир неча дақиқа қимир этмай ётдим. Гўдаклигимдан тортиб, ҳозирги дамгача бўлган салкам ўттиз йиллик умрим кўз ўнгимдан лип-лип ўтди. Самолёт ҳалокати, Саудия Арабистони саҳросида тентираётганим, ногаҳон икки кимсага дуч келишим...

Бирдан Шомил акани ўйладим. У қиморбозларни йўқ қилиш учун самолётда пайдо бўлди. Отишма туфайли саҳрога қуладик. “Шомил ака ҳам ўлганмикан?” — дедим ичимда. Мурдаларни ўйладим: одамдан қолган суяк ва гўшт. Мурдадан кўпчилик қўрқади. У тирик инсон эди, ўйларди, гапирарди, кўзингга тикиларди, жилмаярди. Тўсатдан жони чиқиб кетадию ҳеч кимга айланиб қолади. Ётибди, худди ухлаётгандек. “У ўлган”, дейишади ва туйқус барчаси ўзгаради. Қўрқиш, сесканиш, ачиниш, баъзан эса қувонишга ўхшаш тентак туйғу ўзини намоён этади.

Мени самолётдан узоқлаштирган кучлардан бири шу. Аммо мурдаларга кўз югуртириб чиқишим керак эди. Шомил акага нима бўлган экан?

Нима бўлгандаям, у мақсадига эришди: одам ўлдирди... одам... одам... Шу билан бир нима ўзгариб қолдимми?

Мени ўлдиришни истаганмиди-йўқми, билмайман, аммо мен тирикман... “Тирикман!” — деб қўлларимга таяндим. Оғир бошимни кўтариб, жимир-жимир ҳовури кўтарилаётган саҳрога тикилдим. Сал нарида ҳамон икки киши ўтирибди. Судралиб бордим, боравердим. Етдим. Икковининг қандай сапчиб тушганини кўрдим...

Қуёш кўкда сайр қилди. Ҳар кўзимни очганимда у уфқ сари оғиб борар, оған сайин катталашиб, қизариб, чиройи очилар эди. Бир қарасам, ярими кўриниб турибди. Шу яриминиям олисдаги қуриган дарахт қора новдалари-ла бекитмоқчи.

Кимдир нотаниш тилда чуғурлаб, юзимга сув сепди. Бошимни хиёл кўтардим. Сув ичкизаётганида ҳам ҳеч кимни кўрмадим. Жоним танамнинг ич-ичига яшириниб

олганди. Вужуд қалин, жудаям қалин либос. Фақат кўзимни очмасам, бас. Ҳозир шу либос ичида беҳавотир сезаман.

Мана, улар мени қандайдир тахта устига ортишди. Ҳеч нимадан қўрқмайман, анча ичкаридаман, анча...

Кейин салқин жойга ётқизишди. Кийимимни тортқилашган эди, жон-жаҳдим билан қаршилиқ қила бошладим. Нотаниш овоз қаттиқ-қаттиқ гапириб, афтидан, мени тинчлантиришга уринди. Қарасам, элликлардан ошган араб аёлидан бошқа ҳеч ким йўқ. У яна алланималар деди, тушунмадим. Кейин қийинчилик билан турк тилида:

“Сен қаердан келдинг?” — деб сўради.

“Россия фуқаросиман, Московданман, Московдан...”

Аёл кўзларини ола-кула қилиб, бош чайқади. Сўнг ён-веримни титкилаб, паспортимни топди. Суратимга бир муддат синчков назар солди-да, деди:

“Рус эмассан, лекин паспорт ростдан ҳам Русияники”.

“Россияда жуда кўп миллат яшайди. Турли диндагилар ҳам... Мен мусулмон қизиман”.

Аёл мийиғида кулди ва ҳужжатимни шоша-пиша яширди. Мени нари-бери ювинтириб, ўзиникига ўхшаш кийим кийдирди. Яраларимни боғлар экан:

“Тинчлан, — деди. — Ёмон одам эмасмиз. Сен ҳам, мен ҳам муслима. Бироқ бизни ажратиб турган жиҳатлар шунчалик кўпки, бирлаштириб турганлари камлик қилади. Тушунаясанми, фақат диннинг ўзи кифоя эмас”.

Бармоқларимни ишқалаб, пул маъносини ифодаладим. Аёлнинг юзи ёришиб, устимга энгашиди.

“Она, — дедим унга, — меъни қутқарганингиз учун раҳмат, Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Энди яна бир яхшилик қилинг. Мени ёмонларнинг кўзидан яширинг. Бу аҳволга тушишимга улар сабабчи. Энди ўлигимни тополмай, бутун атрофни тинтув қилишади. Ҳали кўрасиз, сизлардан ҳам сўрайдилар. Мақсад — мени ўлдириш. Шу боис сайёҳлик баҳонасида Москвадан алдаб олиб келишди. Мени яширинг, эллик минг доллар ишланг. Келишдикми?”

Аёл эшик томон қараб қўяркан, шивирлади:

“Ёнингда пулинг йўқ-ку. Қаерга кўмгансан?”

“Пулни кўмиб бўладими? Банкда, ҳисоб рақамимда турибди”, — деб алдадим.

“Хўш, сени қандай қутқараман?” — аёлнинг қовоғи уйилди.

“Бу ерда яшаётганимни сир тутасиз. Хорижга қўнғирок қилишим учун телефон топиб келасиз. Бор-йўқ вазифангиз шу”.

Эшик қия очилиб, битта бош кўринди. Ташқари зим-зиё эди. Бош кимгадир имо қилганди, бир зумда иккинчи бош суқилди. Аёл товуқ ҳайдагандек “кишт” деб қўл силтади, аммо эркаклар шоша-пиша кириб олишди.

Уларни танидим: саҳрода учраган ғалати одамлар.

“Менинг укаларим, — деди аёл. — Икковиям кар-соқов”.

“Наҳотки, икковиям? Бундай бўлиши... билмадим, бу жудаям... фожиа...”

“Йўқ, анави қирғийбурун туғишган укам эмас, у сенга ўхшаб аллақердан келиб қолган. Саккиз йилдан бери бизнинг оилада яшайди. Ҳойнаҳой, кўргандирсан, бу иккови қуёш тифида қилт этмай ўтирганини?”

“Кўрдим”.

“Сенингча, улар нима қилишаётганди?”

“Ниманидир кузатишаётганди”.

“Йўқ, булар қуёшда ким кўп ўтиришдан мусобақа ўйнаётгандилар. Ёш бола дейсан. Қанийди, ёш бола бўлса! Иккови ҳам ғирт телба. Аллақандай заҳарли ўт ейишдан гаров ўйнаб, шунақа бўп қолишган”.

Аёлнинг укалари менга қараб тиржайишди. Бемаъни, совуқ ва офтобда куйиб кетган башараларга қараш осон эмасди.

“Майли, — деди аёл, — бугундан бошлаб сен буларнинг қоровуллиги остида яшайсан. Укаларим хотин кишини жуда бошлаб қўриқлашади. Аввал ҳам сенга ўхшаш жувонни қўриқлашга тўғри келган”.

Булар шунақа ишни касб қилиб олишган, деб ўйлагандим ҳам, аёл:

“Бизнинг уй чекка маконда бўлгани учун баъзан бировларни қўриқлаб ўтирамыз, — деди. — Шунинг

орқасидан тўрт-беш риёл даромад қиламиз. Ўғри эмасмиз, қароқчи эмасмиз. Мана, сени ҳам укаларим жароҳатлагани йўқ. Шу ерда қолиш учун ўзинг пул таклиф қилаяпсан. Лекин жуда кўп айтдинг. Ярмини берсанг ҳам майли. Фақат бизни алдама. Отам улуғ шайх ўтган, онам оқсуяклар авлодидан. Ўзим беш вақт намозни канда қилмайман. Бир қарғасам, етти иқлимнинг боғлари мева солишдан тўхтайдди. Агар нақд пулинг бўлганида ўн минг долларга ҳам рози эдим. Эҳ, каллам қурсин, сени қўриқлаб нима қиламиз, ўз ихтиёринг билан розисан-ку...”

Аёл арабча талаффузда, турк тилини бузиб, тинмай жаврай бошлади. Саудия Арабистони подшоҳлигининг қайси вилоятида эканлигимни сўраганимда, кулиб, “энг гўзал жойидасан”, деб жавоб берди.

Аёлнинг асосий тирикчилиги шифобахш илдизларни териб, яқинроқ шаҳардаги ёйма бозорда сотиш эди.

Учинчи куни у телефон олиб келди. Бироқ Самарқандга қўнғироқ қилолмадим. “Халқаро сўзлашув имконияти бўлмаса, телефон нега керак?” — деган гапимни аёлга тушунтираман деб, жанжаллашишимга сал қолди. У билан айтишиш — ўлим эканлигини яхши тушунардим. Икки укаси менга тез-тез кўзини ола-кула қиладиган бўлди. Ойнаи жаҳонда эса самолёт ҳалокати, полиция кимнидир ахтараётганини, машиналар тўхтатилиб, паспортлар текшириляётгани намойиш этиларди.

Аёл бирон марта ҳам намозини қазо қилмасди. Хотин кишининг намоз ўқишини кўриб, кўзим кўника бошлади. Ҳайратланаётганимни сизди, шекилли, аср намозидан сўнг сўради:

“Нега ибодат қилмайсан?”

“Мен... билмайман. Ўргатишмаган...” — дедим.

Аёлнинг ажин босган юзидан норозилик ифодалари зоҳир бўлди:

“Ҳеч ким ўргатмаганми?”

“Ҳеч ким...”

“Ота-онанг ҳам ўқимайдими?”

“Улар қарияптилар, ўқишни энди бошласалар керак”.

“Ота-онангдан аввал намоз ўқишни бошлашинг мумкин. Мен ўргатаман. Анча кечикдинг, бўйнингда ибодатдан қарзларинг кўп”.

“Уларни адо этиб бўлмайдимиз?” — сўрадим қизиқиб.

“Бўлади, нега бўлмас экан? Қарз бўлиб қолган рўзаларингни ҳам адо этишинг мумкин. Неча йил рўза тутмагансан? Шуни ҳисоблаб, ҳозирдан бошлаб тутасан. Бир кун келиб ҳисоб-китобинг тенг бўлади. Ҳаракат қил, қизим, ҳаракат қил. Мана, камина ҳисоб-китобдан олдинга чиқиб олганман. Захирамда икки ойлик ибодат ва қирқ беш кунлик рўза бор. Кўрдингми, қарзим йўқ. Ҳаммаси аёло!”

Қаршимда нафақат жиноятчи аёл, ҳатто, илоҳиёт билан ҳам олди-берди қилишга тайёр шахс турарди. Ҳақиқатан, бундайлардан кўрқиш керак эди. Ачиган миясида тушгаям кирмаган фикрлар туғилиб қолиши мумкин...

Ва шундай бўлди ҳам. Эрта-тонгда турткилаб уйғотди.

“Сен, ҳойнаҳой, жувон бўлсанг керак?” — деди у муғомбирлик билан кўз қисиб.

“Бу нима деганингиз?”

“Эринг борми?”

“Бор, лекин бунинг сизга...”

“Сени никоҳлаб бермоқчиман, — деди аёл сурбетларча қош қоқиб. — Қўрқма, бегонага эмас, укаларимга”.

Унинг гапини нотўғри тушундим деб ўйлаб, қайта сўрадим. Аёл укаларига никоҳлаб бермоқчи эканлигини такрорлади.

“Биз бунақа келишмаганмиз, — дедим жаҳл билан. — Мен ҳеч кимга эрга тегмоқчи эмасман. Жудаям хотинсираб қолган бўлса, анави қирғийбурун туғишган укангиз эмас-ку, ўзингиз тега қолинг”.

“Нима?! Ҳали мени тўнғиз демоқчимисан?!”

“Билмадим, бу нима деб аталади, аммо сиздек намозхон аёлнинг бировларга вақтинчалик жувон топиб бериши, аввало, қўшмачилик, кейин...”

“Уйимда ҳаром-ҳаришга йўл қўймайман. Айтаяпман-ку, никоҳлаб бермоқчиман деб! Шунча йилдан бери уларни уйлантиролмадим. Ўйлаб кўрсам, уйлантириш — менинг бурчим”.

“Қаерда кўргансиз, икки кишига битта хотин ни-  
коҳланганини? Наҳотки, мени бирон кишингизга турмушга  
чиқади, деб ўйлаяпсиз? Ваъда қилган пулларимни  
берганимдан сўнг укаларингизга биттадан эмас, иккитадан  
хотин олиб беришгайм кучингиз етади. Тушунаяпсизми?”

Аёл тутақиб, араб тилида алламбалолар дея бир оз  
жавради. Кейин менга яқинроқ сурилиб, деди:

“Ҳамма гап шунда. Катта пулни кўргач, улар иккитадан  
эмас, учтадан хотин олиш пайига тушиб қоладилар. Сен  
билмайсан-да, укамлар одам эмас. Тагин мени куфр кетган  
аёл демагин. Улибманми, бирдан икковига никоҳлаб. Аввал  
ўз укамга, кейин ўгайига! Ўйлашимча, сени қутқариш учун  
одамларинг келгунча бир-икки ой ўтади. Нима қилти, ёшсан,  
гулсан, гулхансан. Иккови билан ҳам давру даврон суриб  
қол. Ишонаман, бир умр эсингдан чиқмайди. Тўғри, бир  
никоҳ билан иккинчисининг ўртасида маълум вақт ўтиши  
керак. Биласанми, нима учун? Аввалги эридан бола борми-  
йўқми, шуни аниқлаш учун. Биз эса бу қондани ҳисобга  
олмаймиз. Умрбод эр-хотин бўлмоқчи эмассан-ку. Шундай  
экан, икки никоҳ ўртасида танаффус қилмаслик тайинли  
гуноҳ ҳисобланмайди. Мени тушундинг-а? Сен билан бир  
ҳафтадан яшаганларидан кейин уларни яна уйлантириш  
мажбуриятидан қутуламан. Ахир, бир марта бўлсаям,  
уйлантирдим-ку. Опанинг бошқа қарзи йўқ. Ун минг  
топаманми, эллик мингми, уларнинг додини эшитмайман”.

“Сиз хато қилаяпсиз. Динни тушунмайман, намоз  
ўқимаганман, бироқ шуни аниқ биламанки, агар сизнинг  
айтганларингиз юз берса, мен фоҳиша, сиз эса қўшмачи  
ҳисобланасиз”.

“Бекор айтибсан. Никоҳ ўқилдими, хотинисан. Талок  
айтилдими, номаҳрамсан. Неча кун яшашингдан қатъи  
назар, эркак билан никоҳдан сўнг бирга яшадингми, демак,  
фоҳиша эмассан. Айтиб қўяй, агар айтганимга юрмасанг,  
полицияга тутиб бераман. Бозордаги миш-мишлардан  
маълумки, сен Бирлашган Араб Амирликларидан қочиб  
ўтган жиноятчисан. Тутиб олишса, дорга осиласан”.



“Мен ҳозирнинг ўзида полицияга боришим мумкин, — дедим. — Полиция жазолайдиган иш қилганим йўқ. Яшириниб юришимнинг боиси, полицияни ҳам, Россиядаги милицияни ҳам алдайдиган, сотиб оладиган, бошимга янги-янги кулфатлар соладиган қора кучлар бор. Улар мени, шак-шубҳасиз, яна ўз айтганларига юргизмоқчи бўлишади. Менга ёрдам қўлини чўзадиганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг кўмагида чоҳдан қутулиб кетишим керак”.

Аёл қувониб:

“Ана, — деди, — барибир қўлга тушишдан қўрқар экансан. Кел, гапни бир жойга қўяйлик. Сен вақтинча укаларига хотин бўл, мен эса сир сақлашни қойиллатай. Хўпми? Айтгандай, бошқа телефон топиб беришим керакмиди хориждаги дўстларинг билан гаплашишга? Улар ҳам роса хавотир олиб, йиғлаб ўтиришгандир?”

“Мафия йиғламайди”, — дедим совуққонлик ила.

“Нима, улар мафиями?”

“Ҳа, мен мафия одамиман. Кўнглимга қарамасангиз, сизнинг ҳам кўнглингизга қарашмайди”.

Аёл жимиб қолди. Сўнгра овозини пасайтириб:

“Ҳозир келаман”, — деди-да, эшик томон йўрғалади.

У укаларининг кар-соқов эканлигини била туриб, гоҳо паст овозда сўзлаши, атрофга аланглайвериши менга эриш туюларди. Ҳеч кимга ишонмаслиги, ҳаттоки, Худога ҳам шубҳаси борлиги сезилиб қолганда, Ер юзида иккиюзламачилар нега бунчалик кўплигига энсам қотарди. Биласизми, бу ерда менинг севган йигитим бор эди. Унинг кимлигини сизга айтолмайман, Фароғат. Телефон қилиб, айнан ундан ёрдам сўрамоқчи эдим. Саудия Арабистони полицияси мени қўлга олса, нима бўларди? Албатта, қутулмоқчи бўлганим ўша кимсаларнинг — эски танишларимнинг қўлига тушардим. Уларсиз ҳам энди ўғлимни топсам бўларди...

Уй соҳибаси алламаҳалда қайтиб келди. Жуда ҳориганлигини юз-кўзи айтиб турарди. Қаёққа бор-

ганлигини, нима қилмоқчи эканлигини сўраганимда, гапимни қайтариб ташлади. Бироқ ҳоли-жонига қўймадим. Шунда у тупук сачратиб:

“Жуда билгинг келаяптими, гумроҳ хотин?! — деб қичқирди. — Эшитиб қўй, Қадр қишлоғининг аёллари билан Ҳажга бормоқчиман. Кўнглинг тўлдими? Ё исмлариниям, қанақа аравада боришимизниям айтайми?”

Анграйиб қолган эканман, аёл иягимни кўтарди.

“Оғзингни юм, пашша кирмасин, — деди у. — Шунча йил қунт қилмай, мана энди бораман деганимда, сенинг ташвишинг чиқиб турибди. Олдиндан пул берсанг гўрга эди...”

“Арава — турк тилида автомобил маъносида, — дея кўзларига тикилдим. — Айтмоқчисизки, Ҳажга машинада борса бўлади. Тўғри тушунибманми?”

Фароғат, ўшанда қандай аҳволга тушганимни тасаввур қилолмайсиз. Ахир, мен Маккаю Мадинага анчамунча яқин жойда эдим-да! Саудия Арабистони — катта мамлакат. Уни бешта давлат наридан пиёда келаятган киши чарчоқ билмай кесиб ўтиши мумкин, лекин мендек бир адашган аёл, уч чақирим ҳам пиёда юрмаган банда, бундай қилолмайди. Шунинглаб, кўнглим хижил эди-ю кутилмаганда хушxabар эшитдим...

“Бидъат, — деди уй соҳибаси, — олисдан келувчиларга ярашади, менга эмас. Шунга қарамай, аравада бормоқчи бўлаятганимнинг сабаби, оёғим касал. Кўп юравериб, оёқдан қаридим”.

“Аравада қанча вақтда етасиз?”

“Маккага етти соатда, Мадинага... билмадим, аравада ҳеч бормаганман”.

“Мени олиб боринг, йўл харажатларини ёйиш-йчиш — барчасини тўлайман”.

“Ёнингда пулинг йўғу, эгардан тушмайсан-а!”

“Кейин бераман”.

Аёл уҳ тортиб, шундай деди:

“Насияга олиб боришдан қочмайман. Сени текшириб, қолишларидан қўрқаман. Мен билан тутиб олишса,

холимга маймунлар йиғлайди. Бир неча йил аввал ҳукумат номига тилхат берганман... Вой-вой-ей, яна одам яширадиган бўлсам, теримни шилиб, янтоқ тикйшади”.

Аёл укаларига мени яхшилаб қўриқлашни тайинлаб, эртасига жўнаб кетди. Эндигина тонг ёришаётган фараҳбахш дам эди. Уй бекаси то кўздан йўқолгунча дарчадан мўралаб турдим. У елкасига тўрва ташлаб, бир таёқни ҳасса қилган, гўё меҳмондорчиликка бораётгандек эди. Укалари имо-ишора қилиб, узуқ-юлуқ овоз чиқариб, бир оз қараб ўтиришди. Сўнг шоша-пиша уй ортига ўтиб кетишди.

Қоҳирадан Афинага кетаётиб, самолётда кўрган тушимни эсладим. Қачонлардир барча гуноҳларимдан фориг бўлиш, илинжида Ҳажга боришни кўп ўйлардим. Бироқ айнан қиморбозлар самолётида Саудия Арабистони ҳудудига киришимни, телбасифат кимсалар уйида қамалиб ўтиришимни ва тўсатдан Улуғ Зиёратгоҳ яқинида эканлигимни билиб қолишимни ҳеч қачон хаёлимга келтирмагандим.

Ўғлимни ўйладим, ота-онам кўз олдидан ўтди. Ўзимга четдан боқдим. Кимман? Кимлардан яшириниб, қаерга бормоқчиман? Қачонгача яшамоқчиман?..

Бир куч мени оёққа турғазди. Гўё қушдай енгил бўлиб қолгандим. Эшикка қўл теккизгандим ўз-ўзидан очилиб кетди. Кар-соқов укалар чордона қуриб, қилт этмай ўтирардилар. Уларга сўнгги бор қиё боқдим. Бечоралар қимир этишга-да, журъат тополмадилар. Эҳтимол, кечгача қимир этмай ўтиришга гаров бойлашгандир. Эҳтимол, илоҳий нур мени уларнинг кўзига кўрсатмай қўйгандир...

Тепаликни айланиб ўтаётиб, ўзимни шунчалар ёлғиз ҳис этдимки, гурбатдан юрагим ёрилиб кетаёзди. Оёқларим чалишиб, йиқилиб тушдим. Қўрқа-писа теварак-атрофга, булутсиз кўкка, қўлларимга, оёқларимга кўз югуртирдим. Инсон ва табиат қоришиб кетган эди. Бу ўткинчи дунёда игнадай нарсанинг ҳам ўз шакл-шамойили, хусусияти бўлади. Айни пайтда тошлари том бўйи келадиган улкан тоғларнинг игнадек хусусияти бўлмайди. Фароғат, биз

ўзимиз яшаётган дунёни англашимиз жуда-жуда қийин. Битта гап ёки битта китоб билан тушуниб қолавермаймиз...

Мен бир вақтнинг ўзида ҳам алоҳида вужуд, ҳам борлиқдек чексиз вужуднинг бир зарраси эдим. Бундай туйғуни ҳамиша ҳис қилавермайсан киши.

Кейинчалик бир одам бошимдан кечирган бу туйғуни шундай изоҳлаб берди: “Инсон Аллоҳ таолони айни пайтда икки хил англайди: ваҳдати шукуҳ ва ваҳдати вужуд йўлида. Биринчисида инсон ўзини Яратгандан четда деб тасаввур қилади. Бундай одамлар Худо бизни четдан кузатиб турибди, деб хаёл қилишади. Иккинчи тоифадаги кишилар борлиқ Худонинг ичидадир, дейишади. Худодан ташқарида олам йўқ, деб, ҳар нарсада Яратганнинг белгиларини кўра оладилар...”

Ўшанда мени кўзга қўринмас куч катта йўл сари бошлади. Қўл кўтармасам ҳам микроавтобус тўхтади. Тасодифни қаранг, битта бўш ўриндиқ бор экан. Йўловчиларнинг ҳаммаси аёллар. Ҳаммаси Мақкага кетишяпти.

Микроавтобус шаҳарга кираверишдаги бир дўкон ёнига тўхтади. Дўконда зиёратчилар учун сон-саноксиз либослар муҳайё эди. Шу вақтгача бир оғиз гапирмай келаётгандим, дўкондорнинг хотини алланималар дегач, араб тилини тушунмаслигимни маълум қилиш учун оғиз жуфтладим. Аммо истараси иссиқ, хушбичим бир аёл менинг ўрнимга сўзлаб, дўкондорнинг хотинини шошириб қўйди. Тезда у бўйбағимга мос либос танлаб, кийим алмаштирадиган жойни кўрсатди. Харажатлар тўлангач, яна бир бора лол қолдим.

Аёллар таҳоратхонасидан чиқиб, ҳамроҳларимни тополмай қолдим. Минг-минглаб одамлар мени номаълум томонга суриб кетди. Оқимдан четга чиқишни хаёлимга ҳам келтирмасдим. Барчаси қисмат битигининг ижро этилаётганидан дарақ берарди. “Эй қиморбоз аёл, тақдир шамоли сени қаерларга учириб келди?” деб сўрайдиган одам йўқ...

Мен кимман? Бир бенамоз қиморбозман! Мусулмон кишисининг буюк амалини бажариш учун кетаяпманми?

Шундай қилоламанми? Лойиқманми? Балки бу кўчадаги гардлар ҳам оғимдан ижиргинаётгандир? Гўё ҳеч нима қилмаган, ҳеч нима кўрмагандек келаётган одамлар бордир? Бироқ мен... мен ўзимни бундай улуг мукофотга лойиқ кўролмай, борган сайин оғирлашардим...

Иттифоқо, муюлишдан чиқиб, гиж-гиж одам тўпланган кенг майдон домига тортилиб кетдим. Кимдир турк тилида “Ҳижознинг юраги” деганини эшитдим...

Одамлар мени муҳташам бино сари суриб кетди. Бироқ кутилмаганда кўзларимда даҳшатли оғриқ пайдо бўлди. Қулоқларимга кимдир “Боби Саломга қарасанг кўзларинг кўр бўлади, ушласанг қўлинг синади, ҳатласанг шол бўласан”, деб шивирлади. Кўз олдим қоронғилашиб, оёқлар остига йиқилдим. Дунёнинг энг кучли қиморбози оёқ остида хор бўлиб ётарди.

Хорлик!

Зорлик!

Тубанлик келтирди менга ҚИМОР!

Энди одам бўлмаман, деган хаёл кўнглимдан ўтди. “Шуниси яхши, — дедим ичимда, — ўлсам шундай жойда ўламан... Мурдамни ҳожилар, табаррук шайхлар кўмади... Руҳимга дуолар ўқийди. Аллоҳ мени афв этади...”

Афсуски, шу пайт кучли қўллар билагимдан тутиб, бутунлай бошқа томонга судраб кета бошлади. Мени бу дунёга қайтараётган ким экан, деб унинг юзига қарадиму даҳшатдан оқ тортиб, ҳушимдан айрилдим...

Ўзимга келишим бир оз қийин кечди чоғи, анча вақт қулоғимга гоҳ олисдан, гоҳ яқиндан турли овозлар эшитилиб турди. Инглизча, русча, арабча сўзларни илғайман. Баъзан ўзбекча сўзлар акс-садодек жаранглай-жаранглай, секин ўчади.

Сакраб уйғонгим, ўзимни Самарқанддаги уйимизда, ўлан тўшагимда кўргим келади. Бариси тушга айланиши учун ҳар нимага розиман...

Ва ниҳоят, кўзимни очдим. Бошим лўқ-лўқ оғримоқда эди. Деворга суяниб, гиштин йўлакка оёқ узатиб, меровсираб ўтирибман. Бир аёл ҳол сўраган эди, кўзларимдан ёш

думалади. У юпатган бўлди-да, чап томонимга ишора қилди. Қарасам, мени судраб келган махлуқ — юзи чўтир негр йигит тишининг оқини кўрсатапти. Бизга яқинлашиб, алланималар деди. Аёл менга жилмайиб боқаркан, форсий забонда тушунтирди: негр мени биров билан адаштирибди, унга юз доллар тўлаб, бир жувонни кузатиб юришини тайинлаган эканлар.

Тушунишимча, жувон касалманд бўлишига қарамай, ҳар йили Ҳаж зиёратини амалга ошириш учун Қувайтдан келаркан. Тоат-ибодат умри мазмунига айланган бахтли жувонлар борлигига ҳайрон бўлмадим: инсон ўз ҳаётини нимагадир бағишлайди. Истайдими-истамайдими, ҳамиша шундай бўлиб чиқади. Мен аёл бўла туриб... Ўзбек аёли бўла туриб умримни қарта ўйинларига бағишлайманми?.. Бағишлаб бўлдим... Йўқ, балки ҳаммаси олдиндадир...

Шунда вужудимни ажиб илиқлик эгаллади. Ён-веримда ўтирган қари-қартанг кампирлар каби оёқдан қолган эмасман. Қисмат тўфони Маккага учуриб келган экан, нега умидсизлик чоҳига тушаман?

Ўрнимдан турганимни кўриб, негр қизиқсиниб тикилди. Бунчалик қора вужудни яқиндан кўрмаганим ҳушимдан айрилишимга сабаб бўлгани ғалати туюлди. Қалбимдан чиркинликлар аригани сайин нозиклашиб бораётганим айни ҳақиқат эканлигини инкор этолмасдим. Нотаниш юрглارнинг аввал тасаввур ҳам қилмаганим манфур башарали кимсаларига рўпара келганимда ҳушдан айрилиш даражасида кўрқмагандим-ку. Бу эса... жилмаймоқда. Яна йиқилсам, яна ёрдам беради. Унга ҳақ тўламайман, у эса ёрдамга шай. Инсон гўзаллиги юрагидан бошланади, Фароғат!..

Одамлар ортидан икки-уч қадам босдим, холос. Йўлимни бир мўйсафид тўсди. У шунчалик ҳилвираб қолган чол эдики, ҳадемай қоғоздек букланиб тушгудек алфозда эди. Шу ҳолида бир қўлида каттагина оқ тугун.

“Қизим, — деди у ўзбек тилида, — манави тугунни машиналар қатнайдиغان жойгача кўтариб бороласанми?”

Индамай қараётганимни кўриб, бароқ қошлари уюлди. Киртайган кўзларидан маъно топиш ҳам амримаҳол эди.

“Юз ёшга тўлдим, — чол тугунни узатди, — сезаяпман, эрта-индин у дунёга рихлат қиламан. Маккага келганимга етмиш йил бўлди. Етмиш йилдан бери биринчи бор шу ердан қайтиб кетишим. Менга осон деб ўйлайсанми, қизим? Ма, ушласанг-чи, тугунни”.

Биз секин-аста кета бошладик. Ортимга тез-тез қайрилиб қараётганим чолни тўхташга мажбур этди.

“Ёлғиз келганингни кўнглим сезди, — деди у. — Лекин қандай қилиб ёлғиз ўзинг бу ёқларда юрибсан? Ҳаж қилиш ниятинг йўқлиги ҳам галати...”

“Сиз ҳам мени қизиқтириб қўйдингиз, бобо, — дедим. — Дарбадарлик менга тўғри келмаса-да, тентираб юришим ҳолимга яраша. Юз ёшга тўлдим, деяпсиз... Етмиш йил аввал, ўттиз ёшингизда келгансиз. У вақтлари... демак, катағон йиллари қурбонисиз?”

Алмойи-алжойи гапларим чолнинг таъбини тирриқ қилмади. У биринчи марта менга илжайиб боқди (ниҳоятда қийин бўлса керак унга илжайиш).

“Кўпчилиқни замона зўрлари қувғин қилди, қизим. Бироқ ҳамма қочоқларни эмас! Айнан менинг дарё ортига йўл олишимнинг бошқа сабаби бор. На бойлар авлодиданман, на амирлар! Мен...”

Чол юзимга яна синчков тикилди. У бир замонлар қорули, чапани ва дарғазаб йигит бўлганлиги тасаввуримда бир лаҳза жонланди.

“Юр уйимга, — деди у, — яхшиси, остонамдан ўтгач, оғиз очай. Акс ҳолда сени ташвишга қўяман... Бир бурда ўлигим ҳам бу дунёга юк”.

Такси бизни шаҳарнинг нариги четига олиб борди. Чол бадавлат эмас эди, аммо тирикчилиги ёмон ўтмаётгани хизматкор йигит кўтариб келган патнисдан ҳам кўринарди.

Уй соҳиби инқиллаб-синқиллаб қўрпачага ўтиргач, бирдан йигитнинг қўлларига ёпишди. Гўёки кўзи ожиз тиланчи бойваччага талпинганга ўхшарди. Йигит менчалик ажабланмади. Улар икки оғиз арабчалаб сўзлашишди, йигит таъзим қилиб, патнисни бир четга қўйди ва уйни тарк этди.

“Унга жавоб бердим, — чол тугунни очишга тутинди. —

Энди хизматкорнинг кераги йўқ. Фассол, мулла ва гурков — уч киши бир соат вақт ажратса бас, доянинг бошлаган иши охирига етади”.

Бобога нима дейишни билмасдим. Одатда ўлимидан сўз очган кишининг руҳини кўтаришга ҳаракат қилинади, лекин юз ёшли кимсасиз чолга нима деб таскин бераман? Ҳали яшайсиз, дейманми? Яшашда давом этинг, дейишдек масхаромуз ва аҳмоқона гап бормикан дунёда?!

Тугун ичидан қотган нон, баклашкада сув, клёнка халтачада тупроқ ва икки дона ошиқ бор эди. Чол уларни қучоқлаб, елкаси силкиниб-силкиниб йиғлай бошлади.

“Нега йиғлаяпсиз?” — деб сўрадим совуқ оҳангда.

Чол жавоб бермади. Бир оздан сўнг бошини кўтарганда, кўзлари қизариб кетганини кўрдим. У ёш боладек мўлтираб қарарди. Назаримда, онаси ҳозиргина ташқарига чиққан у “онам қани?” деб бегонасираб турган гўдак эди у.

“Мен ютқаздим”, — деди лаблари қалтираб.

“Нимани?”

“Ҳаётимни ютқаздим”.

Бир четга оҳиста чўкиб, тугунга кўз ташладим. Чолнинг бошига тушган фожиани англаб бўлгандим.

“Узоқ умр кўриб, шукр қилмасам гуноҳ бўлади, — деб қаддини кўтарди у. — Бироқ мен нима қилдим? Юз йил-а! Юз йил!. Эсизгина, юз йил! Шу умрни олимми, ёзувчими, э-э... оддийгина оила бошлиғига берганида, қандай фойдаланарди-я!. Меникини умр деб бўладими? Исроф қилинган йиллар... Қара, манавини кўр, — чол шундай деб ошиқларни қуруқшаган қўлида ўйнатди. — Булар нима? Ҳайвоннинг суягидан тайёрланган қимор буюми!”

“Сиз қиморбозмисиз?!” — беихтиёр ўзимни орқа ташладим.

“Қиморбозман”, — деди у.

“Мени қандай билдингиз?... Ўзбек эканлигимни, адашиб юрганганимни ва... мен ҳам... ҳалиги... қимор дегандай...”

“Сен ҳам қиморбозсан, қизим”.

“Сиз, ахир, қандай қилиб... билдингиз?..”

“Ҳаммаси олдиндан аён бўлди... Сенинг келишинг, менинг ўлишим...”



Фароғат, ўшанда ҳайкалдай қотиб қолдим. Чолнинг валийлигидан эмас, мен ҳам худди унинг Арабистонга келган вақтдаги ёшига яқинлашганимдан. У ўлаяпти, ўрнида мен қолаёпман. Чол каби мен ҳам юз йил ғурбатда яшайман...

Тушунаёпсизми, бу даҳшатли ҳукм! Йигирма йилга озодликдан маҳрум этилдингиз, десалар, бунчалар куйинмайсиз. Маҳбуслик нима? Инсон феъли эмас-ку. Умрбод қамоқда ўтирган одам ўзини-ўзи ҳеч бўлмаса камераси ичида ҳур деб ўйлаши мумкин. Қимор эса ичингдаги қамоқ! У руҳингни, қалбингни, бутун ички дунёнгни панжаралари билан қисади, янчади. Озодлик ҳам, омонлик ҳам йўқ...

“Мен кетаман, — дедим ўзимни қўлга олиб. — Бу ерда қололмайман”.

“Ўтир, — чол қўли билан имо қилди. — Тақдир ҳукмига қарши бора кўрма. Инсон ҳаммасини ўз қўли билан яратади, деган ҳикматни эшитганмисан?”

“Эшитганман, бобо. Шунинг учун ҳам кетмоқчиман, курашмоқчиман”.

Чол кулдими, қисқа йўталдими, “ҳиҳ” деган овоз чиқарди ва:

“Қасрга?” — деб сўради.

“Билмайман, лекин бир умр қиморбоз бўлиб қоладиган жойга эмас”.

“Истасанг, шу ерда ҳам қиморбоз деган номдан халос бўлишинг мумкин. Қисматингни ўзинг яратиб бўлдинг, энди ҳукмдан қочмоқчисан, холос”.

Ўрнимдан туриб, эшик сари юрдим. Юрагим қисаётган, ҳаво етишмаётган эди. Чол тўсатдан хонтахтани тап этиб урди.

“Сени нима абгор қилган, биласанми?! — деди баланд овозда. — “Қора қарта рақси! Жодугар ўйини!”

Тўхтадим. Чолнинг ўқи нишонга теккан эди.

“Бобо, — деб унинг пойига бош урдим, — гапларингиз ҳақиқатдан ўзга нарса эмаслигини жуда яхши тушунаёпман. Айтинг, мен нима қилай? Нима-а қила-а-йй?.. Жуда эзилиб кетдим, куйиб-куйиб кулга айландим!”

“Ўша жодугар ўйинини биз дунёга келтирганмиз, — чол менга еб қўйгудек тикилди. — Мен ва Петро! Аниқроғи, Петрога ёрдам берганман... Кейин қарта афсунгари аллақарларга йўқолиб кетди. Кавказда ваҳшийларча ўлдирилган деб эшитгандим. Ростми, ёлғонми, менга қоронғи. “Қора қарта рақси”нинг сири шуки, уни ўрганмоқчи бўлган одам қалбини қиморга сотган бўлиши керак. Эсла, қачондан бошлаб қартага меҳр қўйгансан?”

“Кўп йиллар бўлган... Эслашни истамайман...”

“Маيلي, сенинг ўрнингга ҳам ўзим гапираман. Нима жин ургану кунларнинг бирида қартага қизиқиб қолгансан. Тақлидми, зерикишми, мажбуриятми — фарқи йўқ. Қартага қизиқиш, ўйин сирларини ўрганиш ва биринчи ўйин! Шундай бўлдими, тамом, сен қалбингни қиморга бой бердинг... Ёдимда, ўспирин бола эдим. Гузаримизга қай гўрдандир Петро келиб қолди. Тайинли касби йўқ эди унинг. Биз эндигина ошиқ ўйинини ўрганиб, пана-пастқам жойларда арзимас чақа тикиб ўйнардик. Лаънати қарталар ҳақида кўп эшитгандим, эскирган, йиртилган бўлақларини топиб, узоқ томоша қилиб ўтирардим. Тушунмас эдим, бу нима ўзи?”

Петро қўлимдаги қарта бўлагини кўрган кундан бошлаб ҳаётимда ўзгариш содир бўлди: у айнан мендек болани ахтариб юрган экан. Дарров темирчилик устахонаси орқасидаги кулбага бошлаб борди. Қўлимга бир қути яп-янги қарта тутқазди. Менга совға эканлигини билиб, теримга сигмай қувондим. Петро ўзбекчада анча-мунча сўзлаша оларди. Тарихдан ўқигандирсан, бир минг тўққиз юз ўн бешинчи йилларда рус тилини биладиганлар кам эди, менга ўхшаган косиб ўғлига эса йўл бўлсин.

Бироқ Петронинг баъзи русча сўзларини изоҳсиз ҳам тушуна бошладим. У алланечук сирли қиёфага кириб, хириллоқ, овозда қарта нима эканлигини узоқ тушунтирди. Қартанинг пайдо бўлиши ва бутун дунёга тарқалиши учун қанчадан-қанча жиноятлар, тўфонлар, бахтсиз ҳодисалар, ҳатто урушлар юз бериши даркор экан. Қарта — ҳазилакам ўйин эмас. Уни такомиллаштириш учун қиморхоналар,

қамоқхоналар, жиноий уюшмалар керак. Бусиз қарта ўйнайдиган одамларни топиб бўлмайди. Топилганлари ҳам шунчаки эрмакка ўйнайдиганлар...

Қизим, биз кеча-ю кундуз қарта ўйнадик. Петро менда барча ўйинларни синаб кўрарди ва ягона ютиш йўлини ахтарарди.

Ахийри, у топди. Юз йил яшаб, мен Петродек даҳо кишини учратмадим. Аммо иблисга соғилган даҳо эди у! Худо берган билимларнинг барчасини қартага сарфлаб юборган ожиз даҳо!

Петро уни “қора қарта рақси” деб атади. Қарталар инсон қўлида қора рақсга тушади, рақиблар бошига қора кунларни солади, деб суюнди.

Қарта даҳоси кетгандан сўнг мен ҳам қарта ўйнай бошладим. Бироқ “қора қарта рақси”ни ўргатмаган эди. Петрога тажриба ўрнида керак бўлганимни бошиданок тушунганман...

Даставвал қарта ўйнайдиганларни топиш жуда қийин кечди. Йигирманчи йиллардан кейин Тошкент, Самарқанд, Қўқонда ўйновчилар анча кўпайиб қолди. Мен асли туркистонликман. Кунларнинг бирида она шаҳримда бир муаллимни тузоққа илинтирдим. У шаробни яхши кўрадиган иродасиз одам эди. Олтита қизи бору ўғли йўқ. Ошиқ ўйнади. Қартани бир ўйнагандан ўрганиб кетди. Шунчалик қизиқиб қолдики, қартасиз кунни ўтмасди. Хумор босиб қелаверарди, келаверарди...

Мен ҳам уникига онда-сонда бориб турардим. Ёш эдим, гумроҳ эдим, қачон борсам, кўзларим қизлари томон югуриб кетарди. Лекин муаллим мени ҳеч қачон куёв қилмаслиги аниқ эди. Билардим, унга на қариндош, на дўст ўрнида керакман. Хумор бостирувчи киши эдим, холос.

Ҳарқалай, “қора қарта” сирларидан воқиф бўлмасам-да, қартани яхши ўйнардим. Айёрлик қилиб муаллимга бир ҳўкиз пулини атайлаб ютқаздим. Кўрмаганнинг кўргани қурсин: муаллим буни ғалаба деб ҳисоблаб, шишиб кетди, босар-тусарини билмай қолди. Пайт пойладим ва шароб хушини ўғирлаган, қимор калласини қиздирган маҳал

унинг бир йўла уч қизини ютиб олдим... Ҳа, ўз қизларини қиморга тикиш даражасида тубанлашди... Бир йил аввал ювошгина муаллим эди у...”

Чол ҳикоясини давом эттиришни истамай, юзини терс ўгирди. Қаршисида ўтирибман, етмиш йил бурун йиғлаган қизларнинг кўз ёшлари кўрингандек туюлди, гўё қулогимга оху зорлари чалинди.

“Бобо, — дедим унга, — кейин нима бўлди?.. Наҳотки, сиз...”

“Мен ҳайвон ҳам қилолмайдиган жиноятни амалга оширдим, — давом этди чол, — Қизлар навбатма-навбат нафсим қурбонларига айлангач, сездимки, улар бу фожиани ҳеч қачон сир сақламайдилар. Мени фош этиб, сўнг ўз жойларига қасд қиладилар. Қандай йўл тутишни билмай, муаллимникига жўнадим. Унга қизларингизни қўйиб юбораман, лекин ҳеч кимга миқ этмасин, бўйи етган, ақлли-фаросатли-ку, ўзингиз тушунтиринг, демоқчи эдим. Афсуски, кайфи тарқаган бадбахт ота ўзини осиб ўлдириб қўйибди. Ҳаммаёқ қий-чув, тўполон.

Изимга қайтдим, фикр-хаёлим қизларни йўқотишда эди. Бирини ертўла бурчагига олиб бориб, тупроққа юзини куч билан босдим ва... пичоқ санчдим. Сингиллари чуввос солиб, бошқа бурчакка қисиниб ўтиришарди. Бирдан ўзимга келдим. Қанчалар ифлослашиб кетганимни, кеч бўлса ҳам англадим. Пичоқни четга улоқтирдим. Тиф бечора қизнинг қўлтиғи остини жароҳатлаган, беғуноҳ вужуд бир зумда қонга беланган эди. “Одамларни чақиринглар!” — дедим-да, ташқарига отилдим. Неча кунлар сарсонун дарбадар ҳолда Амударёга етиб келдим. Қочоқлар билан бирга Афғонистонга ўтиб, бир оз яшадим. Қаерга бормай, ё шайхга, ё маслаҳатгўй доно кишига дучор бўлардим. Уларнинг ваъзлари виждон азобига азоб қўшарди. Тинчлик ичра тинчимни йўқотдим. Сўнгги йўл деб тоат-ибодатни тушунган мендек бахтиқаро кишига қанча азоб берса ҳам оз!..

Сўраб-сўраб Маккага етдим. Етти марта ҳаж амалларини бажардим. Юрагим таскин топмади. Муқим яшаб қолиб, умрим охиригача тоат-ибодатдан бош кўтармасликка қарор қилдим. Бироқ... — Чол ҳикоясининг шу жойига етганда,

бош кийимини юлқиб, тақир бошига муштлади. — ...бирок ҳар куни тонг чоғи беихтиёр ичимда овоз янграйди: “Мен қиморбозман! Мен зинокорман! Мен қотилман!”

Биламан, бу овоз ғойибдан келмайди, у менинг овозим, лекин гапирмайман дейману гапиравераман. Тўхтатолмайман!.. Воҳ, бунинг қандай азоблигини билсанг эди, қизим! Қанийди қалламини пармалаб, ўша гапни жаранглатувчи миямни эзиб ташласам, миямнинг ич-ичларига шамол кирса...”

Чол жим қолди. Сўнг бошини зўрға кўтариб, тугунга қаради. Иккимизнинг нигоҳимиз битта нарсада эди: нонда. Нонни қалтираб ушатди, бир бурдани оғзига солди. Пиёлага сувдан қуйди, титраб-титраб ичди. Кейин тупроқни ҳидлади, узоқ ҳидлади. Худди бурни клёнка халгача ичидан чиқмай қолганга ўхшарди. Ахийри, чуқур уҳ тортди-ю ошиқларни чангаллаб, кўрпачага чўзилди. Оғир-оғир нафас олиши аҳволотини маълум қилиб турарди.

“Қизим”, — деди у кўз юмган ҳолда.

“Эшитяпман, бобо...”

“Тушимда оқ кийинган аёлни кўрдим. У “қора қарта рақси”нинг навбатдаги қурбонини Хижоз майдонида учратасан, деди. Бу йил Хижозга бороламанми-йўқми, деб ноумид ётганимда, аллақайси идора ходими келиб, олис Туркистон шаҳридан қариндошларим ахтараётганини, ҳажга келувчиларнинг биридан тугун бериб юборажакларини маълум қилди. Бордим, зиёратчилардан тугунни олдим. Укамнинг фарзандларидан экан. Зиёратга келувчилар “бу тугун туркистонлик катта мулланинг тушига кирган”, деб тушунтирдилар. Ўлимим олдидан ватанимнинг нон-тузини едим, сувини ичдим. Бир ҳовуч бўлса-да, ватан тупроғига бош қўйиб ётаман...”

“Ошиқларни нега жўнатишган?” — сўрадим чолдан.

“Тушда шуям кўринган, шекилли... Қара, булар оддий ҳайвон суяклари. Аммо шу суяклар мени, менга ўхшаган минг-минглаб одамларни бахтсиз қилди. Ҳалигача бахтсиз қилаётган бўлса ажабмас... Суяк!.. Шу суякдан бошланди-я ҳаммаси!..”

Бояқиш чол руҳий азобларга чидаёлмай кўзини чирт юмди. Қошлари янада ўсиқ ва тилсимли кўринарди. Ўлиб қолди, деб қўрқиб кетдим.

“Бобо!... Бобо!...” — унга яқинроқдан тикилдим...

Шунда чол сўнгги бор кўзини очиб:

“Етмиш йил ибодат қилсанг ҳам қутулолмайсан... — деди. — Қутулолмайсан... Қимор сени ҳам ейди... еб бўлди... Ла илаҳа иллаллоҳ...”

Шундай қилиб, чол ўзи ўйлаганидек жон таслим қилди. Қаршимда юз йил яшаган одамнинг мурдаси... Нима қилишимни билмайман.

Шу пайт хизматкор йигит қайтиб келди. Чолнинг томирини ушлаб, жон асарини сезмай, бошини маъноли лиқиллатди-да, юзига фотиҳа торгди.

Эртасига чол дафн этилди. Ҳеч ким йиғламади, мен ҳам.

Кейин ҳеч зот келмай қўйди. Уйда ёлғиз ўзим қолдим. Кутилмаганда пайдо бўлган меросхўр каби уйни томоша қилиб, зерикиб кун ўтказардим. Бошим қотди. Турган гапки, бу гўшада узоқ яшолмайман. Тез орада ҳужжатимни сўрашади, кимлигимни аниқлашади...

Бедор кечаларнинг бирида кўзим илинди-ю тушга ўхшаш аллақандай тасвирлар кўз олдимда лип-лип ўтди. Мункиллаган кампирман. Орадан етмиш йил ўтиб кетган. Ҳадемай ўламан...

Кўзим ярқ этиб очилди. Чолнинг уйи эмас, қисмати мерос қолганини англаб етдим. Маъмурлар сўроқласа, кимдир жонимга оро кириб, ҳужжатларимни ўзгартириб берар. (ахир, ҳалокат ёқасидаги ҳимоясиз жувонга ёрдам қўлини чўзадиган валламаглар топилмайди, деб бўладими!) Кейин-чи?

Йўқ, келгусини ўйлолмайман...

Кундузлари кўчаларни айланиб юрардим. Эркаклар гап отмайди, тикилиб қарамайди. Худди иш билан кетаётгандек аллақаяқларга шошаман.

Бир куни эрталаб эшик тақиллади. Нима қилишни билмасдим. Араб тилида “Ким у?” деб сўраёлмайман. Сўраган тақдиримда келган одамнинг гапига тушунармидим.

Эшик яна тақиллади.

“Келин, уйдამисиз?” — деб сўради хотин киши турк тилида.

Овоз соҳибасини танидим: кәр-соқовларнинг опаси. (Ё тавба, у исковуч йт каби мени бу ерга қандай топиб келди-я?!)

Эшикни очган заҳотим икки киши бостириб кирди. Аёл ҳам кирганидан сўнг эшик ёпилиб, занжир илинди, калит буралди.

Тилимга сўз келмай, анграйдим. Ахир, қаршимдаги киши у эди — неча бор ўлимдан қолган Шомил ака.

“Лобар, — деди у елкамдан тутиб, — уларни ўлдирмоқчи эмасдим. Дэвид Гурген ҳам бекорга ўлди-кетди... Шукр, сен ҳаёт экансан. Сени ўлдириб қўйдим деб... Энди нима қиламан деб..”

Шомил ака гапиролмай, лабини тишлади. Севинч тўла кўзларини мендан узмас, мен эса йиғлардим.

Фароғат, ҳозир сизга бошимдан кечирганларимни қисқагина сўзлаб бераяпман. Шомил ака қанақа одам эканлигини тасаввур қилолмайсиз. Дунёнинг қайси чеккасида бўлманг, у барибир ахтариб топади. Бунга лол қолишга ҳожат йўқ, аммо у “сени ўлдириб қўйдим деб қўрқдим” дея куюнчаклик ила жилмайса, ҳайрон қолишингиз керак. Шафқатсиз қотил, қиморбозлар кушандаси шундай деса-я...

“Олдингда иккита йўл бор, — деди у. — Бири, шу ерда умрбод қолиб, тинч яшаш. Иккинчиси, мен билан Россияга кетиб, Иволгин чангалидан ўғлингни халос этиш”.

“Мен энди ҳеч кимга қарши курашмайман, — деб жавоб бердим. — Ўғлимни топсам ва беҳавотир гўшада тинчгина умр кечирсам бўлди”.

Шомил мени маҳкам қучди ва шеригига (у араб миллатига мансуб эди) русчалаб:

“Император хоним рози эканлигини маълум қилинг, — деди. — Биз бугуноқ Саудия Арабистонидан чиқиб кетишимиз керак. Самолётда эмас!”

“Аёлни нима қиламиз?” — деб араб ўз миллатдошига ишора қилди.

“Ўлдилинг”, — деди Шомил...

Шундай қилиб, мен ўғлимни озод қилишни ваъда берган собиқ эрим билан навбатдаги сафарга отландим. Буни сафар деб ҳам бўлмасди. Сўнгги уруш эди...

Лобар ўз ҳасратларини тўкиб-солган ва ёрдам сўраётган келинчакка маъноли қараб қўйди.

— Кўп келинли хонадонда қимор туфайли сиздек жабрдийда келин борлиги мени бир оз ажаблантирди, — деди “қора қарта” соҳибаси.— Келинлар кўпми, демак қудалар ҳам кўп. Улар шунча одамга бошчилик қилаётган қайнотангизнинг ғалати қилиғини эшитиб, нега жим қараб турганлар? Ҳайронман. Мен эса, эшитдингиз, нима бўлсам Москвада бўлдим. Самарқандга қайтганимдан сўнг мени ҳеч ким қартадан тийиб қўймади.

— Биронта келин уйдаги гапни кўчага чиқаролмайди. Бизда...

Лобар шартта Фароғатнинг гапини бўлди:

— Аммо гишт қолипдан кўчганидан кейин барчаси ипидан-игнасиғача ошкор қилинди. Бу нима деган гап? Қайнотангиз ўз ўғилларига қарта ўргатиб, ота-бола ўртасидаги эрмақ ўйинларни ташкил этдими, тамом, бу қандайдир фожианинг бошланиши! Наҳотки, шуни тушуниш қийин бўлса?! Айтдингиз-ку, бизга ўз ўғилларидан пул ютиб берарди деб...

Келинчак бош қимирлатиб, Лобарнинг ҳамма гапини тасдиқлаб ўтирди. Кейин гўё ўз дардини унутгандек ачиниш ҳисси инган чиройли кўзларини ярақлатиб очди.

— Лобар опа, ҳикоянгиз мени лол қолдирди. Бир аёл бошидан шунча саргузашт кечирганига одам ишониб-ишаноламайди. Шомил ака деганингиз, наҳотки, у араб аёлини ўлдиришга буйруқ берган бўлса?

— Ҳа, ҳамроҳи “аёлни нима қиламиз?” деб сўраганида, Шомил ака оддийгина қилиб, “Ўлдилинг”, деди. Балки уни ўлдирмагандир. Шомил акага ҳамиша ҳам тушуниб бўлмайди.

— У ҳалиям борми?

— Ким?



— Шомил ака.

Лобар меҳмонга норози боқди, сўнг бир нуқтага тикилиб сўради:

— Мабодо кимнингдир одами эмасмисиз?

— Мен ҳеч кимнинг одами эмасман. Лобар опа, илтимос, мен ҳақимда ёмон хаёлга борманг. Шунча вақтдан бери гаплашиб ўтирибмиз, тепамда Худо бор..

° Иккаласи биргаликда дастурхон тузаб, ош сузишди.

— Уйингизда бошқа ҳеч ким йўқми? — сўради Фароғат.

— Ҳозирча ҳеч ким.

— Айбга буюрмайсиз, опа, кўк қўйлак кийибсиз.

— Эрим ўлди. Боя уни гапириб ўтдим. Ёлғизгина боламнинг отаси. Собиқ муаллим.

— Худо раҳмат қилсин, — юзига фотиҳа тортди Фароғат.

Ош ея бошлашди. Лобарни бу келинчакнинг дадиллиги ўзига ром этган эди. Шаҳарнинг нариги чеккасидан ёлғиз ўзи келиб оламжаҳон муаммоларга қорилган кулфатни сўзлаб берди: Баъзилар иложи борича яқинлашмасликка ҳаракат қиладиган қиморбоз аёлникига тап тортмай кириб борди, у билан теппа-тенг ош емоқда.

Термулиб қолганини сезиб келинчак хиёл ўнғайсизланди.

— Олинг, олаверинг, — манзират қилди Лобар, — тортинманг. Юзингизга яқинроқдан тикилмаган эканман. Уга тагидаги доғларга қараганда, бўйингизда бор, шекилли?

— Ҳим, — қизарди Фароғат. — Тез-тез ўтим оғрийди, шунга дарров доғ пайдо бўлди.

Келинчак келганидан буён Лобар биринчи марта самимий кулимсиради.

— Менинг ҳам юзимга доғ тушган эди, — деди у овози сезилар-сезилмас титраб. — Сал нарсага кўнглим айнирди. Айтишларича, кўнгли нозикларга, ҳомиладор бўлгач, тез доғ тушаркан.

Иккови бир-бирига меҳр билан қарадилар. Четдан кузатганда, опа-сингиллар деб ўйлаш мумкин эди.

Во дариг, аммо улар қандай қилиб ўхшасинлар? Бир майда қиморбоздан азият чекиб, ёрдамга муҳтож, мисоли

қушча. Иккинчиси қимор оламини дарзага солган енгилмас қартабоз, кавказ ва рус қиморининг меросхўри.

— Фароғат, мен сизга ёрдам бераман, — деди Лобар кутилмаганда. — Ташлаб қўёлмайман. Шусиз ҳам барибир мени тинч қўймасликларини биламан. Лекин бир шартим бор: менинг Лобар эканлигимни сир тутасиз. Шундай сир тутасизки, туғилажак болангиз ҳаққи қасам ичасиз.

Келинчак сесканиб тушди, илло ўзини йўқотмиш ҳолатга бирровгина асира бўлди, холос. Беихтиёр қорнини сийпалаб, сўзлади:

— Опажон, сизни сотмайман...

— Нима бўлганини эрингиз сўраса, Лобар опа эшитишниям истамади, дейсиз.

— Хўп...

— Бошқа бир қартабоз хотинга дуч келиб қолгансиз.

— Худди шундай дейман.

— “Якудза” мафиясининг югурдагини қартадан ютиб, сизни ва оилангизни офатдан қутқараман. Кейин мени бир умрга унутасиз. Тушундингизми?

— Тушундим, опа.

— Мен ҳақимда нима эшитган бўлсангиз, ҳаммаси рост, — деди Лобар қовоғини уюб. — Қартабоз, қотил, фоҳиша, ёвуз жодугар, қасоскор... Ким билади, одамлар яна нималар демаган. Ҳақиқатан, мен мафия одами ҳам бўлганман, ҳикоямни тингладингиз. Шундан хулоса чиқаринг-да, келинжон, мен ҳақимда ҳеч кимга лол-мим деманг. Қасам урмаган тақдирда ҳам ўзингизга қийин бўлади.

Фароғат ихлос билан қуллуқ қилиб, мутеларча ўтирарди. Лобарнинг ҳар бир гапи қулоғида қонун каби жаранглаётганини, юрагига муҳрланаётганини сезиш мумкин эди. Қиморбоз аёл келинчак ўз измида эканлигига ишонч ҳосил қилгач, сўради:

— Ўйин бўладиган жой ва вақтни айтинг.

— “Ситора” меҳмонхонаси, иккинчи қават...

— Тўхтанг, — Лобар қўлини кўтарди. — Шаҳримиздаги “Ситора” меҳмонхонасини айтаяпсизми?

— Ҳа, Боғидилдаги хусусий меҳмонхона, сариқ рангдаги.

— Ахир, мен... — Лобар чайналиб қолди. Сўнг нималарнидир ўйлаб деди: — У меҳмонхона менинг дугонамники. Қурилишига ўзим ўзгартиришлар киритгандим. Иккинчи қават... Хўш... хў-ўш... Қайси хонада дедингиз?

— Ғалати меҳмонхона экан, хоналарга рақамлар қўйилмаган, рангларга бўялган. Иккинчи қават, оқ-қизил эшиклар. Эримнинг айтишича, японлар оқ-қизил эшикларни ёқтириб қолишибди. Кечирасиз, қарта ўйналадиган вақтни айтсам бўладими?

— Албатта.

— Шанба кун, соат йигирмаю ноль-нолда, — деди Фароғат.

Чой ичаётганларида Лобар гап қотди:

— Ёлғиз ўзи яшаб, кимга ош қилаётган эди, деб ҳайрон бўлгандирсиз?

— Ҳайрон бўладиган томонларингиз кўп экан, опа.

— Бугун бир киши келиши керак эди, ўшани кутаётгандим. Қаранг, сиз билан дардлашиш насиб этган экан, икки соат ўтганини сезмай қолибман.

— Лобар опа, — Фароғат бежиримгина соатига кўз ташлаб олди, — поччам вафот этган, ўзингиз билан ўзингиз овора бўлган бир вақтда сизни безовта қилганим учун узр. Биздан қайтмаса, Худодан қайтсин, опажон. Мафия деган аждаҳодан қутқарсангиз, бир умр ҳаққингизга дуо килиб яшаймиз. Қайси зиёратгоҳга борсам, Аллоҳдан сизга бахт-саодат тилайман: Насиб этса, бир кун келиб, ҳажга борсам, сизга ўғил-қизлар тилайман, гуноҳларингизни кечиришни сўраб...

Тўсатдан Фароғат қаршисидаги сирли аёл кўзларини олиб қочганидан довдираб қолди. Ахир, бу зотнинг ўзи Саудия Арабистонида, Маккада бўлган. Боягина аччиқ кечмишларини, Улуғ Зиёратгоҳ пойидан ортга қайтиб кетганини сўзлаб берди. Мумкинмикан ҳажга борган киши бир қиморбоз аёлга ўғил-қиз тилаши-ю гуноҳларини мағфират қилишни Аллоҳдан сўраш?! Ёки бу вақтинча ўзини йўқотган кимсанинг мантиқсиз ва ёлғон ваъдаларими?

— Ранжитмадимми, опа?— деди келинчак.

— Аслида ҳар бир гапингиздан ранжишим керак. Ҳомиладорман деган гапингиздан ташқари, албатта.

Фароғат нима дейишини билмай, дастурхон четини ўйнади. У ўзини бирон ваз билан оқлаш ниятида эмаслиги равшан эди.

— Биласизми, опа, — деб бирмунча ўзгарган товушда сўзлади у, — мен нима деётганимни гоҳо ўзим англамай қоламан. Жалол акам қиморга аралашганидан буён эҳушим кирди-чиқди бўлиб...

— Йўқ, сиз бу жиҳатдан соғсиз, — деди Лобар.

— Айтмоқчиманки...

— Айтмай қўя қолинг, аҳволингиз менга жуда яхши маълум. Фақат сиз кўп нарсага қизиқаяпсиз. Шомил акага, ва албатта, ўғлимнинг қисматига.

Фароғат яна соатига қаради, гарчи кетар вақти бўлса-да, айнан шу ваздан кетолмаётганини айтиш ҳаддан ташқари ортиқча туюларди унга.

— Мумкин бўлса, — деди келинчак, — ҳикоянгизнинг давомини эшитсам. Бу фақат сизнинг тақдирингизга, Шомил акага ва... ўғлингизнинг ҳаётига қизиқшимдан, холос. Нима бўлган экан, деб ичим ёнапти-ю сўраёлмаётгандим.

— Ҳа, майли, мен кутаётган одам келгунча ҳикоямни давом эттирай, — дея Лобар чорпоя суянчиғидаги ёстиққа елка қўйди. — Қаерда тўхтагандим?

— Макка шаҳридаги юз ёшли чолникида яшаб юрганнингизда, Шомил ака бир араб йигити ва сизнинг душманингиз бўлган араб аёли билан бостириб келади. Россияга бориб, ўғлингизни қутқаришга розилик билдирасиз.

— Ўша кунларни эслаш осонмас, — деди Лобар ғайритабиий тетиклик ила. — Майли, сиз учун. Токи қаеридир сабоқ бўлар...

\* \* \*

Лобар Саудия Арабистонида Шомил билан юзма-юз келган чоғини эслаб, бир муддат оғир хаёлга толди ва кейин шундай ҳикоя қила бошлади:

— Бир неча кундан сўнг мени нималар кутаётганини, бу одамлар қандай режа тузишганини билмасдим. Икки йўл турарди: чолнинг уйида қолиб, умримни охиригача ибодат қилиш, туноҳлардан покланиш. Иккинчиси, Шомил ака билан Россияга кетиб, полковник Иволгин чангалидан ўғлимни халос этиш, шу тариқа ихтиёрсиз равишда чечен мафиясига хизмат қилиш.

Боя айтганимдек, мен иккинчи йўлни танладим. Биласизми, Фароғат, қиморхоналару бемаъни саргузаштлардан, қотилликлару турли товламачиликлардан қанчалик чарчаган бўлмайин, ўлиб кетган деб ишонганим ёлғизгина боламнинг тирик эканлиги, дийдор кўришиш мумкинлиги ҳар нарсадан устун эди. Ҳатто, етмиш йиллик ибодатдан ҳам. Бояқиш чолникида ёлғиз яшаб, қисматини мерос қилиб ололмаслигимга амин бўлдим.

Шомил ака рози эканлигимга қувониб “император хоним” деб атаганидаёқ жиноят оламида янги уруш бошланаётганини сезгандим. Ва бу урушда менинг иштироким уларга ҳаводай зарурлигига ҳам ақлим етди. Бироқ менга ҳаддан ташқари разиллик раво кўрилмаса керак, деб умид қилдим...

Атрофда полиция изғиб юрарди. Кўпчилиги фуқаро кийимида. Шомил ака араб аёлни ўлимга маҳкум этгач, тирсагимдан тортди.

“Кўчадан тўғрига юрасан,— деди у, — эскироқ яшил машина турибди, орқа ўриндиғига ўтир. Билиб қўй, ортиқча ҳаракатинг менга ҳам қимматга тушади”.

Уйдан чиқдим. “Нима қилсам ўзимга яхши бўлади? — ўйладим яна бир бор. — Чечен киллери айтганидек, ими-жимида машинага ўтириб олишим керакмиди ёки полиция қўлига тушганим маъқулми? Халқаро миқёсдаги жиноятчиларнинг шеригига айланганимдан буён бирон марта хурсанд бўлдимми? Энди бахтимни топиб берадими булар?”

Ортимдан қадам саси таъқиб қилиб келарди. Бир зум тўхташга, қайрилиб-да қарашга журъат этолмадим. Машинага ўтирган заҳотим ҳалиги араб етиб келди. У моторни юргизаркан:

“Қулоқ солинг, — деди рус тилида. — Шомил биз билан кетмайди. Шу фурсатдан бошлаб менинг хотинимсиз (қўрқманг, қозғозда фақат.) Сизни машинада подшоҳлик ерларидан амирлик шаҳригача элтиб қўяман. Шомилнинг гапини эшитдингиз-ку, биз аэропортнинг яқинига ҳам йўламаймиз”.

Бош силкиб, розилик билдирдим. Қатта кўчага чиқаётиб, светофорда тўхтаганимизда, офтобнинг ўткир тифлари тила бошлади.

“Йўл узоқ, — деди араб, — йўл азоб, йўл машаққат, йўл ҳар бало. Чидайсиз! Ахир, қулаб тушган самолётдан омон қолгансиз, саҳрода пою пиёда кезгансиз, асирлик азобини чеккансиз. Машинада бизнинг мамлакатни кесиб ўтиш нима деган гап?”

У билан гаплашмасликка қарор қилдим. Шомил аканинг топширигини бажараётгани билан, кўнглида нималар борлиги менга қоронғи эди. Балки у ҳурлиқони Дубайгача эсон-омон олиб борсам, бас, деб нафсига тўн бичиб қўйгандир, яъниким йўл бўйи бизга бошқа ҳеч ким ҳамроҳ бўлмайди, у зинони исташи мумкин...

Бир уйга кириб машинани янгисига алмаштирди. Сафар анжомларини олди. Менга ҳам бошдан-оёқ янги либослар берди. Ҳужжатларни яна бир кўздан кечиргач, юзига фотиҳа тортди-да, машинани елдек учуриб кетди.

Араб йўл азоби деб лоф урган экан. Ўқдек учаётган машинанинг ичи салқин эди. Шабада эсиб, арабча шўх куйга ҳамоҳанг кишини ажиб сархушлик-ла элитарди. Қутичада чанқовбосди яхдай ичимликлар.

Кечаси бир меҳмонхонада тўхтадик. Қаерга етганимизни билмасдим. Арабларнинг вағир-вуғури юрагимга алланечук хавотир солди. Фароғат, сизда ҳам шундай бўлганми, қуёш ғарбга эмас, шимол томонгами-ей, шарқ томонгами-ей, аллақасққа ботаётгандай туюлади. Кечкурун менда шундай бўлди. Назаримда, Бирлашган Араб Амирликларига эмас, бошқа томонга кетаётгандек эдик.

Эр-хотинларга мўлжалланган хонага кирганимизда, арабдан сўрадим:

“Тез орада денгиз бўйига чиқсак кераг-а?”

Араб хуштак чалмоқчи бўлаётгандек олдинга интилган лабларини янада чўччайтирди. Тимқора кўзларидан нїҳоятда ҳорїганлїгї сєзиларди. Икки кишилик дивандагї тўшакдан ўзїга тегишлисини олди-да, гїлам устига тўшаб, тескари ўтирилиб єтди.

“Чїроқни ўчир, менга денгиз ҳақїда гапирма, – деди у. – Отам денгизга чўкиб ўлган. Ҳаловатимни ҳам денгизга чўктирмоқчимисан? – Бир оз ўтгач, кўшиб қўйди: – Денгиз бўйїда эчкиємар еймизми?! Тўғри Дубайга кириб борамиз, ҳеч қанақа соҳилда тўхтамаймиз. Рейс вақтигача биронта уйда биқиниб ўтирамиз.... Энди эса чїроқни ўчир, акс ҳолда...”

Диван юмшoқ эмасди. Узоқ йўл юрган бўлсак-да, машинада ухлаганим вазїданми, уйқим келавермади. Шїфтга тикилиб, хаєл суриб єтдим. Ўғлимни ўйладим: шунча воқеадан сўнг у қанақа болага айланган экан? Менинг касофатим ўрганини билармикан? Билса нима дейди? Кечирса-кечирмаса соғ-омон бўлса, шунинг ўзи бебаҳо бойлик эмасми?!

Бу хаєллар кўз олдимга мен гувоҳ бўлган шафқатсизликларни ҳам келтирарди. Шундай вазїятлар туғїладики, инсон боласининг жони пуф деса учиб кетгудек қалтис туриб қолади. Айниқса, сўнгги қарта донасїга куни қолган одамларни кўрсанг, йїғлагинг келади...

Тунғи иккиларда минг азоб билан эндиган кўзим илинганди, қандайдир кулгидан уйғониб кетдим. Адашмасам қизлар кулаётган эдилар. Араб эса тошдай қотиб ухлаб єтарди.

Кулғи янада қаттиқроқ жаранглади. Секин бордим-да, эшикка кулоқ тутдим. Йўлакдагилар узоқлаша бошлашди. Калитни оҳиста бураб, эшикни очдим ва йўлак охирига кўз ташладим. Иккита қиз қўл ушлашиб турарди. Озгингина, єшгина, чїройлигина эдилар. Бири кўкимтир бермуде ва зебранусха майкада, иккинчиси калта кўйлак ва қора ласинада эди.

Эшикни єпиб ўйладим: Ҳамма жойда, ҳамма вақт ўзингга ўхшаган одамларни учратишинг мумкин. Бу

қизлар қиморбоз эмас, балки енгилтак ҳам эмасдирлар; ҳозиргина аэропортданми, автовокзалданми келган бўлсалар, зарурат юзасидан йўлакка чиққандирлар. Агар мен ҳам чиққанимда, одамлар нима дердилар? “Бир арабнинг хотини нимадир истаб чиқибди-да...”

Кўрдигизми, Фароғат, биз ён-веримиздаги одамларни кўзимиз билан кўриб, онгимиз билан мушоҳада қилиб, барибир билолмаймиз. Биз ҳақимизда одамларнинг миялари мустақил равишда эмас, бошқалар чиқарадиган хулосалар асосида ҳукм қилади. Мен араб хотини эмасман. Либоснию ҳужжатни ниқоб қилган ашаддий жиноятчиман. Бунини одамлар ҳаёлларига келтирадимми? Ҳатто, полиция ҳам шубҳаланмади...

Шу тариқа иккинчи куни Дубайга кириб бордик. Шаҳар кўзимга бутунлай бегона кўринди. Мен ҳеч қачон бўлмаган кўчалардан биридаги уйдан қўним топдик. Шу ерда араб мени Шомил акага топширди. Биз Дубай-Боку йўналиши бўйича учадиган самолётда араб дунёсидан чиқиб кетишимиз лозим эди.

Соқол ўстириб, кўзойнак тақиб олган Шомил ака таксидан тушганимизда деди:

“Бу ерда эканлигимиз бир неча соатдан сўнг полицияга ошкор бўлади, шунинг учун ганимга яхшилаб қулоқ сол. Боку аэропортида чиқиш эшигига эмас, буфет томон юрасан. “Менга шеф керак эдилар” дейсан-да, буфет ортига ўтасан...”

Шомил ака асабийлашди чоғи, оғзига сақич солди.

“Бизни фақат сен қутқара олишингни биласанми?” — деди у совуқ оҳангда.

Дунёнинг яримига маълуму машҳур чечен киллери ёрдам сўраётган эди. Аввалига ҳазиллашяпти, деб ўйладим. Бироқ у на ҳазил, на киноя истаги борлигини айтиб, сақичини янада тез чайнай бошлади.

“Мен сизларни қандай қутқаришим керак?” — дедим ҳайронлигимни яширмай.

“Кўриб турибсан, мен ҳам самолёт ҳалокатида тирик қолдим, — деди Шомил ака. — Қанақа жароҳат олганлигимни кийимим яшириб турибди. Шу ҳолимда полицияга чап



бердим. Кимнинг ёрдами билан? Албатта, дўстларимнинг. Дубайдан Бокуга учимизда ҳам уларнинг кўмаги катта. Бахтга қарши айнан Бокуда мени ёқтиришмайди. Бу ёқтирмаслик шу даражадаки, қўлга тушсам умримнинг охиригача қамоқда ўтиришимга тўғри келади”.

“Нега унда Боку йўналишини танладингиз?”

“Бошқа бир томондан Боку орқали Россияга кириш сен туфайли бизга бир оз осон, — Шомил ака шундай деб менга синовчан боқди. — У ерда шундай бир одам бор: сени кўрса ўзини оёқларинг остига ташлайди”.

“У ким? — сўрадим хавотир билан. — Мен танийманми?”

“Танимайсан, лекин у сени танийди. Қарта ўйинларининг ашаддий ишқибози. Сен билан юзма-юз гаплашиш учун кўп нарсага тайёр, кўп нарсадан кечади”.

“Демак, ундан Россияга ўтказиб қўйишни илтимос қиламан. Эвазига-чи? Эвазига мендан нима сўрайди?”

“Қарта”, — деди Шомил ака киприк қоқмай.

Мана, чечен жиноятчиси билан очиқ гаплашадиган фурсат келганди.

“Шомил ака, — дея овозимни бир парда кўтардим, — адашмасам, умрингизни қиморга қарши кураш йўлига тиккансиз. Худога ишонаман, мусулмонман, дейсиз. Эсингизда бўлса, Москвада мени мусулмон фарзанди эканлигим учун қутқаргансиз. Энди эса ҳаммаси тескари бўлаяпти: қарта ишқибозига рўпара қилаяпсиз, қутқариш ўрнига, кимларнингдир чангалига ташлаяпсиз”.

“Биз у одамни ўрганиб чиққанмиз...”

“Шомил ака, гап вазият тақозо қилиши ҳақида кетмаяпти, сизнинг шахсингизни сўраяпман. Ростини айтинг, кимсиз? Ҳақиқий исм-фамилиянгиз нима? Қиёфадошларингиз нечта? Тўдангиздагиларнинг сон-саноғи борми?”

Шомил ака сақичини туфлаб, бир нима эсига тушгандек кўрсаткич бармоғини ҳавога нуқиди.

“Ўҳ, бу саволлар Россияда берилади деб ўйлагандим. Эртaroқ эшитганим бир жиҳатдан яхши бўлди. Афтидан, сен полковник Иволгиндан юқтирган гумонларингни саволларга тизмоқдасан. Адашмадимми?”

“Мутлақо адашмадингиз”.

“Уларни “Шомил империяси” деган жиной тўда борлигига ишонтириш учун қанча маблағ, қанча куч сарфлаганимни билмайсан. Мени улар Магомет Бачуров деб ўйлашади. Ўртада Шомил ғойиб бўлди”.

“Аммо сизни икковидан биттаси сифатида барибир назардан қочиришгани йўқ, Шомил ака”.

Бу гапимдан сўнг у ним кулиб, бош чайқади.

“Лобар, — деди негадир бармоғидаги узукни суғуриб, томоша қиларкан, — энди улар мени ҳам, Магометни ҳам тутиш пайида юрибдилар. Чўпчагимнинг номери ўтди. Умрим мобайнида илк марта Россияга жуда қалгис вазиятда бораяпман. То бежавотир кўчаларга кириб олгунимча, жоним сенинг қўлингда бўлади”.

“Буларнинг бари... ким учун?”

“Ўғлинг учун...”

“Илтимос, тўғриси айтинг, ўғлимни халос этишингиздан мақсадингиз нима? Фақат Парвизжон учун жонингизни хавф остига қўяётганингизга ишонмайман”.

Шомил ака мен томон энгашиди.

“Биз ўғлингни топиб, тинчгина бирон жойга кузатиб қўямиз. Кўприкдан ўт, сув қаёққа оқаётганини сўрама”.

“Майли, менга ҳам шу керак. Ортиқ сувда оқишни истамайман”.

Ўшандаёқ сезган эканманми, беихтиёр шундай дедим:

“Ишқилиб, айтган кўпригингиздан эсон-омон ўтсам эди...”

Шомил ака соатига қаради. Вақтимиз оз қолган эди. Аэропортга жўнадик. Йўлда лом-мим демади. Онасидан қолган узук топилганми, йўқми, мен ҳам сўрамадим, у ҳам гапирмади. Феъл-атворини билганим боис чўчиётганини бир қарашдаёқ сездим. Ўнг томонга юргандим, жонимни ачитиб чимчилади. Шомил ака кўрсатган сўл томонда бизни бўш ўриндиқлар кутарди.

“Менга қара, — деди у, — арабларга осонгина ем бўлмайман. Агар шубҳа уйғотсанг, полициячилар менга ташланади. Грециядаги чеченлар ёдингдами? Улар билан олтин олди-бердимиз бор. Бу сафар икки кузатувчи топиб

қўйишни сўраганман. Улар мана шу атрофда қуроолларини шай қилиб туришибди. Лекин биринчи отишмадаёқ икковимиз ҳам ўламыз”.

Шомил ака бежиз кўрқмаётганини тушуниб ўтирардим. Кейинчалик эшитишимча, унинг ҳаёти Дубай аэропортида, ҳатто, Ўлик оролдагидан ҳам хавфли ҳолда, жар ёқасида турган экан.

Яна бир гапни эслатиб қўйишим лозим, Фароғат. Шомил ака ёшлигиданоқ ўлимдан кўрқмаган, ёши ўтган сайин ўзи мақсад қилиб қўйган ишларни якунлаёлмай қолишдан кўпроқ кўрқарди.

“Билиб қўй, — деди Шомил ака чипталар қабул қилина бошлагач. — Сен ва менинг ҳаётимдаги энг аҳмоқона иш — жонингни бировга ишониб топшириш. Ҳеч бунақа расво аҳволга тушмагандим. Бизнинг жонимиз ҳозир безориларнинг қўлида”.

“Безорилар?” — саволомуз тикилдим.

Унинг эса аччиғи чиқиб:

“Безорилар ҳам гапми? Маймун-ку! — деди. — Фирт маймунлар! Туф... Агар бошқа вақт дучор бўлишса, эшакнинг ўлиғини ҳам ишониб топширмасдим. Эй худо, бу шармандалик нима учун?.. Нима учун-а?..”

Самолёт ердан кўтарилмагунча чўғ устида ўтирдим. Ва ниҳоят, биз Дубайдан узоқлашаяпмиз. Тасаввур қиламан: аввал аэропорт миттилашиб боради, кейин шаҳарнинг осмонўпар бинолари ҳам заминга сингиб кетади. Осмон каби кўм-кўк сув ҳаммасини ютиб юборади. Худдики, шаҳар энди йўқ...

“Гадой қиёфасида яшаганимга ишонасанми?” — сўради Шомил ака.

“Ҳа”, — дедим қамоқдан чиқиб, полковник Иволгинникига кетаётган кунни эслаб.

“Хўш, қаерда?”

“Москвада. Ахир, ўз кўзим билан кўрганман-ку. Светофорда дакки ҳам эшитгандингиз”.

“Асосий вақтим ёлғизликда ўтган, — деди Шомил ака. — Гадойлик даврини назарда тутаётганим йўқ, умуман ҳаётимни айтаяпман. Ёлғиз ишлаш, ёлғиз яшаш... Лекин

барибир кимлардандир кўмак олишга тўғри келиб қолади. Шунда ўз-ўзидан сенинг сирларингни биладиган одамлар кўпая бошлайди”.

“Лекин осонликча сир бой берадиганлардан эмассиз. Собиқ хотинингизман, нима биламан сиз ҳақингизда? Ҳеч вақо. Менга шунчаки кўнгилхушлик учун уйлангансиз”.

Шомил ака кўзойнагини қўлига олди. Кўзлари киртайганини, атрофида ажинлар кўпайганини энди пайқадим.

“Лобар, сен ўз шубҳа-гумонларингни топиб юрасан. Билсанг, ўшанда ростакамига севиб қолганман. Бева эдим, уйланиш истагим йўқ эди, умримни буюк ишларга бағишлаб қўйгандим. Бирдан сен пайдо бўлдинг...”

“Кўрдингизми, уйланиш ниятингиз йўқ эди, мени кўриб типирчилаб қолдингиз. Худодан кўрққанингиз учун никоҳ ўқитдингиз. Йиллар ўтиб, мен ҳам ўзгардим. Шомил ака, дин билан алдай олмайсиз”.

“Нима жин урди, Лобар? Мендан кейин яна турмуш қурдинг. Агар турмушимиз бузилмаганда ҳам барибир ишларим ҳақида ҳисобот бермасдим. Зотан, аёллар билиши керак бўлган иш эмас булар. Хотинингизману бегонадай яшадим, бир сўз айтмасдан тўсатдан йўқолиб қолдингиз, деб ўпкалашинг мумкин. Гина-кудурат ҳар кимнинг ўз ихтиёри. “Дин билан алдаш”га келсак бу нима дегани?”

“Мусулмон қизи бўлганинг учун қутқардим, дегани. Эртага чет элга қочиб кетишини била туриб, бир жувонни вақтинча никоҳлаб, бахтсиз қилиш дегани!”

“Ў-ў, Лобар, ундай ниятим йўқ эди...”

“Шомил ака, қўйинг, мен аввалги Лобар эмасман. Исломи дини унақа мақсадда хотин олишга ижозат бермаслигини тушунаман. Никоҳ ҳалол, аммо мақсадингиз чиркин. Хўш, бу никоҳ Аллоҳга ёқадими?”

Шомил ака “ух” деб кўзларини юмди. У борган сайин ожиз кимса бўлиб кўринмоқда эди. Шу ваддан янада кескин оҳангга кўчдим:

“Ўзинг пиширган ошни ўзинг ич, дейдилар. Маловер тўдасидан халос этдингиз, яна бир бор раҳмат. Ва лекин қисматимни шу даражада ўзгартириб юбордингизки,

қиморбоз аёл деган тамға бир умр ўчмас бўлиб пешанамга босилди. Барчасига кўнишим мумкин, аммо менга фоҳиша ўрнида қараганингизга асти чидаёлмайман!”

“Агар фар бўлганинга, биринчи кунийёқ тўшагимга тортардим”.

“Аммо-лекин никоҳ ниқоби остида барибир шундай қилдингиз. Кўнгилхушлик учун бир жувонни никоҳлаб олувчига қиёмат куни жазо берилишини биласизми, йўқми?”

“Бундан ташвиш қилмайман. Чунки сен айтган ният менда бўлмаганлиги Яратганга аён. Агар ҳаммаси муқаддас китоблардагидек рўй берса, мени бошқа ишларим, масалан, одамхўрлигим учун жазолашади”.

Шу тобда Шомил ака ҳам Маккада бўлганлигини ўйлаб, ибодат қилдимикан, деб қизиқдим. Қизиқдим у лаҳза ичра ҳафсалам пир бўлди: ахир, у кўз олдимда араб аёлини ўлимга ҳукм этди-ку. Шу одам ибодат қиладими?!

Анча вақт ўз хаёлларимизга ошна тутиниб, гаплашмадик. Ойнадан булутлар кўринди, тоғларга кўзим тушди.

Шомил ака шивирлади:

“Аэропортдаги одамни ўрганиб чиққанмиз, дедим, кулоқ солмадинг. У жуда ишқибоз кимса. Қарта ўйнаганинга, атайин бир-икки ютқазиб, кўнглини ол. Қўрқма, ҳақинг кетмайди. Кейин барибир уни ўлдираамиз”.

“Ўзингизга хизмат қилганларни нега бунчалар шафқатсиз жазолайсиз?”

“У сендан “қора қарта ракси” сирларини сўрайди. Уч куннинг ичида, анча-мунча ўрганиб ҳам олади. Жуда зийрак дейишди. Шундан кейингина мен, сен ва яна икки кишини Россияга ўтказиб қўйишга ваъда берган. Бу ишлардан сўнг унинг тирик юриши тушунчамга тўғри келмайди”.

“Озарбайжонда уч кун ушланиб қолишимни олдинроқ айтишингиз керак эди, — дедим хуноб бўлиб. — Руҳан тайёрланардим...”

“Руҳан? Ё тавба! Сен эрга тегаётган қиз боламидинг?.. Тагин мени чув тушириб кетма. Биласан, ишдан бўшаб,

салкам мафияга айланган полковникка фақат менинг тишим ўтади”.

“Қанақа чув тушириб кетиш ҳақида гапираяпсиз?”

“Озарбайжонлар сенинг тушингга ҳам кирмаган нарсаларни ваъда беришиб, оғдириб олмоқчи бўладилар. Людмила Михайловани шундай қилишган, ҳарҳолда озарбайжонлар эмас, руслар. Лекин нима фарқи бор. Хоинлик, бу – ўлим демакдир”.

Людмила Михайлова Москва қамоқхонасидаги менинг қиёфадошим эди, Фароғат. Сиз у ерда кечирган кунларимни билмайсиз. Қамоқхона эмас, дўзахнинг ўзгинаси. Полковник Иволгин мени чиқариб, Дубайга юборганида бир жиҳатдан қувонганман ҳам...

Самолёт эсон-омон қўнди. Мафия Людмилага ҳам шафқат қилмагани ҳақида ўйлардим. Шомил ака қулоғимга:

“У тирик, аммо қўл-оёғи ишламайди, кўзи кўр”, – деди аллақандай сирли таҳдид билан.

Бокуда ҳам жазирама об-ҳаво ҳукм сурарди. Ҳовури кўтарилаётган асфальт йўлак, аэропортнинг оқиш девори ортидан кўриниб турган завод мўрилари, булутсиз осмон – барчаси юракни эзарди. Ойнаванд залда мени нималар кутаётганини билмайман. Айниқса, Шомил ака буткул ўзгариб қолган, қон қочган юзидан беихтиёр бир ёмонлик рўй беришини сезасан киши.

Юкимни олиб буфет томон юрдим. Ортимга қараганимда, чечен киллери одамлар орасида ғойиб бўлганди.

“Нима истайдилар?” – рус тилида хушмуомалалик билан суради буфетчи йигит.

“Шеф керак эдилар”.

Йигитнинг чиройли қошлари ҳуркаклик ила кўтарилди.

“Шеф деб кимни назарда тутаяпсиз? Исмини биласизми?” – буфетчи суҳбат тақозосига кўра нигоҳ ташладию кўзини дарров олиб қочди. Шомил ака ўргатганидек буфет орқасига юрдим. Оппоқ юзли, тўладан келган, кўк формали киши билан тўқнашиб кетаёздим.

“Йўл бўлсин, хоним?” – дея у менга бошдан-оёқ назар солди. Сўнг қучоқламоқчидек қўлларини узатган эди, дедим:

“Шефни кўрмоқчиман”.

“Питердан келаяпсиз чоғи?” — жилмайди у.

“Йўқ, Дубайдан. У ёқда бир киши илтимос қилгандики...”

Кутганимдек кўк формали мени енгил қучиб, елка берди. Тавба, димоғимга аёллар атрининг ҳиди урилди.

Сўнгра шошилиш суръатда хизматчилар хонасига судради. Биз бир қанча эшик ва йўлаклар орқали чоғроққина хонага кириб бордик. Панжарали деразадан қатор турган самолётларнинг думлари, дарахтлар орасидан эса кўрғошин тусдаги цистерналар кўзга ташланарди.

Учишга ҳозирланаётган самолёт яқин-атрофдан юриб ўтди, мотор гувиллаши бир маромда эшитилиб турди.

“Шеф менман, — кўксига бармоқ урди озарбайжон. — Сен қарта қироличасимсан?”

“Шунақароқ...”

“Хуш, хизмат?”

“Дўстларимни Россияга ўтказиб қўйиш керак”.

“Замбараклари биланми?”

“Ўзлари тинч, беҳавотир ўтиб олсалар, бас”, — дедим мулойим кулимсираб.

Шеф ҳам жилмайишга ўхшаш ҳаракат зоҳир этди, аммо бу кўпроқ кўз қисишга ўхшарди. Дарҳол стулдан туриб, малла стол қирғоғига ўтирди, қўлларини чалкаштирди.

“Бажарамиз, — деди у. — Менга айтишларича, сен билан қўшганда тўрт киши, аммо иккитаси менсиз ҳам ўтиб бўлишган. Ҳозир сўрайман”.

У чўнтак телефонида аллаким билан нотаниш тилда гаплашди. Юзи ёришиб, столдан тушди. У ёқ-бу ёққа юрган кўйи тинглади ва тинглаган сайин қаддини ғоз тугаверди.

“Йўқ, улар ўтишолмабди, — деди шеф телефон тугмасини босиб. — Ўзбошимчалик яхшиликка олиб келмайди. Энди нима қиламиз? Танишамиз, шекилли. Менинг исмим Алиакбар”.

“Не мақсадда ахтараётган эдингиз? — дедим унга жиддий тикилиб. — Дардингиз фақат қартами, Алиакбар ака?”

У ғаладондан қарта қутисини олди. Қизғиш тусдаги қарталар озарбайжоннинг момик қўлида бир-бирини қувлаб, сакраб, шириллаб, фириллаб бекинмачоқ ўйнади.

“Олти ойдан буён ахтараман сени, — деб ялпайиб ўгирди, қарта сузди. — Охирги вақтларда қарта ҳаётим мазмунига айланди. Ҳайнамаган куним йўқ. Сочидаги сўнгги ўйинда учига чиққан қартабозларни ҳам доғда қолдирдим. Гап пулда эмас, мен билан жазавага тушиб ўйнайдиган одам керак. Сочида сен ҳақингда эшитганимдан буён мижжа қоқмайман. Наҳотки, теңгсиз бўлсанг? Қани, аввал бир қўл ташлашайлик. Тагин улар бошқа аёлни рўпара қилган бўлишмасин, ёш, соҳибжамол кетворган. Кўнглингга олмак-я, сени жодугар деб тасвирлашганди”.

Қарталаримга қарадим: одатдаги бошланма қўл эди. Алиакбарнинг маҳоратини синаш учун ўн икки аҳамиятга эга қартамни ташладим. Қўлимда уч аҳамиятли ва ўттиз беш аҳамиятли қарталар сукут сақларди.

Рақибим дарров ҳужумга ўтди. Учинчи қур ўйинда шошқалоқлиги бошини ейишини хулоса қилдим. У бугунги халқаро қиморда урфдан қолган вьетнамча “ташлаташла” усулига тақлид қилувчи хашаки қартабоз эди. Ҳайронман, Сочида қанақа каллаварамлар билан ўйнаган? Ким уни пуфакдай шиширган?

“Юқорида танишларингиз кўпми?” — деб маҳв этадиган қартамни очдим.

Алиакбар ютқазганини тан олишини истамай гавго кўтармоқчи бўлди. Қарталаримни сурбетларча титкилай бошлади. Кейин кўзларини чақчайтириб, ўзини орқага ташлади.

“Ютдингми? Мени-я!”

“Ҳа. Лекин қартадан кўра танишларингиз қизиқтираяпти”, — дедим мен.

“Нима қиласан уларни? Сенга мен керакман-ку”.

“Бизни ўз қўлингиз билан чегарадан ўтказиб кўймассиз?”

“Ғам ема, қўлимдан келадиган ишга ваъда бераман. Мен суянган тоғлар жудаям баланд. Лекин тоғларга эмас, чўпонларга маҳлиё бўл, паризод!”

Шундан сўнг аэропортдан чиқиб, машинага ўтирдик. Валинеъматнинг уйи мисоли бир қаср эди. Мен учун



ажратилган хоналарни қўриб оғзим очилиб қолди. Иккинчи қават: сауна, шоҳона хобгоҳ, ойнаванд истироҳат хонаси.

“Истаганингча қолишинг мумкин, — деди Алиакбар. — Мантиқан олиб қараганда, сенинг жойинг асли шу ер”.

“Раҳмат, лекин саройингизда уч кун меҳмон бўламан, холос. Чеченлар билан шунга келишганмиз”.

“Ҳар бир одам учун бир кундан, — мезбон тўртта бармоғини кўрсатди. — Маъқулми?.. Маъқул бўлса жуда яхши. Ҳозир овқатланамиз...”

Бироқ на саунадан, на истироҳат хонасидан фойдалана олдим. Алиакбар “қора қарта рақси” хусусида жуда кўп маълумотлар тўплаган эди. Жонини жабборга бериб қарта сирларини ўрганишга киришиб кетди. Уни алдаб бўлмасди. Испанлар кўпроқ қўллайдиган усулларга қарши ўйнаш йўлларида кўз юмиб ўтмоқчи эдим, у видеокамера кассетасини алмаштираётди, деди:

“Қора тулки усулларидан ҳам бўлсин, Лобархоним”.

Учинчи куни ҳузуримга кириб, икки одамимиз Россия ҳудудига ўтказиб қўйилганини маълум қилди. У шу тариқа жиноят оламига хизмат қиларди. Аммо Алиакбар қарта бобида барча қинғирликларига қараганда хавфлироқ эди. Саҳродан чанқаб келган киши каби “Қора-қарта” сирларини ютоқиб симирарди. Ва келажакда у қимор йўлида кўпчиликка қирон келтириши муқаррар эди:

“Шомил ака билан гаплашишим лозим”, — дедим унга.

“Албатта... Ҳозир улаб беришади”.

Бир қанча вақтдан сўнг гўшакдан Шомил аканинг овози эшитилди:

“Ҳаммаси жойида, аммо бу аблаҳ ўша кундан буён сенга телефонни бермаяпти...”

“Қўнғироқ қилаётганингизни бир оғиз айтгани йўқ. Ўзингиз тузукмисиз?”

“Мен бугун кетаман. Сени эса индинга қузатиб қўйишади. Айтгандай, кичиккина нохуш хабарни эшитиб қўйсанг ёмон бўлмасди”.

“Қ-қанақа нохуш хабар?” — ҳадикдан юрагим гупиллаб ура кетди.

“Уйингга фотосурат, кассета ва бир дунё қартани ташлаб кетган одам ўлди”.

“У... у ким эди?”

“Сен ахтарган киши. Меҳрибон энага”.

Фароғат, сизга бошида айтмаган эдим, ўғлимнинг ўғирланишида самарқандлик бир аёлнинг роли катта бўлган. У бизникида энага сифатида ишлаганди. Жиноятчилар Парвизжонни шу аёл орқали чет элга олиб чиқишганини кейин билганман. Боламнинг ҳаёти ҳам катта достон. Уни Шомил ака одам ўғрилари қўлидан ҳалос этиб, Италияда даволатганини айтсам ишонмайсиз. Ўғлимни кейинроқ полковник Йволгин Россияда чеченлардан тортиб олди. Арабистонда қиллернинг важоҳатини кўриб, “Полковник роса дарбадар этибди-ку, Грециядаги ваъдалар нима эди?” — деёлмадим. Заҳар-заққумдек ичимга ютгандим. Шомил аканинг бурунги гаплари фақат пулга тақаларди. Яъниким далаҳовлисидан олганим ўша бир дипломат долларларга!..

Пулни тўплаб, Москвага борганимда эса далаҳовли харобасида бутунлай бошқа одам безрайиб: “Мен Шомилман, бизни ҳозир милиция ушлайди, қамаламиз, сўнг ҳақиқий Шомил қутқариб олади”, — деди.

Бу улар учун ҳаводай зарур бўлиб қолганмиш. Энди айтинг-чи, Фароғат, бундан ортиқ алдов борми? Пулни келтир, ўғлингни ол, деган одам милицияга тутиб берди-я!..

“Энаганинг нимаси меҳрибон?! — дедим гўшакка. — Сизнинг малайингиз эди... Нонкўр эди... Ҳойнаҳой, униям сиз ўлдиртирган бўлсангиз керак?”

“Йўқ, — деди Шомил ака. — Кейин билиб оласан. Келишилган жойда учрашгунча!..”

Шундай қилиб, Алиакбарнинг уйида тўрт кун яшадим. Берилган маълумотларга кўра Шомил ака ва икки одами Россия ҳудудида мени кутарди.

“Ваъдами-ваъда, — деди Алиакбар мени кузатиб чиқаркан. — Аммо тўрт кунда “қора қарта рақси”нинг тубига етиб бўлмас экан. Нима дейман... алвидо, Лобар!”

У кўзимга безовта кўринди. Ваъдасини бузиб, чоҳга

қулатиб юборишига ишонгим келмасди. Берган паспорти ва самолёт чиптаси ҳақида, наҳотки, хавфсизлик органларига сим қоқса?! Қарта ишқибози бўла туриб, нега видолашди? Қимор оламида яна дуч келишидан умиди йўқми? Аниқроғи, нияти йўқми?

Турли хаёллар гирдобида паспортни яна текширдим. Озарбайжон фуқароси эканлигимни тасдиқловчи ҳужжат! Кейин чипта солинган конвертни очдим. Очдим кузларимга ишонмадим: чипта Боку-Москва йўналишидаги самолётга эмас, Техрон-Боку рейсига эди.

“Бу нимаси?! — деб қичқариб юбордим. — Ҳой, машинани орқага қайтаринг!”

Бироқ ҳайдовчи газни босди. Аксига олиб ойналарни ҳам кўтариб қўйди.

“Жинни! — сўқдим уни. — Барибир аэропортда тўполон қиламан-ку! Э, сассиқ така!”

Барзанги эса тезликни оширгандан ошираверди. Алиакбарнинг нега бундай йўл тутганидан ҳайрон эдим. Наҳотки, у мени Эронга учади, деб ўйласа!

Йўл бошида аэропорт биноси кўринди. Машина тезлиги пасайиб, тўрт қаватли бино томон бурилди. Қора “Мерседес”га суянганча кутаётган икки-эркакни кўрдиму ичим шув этди. Улар озарбайжон эмас эдилар.

Ҳайдовчи тирсагимдан тортиб туширди.

“Булар “Техрон гуруҳи” одамлари, — деб таништирди. — “Бадахшон” ҳам дейишади. Эсладингми?”

Кўз олдимга Грециядаги ресторанда ваҳшиёна ўлдирилган душанбелик Зуҳро келди. (Фароғат, бу ЗуҶро деган аёл биз Москвада квартирада бирга турган, эримни қиморхонага бошлаган Акмал аканинг хотини). Ўшанда улар ювиниш хонасига бостириб кириб, Зуҳронинг аввал қўлларини, кейин калласини кесиб олишганди.

“Ҳа, у яхши эслайди, — русчага тили зўрға айланган йигит қўл узатди. — Салом, қушча! Грециядаги ресторан ҳожатхонаси!.. Бошқа гап шарт эмас-а?!”

“Нима керак сизларга?” — деб кўзларига тик боқдим.

“Кўлларинг”, — деди у.

“Шуни билиб қўйинг, мен чечен мафияси топшириғи билан Москвага учишим керак...”

Гапимни тугатолмадим: эронлик эркак бақувват панжаси билан иягимдан тутди-да, укки кўзларини ўйнатиб, деди: “Тупурдим сенинг мафияннга!..”

Эронлик бу одамларнинг нигоҳида на инсонийлик, на музокарага мойиллик бор эди. Ажалим шу ерда экан-да, деб ўйладим. Бироқ ялиниш, узр сўраш, инсофга келтириш менинг табиатимда йўқолиб бўлаёзган эди. Шу ваядан:

“Қўлингни торт!” — дедим дағал оҳангда.

Улар бир-бирига қараб, мийиғида кулишди. Эронлик бақувват қўллари билан иягимни қаттиқроқ қисди, лекин зумда бўшашди, ахийри, қўйворди.

“Сени ўлдирмаслигимизни биласан; — деди у оёғим тагига туфлаб. — Аммо қўлларингни кесиб олишим ҳазил эмас”.

“Барибир Эронга бормайман”.

“Чиптани назарда тутаяпсанми, манжалақи?” — ҳайдовчи йигит ҳам дағдаға қила бошлади.

“Эҳ, — деб бош чайқадим, — уч эркак ёлғиз аёлга қўл кўтармоқчимисиз? Билиб қўйинглар, ёш бўлсам-да, кўп номард касларни кўрдим бу ҳаётда. Агар уларнинг қошида бош эгсам, бахтим бундан-да қора бўлишини жуда яхши биламан”.

“Сенга бош эг, демаймиз. Қаланғи-қасанғи мафияга бош эгиб бўлдинг. Бизга ана шу нозик қўлларинг керак!”

“Агар қўлларинг ўзингга ҳам керак бўлса, чипта қаерга олиб борса, ўша ёққа борасан”, — гапга қўшилди бошқаси.

“Эронга бормайман. Гапим гап!”

“Қўлсиз яшашни тасаввур қилиб кўр. Биз қўлингни кесиб, қамалиб кетганимиздаям ҳеч нарса ўзгармайди”.

“Ҳа, милиция билан ораларингда ҳеч нарса ўзгармайди, — дедим охириги марта пўписа қилиб. — Лекин мафия териларингни шилиб олади. Озарбайжон Эрон эмас, мени Москвада кутаётган одамлар бу ернинг қамоқхоналарига товуқ катакка киргандай кира оладилар. Хўш, қўйворасизларми?”

“Эронга борсанг, қўлингни кесмаймиз. Гапимизнинг

маъносини тушунмаяпсан. Ё истагимизга қарши бориб, қўлдан ажралиш, ё Теҳрондаги судда иштирок этиш. Танла, эй патсиз қушча!”

“Қанақа суд?”— хайрон бўлиб сўрадим.

“Қўрқма, шариат судига таклиф этаётганимиз йўқ. “Бадахшон” гуруҳи эронча қарта ўйинларини фош этганларни, гувоҳ бўлганларни, шу ҳақда эшитганларни суд қилади. Жонимдан айрилгандан кўра қўлимдан айрилганим яхши, деб бу ерда қолмасанг маъқул бўларди. Ўз-ўзидан сезилиб турибдики, Эронга боришинг арзонга тушади”.

“Йигитлар, янглишибсизлар, мен машҳур қартабоз бўлганим билан эронча ўйинларни билмайман. Агар билганимда Грециядаёқ ўлдирардинглар”.

“Бу гапларингни судда айтасан”, — дейишди улар ҳам қайсарлик билан.

“Мен Зуҳро билан қарта ўйнашга улгурмаганман. Эронча қарта сирларини сўрамаганман ҳам. Агар бошқа бир жиҳатдан ёмонлик қилишни хоҳлаган бўлсаларинг, айтинглар. Балки мени кучли қиморбоз ҳисоблаб, йўлдан суриб ташламоқчидирсизлар?”

“Бизда сендан кучлилар бор, қора хотин, — деди эронлик йигит ханжар дастасига қўл теккизиб. — Шунинг учун қайғураяпмиз”.

“Кучлилар бўлса... Яхши. Бунинг учун мени исканжага олишларинг нимаси?”

“Сен биттаси билан бирга бўлгансан, бир қанча вақт. Шунинг ўзи сирлардан воқиф эканлигингни чексиз даражада йсботлайди”.

“Зуҳро биланми? Аниқроқ гапиринг”.

“Албатта, ўша хоин билан!”

“Майли, — дедим, — қўлимни кесишларингга розиман. Сизлардан ҳақиқат кутишнинг ўзи аҳмоқлик. Лекин ўғлимни қутқармасимдан аввал мени ҳеч нарса қилолмайсизлар. У олис Россияда, одамгарчиликдан, диндан йироқ кимсанинг қўлида. Исмини яхши ниятлар билан Парвиз деб қўйганман...”

Аввалига учаласининг афт-ангорида ҳеч қандай ўзгариш зоҳир бўлмади. Кейин биттаси бошини маънодор силкитиб, томоқ қирди.

“Бу билан нима демоқчисан?”

“Қўлларимни эмас, бошимни гаровга қўйиб, Россияга кетмоқчиман. Ўғлимни ҳалос этганимдан сўнг Техронга бораман. Қасам ичиб айтаман...”

Инсофга келтирдим, деб ўйлагандим, бироқ улар менга ташланиб, тиз чўктирдилар. Оғзимга тиқилган латта дод солишимга йўл қўймасди. Бақувват қўлларнинг олдида нима ҳам қилолардим. Бир зумда ханжар юмшоқ этимга ботди, тирқираб қон сизиб чиқди.

“Қонинг билан онт ич!— деди бири.— Агар ўғлингни топганингдан кейин биз чақирган жойга келмасанг, сўзсиз, ўлдирамиз. Сенга қўшиб яна олти кишини. Розимисан?”

Бундай даҳшатли розилик ҳеч кимнинг бошига тушмаган бўлса керак. Айтишга осон! Бироқ менинг бошқа иложим йўқ эди. Ҳадемай самолёт учади. Ўғлимни қайтиб умрбод кўрмаслик таҳдид солаётганда жон қайғуси одамзотдан қочаркан.

Улар қўйиб юборишди. Биттаси илтифот юзасидан машинадан бинт ва йод олиб, зарда билан тутқазди. Мени олиб келган ҳайдовчи эса бошқа бир конвертни берди.

“Билетингни ушла, урғочи қиморбоз!”

\* \* \*

Лобарнинг ҳикояси шу ерга ётганда, Фароғатнинг ранги қоғоздай оқариб, юрагини чангаллади.

— Сизга нима бўлди? — сўради Лобар.

Меҳмон эса тобора ҳолсизланиб, гапиришга-да мажол тополмади. Қачонки, “қора хоним” сув ичиргач, бир оз ўзига келди.

— Ҳечқиси йўқ, гапираверинг, — деди келинчак мўлтираб.

— Ўрнингизда ўзимни тасаввур қилдим. Эрим қимор ўйнаганидан буён юрагим санчади, ҳушимдан кетиб йиқилишимга сал қолади. Худди мен ҳам (узр, опажон)

сизга ўхшаб қартабозлар даврасига тушадигандайман... Аммо мен чидолмаган бўлардим. Ўлиб қоламан... Ҳечам... ҳечам бас келолмайман, тенглашолмайман уларга.

Лобар яна сув ичирди ва жойига ўтириб, қоғоғини уйди.

— Бунча юракка олишнинг фойдаси йўқ. Хикоямнинг давоми қимор ҳақида эмас. Ўғлим... ўғлим ҳақида гапириб бермоқчиман.

— Парвиз-а?

— Ҳа, Парвиз... Парвизжон. — Лобар шундай деб бошини эгди. — Ҳаётимнинг кейинги йилларида жуда кўп одамларнинг муаммоларини ҳал қилиб бердим. Ўғлимга келганда эса оқсаётгандим. Оқсаганда ҳам жуда ёмон оқсаётгандим.

Ўша куни самолёт чиптасини қалбаки паспорт ичига солиб, юрак ҳовучлаганча аэропортга бордим. Бадкирдорлар қўлга туширса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, сотишмабди. Расмийлаштиришдан сўнг хийла енгил тортдим...

Ниҳоят, самолёт ҳавога кўтарилди. Бокуда ўтган кунларим тўлиқ “Бадахшон” назоратида бўлмаганмикан, деб ўйлаб қолдим. Кейин бу фикримни ўзим инкор этдим: агар шундай бўлганида, улар Алиакбарникида гаплашарди. Битта хулоса шуки, Алиакбар мени эронлик жиноятчиларга сотган.

Шундай вазиятда “Бадахшон” гуруҳи одамларининг мен билан музокара қилиши улкан ютуғим эди. То ҳушим ўзимда экан, Аллоҳга минг-минг ҳамду сано айтсам арзирди.

Агар Боку-Москва саргузаштига кўтаринки руҳда қарасангиз, мен ниҳоятда омадли аёл бўлиб кўринаман. Кутилмаган воқеаларга дуч келардим тез ва бирмунча осон қутулиб қўя қолардим. Аслида ҳар сонияда ўлимга маҳкум этилишимни, камиди даҳшатли қийноқлар бошимга тушишини яхши билардим...

Москвага шу тариқа Кавказ томондан қайтиб келдим. Биласиз, аэропортда алоҳида ҳақ тўлаган шахслар учун веб-зал бўлади. Шу ердаям хизматчини бир сония кутиб қолишга тўғри келди.

Кимдир салом берганида, қайрилиб қарадимۇ башанг кийинган рус йигитига кўзим тушди. У эски танишлардек жилмайди-да:

“Лобар, учрашган жойимизни қаранг”, — деб қўл чўзди.

Ноилож кўришдим.

“Танидингизми?”

“Йўқ”, — дедим. Аммо “йўқ” дейиш асносида уни танидим: бу йигит Андрей эди. Биз қарши курашмоқчи бўлган душманамиз полковник Иволгиннинг жияни.

“Беринг, атиги битта сумка экан-да, — деди Андрей кўз қисиб. — Ҳа, бир сидра кийим ва уч қути қарта. Жаҳонгашта қиморбоз хонимнинг юклари яна нималардан иборат бўлиши мумкин, ў-ў, Биби Марьям!”

Веб-зал хизматчисини у даф қилганини, Бокудан учиб келишимдан хабардорлиги (учрашув ҳеч қачон тасодиф бўлмасди) мени янада эҳтиёткорликка чорлади. У бирдан сумкамга ёпишганида хавфсизлик ходими диққат қилди, лекин ўзим жилмайиш орқали йигит билан таниш эканлигимни билдирдим.

“Жудаям ақлли аёлсиз, — Андрей ташқарида менга худди жазманига суйкалгандек суйкалди, — агар мендан қутулишга уринганингизда мана шу кенг осмон, тоза ҳаво деб аталмиш озодлик ҳам сиздан қутуларди. Панжара! Ўлай агар, юришингиз ғирт панжарабоп-да! Қани, паспортни беринг-чи. Озарбайжонники, шекилли”.

“Менга қаранг, Андрей, йўлларимиз бошқа-бошқа...”

“Бўлиши мумкин эмас! — қичқирди у. — Юз мингни ўйлаб кечалари тўлганиб чиқаяпман. Йўлларимиз бошқа-бошқа эмиш! Ахир, ўзингиз мени ёлладингиз-ку. Бир қарасам, Навосибирскдаман, бир қарасам, Тошкент-Самарқанд. Озмунча иш қилдимми? “Қора қарта рақси”ни ўргатиш-ку, хаёлингизга ҳам келгани йўқ”.

“Қулоғимга лағмон османг, сиз менга хизмат қилмайсиз, тоғангиз Иволгиннинг яқин одамисиз. Хўш, энди бу ёғи қандай бўлади? Мен қўлга олиндимми? Қани, чақиринг хўжайинингизни!”



“Мен ёлғиз ишлайман”, — гердайди Андрей.

Кулгим қистади. Бир мишиқи мени шу-қадар довдиратиб қўймоқдами? Бирлашган Араб Амирликларидан Озарбайжонга келишимни, айнан бугунги рейсда Москвага учишимни ҳам ўзи аниқлабди-да? Балки у ростдан валламадир? Новосибирскдан Самарқандгача бўлган ҳудудда менинг топшириғимни бажаргандир?..

Фароғат, сиз Андрей ким экан деб барибир тушунмаяпсиз. Мени Москвадаги қамоқхонадан чиқарган полковник ўз уйига олиб кетган эди. Қарта бобидаги ҳунарларимни синаш учун жияни — Андрей деган ўша йигитни рўпара қилди. Лекин биз бирдан чиқишиб қолдик. “Қора қарта” сирларини ўргатадиган бўлдим, у эса Новосибирскка бориб, жарроҳлик бўлимида даволанаётган бир турк ҳақида маълумот олиб келиши керак эди. Қарта ўрганишга вақт етмагач, унга нақ юз минг доллар ваъда бериб, Самарқандга ҳам боришини тайинладим. Бунча катта пул ваъда қилганимнинг боиси, ўшанда қайсидир маънода тақдирим Андрейнинг қўлида эди. Қандай йўл тутсам-да, уни кўндирмасам бўлмасди. Қолаверса, Дубайдаги ўйинларда бир неча миллион доллар тикиларди ва полковникка пул ютиб берсам, албатта, юз мингми, икки юз мингми, ҳисоб рақамимга ўтказарди. Тушунаяпсизми, юз минг доллар катта пул, лекин менинг ва ўғлимнинг ҳаёти олдида сариқ чақалик қадри қолмаганди...

Шундай қилиб, Андрей мени аэропортда тутиб олди.

“Озарбайжондан келишимни қандай билдингиз? — деб сўрадим. — Ёлғиз ишлайдиганга мутлақо ўхшамайсиз”.

“Тоғам мени ҳалиям одам ўрнида кўрмайди. Унинг учун мен бир умрлик гўлман, нотавонман, ҳеч қачон ўзининг мартабасига эришолмайман. Лекин ёш бўлсам-да, омадим чопиб турибди. Полковникдан сиз ҳақингиздаги сўнги маълумотларни қўлга киритдим...”

“Илтимос, четга чиқайлик, — деб атрофга аланг-жалаңг боқдим. Йўл-йўлакай сўрадим: — Демак, тоғангиз менинг келишимни билади?”

Андрей елка учирди.

“Ҳозир аэропортда эканлигингизни билмаса керак. Мен

кеча-ю кундуз пойлаётганим учун сизни топдим. Тоғам айтгандики, у Бокуда экан, тез орада Украина орқали Питерга бориб, кейин Москвага келиши мумкин, деб. Кўрдингизми, улар сизни пойлаётгани йўқ. Бутунлай менинг измимдасиз. Полковник ўз оёғингиз билан келишингизни кутаяпти, ҳолос. Билмадим, ҳозир қай гўрларда биқиниб ўтирибди. Ахир, иши расво эканлигини билсангиз керак”.

Таксилар қатори ҳеч тугамасди. Ниҳоят, мармар устунга етиб, Андрейнинг қўлидан маҳкам ушладим. Дедим:

“Сизга пул ҳам бераман, қарта ҳам ўргатаман. Менга ёрдамлашишда давом этсангиз бас”.

Йигит чўнтагининг астарини ағдариб, лунжини шиширди-да, “пуп” этган овоз чиқарди.

“Аввал қоқланган чўнтагимни тўлдиринг, кейин қарта ўргатасиз. Ўргатганда ҳам фақат муҳим сирларини! Биласиз, менинг ўзим Европада тенгсиз қартабоз-магистрман. Лаванглар оламида ўйналадиган ҳаром-ҳариш ўйинлар билан алдаёлмайсиз. Озарбайжон фуқароси деган қалбаки паспорт билан Россиянинг жонажон пойтахтида янги “иш” бошлаётган собиқ маҳбус ҳақида шипшиб қўйсам борми, сўнгра сизни ҳеч зоғ қамоқхона ертўласидан чиқариб ололмайди. Тушунтиролдимми?”

“Мен ҳам шунга келишмоқчиман”.

“Келишдик! Пулни қачон берасиз?”

“Ҳисоб рақамимда юз минг доллар йўқ”.

“Биламан, — деди Андрей, — ҳозир борини бераверинг”.

Сумкачамга қўл солгандим, у пешонасига шап этиб урди.

“Лобар! Ахир, бу нимаси? Мен сиздан чойчақа сўраётганим йўқ. Ҳисоб рақамингизда қанча бор?”

“Икки минг доллар олиб беришим мумкин. Ундан у ёғига умид қилманг, ҳозирча”.

“Тоғам ваъда беришга бериб, сўнг сариқ чақа ҳам раво кўрмаганидан хабардорман. Сиз аввал пулни ўйлашингиз керак эди. Мана, қарзларингиз юз мингга етди. Шу яхшими? Масалан, мен ўз ҳақимни талаб қилаётганимда атоғингизни икки дунёда ҳам ҳисобга олмайман”.

Шу онда кўнглимдан бир ўй ўтди: Андрей масаласини Шомил акага айтишим лозим.

“Қанча берасиз?” – эзмаланди Андрей.

“Ўйлаб кўрдим, – дедим унга, – шу ҳафта ичида тўплаб беришим мумкин”.

“Ҳа, албатта, чунки катта пулнинг устида юрасиз. Юз минг чўт эмас сизга, фақат чин кўнгилдан хоҳишингиз бўлса...”

Соатимга қараб, “вақтим тугади, шошаяпман” маъносини ифодаладим.

“Таксига овора бўлманг, – деб у машина калитларини чиқарди, – анави ёқда “Калдина” кутмоқда. Сизни йўқотиб қўйишни истамаганим учун кузатиб қўяман”.

У сумкамни “Калдина”нинг орқасига жойлаштирди. Ўзи билан ёнма-ён ўтиришимни илтимос қилгач, рад этмадим.

Энди мен сўроқ қилишим керак эди. Овозимни юмшатиб, эҳтиёткорлик билан дедим:

“Андрей, укажон, сизга пул ҳам бераман, “қора қарта рақси” сирларини ҳам ўргатаман, “магистр” номини юз фоиз оқлаб оласиз. Фақат тўғриси айтинг, ўғлим Парвиз қаерда? У чиндан полковник Иволгиннинг қўл остидами?”

Андрей “ўҳ” дея бош чайқади. Йўлдан кўз узмай, сўзлади: “Бунга келишмаганмиз, шекилли”.

“Нимага келишганмиз?! – жеркиб ташладим уни. – Бутун умримни ўғлимни топишга, қутқаришга бағишладим. Нима қилган бўлсам, нима деган бўлсам, барчаси ўғлим учун!”

Андрей лаб бурди. Сўнг лоқайд ва сурбет қиёфага кириб, машина тезлигини оширди. Бу келишимда шаҳар манзарасига заррача маҳлиё бўлмадим... Ёнимдаги аблаҳ эса жавоб беришни истамасди.

“Соғлиғи жойидами? Ҳеч бўлмаса шуни айтарсиз?”

“Тоғам ишдан бўшаган... Деярли “капут” бўлган”, – Андрей яна лабини чўччайтирди.

Ҳазабим тошиб келаётганини, қоним гупуриб, муштларим қисилаётганини сезмасди чоғи. Бўғиб ўлдиришга тайёр эдим. Ким билади, агар у оёқларим остида ўлишини кутиб ётганида ва қўлимда тўппонча бўлганида кўксига қайта-қайта ўқ узармидим.

“Мендан юз минг оласиз, боз устига қарта ўрганасиз, лекин ўғлим қаердалигини айтмайсиз, чунки бунга келишмаганмиз, шундайми?”

Жаҳлим чиққанини сезган Андрей:

“Афсуски, шундай, — деди юзига меҳр тусини беришга уриниб. — Одамни қийнаманг-да. Ўғлингиз қаердалигини билмайман. Соғлиғи ҳақида умуман эшитмаганман. Новосибирскдаги турк ҳақида эса бажонидил сўзлашим мумкин. У “Истанбул қашқирлари” тўдасининг сўнгги вақили. Исми Усмон. Снайпер ўқидан яраланган”.

“Яхши-яхши. У ҳозир нима қилаяпти?”

“Билмасам. Ўша кунлари палатада ётганди”.

“Ҳа, майли. Демак, ўғлим ҳақида ҳеч нарса билмайсиз-а?”

Андрей бош чайқади. Ичимда дедим: “Сени йўқотаман! Очиқчасига сурбетлик қилмоқчимисан? Дардим нималигини жуда яхши биласан-ку, эй малъун!”

“Қайси меҳмонхона?” — сўради у.

“Аввал сартарошхонага киришим керак”.

Андрей менга гумонсираб қаради. Тушунтирдим:

“Кўрқманг, қочиб кетмайман. Бу менга жуда қимматга тушади-ку, ахир. Лекин ҳар эҳтимолга қарши учрашув жойимизни белгилаб олайлик. Шаҳар четидаги “Узоқ парк”ка боргансиз-а?”

“Аҳа”.

“Ўриндиқлардан бирида кутаман. Жума куни тушдан сўнг. Камида ўттиз-қирқ минг доллар бўлади. Ҳозир телефон рақамингизни беринг”.

Андрей илжайиб:

“О, кей”, — деди ва телефон рақамини айтди.

Сартарошхона икки салондан иборат эди: “Эркаклар” ва “аёллар”. Стулга ўтирар-ўтирмас эркак ходимга юз доллар тутқаздим.

“Бизда бунчалик қиммат эмас, — шошиб қолди у. — Нима қилдирмоқчисиз ўзи?”

“Собиқ хушторим хирапапшадай ёпишиб олган, кўраяпсиз-ку, у ҳали ёш бола, ҳечам бирга бўлгим келмаяпти. Менга кўпроқ негрлар ёқади... Сиз тушунасизми ўзи бунақа гапларни?”

Доллар ва бепарда гапим сартарошни завқлантириб юборди. У менга хушомадомуз жилмайиб, олифталарча қўйилган соқолчасини силади, кўз қисди.

“Дўндирамиз, дўндиқча. Аммо телефон рақамингизни қолдирасиз”.

“Аввал уни гум қилинг”.

“Ичкаригами, ташқаригами?”

“Ичкарига, — дедим ва шошилишч равишда гўёки телефон рақамларини ёздим.

Сартарош Андрейни эркаклар салонига бошлаб кирган заҳоти кўчага отилдим. Муюлишга етишга улгуришим керак эди. Шу пайт ёнимга қоп-қора машина тўхтаб, орқа эшиги очилди. Шомил акани таниб ўзимни ичкарига урдим.

“У ким?” — зарда билан сўради чечен.

“Эски танишим. Анча-мунча қарзман, пулини қистаяпти”.

“Лобар, у ким, деб сўраяпман? Чўпчак айтма”.

“Исми Андрей, лақаби Магистр. Полковник Иволгиннинг жияни...”

Шомил акага ҳаммасини қисқача сўзлаб бердим. Олд ўриндиқдаги йигит “Макаров” тўппончасини узатди.

“Ҳақиқатан тиришқоқ магистр экан, — пичинг қилди у, — юз минг “бакс” берганингдан кўра миясига битта арзон ўқ жойлаб қўйганинг яхши. Шомил оға, машинани ортга қайирайми?”

“Йўқ, — деди собиқ эрим, — тўппончани қўйнингга яшир-да, йўлингга қара. Андрей деганлари бизга тириклайин керак. Қолаверса, Лобархон сен билан менга ўхшаб одамхўр эмас”.

У чўнтак телефонида Андрейнинг рақамларини териб, менга узатди.

“Узрингни айтиб, жума куни пул билан кутишингни маълум қил”.

Шомил аканинг айтганларини бажардим. Андрей эндигина милиция билан қўрқитмоқчи эди, дарҳол ҳовуридан тушди.

“Сумкамни олиб келишни унутманг”, — деб алоқани уздим.

Агар аэропортда Андрей учраб қолмаганида ҳам барибир аввалдан келишилган меҳмонхонага жойлашмас эканман. Улар мени кўплаб ижарачилар яшайдиган кўчадаги бир кампирникига бошлаб боришди. Шомил ака қўшни подъездда, битта девор ортида яшарди. Уй эски русумда бўлиб, у хоҳлаган вақтида айвонча орқали хонамга кириб келиши мумкин эди.

Икки кун деярли учрашмадик. Бизни кузатишаяптими, йўқми, аниқлашимиз лозим эди. Бу вақт ичида менга янги кийим-кечак, озиқ-овқат етказиб беришди, лекин телефондан бенасиб қилдилар. Аксига олиб кампиршода на чўнтак, на уй телефони бор эди...

Фароғат, сиз тинглаётган бу воқеаларга кўп бўлгани йўқ. Айрим шахслар тирик ва айнаи вақтда исм-фамилиялари халқаро жиноятчилар рўйхатига тиркаб қўйилган. Эътибор берган бўлсангиз, ҳикоямнинг чала жойлари бор. Худда ўша қоронғи лавҳаларида бир инсон сиймоси яширинган. У ким эканлигини сизга ҳеч қачон айтмайман. Москвада телефонга зор бўлганимнинг боиси ҳам шу — у билан гаплашиш эди.

Андрей билан учрашадиган куним Шомил ака кириб келди.

“Нега деразани ёпиб қўясан? — деди у. — Кечаси ўғри мушукка ўхшаб кириб олишимдан гумонсирайсанми? Бу — менинг имон-эътиқодимга ҳам гумонинг бор, дегани. Собиқ хотиним бўлсанг-да...”

Умримда биринчи марта қон босимим ошиб, зўрға ўтиргандим. Чеченнинг кинояомуз гаплари ҳечам ёқмади.

“Шомил ака, — дедим, — аввалги Лобар эмаслигимни яхши биласиз. Қўйинг шунақа гапларингизни! Бугун менинг ҳамма нарсадан гумоним бор...”

У оқ тушган сочларини силаб, менга ҳорғин нигоҳ ташлади.

“Майли, ишга ўтайлик, Лобар, — деди қаддини тик тутиб. — Гўё қўлингизни эронликлар эмас, қутурган ит

жароқатлаган каби асабингиз бузилиб турибди. Аввало, Иволгин отли иблисдан эшит. У мундирина бир умрга тарк этгани рост, ҳар сонияда қамоққа тушиш хавфи билан яшайпти. Айни пайтда Москва атрофида изгиб юрибди. Пластмасса идишлар ишлаб чиқарувчи аллақандай корхонагина унинг ихтиёрида қолган. Тўнғиз ҳозир ҳеч нарсадан қайтмайди, ишидан, пулларида, бир неча уйларида ажралган. Биз одами билан гаплашдик. Парвиз унинг қўлида. Қисқаси, кўприкда олди-берди қиламан, деяпти”.

“Қанақа кўприк?”

“Бу ердан қирқ чақирим нарида кўл устида кўш кўприк бёр, ёғочдан. Сайр қилувчилар учун махсус қурилган бўлиб, бир-бирининг оралиғи беш қадам. Кўприклар узунлиги эса юз қадамга яқин. Лекин жуда тор: икки киши зўрға сиғади. Иволгиннинг талабига биноан улар кўлнинг нариги томонида, биз бериги томонида тўпланамиз. Сўнг улар Парвизни қўйиб юборишади, бу ёқдан сен чиқасан. Кўлнинг ўртасида ўғлинг билан учрашиб, соғ-саломат эканлигини кўриб, кейин орқага қайтасан, ўғлинг ҳам Иволгин томонга кетади. Бундан мақсад сенга фарзандингнинг саломат эканлигини кўрсатиш ва янги талаб қўйиш. Сен улар учун америкалик Кэтринани енгиб беришинг керак. Иволгиннинг чўнтаклари қаппайгач, болангни бизга қайтаради”.

Ўйланиб қолдим, бундан аллақандай найранг ҳиди уфуриб турарди.

“Сиз Иволгиннинг бу таклифига қандай қарайсиз?” — деб сўрадим Шомил ақага зимдан назар ташлаб.

“Бугун Андрейни гаровга олишим керак, — деди у. — Бундан ташқари кўл бўйига Россия фуқаролари бўлмиш бизга хизмат қилувчи ўн чоғли одамни йиғаман. Иволгин бизни милицияга тутиб берган ёки-пистирма қўйган тақдирда фойда берадиган яна бир тадбирим бор. Аммо энг муҳими...”

Шу пайт кимдир эшикни секингина уч бор тақиллатди.

Шомил ака соатига қаради, сўнг деразадан мўраларкан, деди:  
 “Кўчада сариқ машина ойнасини артаётган одамни кўраяпман, бундан чиқди, тақиллаш ўзимизники. Хурсанд бўламан деган умиддаман”.

Кампир уйда йўқ эди. Шу боис эшикни очиш менинг чекимга тушди. Қаршимда сантехник кийимидаги бурундор киши шилпиқ кўзларини тикиб турарди. Шомил акага саволомуз боқдим, “киргиз” деб ишора қилди.

Сантехник қўярда-қўймай эшикни ўзи қулфлади. Негадир қулф ва занжирчани сийпалаб кўрди. Сўнгра ҳар бир майда-чуйдага алоҳида тимирскиланиб, чеченнинг қошига етиб келди. Каламушга ўхшатдим бу нусхани.

Кўришди. Гапирмади. Сумкасини стол устига қўйиб, курсига чўкди-да, кўп ишлаб чарчагандек уҳ тортди. Шомил ака аввалига унинг хатти-ҳаракатларини индамай кузатди. Кейин бўш стулга ўтириб, сўради:

“Снайпер милтиғи борми?”

“Айтиб қўяй, — деди бурундор киши, — мен узоққа отадиган қуроллар савдоси билан шуғулланмайман. “Макаров”, “Кольт”, “Риск”, “Маузер” бор”.

“Сендан артиллерия сўрамаяпманми, узоққа отадиган қуроллар эмиш! Демак, автомат ҳам йўқ?”

“Автомат деганда “Калашников”ни назарда тутаяпсизми? Тўғри, автомат ҳам йўқ”.

“Мен фақат “Калашников”ни назарда тутмаяпман...”

“Менга қаранг, Шомил, нафақат узоққа отадиган, ҳатто, тез отадиган қуроллар билан ҳам шуғулланмайман”.

Шомил акага бу одам умуман ёқмади. Жаҳл ила сумкани ўзига тортди-да, ашқол-дашқолларини ағдарди. Сумка тагида филофга солинган тўппончалар бор эди. Иккитасини танлаб олди. Битта овоз тиндиргич бор экан, уни ҳам чўнтакка урди.

“Пулини олгансан-а?” — сўради Шомил ака.

“Олганман”, — худди жеркигандек жавоб берди қуролфуруш.

Хайрлашаётиб, чечен яна савол берди:



“Айт-чи, нима учун сен фақат қуролфурушлик қилиб яшайсан? Ахир, бу “касбинг” бир куни бошингни ейди-ку!”

“Ота-бобом қуролфуруш ўтган, — деди бурундор. — Қон тортади, қон. Кўраяпсиз, бугун бизга ўхшаган одамлар ўрнини мафиялар, йирик террорчи гуруҳлар, саноат корчалонлари, раҳбарлар эгаллаб олганлар. Уларнинг ота-бобоси қуролфуруш ўтмаган. Қаерда фойда кўплигини жуда яхши билишади, холос”.

“Бу мен кутган жавоб эмас, — дея Шомил ака эшикни очди. — Дарвин деган олим одам маймундан тарқалганини исботлаб берган дейишади. Нима, аждодларимнинг ишини бажараман деб, мен маймунлик қилишим керакми?”

“Барибир сувингиз эски ўзандан оқаяпти”, — деди қуролфуруш.

У кетгач, Шомил ака қуролларини яна бир кўздан кечирди. Қўйнига жойлаб, менга ўгирилди. (Рухим чўккан, толиққан, маҳзун қиёфада ўтирардим.)

“Парвиз ҳеч қаёққа кетмайди, — деди у ишонч билан. — Биласанми, қисқа муддат бўлса-да, боланг менинг тарбиямни олиб бўлди. Шунча кутдим, нега ўғлинг ҳақида мендан сўрамайсан?”

Шомил акага қарадим у хўрлигим келиб кетди. Нега одамлар бунчалар хўрлайди-я?! Болажоним уларнинг қўлида қанақа кўғирчоқ бўлганини сўрайми? Қаерга келиб қолганини, кимларнинг даврасига тушганини англолмай, кўзлари мўлтираб мени ахтарганида, соямни ҳам тополмай, ноиложлигидан уларнинг ногорасига ўйнаса ўйнагандир. Ё бирон ножўя ишларга ўргатилдими? Олисга туфлаш, немисча сўкиниш, чўнтак шилиш... Энг ёмони, онгига “ҳаёт — зўравонликни қадрлайди”, деган ғояни сингдирган бўлсалар-чи! Айниқса, Шомил ака одам боласини тез ажрата олади: бўладиганлар ва ўладиганлар. Ундан кутиш мумкин. Парвизнинг қулоғига қандай инсон яшашга ҳақли-ю қанақаларни ўлдириш мумкин, деб шипшиган бўлса-чи... Оҳ, боламни киллерга қизиқсиниб қараб ўтирган ҳолда тасаввур қилишим қанчалар азоб-а!

Шу тобда Шомил акани ёмон кўриб кетдим. Фа-

роғат, бир нарсани узоқ вақт исботлаёлмай юриш кишида жиззакиликни рўёбга чиқаради. Нега шундай қилолмаяпман? Нега ҳар сафар иккиланаман, деган туйғу асабни ейди. Сизга ҳали айтмаганман: мен неча бор Шомил акани ўлдириш ҳақида ўйлаганман. Ҳа, уни отиб ташлаш хаёли тез-тез ва ўз-ўзидан миямда чарх ура бошларди. Бунга ҳайрон қолишнинг кераги йўқ. Ҳар қандай киши гоҳида кимнидир ўлдириб қўйганини тасаввур қилади. Балки сизда бундай бўлмас, аммо мен унда-бунда туйқус қора хаёлларга бериламан. Қўлим қонга ботади, ботаверади. Умрим қамоқда ўтадиган даражада айб ишлар қиламан. Гуноҳларимни ҳеч қачон юволмаслигимни ҳам биламан...

Рангим гезарган, кўзимга ёш тўлган шекилли, Шомил ака бир оз юмшаган овозда:

“Кечир, — деди. — Сен онасан. Мен кимман унга? Ҳеч ким. Лекин айтсам ишонмайсан, уни сен учун қутқарган эдим анави “гўрковлар”дан. Эрга тегиб кетган бўлсанг-да, сен худди меникидайсан. Боланг менинг ҳам яқин кишим. Ҳаётинг — менинг ҳам ҳаётим...”

“Лекин сизнинг ҳаётингиз меники эмас, Шомил ака. Тезроқ боламни топиб берсангизу ўз ҳолимга қўйсангиз”:  
“Эронга кетишинг учунми?”

Шомил ака ҳаммасини ўзи уюштиргандай мийиғида қулди.

“У ёғи билан ишингиз бўлмасин”.

“Нега? — деди Шомил қулочини кенг ёзиб. — Ахир, онт ичгансан. Сенингча, номард кимсаларга ичилган қасам урмас, лекин уларнинг қасди-чи? Бир кун келиб барибир айтганини қилишади. “Бадахшон” гуруҳида тажрибали каллакесарлар қўп”.

“Мени зигирдеккина нарса ҳимоя қила олади”.

“Нима экан у?” — Шомил ака қўлларини шунчаки чўнтагига солган эди, қизиқсиниб, дарҳол чиқарди: қўлида сақич қутигаси кўринди. Чайнамоқчи бўлди-ю, “Дубайдагидек ҳаяжонланмаяпман” дегандек бир четга улоқтирди.

“Хали уни ишга солганим йўқ”, — дедим босиқ оҳангда.

“Хўш, нима экан ўша зиғирдеккина?”

“Қонун”.

“Тавба! Қонун деяпсанми?”

“Ха. Бутун фожиамнинг ўзаги қонун! Ўзимни олиб қочиб яшадим ундан. Оқибати нима бўлди? Гўр бўлди, бало бўлди! Салкам ҳамма нарсамдан айрилаёзим. Ҳаловатим йўқ, деярли ватангадоман. Бораман, бир кунмас-бир кун, албатта, прокуратурага бораман. Жамики ифлосликларимни рўй-рост тан оламан. Мени ҳеч қачон аллақаердаги “Бадахшон” суд қилолмайди...”

“Ўҳ, Лобар, Лобар!” — Шомил ака пешанасига урди. — Зиғирдеккина қонун сенга тоғдай-тоғдай айблар қўйиб ташлайди. “Бадахшон” билан музокара минг марта арзон тушади. Э, қолаверса, ғам ема, бир оз кўтсанг, “Бадахшон” масаласини ҳам ўйлаб кўрамиз. Улар битта уйга тўпланиб, машварат қиладиган пайтни аниқласайдим. Икки қўлимда тўппонча, овоз тиндиргич ўрнатилган. Тасаввур қиляпман: ҳали отиб улгурмаганларим ўзларини дуч келган пана жойга урмоқдалар. Жонҳолатда бақирганлар, гавдаларига ярашмаган чаққонликлар, кўксини ўқлар тешиб ўтаётганида иложсиз типирчилаётган, ўз ўлимини томоша қиляётган каслар... Мен очман, Лобар! Қиморбозларнинг қонига ташнаман. Қанийди тўйсам!...”

Шомил аканинг кўзлари олайди. Мана энди у телбага ўхшарди. Ҳақиқий телбага. Бирдан Андрейни ўйладим. Нима қилсам экан? Бу чечен унинг терисини тириклайин шилиб олишга-да тайёр. Шўрлик “магистр” эса тоғасидан айро тушиб, аллақандай хомхаёлларда юрибди. Осмондан тушадиган юз минг доллар, дунёга машҳур қартабоз-афсунгарга айланиш, ёлғиз ўзи “қаҳрамонликлар” кўрсатиш...

Шомил ака илжайди, сўнг қовоқ солиб, деди:

“Лобар, ана шунақа гаплар. Майли, жуда истасанг, ўз билганингдан қолма. Бироқ ҳозир эмас.. Ҳозир “Узоқ парк” ва Андрей ҳақида ўйла”.

\* \* \*

— Биз келишилган муддатда “Узоқ парк”ка йўл олдик, — деб ҳикоясини давом эттирди Лобар. (Мана, неча соатдирки, уникага ёрдам сўраб келган Фароғат исмли келинчак жон қулоғи билан тингламоқда эди). — Анча таъсирчан экансиз, Фароғат. Ҳайлаб қаранг, қотил кузатувида Москванинг нариги чеккасига кетаяпман. Бугун бир кишининг бошига етишим ҳам мумкин. Андрейнинг ҳеч қандай қадрдонлиги бўлмаса-да, унга укамдай раҳмим кела бошлади. Бечора ёшлигига бориб қартадан шон-шухрат ва бойлик ўмид қилаяпти. Боплаб адабини бериб, қўйвориш керак унақаларни. Аммо Шомил ака у ҳақда мендан эшитгач, зимдан режалар тузиб қўйди. Адашмасам, икки тоифадан ёмонроғига — ўладиганларга киритди рус болани.

Паркка яқин қолганимизда, Шомил ака орқамдан келиб:

“Пулни санаб олишини илтимос қил, — деди паст овозда.

— Кўрай, у қанчалик пулга ўчлигини. Тушунарлими?”

Бош қимирлатган эдим, киллер қўлимдан чимчилади.

“Жин урсин, бунча имо-ишора қилмасанг. Нима, ҳайвонот боғида юрибсанми?!”

Кайфиятим аллақачон бузилиб бўлганди. Қўлимни силтаб юбордим. Шомил ака нари кетди чоғи, ортимда йўловчиларнинг ўзаро суҳбатлари қулоғимга чалинди.

Дарвоқе, сумкадаги пул беш минг доллар ҳам чиқмасди, ҳаммаси майда пуллар. Андрейга бир центи ҳам насиб этмаслиги, кутилмаганда оғир вазиятга тушиб қолиши, кейинроқ ҳолига маймунлар йиғлаши ҳақида ўйладим. “Сени ҳозир чечен каллакесари тутиб олади, бу ердан жуфтакни ростла”, деёлмайман. Аини дамда Андрейнинг ўзи мен учун хавфли кимса. Милицияга қўнғироқ қилишининг ўзи кифоя эди. Қайси рейсда учиб келишимни аниқлагани-чи.

Ўриндиқлардан бирига ўтириб, сумкамни тиззамга қўйдим. Бироқ бундай ўтириш шубҳали кўрсатишини англаб, сумкани ерга туширдим-да, Шомил ака берган

газетани ўқий бошладим. Миям ҳеч бир маълумотни қабул қилмас, юрагим қисилар, ҳаво етишмас эди. Зиқ бўлдим ва бу зиқлик, ҳатто оёғимга ҳам кўчди.

“Намунча оёғингизни тапиллатмасангиз”, — деган овоз эшитилди ёнимдан.

Осмондан тушдими, ердан чиқдими, Андрейга ўхшаб кетадиган йигитча менга қараб тиржайиб турарди.

“Сенга нима керак?” — ўдағайладим мен. — Қани, тўёғингни шиқиллат-чи! Уйингда онанг бўғирсоқ пишираяпти”.

Йигитча лип этиб ўтирди ва оёғини олифталарча чалиштирди.

“Йўқ, аввал сумкангизни беринг. Биродарим Андрюша пулга муҳтож. Юз минг “бакс”га! Ишимни тамомлаб, кейин кетаман уйга”.

“Ўзи қаерда?”

“Сиз кўрмайдиган жойда”.

Атрофга бир қур назар ташлагандим, йигитча эпчиллик билан сумкамни ёнига олиб, очди. Пулнинг камлигини билди ва:

“Бор-йўғи шуми?” — деб сўради.

“Умрингда юз минг доллар кўрганмисан? — дедим. — Ишонмасанг санаб кўр. Лекин Андрейнинг биқиниб ёмон иш қилмабди. Шундай бўлса-да, у билан гаплашишим керак”.

“Тапингизни эшитаяпти”, — йигитча ёқасига ўрнатилган микрофонни мақтанганнамо ушлаб қўйди ва биринчи бойламни санай бошлади. Шунда Андрей ёмон сўкди шекилли, йигитча пулни сумкага итқитиб, тишли оғизни ёпди.

“Қанча?” — сўради шошиб.

“Юз минг чиқмаслигини тўғри топдинг. Қолганини кейин бераман. Андрей, эшитаётган бўлсанг, диққат қил. Иккимиз бир-биримизга керакмиз. Тагин, айтилган пулни бермади, деб хафа бўлма. Бераман, дедимми, албатта, сўзимнинг устидан чиқаман. Биласан, баъзан вазият шунақа бўп қолади. Ўзинг ҳам ёлғиз ишлайман, деб алдадинг. Бу бола...”

Шу пайт яқин масофадан қарсиллаб иккита ўқ узилди. Йигитча қичқириб ўзини олдинга отди, гурсиллаб йиқилди. Қўркувданми, қон босимим юқори бўлганиданми, қулоғим чиппа битди. Оёқда турибман, йиқилаётгандайман. Рўпарамдаги одамни кўраяпман, лекин юз-кўзларини илғамаяпман.

“Лобар, сен итдан баттар экансан! — деди қотил. — Яхшилигим эвазига ўз милтиғим билан мени гўрга тикмоқчи бўлдинг. Шундаям сени ўлдирмайман, лайчанг эса ер тишлади...”

Бу одам Усмон эди. Туркияда менинг снайперим томонидан отиб ташланган турк жиноятчиси. Ушанда снайпер қанақа қуролдан ўққа тутаётганини Усмон сезиб қўйди. У милтиқ менда эканлигини билгани учун буюртмачи кимлиги ҳам аён эди. Ва буни оқилона англаган снайпер Усмонни ҳам отди. То мен Туркиядан чиқиб кетмагунимча ўзига келмаслиги учун оғир ярадор қилди...

Қотилликка гувоҳ бўлган ўткинчилар қочиб боришарди.

“Усмон...” — дедим зўрга.

Туркнинг орқа томонида юз қадамлар нарида чопиб келаётган Шомил акани кўриб, негадир икки-уч қадам ортга тисландим.

“Усмон, қочинг, ҳозир сизни ўлдиришади”, — овозимдаги ялинчоқлик ўзимга-да бегона эди.

Турк хавф қайси томонданлигини нигоҳимдан уқди. Шарт ўгирилган маҳал Шомил ака ҳам тўппончасини ўқталди. Гарчи чеченнинг қуролига овоз тиндиргич ўрнатилган бўлса-да, шу фурсатда фойдаси йўқ эди. Дарахтлар ортида, панжарага суянган ўн-ўн беш чоғли гувоҳ яққол кўринди. Айримлари энди Шомил ака томонга қўлини бигиз қиларди.

Оралиқ масофа сония сайин қисқариб, икки қотил орасида йигирма қадам ҳам масофа қолмади. Бир-бирини мўлжалга олган ҳолда ўқ отмасдан мушукдек тикилдилар.

“Мана, у ким экан?! — хитоб қилди Усмон. — Бу Шомилку! Хўш, отишамизми энди?”

“Жуна!” — деди чечен.

“Нима? Тушунмадим...”

“Жуна, сенинг тиригинг ҳам, ўлигинг ҳам Москвада менга ортиқча юк. Ҳозироқ қорангни ўчирсанг, кейинчалик бирон жойда учрашармиз. Отишиш қочмайди, падаркуш!”

Олиسدан милиция машинасининг сиренаси эшитилди. Усмон аламдан ёниб сумкага қаради. Кейин қуролини қўлдан қўймасдан эски бино томон югурди. Унинг юзи ғазабдан бужмайиб кетгани бир қанча вақт кўз ўнгимдан ўчмади. Бу бужмайиш гўё чексиз нафратнинг вулқон бўлиб отилаётганда қотиб қолиши, юзда акс этиши эди.

Бундан кейин Усмонни душманларим рўйхатига, юқорироққа ёзиб қўйишим даркорлигини тушундим.

Бир амаллаб қаҳвахонага кириб олганимиздан сўнг Шомил ака тирсагимдан маҳкам ушлади.

“Бу ерда биз ёлғиз эмасмиз, — деди ғижиниб. — Кўрдингми, ҳамиша сенинг кемангни довул Бермуд томон ҳайдаб келади: қарта, пул ва қотиллик”.

“Усмоннинг Россияда ҳомийси бор”, — шивирладим мен.

“Қим?”

“Билмайман. Англаганим шуки, уни даволатиш баҳонасида Новосибирскка олиб келишди, нега Германия клиникаларига эмас?”

“Нега унинг миллати турк? — деди Шомил ака. — Нега исми Усмон? Нега қўйлагининг тугмаси бешта эди? Нега у шу пайтда пайдо бўлди?.. Саволлар кўп, жавоблар йўқ”.

Шомил ака менга ўқрайди, ерга қарадим. Ижара уйимизга етиб келгунимизча бутун бир кўнни сарфладик.

Бир неча кун уйга қамалиб ўтирдим. Бу сафар Москвадан соғ-омон чиқиб кетишга кўзим етмай, зафарли кунларимга мотам тутаётганимда, Шомил ака спортчилар кийимида ҳозир у нозир бўлди.

“Кетдик, — деди у, — сени ўғлинг кутаяпти”.

“Н-нима?..” — ўрнимдан сакраб турдим у гандираклаб деворга суяндим.

“Ўзингни босиб ол, Лобар. Хонамда бронжилет бор. Керак бўлмайди, деб олиб чиқмадим. Жанг бўлмасин, илойим...”

“Ҳеч нарса керакмас... У қаерда ҳозир?”

“Уша кўл бўйида”.

Биз билан бораётган одамлар уч машина бўлишди. Ҳамма спорт кийимида. Қармоқлар, коптоклар, тўрлар ҳам кўзга ташланади.

Ўғлим билан учрашишимни ўйлаб, юрагим ҳаприқиб кетди. Шаҳардан чиқмасимизданоқ биз томон табиат ўзининг нохуш кайфиятини намоён этди. Намчил ҳаво кишига ёқмасди. Ҳализамон шундай об-ҳавода Иволгин отган ўқдан яраланиб, муздай кўл сувига қулашимни тасаввур қилиб, баттар этим жунжикди. Бироқ далда берадиган туйғулар ҳам йўқ эмасди. Бу сафар мен шунчаки қимор ўйинига ёки отишмага эмас, ўғлимни кўргани кетаяпман. Учала машинада ҳам кўча отишмаларини, ўрмон ва тоғлардаги урушни кўрган, мафияга хизмат қилган одамлар ўтирибди. Полковник Иволгин ҳамда унинг одамларидан ўтса ўтадики, қолишмайди.

Далаҳовлилар ҳашаматига Шомил ака бефарқ эмасди. У чечен тилида бир нималар деб, сўнгра менга ўгирилди.

“Лобар, — деди у, — манави уйлар нимани эслатади сенга? Фақат ростини айт”.

Намлиқ тимқора тусга киритган асфальт бўйидаги биридан чиройли уйлар — ёзги ва қишки далаҳовлилар шу тобда кўнглимни айнитмоқда эди. Келиб-келиб шулар ҳақида сўрайдимиз одам.

“Ҳеч нарсани эслатмайди...”

“Кўйсанг-чи, сендан ростини сўрадим”.

“Сўраганингизни эшитдингиз”.

Шомил ака мендан кўз узиб, яна иморатларга қаради. Аксига олиб, “жип”нинг тезлиги ошди.

“Арвоҳ ургур, бунча самолётдек учирасан?! — ҳайдовчининг елкасига урди чечен. — Кўрмай қолаяпман дераза рамкаларини. Қара, Лобар, баъзи деразалар мусулмонларнинг масжидини эслатади. Меъморчилик сиёсатдан устун туради, шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисан?”

“Меъморчилик — сиёсат қули”, — дея қовоғимни солдим.

“Бекор айтибсан!”



“Ахборотингиз учун, — бўш келмадим мен, — ҳайҳотдай ҳовли қурганлар кўпинча таъқибга учраган. Шўро даврини айтмайман. Эсингизда бўлса, сизнинг уй-қамоғингизда яшаётганимда худди шу далаҳовлиларни телевидениеда танқид қилишганди. Вазирлар Москва атрофида қасрлар қуришяпти, деб. Эсладингизми?”

“Мен бутунлай бошқа меъморчилик ҳақида гапираяпман. Айтётганинг мутлақо меъморчилик ҳам эмас. Оддийгина “пойга”. Кимнинг пули кўп бўлса, у қимматроқ ва баландроқ уй қуради. Айтмоқчи бўлганим, меъморчилик сиёсатга кўпам бўйсунавермайди. Тўғри, қизил, оқ бинолар, бешюлдузлар, хочлар каби безақлару ранглар сиёсатга хизмат қилади. Лекин дераза рамкаси, эшик ранги, девор қалинлиги, чордоқ тузилиши — булар эркинлик! Фашистларнинг белгисини биласан-а? Худди шунақа белгилар ўрта асрларда сенинг ватанингда қурилган масжид деворларида акс эттирилган. Ишонмасанг, эски биноларнинг ташқи томонидаги яшил нақшларига эътибор бер”.

“Бу тасодифий ўхшашлик”.

“Мен нима деяпман? Иккинчи жаҳон уруши даврида ўша белгилар кўпориб ташланмади-ку. Демак, меъморчилик сиёсатдан устун туради. Умуман олганда, Лобар, бу гапларни айтмоқчи эмасдим. Далаҳовлилар менга аблаҳ бойларни эслатди. Буларнинг эгалари кимлар? Замонавий тилда айтганда ҳалол тадбиркорлар ҳам бор. Бироқ ҳалол тадбиркорлик ҳам меъморчилик нақши каби тасодифдир. Жуда кам учрайди бундай тасодифлар! Уйига қараб, уни фашист деб ўйлама... Аммо фашистни фашист дейиш керак. Сенга айтсам, ўнтадан биттаси ҳалол тадбиркор! Қолган тўққизтаси алламбало ишлар қилиб юрибди. Ҳамма замонда, ҳамма жойда бўлади бунақалар. Ҳатто, Америкада ҳам”.

Шундан сўнг Шомил ака далаҳовлилар тугаб, ўрмон этаклари кўрингунча жимиб ўтирди.

“Уларни хоҳлаганимча ўлдиришга ҳақлиман, — тўнғиллади у. — Бу на қасос, на ҳасад...”

Шомил ака қўл силтади. “Ўзи бошлаган мавзу ўзини

чарчатиб юборди”, — кўнглимдан ўтказдим. Бироқ у ўрмон томонга синчиклаб қарай бошлаган эди. Мен ҳам диққат-эътиборимни кўзимга тўпладим ва ялангликка сузиб чиққан оқиш туманни пайқадим. Шомил ака рацияни олиб, орқадаги машинадагиларга хабар берди:

“Кўл туман ичида қолган. Ўрмонга кириб тўхтаймиз”.

Биз ўрмон ичкарасига кирганимиз сайин туман чекинаверди, аммо кўп ўтмай келган йўлимизни ҳам қуршаб олди. Эрта тонгдан аллақаяёққа шошган машиналар онда-сонда физиллаб ўтиб қоларди.

Ўт босган қандайдир йўлга атайин бурилиб, бир оз юргач, тўхтадик. Ҳамма тушди. Мен ва уч-тўрт киши берироқда турдик.

Шомил ака шериклари билан нималарнидир тортишди. Қўлини асабий силтади, ҳатто аразлагандек икки-уч қадам нарига ҳам бориб олди.

Кейин ёнимдаги бир кишини имлаб чақирди. Баҳс қайтадан бошлангандек туюлди. Ҳозиргина йўқланган киши ҳадеб елка қисарди.

“Лобар!” — чақирди Шомил ака.

Бордим. Улар менга совуқ ва ҳиссиз нигоҳларини тикишди. Шундагина юрак-юракдан амин бўлдим: менга ўғлимни кўрсатиш ташвишини чекмаяптилар, чекмайдилар ҳам. Мен ўйлаган инсонийликдан анча-мунча йироқ, яхшиликнинг деярли нуқтаси ҳам йўқ.

“Вазият бошқача бўлиб чиқди, — деди Шомил ака бегона товушда (у шериклари олдида менга хайрихоҳ оҳангни раво кўрмади). — Шунинг учун ҳам бошқачаки, кўлга яқинлашганимиз сайин туман қалинлашмоқда. Биласан, кўлда бундан бешбаттар қалин. Иволгин учрашувни бежиз шу вақтга белгиламаган. Туманни кутган. Хурсандлиги телефондаги сассиқ овозидан ҳам сезилаяпти”.

“Телефонда қачон гаплашдингиз?” — сўрадим алдаётганига чидолмай.

“Хонангга кирмасимдан аввал гаплашгандим. У тонг қоронғисидаёқ кўл бўйида эди. Ўғлинг ҳам ўша ерда. Сўрагандим “Вольво”нинг орқа ўриндиғида ухлаб ётибди,

деди. Лобар, бизга норозидарча қарама. Тўғри, ўғлингни сен билан учраштиришдан ташқари яна бир мақсадимиз бор. Бу мақсадни амалга оширишни Иволгиннинг ўзи тезлаштирди”.

“Менга ёқмаяпти...”

“Нима...”

“Вазият”, — дедим жаҳл аралаш.

“Вазият менга ҳам ёқмаяпти, Лобар. Чақирганимнинг боиси, бронжилет...”

“Демак, жанг бўлади. Мен ва болажоним ўртада!.. Икки томон отишади!.. Отишадими? Жавоб беринг!”

“Отишади демоқчимасман, лекин ўқ узилмайди, деб кафолат ҳам беролмайман. Бронжилет кийсанг, сувга сакрамайсан. Ўқ овозлари тингунча чўкиб кетишинг мумкин. Ўғлингни бағрингга босиб, кўприк ўртасида ётасан...”

Йиғламасликка қанча уринмай, кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Бошқа вақт бўлганида ҳув анави асрий эман тагида тўйиб-тўйиб йиғлардим. Ҳозир эса кўз ёш тўкишининг мавриди эмас, истасам-истамасам бағритош бўлишим керак. Бағритош бўлмаганимда ҳам ўзимни бағритошдек кўрсатишим лозим.

“У ҳолда менга қурол беринглар, — дедим хаёлимга келган ўйдан баданим музлаб. — Ёрдам бергунларингча, ўзимни ҳимоя қиламан”.

Шу ондаёқ озгин, қирғийбурун йигит чийиллади:

“Бизни лакалов деб ўйламагин, тушундингми? Сен ўзингни ҳимоя қилолмайсан!”

Шомил акага умид билан қарадим. Агар қурол беришса, ўғлимни бағримга босган чоғимдан ҳар иккала гуруҳга қарши курашишга тайёр эдим. Нимадир умид бағишларди, ишонч берарди. Кўнглимдан кечаётган гаплардан бохабар бўлган ҳар қандай эсли-ҳушли инсон мени тентакка чиқариши тайин эди. Кўприк ўртасида ёш бола билан турсаму қўлимда тўппонча бўлса. Ўқдонда нари борса еттита ўқ. Кўприкнинг икки томонида эса жами йигирматача каллакесар. Камида ўнтаси “Калашников” билан қуролланган...

Балки бирдан милиция босса, тирик қолишимиз мумкин... Йўқ, бу — энди хом хаёл. Биринчи отишмадаёқ...

Улар қурол беришмади. Бронжилет кийдириб, худди мен укасидай бир-бир елкамга қоқиб қўйишди. Кўл сари кетарканмиз (машиналар яна асфальтга чиқиб олганди), Шомил аканинг асл мақсади ҳақида бош қотирардим. Хўш, мен ўқўтмас кийим кийиб, қўшқўприкнинг биттасидан кўлнинг ўртасига бордим. Иволгин у ёқдан ўғлимни юборди. Қалин туман. Снайперлар ҳеч нарсани илғамайди. Икки гуруҳ йигитларига эса кўприкдан изма-из келиш қатъиян тақиқланган.

Қатъиян тақиқланган!.. Жиноятчиларга қатъиян тақиқ қўядиган куч қаерда бор экан, Фароғат? Улар истаган вақтларида писиб келишлари, кўлни айланиб ўтишлари мумкин. Балки қайиқда келишар...

Кўприк ҳақиқатан узун эди. Туман ўз домига тортган нариги томонига қарадим. Худди туман ичидан болам чиқиб келадигандай кўз узолмай қолдим. Дам олувчилар учун қурилган кичик уйчаларни текшириб чиққан Шомил ака йигитлари бир жойга тўпланишди. Сўнг ўзаро келишиб олишгач, атрофга тарқалишди.

Ортимда уч киши қолди: Шомил ака ва икки шериги.

Менга сумкача тутқазишди.

“Ўзингни хотиржам тут. Ичингда бронжилет борлигини билдирма, — тайинлади Шомил ака. — Болангни бағрингга босиб, ўпганингдан сўнг сумкангдаги ширинликни бер. Эшитаяпсанми? Ширинликни бер... Узоқ қучоқлаб ўтирма... Эшитаяпсанми, Лобар?..”

Рация шанғиллаб кўлнинг нариги томонидагилар мени сўрадилар.

“Ҳозир у “А” кўприк бошида турибди, — жавоб берди Шомил ака. — Парвиз қаерда?”

“У ҳам “А” кўприк бошида”.

“Келишганимиздек “Б” кўприк бўш бўлиши керак”.

“Эй мусулмон, биз келишдикми, тамом! Бошқача бўлиши мумкин эмас. Агар кўл тубига ишонмасанглар, овоз тиндиргичли автоматдан сувга ўт очиб кўришларинг мумкин. Йигитларимнинг ҳаммаси ёнимда. Мен ғаламис эмасман”.

Шомил ака рўпарамга келди. У ҳозиргина бошига ёпинчиқ ёпиниб олган, оппоқ туман фониди ёвуз кимсага ўхшаб кетарди.

“Омад-ёр-бўлсин!” — деб-оқ йўл тилади.

Менда сабр қолдими?! Торгина кўприкдан юриб кетдим.

“Шошма! Шошиб юриш мумкин эмас! — дейишди ортимдан. — Қўрққанидан биронтаси отиб қўйиши мумкин...”

Шундоқ ҳам барибир қадамим унмасди. Оёқларим ботмон-ботмон оғирлашиб қолгандек. Бунинг устига юрагим потирлаб, қуш каби ўзини ҳар ёнга уради, елкамдан мадор кетади, шалвираб қоламан.

Кўприк суянчигидан ушлаб илгарилай бошладим. Беш қадам наридаги ёнма-ён “Б” кўприк қуюқ туман ичра сирли кўринади. Негадир у “А” кўприк сингари сарғиш эмас, қоп-қора.

Тўхтадим. Ортимга қарадим. Туман...

Қадамимни тезлатдим. Тилим ўз-ўзидан: “Ўғлим... Болажоним... Парвиз!... Шунча вақтдан кейин учрашамиз-а?! Кечир... Қиморбоз онангни кечир...” — деб пичирларди.

Тўсатдан аллақандай овоз чалинди қулоғимга. Буткул Иволгин томонга ўтиб кетмаслигим керак эди. Кўприкнинг ўртасига етибманми, деган хаёлда яна алангладим. Олд томонда бир киши масхараомуз оҳангда:

“Тўхта! Ким келаяпти? Пароль?” — деб хитоб қилди. Худди қайсидир кинодаги чор Россияси аскарига ўхшарди.

“Мен”, — дедим, лекин овозим жуда заиф чиқди.

Ким эканлигимни қайтиб сўрашмади. Бир-бир қадам ташлаб, туман пардасини ёриб боравердим. Ва шу аснода нимадир дупурлади-ю, қўшни кўприкка қарадим. Адашмаган эдим: қаттиқ пошнали туфли кийган беш-олти ёшлардаги бола чопиб ўта бошлади. Лаҳзалар ичида унинг қорамтир шимини, кулранг ёпинчиқли кўйлагини аниқ кўрдим.

“Парвиз!” — қичқирдим мен.

Болакай туманда ғойиб бўлди, аммо унинг тўхтаганини

оёқ товушидан билдим. Жонҳолатда орқага чопдим. Қўшни кўприкдан у билан Шомил ака томон югуришимиз керак эди. Иволгин одамлари қувиб етмаса, бас.

Аммо шу пайт Иволгин тўдаси жойлашган қирғоқдан кетма-кет ўқ узилди. Икки кўзим болакай чопиб кетаётган “Б” кўприкда. Ҳаллослаб, телбаларча чопаман. Оёқларим баланд-баланд сакрайди, лекин кўзланган жойга тушмай гандираклайман. Даҳшатдан овозим битиб қолдими, қулоғимми, билмайман...

Яна қасир-қусур ўқ узилди. Шунда болам чеченлар турган қирғоққа етиб боролмаслигига кўзим етди. Воҳ, ўша лаҳзадаги даҳшатни! Тентак бўлиб қолиш ҳеч гап эмас! Боланг қочаяпти! Орқасидан ўқ узишаяпти!

Тескари томонга, Иволгин тўдаси жойлашган қирғоққа чопа бошладим.

“Отманглар! От-манг-ла-а-рр!..” — деб чинқирдим. Овозим ўзимга бегона эди. Қандайдир аянчли, ёввойи, ваҳшатли ҳайқириқ!

Бироқ жавобан яна уч марта ўқ узилди. Ўқлардан бири қулоғим остидан учиб ўтганини яққол ҳис этдим. Таққа тўхтадим. Туман ичидан бир барзанги отилиб чиқди-да, тўппончасини кўксимга қаратиб, тепкини босди. Негадир охирги лаҳзаларда “у мени асир олса керак”, деб хаёлимдан ўтказдим. Афсуски, барзанги иккинчи марта ҳам тепкини босди. Кўприк суянчигига осилиб, сўнг гурсиллаб қуладим. Оёғимдан судраб кетаётганларида хушимни йўқотдим...

\* \* \*

Лобар ўз бошидан кечирганларини ҳикоя қилаётиб, бирдан дарвозага қаради. Машина тўхтаган, эшиги очилиб-ёпилган эди. Бир зумда кўнғироқ чалинди. Оёғига шошиб шиппак илган мезбонга келинчак ҳайрат тўла нигоҳини қадади.

— Опа, сизга ростдан ҳам иккита ўқ текканми?

— Ҳа, — деди Лобар кўкси атрофини ҳавода чизиб

кўрсатаркан. — Иккови ҳам хато кетмаган, аммо бронжилет кийганим учун ўқлар танамга ўтмади. Шунақанги кўкариб кетдики, икки ҳафта қўл теккизолмадим. “Винчестер”дан отганида ўқ зарби мени кўприкдан улоқтириб юбораркан.

Лобар ўз юришига ўзи маҳлиё бўлаётгандек бош эгиб, дарвоза томон тез-тез одимлади. Чорпоядан узоқлашмасдан қайрилиб, деди:

— Бир киши келади дегандим, ўша, шекилли. Аммо-лекин ҳикоямни тугатмасдан сизга жавоб бермайман. Кутиб тулинг, хўпми?

Фароғат жойига чўкди. Дарвозадан қорачадан келган норғул йигит сумкаларни кўтариб кирди. Бинойда кийинганди. Бошига қўндирилган қора кўзойнаги офтобда ялтираб кетди. Йигит асли қишлоқдан эканлигини келинчак пайқади ва қиморбоз хонимнинг қариндоши бўлса керак, деб ўйлади.

— Бу йигит бирон соат ўз иши билан банд бўлади, — деди Лобар чорпояга қайтгач. — Ичкаридан чиққунча ҳикоямни тугатиб қўй.

— Қариндошингизми? Кўзимга иссиқ кўринди?

Лобар Фароғатнинг чақноқ кўзларига синовчан тикилди. Келинчакнинг саволлари кишининг рашини келтириши мумкин эди. Бироқ бу кайфиятга ҳам боғлиқ бўлгани боис Лобар очиқ чехралик билан:

— Қариндошим эмас, жиззахлик Қувон деган йигит, — деб жавоб берди ва маъноли жилмайиб: — Яқин дўстим, аниқроғи, опа-укадаймиз, — деди.

Фароғат Лобарнинг кўк кийимига ғалати қараб қўйди. “Азадорлар либосида бўла туриб, уйига бир йигитни киргизса, — ўйлади у. — Яна денг, бу йигит кечаси шу ерда қоладиганга ўхшайди. Эҳтимол, боя кўчада учраган семиз хотиннинг гапларида жон бордир...”

— Ҳикоянинг якунига қизиқаяпсиз-а? — айёрона қош қоқди Лобар. — Майли, эшитинг. Шундай қилиб, Иволгин деган итнинг йигити отган ўқлар ҳушимдан айирди. Тахта кўприкка чалқанча йиқилган ҳолимда оёғимдан қўйнинг ўлигидай судраб кетди. Кўзимни очсам, қайин дарахтига

суяниб ўтирибман. Кимдир бронжилетни ечиб олган. Кўксимдан ароқнинг қўланса ҳиди гупиллаб димоққа уради.

“Ў-ў, қаҳрамон уйғондилар! — деди бир одам баланд, ғолибона овозда. — Қани, аҳволига назар ташлаб қўяйлик-чи!”

Тўртта эркак бошимга тўпланиб, аҳмоқона ва бепарда гаплар гапира бошлади. “Кўксидаги жароҳатга ўзим ароқ қуйиб, ўзим ишқалаб қўйдим”, деса, бошқаси “Дунёда ароқ ва аёлдан бошқа яна нима бор ҳузурбахш?!” — деб ҳиринглади. Бошқа бири (у милтиқ қўндоғидан ушлаб, қуворини елкасига ташлаб олганди):

“Болалар, — деди шодон кайфиятда, — қушча бизни маньяк деб ўйлаяпти. Қўрқма, сенга ҳозир тегинмаймиз! Хаҳ-хаҳ-ха-а...”

“Яхши, — дедим тишларимни ғижирлатиб, — кўп кулишдинглар... жуда яхши...”

Кўйлагимнинг юқори тугмаларини қададим, дарахтга суяниб ўрнимдан турдим. Ҳамла қилишимни хаёлларига ҳам келтирмасдан ҳамон тиржайрдилар. Тўппончадан отган ҳалиги барзангига ғазаб билан қарадим. Лекин унга эмас, милтиқли кимсага ташландим.

“Боламни отган сенми, ифло-о-с!.. — Қичқирдим ва жон-жаҳдим билан юмдалай бошладим. — Сенми?! Сенми?.. Аблаҳ!..”

У мени уриб юбормоқчи эди, юзига тирноқларимни ботирдим-да, томоғини тишлаб олиб олиш учун бўридай тармашдим. Келин, тўғриси айтганда, бундай ҳужумни нафақат Иволгин тўдаси, ҳатто, ўзим ҳам кутмагандим. Ҳозир мен ўлдиришади-ку, нега раҳм қилишларини кутиш ўрнига тенгсиз жангга киришдим, тушунолмасдим. Худди йиртқичга айланиб қолгандай эдим...

Булар кўз очиб-юмгунча содир бўлган воқеалар. Кучли тепкидан учиб тушдим. Сониялар ичида кўнглим ағдарилиб, қайт қила бошладим. Қўролланган кимсалар куракда турмайдиган сўкишларни оғзидан қўймасдилар. Айни пайтда ҳеч нарсани кутмасдим ва ҳеч нарсани ўйламасдим...



Бошқа тепмадилар. Оғриқдан ўт-ўланларни чангаллаган эканман, кўйвордим. Сал наридан аввал мотор овози, кейин ғийқиллаш эшитилди. Хиёл бурилиб тўхтаган “Виллис”дан тушган кўнжи узун этик кийган, турқи-тароватига қараб ҳечам яхшилиқдан умид қилиб бўлмайдиган паст бўйли кимсани таниш қийин эмасди. Дубайдаги қимор ўйинларидан бери кўрмаганим — ўша Иволгин, собиқ амалдор; ички ишлар эмас, гўё жиноят олами полковниги.

“Нима томоша қиляяпсанлар?! — бўкирди у шляпасини кўтариб қўйиб. — Ахир, бу аёл “Қора хоним”ку! Қарталар қироличаси!..”

У етиб келган заҳоти ҳалигиларга муштини дўлайтирди.

“Тўнкалар, у бизга энг керакли одам!”

Иволгин ёнимга тиззалаб ўтириб, бошини сарак-сарак қилди. Кўзларида совуқ шуъла акс этарди.

“Исқирт чеченга ишондингми? — деди дағал оҳангда. — Қачондан буён ўғри, товламачи, кўрқоқлар мен билан олишадиган бўп қопти?! Тавба, одам ҳам шунчалик гўл бўладими? Сени, ҳа, сени... сени ким деб тасаввур қилардим, биласанми? Ақл ва заковатда тенгсиз, айёрликда Мага Хари ҳам ип эшолмайдиган бетакрор аёл!.. Э, қипқизил авом экансан! Қўлингни бер. Оббо, сен-ей, чеченга ишондим, де”.

У мени оёққа турғазиб, “Виллис” томон суяб кетди. Туман сийраклашиб қолганди. Аллақаерда какку сайради, қизилиштоннинг тўқиллатиши шундоққина тепадан эшитила бошлади.

Машина эртақлардагидек ажойиб хилват гўшадан янада ўрмон ичкарироғига йўл олди. Азим дарахтларнинг йўл устига осилиб тушган шоҳлари “Виллис” томини, гоҳ ойнасини ҳам силарди. Филдирак навбатдаги чуқурга тушиб, ҳаммамиз қаттиқ чайқалиб кетганимизда, Иволгин деди:

“Лобар, эшитган бўлсанг, мен хизматдан бутунлай кетдим. Энди бир амаллаб кунимни кўришим керак. Қолган-қутган пулларим қамалишдан сақланишимга сарфланди, ҳа, мендай одамни улар қамамоқчи бўлишди”.

Иволгин ўз гапидан ўзи таъсирланди чоғи, ранг-туси ўзгарди. Қўйнидан шартта тўртбурчак шаклдаги мўъжаз идиш чиқарди-да, жигилдонига салкам юз грамм ароқ куйди. Устидан сигарет тутатиб, давом этди:

— Ватанга хиёнат қилганим йўқ! Қилмайман ҳам! Порахўрлигим ҳам ҳаминқадар эди. Ким ўз мансабидан фойдаланмайди? Ким жудаям оппоқ? Ҳеч ким! Ҳаддан ташқари кўп олмасанг, ҳаддан ташқари кўп емасанг, ишни расво қилмасанг бўлди-да, ахир. Уюшган жиноятчилик, халқаро қимор, порахўрлик... Кўрдингми, менга қанақа айблар қўйилди! Қараб турсам ўлимга ҳукм этишади улар”.

“Менга бу гапларингизнинг қизиғи йўқ, — дедим. — Ўғлимга нима бўлди? Агар... агар уни...”

“Ўзингни қўлга ол, Парвизга ҳеч нима қилган эмас”.

“Отишга сиз рухсат бердингизми?”

Полковник қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Қамоқхона бошлиғининг хонасида илк бор учратганимдагидек қизариб кетди.

“Ҳаммаси ўйин-ку, ҳалиям тушунмадингми?! — деди у елкамга қўл ташлаб. — Ишонган одамларинг сени сотишди, ростакамига сотишди. Ўқлар эса шунчаки ҳавога узилди. Снайперларим истаса сенинг ҳам, болангнинг ҳам бошларингни мўлжалга олиши мумкин эди. Отишга мен рухсат бердим, аммо чеченлар билан келишувга биноан ҳеч ким зарар кўрмади. Тўғри, ўқлар унчалик ҳам зоя кетмади. Ҳеч бўлмаганда Россия ўрмонининг бир дона япроғини чирт узди... Чирт узди! Чирт узди!.. Бу Россия энди меники эмас! Бу ерлар вафо қилмади одамга. Кетаман! Ҳаммасини ташлаб, Америкага кетаман! Яъниким бирга кетамиз! Лас-Вегасдаги қиморхоналарда миллионларимни қайтарасан. Ахир, Дубайда мени хонавайрон қилган сен эмасми?”

“Улар мени сотишдимми?! Исботланг...”

“Сени “А” кўприкдан жўнатишдимми? Жўнатишди. Мен уларга бола “Б” кўприкдан боради, деганман. Туман бўлишига қарамай ҳар икки томон одамлари сен ва болангни кузата оладиган жойларда пайт пойлашарди. Икковинг кўлнинг ўртасига етдинг. Агар бирдан чеченлар

томон қочиб қутулганларингда, эҳтимол, бутунлай биздан халос бўлардинглар. Аммо келишганимиздек биз одам алмашдик. Магомед сени берди, биз эса болани қайтардик”.

“Ёлғон!” — деб қичқирдим.

“Ўзинг ҳозиргина гувоҳ бўлдинг-ку! Мен уларга “Лобар бронжилет кийсин, биз уни отиб йиқитамиз, агар қочмоқчи бўлса ёки қаттиқ қаршилик қилса” деганман. Яна қанақа далил керак?”

Барибир ишонгим келмасди. Шомил акадан бундай хоинликни кутмагандим. Ва энг ҳайрон қоларлиси, у нима учун Иволгинга мени бериб, ўғлимни олди? Ўғлим қандай каромат кўрсатади?

“Хўп, барчасига ишондим, — дарахтлар сийраклаша бошлагач, негадир -сезилар-сезилмас енгил тортдим. — Икки гуруҳ ўрасидаги битим амалга ошди. Бироқ ўғлимни улар нима қилади?”

“Ҳамма гап шунда-да!” — ух тортди Иволгин пешонасига уриб.

“Аниқроқ гапиринг, нима демоқчисиз?”

“Болакай, — деди полковник сигарет кулини чертиб тушираркан, — нақ-ҳазиналар калити эканлигини билмай, сенга алмаштиришга рози бўлибман. У Италияда бўлганида, рангли шиша синиқларидан фаройиб шакл ясашни ўрганган. Аввалига бу оддий мозаика тасвири бўлиб туюлган. Бироқ болага дарс берган муаллима, аниқроғи, тарбиячи миллиардер жаноб Аноснинг қочоқ хотини эканлиги аниқлангач, Магомеднинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Тентак хотин бир неча миллион долларлик қимматбаҳо тошларни шундай жойга беркитганки, буни фақат болакайгина рангли шишалар орқали топиб бериши мумкин. Шу тариқа болакайга хазина калитини бериб, аёл ўз жонига қасд қилган. Европада нималар бўлмайдидейсан. Италия — бузоқлар мамлакати, Лобарушка!”

“Боламга ўша аёл қайси тилда гапирган?”

“Грек тилида”, — деди Иволгин пинагини бузмай.

Полковникнинг қўлидан Шомил акага ўтган болакайнинг

аслида Парвиз эмаслигига ўшанда шубҳам пайдо бўлди. Анча жойгача индамай бордим. Машина яна ўрмоннинг қуюқ шох-шабба осилган йўлига киргач, дедим:

“Полковник, мен кимгадир керакли инсон эканлигимдан хурсандман. Акс ҳолда бу фожиалар қаддимни букиб қўярди. Сезаяпманки, қўлингизда асирадай эркисиз бўлсам-да, гуруҳингизнинг тенг ҳуқуқли аъзосиман, шундайми?”

“Мана бу бошқа гап! — Иволгин руҳан эмас, жисмонан ҳам ёйилиб кетгандек туюлди менга. — Жуда яхши нутқ ирод этаяптилар, қани, яна, яна!..”

“Дубайда, Дэвидга қарши ўйинларда секин-аста мен устунликка эриша бошлагандим. Бир томондан полиция, иккинчи томондан террорчилар халақит беришди...”

Полковник “жуда қизиқ эртак айтаяпсан, аммо алдайман деб овора бўлма”, дегандек шифтга қараб сохта кулди. Ютиниб, бир нафас тин олгач, секин давом этдим:

“Виждонан қараганда, учинчи куч ҳам бор эди. Бу — менинг юрагим. Тўғриси айтганда, умрбод қартага қайрилиб қарамасликка сўз берган инсон ўз аҳдида турмоқчи эди. Буни сиз тушунмайсиз, полковник. Ўғлимнинг телефондаги овози жону жаҳонимни остин-устун қилиб юборди”.

“Аъло даражада тушунаман. Ўлиб кетган бола нариги дунёдан қайтиб, бир йилдан сўнг онасига сим қоқса, албатта, мисли кўрилмаган қувонч юракни ёради”.

“Бу-ку, таърифи йўқ воқеа. Тушунмайсиз деганимда, мен қиморни абадий тарк этишни назарда тутдим”.

“Аввал ҳам эшитганман”, — деди полковник тишини ковлаштириб.

“Майли, сизга бу ҳақда энди гапирмайман. Ўғлимга гап ўргатдингизми? Ўша гаплашганимда Дубайда...”

“Менми? Нима керак? Ўзи гапирди-қўйди! Сенингча, мен ўзбек-тилини биламанми?”

“Лекин болам грек тилини билмайди”.

Иволгин бўзрайиб қаради. Бир қовоғи пир-пир учаётгандек эди.

“Билмаса билмасин”, — тўнғиллади у.

“Сиз Магомед деб атаётган шахс қандай қилиб касалманд болага грек аёлни тарбиячи қилиб тайинлади экан-а? — дедим овозимни бир парда кўтариб. — Гап айнан грек миллатига манеуб эканлигида эмас, Парвизнинг тил тушунмаслигида”.

“Парвиз русчани билади...” — дея Иволгин фалсафа сўқмоқчи эди, гапини чўрт кесдим:

“У ўзбек, рус, тожик тилларини билади, лекин, аминманки, жаноб Аноснинг рафиқаси грек ва итальян тилидан бошқасида гаплашолмайди. Шундай бўлса-да, боламга эрининг хазинаси қаерда экаңлигини рангли шиша синиқлари орқали маълум этган”.

“Бунинг учун бола билан сўзлашиш шартмас”.

Тоқатим тоқ бўлиб бақирдим:

“Кўприкдан ўтган бола Парвиз эмас! Сизга айтаяпман, мен гуруҳингиз аъзоси сифатида ҳамма топшириғингизни бажараман, Лас-Вегасга ҳам бораман. Бироқ сиз-чи? Нега энг улуғ туйғуларим билан, чидаб бўлмас соғинчим билан ўйнашяпсиз? Лақиллатманг! Ҳа, лақиллатманг! Болам қаерда?”

“Жинни-пинни бўлганмисан? У кўз олдинда Магомедга ўтиб кетди-ку! Лаънатилар ҳозир телефонларни ҳам, рацияни ҳам кўлга улоқтириб, изсиз ғойиб бўлишди. Акс ҳолда ўғлинг билан гаплаштираддим”.

“Унинг сурати борми?”

“Машинани тинтиб кўрамиз”, — деди Иволгин олд томонга ишора қилиб.

Биз унчалик кенг бўлмаган сайҳонликка чиқдик, ҳақиқатан ҳам олдинда машина турарди. “Виллис”дан тушиб, унинг “Вольво” эканлигини билдим ва Шомил ака алдамаганига ишонч ҳосил қилдим. Наҳотки, боягина ўғлим шу “Вольво”нинг орқасида ухлаб ётганди? Нега доим у кетгач, иссиқ ўрнини кўраман, холос? Ўзини қачон кўраман, эй Худойим?!

Илдам бориб, орқа эшикни очдим. У ерда болалар пиджакчаси ётарди. Бағримга босдим, ўриндиққа

чўзилдим. Кўзларимдан милдир-милдир ёш думалади. “Кимнинг қўлида, қаерда бўлсанг ҳам, майли, розиман, — дедим. — Фақат омон бўлгин, болам! Бир кун келиб, албатта, сени топаман. топаман...”

“У чекиб олганми?” — сўради бир кимса иккинчисидан.

“Йўқ, — деган жавоб эшитилди, — фарзандини соғинган”.

“Нима бало, у онами?”

“Она!” — кулги жаранглади.

“Она? — янада баландроқ кулги ҳавони титратди. — Қиморбоз она! Қартабоз она!”

Ўрмонни тарк этдик. Москва яқинидаги саноат шаҳарчасидан қўним топдик. Хонамдаги ягона деразага фанер қоқилган бўлиб, юқорисида бир қаричгина жойдан ёруғлик тушарди. Бурчакдаги оғир шкаф, қўпол стол-стуллар, симкаравот — барчаси эски замондан қолган эди. Чарчаганман. Каравотга ётдим. Бирпасдан сўнг ухлаб қолибман.

Уй қамоғининг учинчи куни эшик очилиб, тиржайган башара кўринди. Қанийди, шу турқ тушимга кираётган бўлса, деб орзу қилдим. Бироқ ўнгимда кўринмоқда эди Андрей, хирапашша.

“Вой-бў, сўлиб қолибсиз-ку”, — деди у каравот қирғоғига ўтириб.

“Сенга нима?”

Андрей бирдан ўзгарди.

“Ўпкангизни йиғиштиринг! — ўдағайлади кўзи чақнаб. — Сизнинг касофатингизга ким ўлиб кетди, биласизми? Билмайсиз! Сиз учун одам қўнғиздай гап. Эшитдим, боплашибди сизниям!”

“Хонамга нега кирдинг? Қорангни ўчир!”

“Менинг одамим ўлди, паркла...”

“Сен ким бўпсанки, одаминг бор! Ҳатто, сонда ҳам йўқсан. Тоғанг (шу ифлос Иволгин) бекорга сенга паст назар билан қарамайди. “Магистр” лақаби ҳам устингдан кулиш учун қўйилган. Яхшиям, ўртоғингни юборибсан, бўлмаса, ҳозир тобут ичида ётардинг”.

“Юз мингни чўзмасангиз, тобутда ётиш ўзингизга насиб этади, хоним”.

“Бермайман!”

“Лаққа туширдим, денг?!”

Йигитчанинг кўзлари алланечук аламли, йиғлоқи ўтга тўлди. Бундайлардан кўп номаъқулчиликлар кутиш мумкин. Мени милицияга сотишининг ўзи етарли эди. Ўша пайтда ҳам энг тўғри йўл қўлимни кишанга тутиш ва ҳамма-ҳаммасини ошкор этиш деган фикрда бўлганман. Бироқ оёғим тагига стул қўйиб, деразадан мўралаганимда, файзсиз, айқаш-уйқаш саноат бинолари кўринди, аллақерда кема ўкирди. Негадир бундай манзара менда тушкунлик уйғотади. Ҳибс этилсам, мафия ҳукмига биноан қамоқда ўлим топишим муқаррардек туюлди.

Андрей илон каби вишиллаганида ҳам қаердадир кема гудок берди.

Қанийди, жайронга айланиб қолсаму бепоён даштда бўғзимдан жоним чиқиб кетгунча чопсам, деган ўй ўтди кўнглимдан.

“Андрей, — дедим ҳовуридан тушиб, — сени кўрсам нега иситмам чиқаяпти, ўйладингми шу ҳақда? Жуда шошаяпсан! Ҳозир ҳисоб рақамимда пул йўқлигини, ҳатто, пул олиш учун ҳужжат ҳам йўқлигини қайси тилда тушунтирай?”

“Биламан, у сизни қаергадир олиб кетмоқчи. Америкага, шекилли?”

Елка қисдим, эшик ва деразани кўрсатдим. Андрей бир оз ўй суриб ўтирди. Сўнгра бирдан оёққа қалқди-да, буюмларимни йиғиштира бошлади.

“Кетдик”, — деди у ранги оқариб.

“Қаёққа?”

“Тоғам ўйлаган жойларни мен ҳам биламан”.

“Тоғанг нимани ўйлабди?”

“У сизни қиморхонадан бошқа қаергаям олиб борарди”.

Дарров мени қўшни ҳонага бошлаб чиқди. Бўёқлари кўчган эски эшиқдан ошхонага ўтдик. Дераза панжараси

михлари аввалдан суғуриб қўйилган экан. Андрей осонгина кўчириб олди. Новдан осилиб, бир амаллаб пастга тушди-да, дарров нарвон келтирди.

Айниқса, девордан ошиб ўтишга жуда қийналдим. Айнан шу ерга етганимда кўриб қолишди. Биз тушиб келган иккинчи қават деразасидан бир эркак шундай наъра тортдики...

Андрей қўлимдан етаклаб, машина сари чопди, “Жигули” ўнқир-чўнқир йўлдан асфальтга чиққач, охирги тезликка қўшди. Барчаси кинолардагидек содир бўлаётганди. Яхшиям, орқадан қувишмади.

“Сумкачангизда шоколад билан хужжатларингиз бор экан, — деди Андрей. — Марҳамат! Лекин шоколадни бермайман”.

“Нима қиласиз?”

“Ейман. Оҳ-оҳ, мазали экан. Сиз доим шунақасини ейсизми?”

Хужжатимга чалғиган эканман, ялт этиб қарадим. Ахир, шokolодни Шомил ака берганди, Парвизга едиришим керак эди.

Туйқус кўзим мошдек очилди. Нима учун чечен киллери ширинликни болага едиришимни тайинлаган эди? Шоколаднинг нима каромати бор? Балки у... Йўқ-йўқ!

“Нега сўрамай-нетмай единг?”

Авзойим ўзгарганини кўрган Андрей бир нимани сизди чоғи, сўнгги луқмани ташқарига туфлади, оғзини артиб:

“Жин урсин, бу заҳарланганми?” — деб сўради.

“Билмасам, чеченлар беришган”.

“Яна бир бора жин урсин, кимга беришингизни тайинлашган? — Кейин у ўзини овута бошлади. — Менимча, шokolодга заҳар қўшмаганлар. Қайси мафиоз шоколад еб заҳарланган? Эшитганмисиз, Лобар? Йўқ, бўлмаган гап, бу болаларча содда усул!”

Гарчи шоколадни ўғлим емаган эса-да, Шомил ака унга атагани, албатта, едиришим кераклигига қистагани дилимни баттар вайрон қилмоқда эди. Хавотир ила



Андрейга қарадим. Ич-ичидан амин-эдимки, бу оддий ширинлик эмас. Ҳеч замонда тажрибали жиноятчи ўз-ўзидан шоколад бериб, гап тайинлайдими?”

“Ёмон-ҳис-қилмаятсанми?” — дедим. — Бу шоколад ўғлимга эди”.

Андрей кулиб юборди, лекин кулги табиий равишда тугамади. Йигит бирдан қизариб рулга ёпишди ва боши шилқ этиб тушди. Энг ёмони шу эди. Машина йўл четига чиқиб, дўнгликка шиддат-ла урилди. Қўрққанымдан дамим ичимга тушган, ўриндиққа ёпишган эдим...

Дўнглик ҳам тўхтатолмади: бир қараганимда ҳавода учиб борардик, қаршимизда дарахтлар. Бундай пайтда, Фароғат, лаҳзалар қотиб қоларкан, кўп нарсани ўйлаб оларкансан. Мана, машина ҳам, мен ҳам деярли зарарланганимизча йўқ, лекин айна пайтда ҳаводаман. Эй одамлар, бир сониядан сўнг ўламан. Балки омон қоларман майиб-мажруҳ бўлиб... Эҳ, ҳаёт бунча тез ўтиб кетди-я! Ўғлим қолди... қанча хотиралар... Йўқ, нега айнан мен автоҳалокатга учрадим? Мендан аввал қанча-қанча одам автоҳалокат қурбони бўлган: Уларга раҳмим келарди... Қисматимда борлигини билганимда... Ҳозир машинанинг абжағи чиқади. Кўрганлар-шундай дейишади: “Дабдала бўлибди-ку, ичидаги одамларнинг ҳоли не кечди экан?”

Ўқдек учиб, дарахтга урилдик. Ҳушимдан кетдим деёлмайман. Барчасини англаб ётдим.

“Ҳайдовчи ўлибди”, — деди қандайдир ҳадикли товуш.

“Аёл тирик, чиқариб олиш керак...”

Мени ўтлоққа ётқазиб, биринчи ёрдам кўрсатишди. Ҳатто, Иволгин йигити отган ўқлар жароҳатини ҳам назардан четда қолдиришмади.

“Сиз озарбайжонликмисиз?” — сўради бир эркак паспортимни кўраркан.

“Ҳа”.

“Ташвишланманг, бизда “Тез ёрдам” сизларникига қараганда жадалроқ этиб келади”.

Улар ўзларича қизиққонлик билан тортиша бошладилар. Ўқтамроқ ёш йигит “Тез ёрдам”, “ГИБДД”дан ташқари,

телевидения, қутқарув хизмати ва яна қайсидир бир ташкилот ходимларини чақириш лозимлигини уқтирарди. Битта милиционернинг ўзи менга етиб-ортади. Кетиш учун энг қулай пайт ҳозир эканлигини жуда яхши тушундим.

“Ҳой, яхшилар, — дедим ялинчоқ оҳангда, — сизларга катта раҳмат. Мен шошаётгандим. Агар вақтида етиб бормасам, бундан катта фожиалар юз беради. Ишонинглар!”

Худо ёрлақаб, ростдан бир машина келиб қолди. Халоскорларимга хайр-маъзурни насия қилиб Москва қайдасан, деб жўнадим. Ўша куниёқ Бокуга учдим. Бу воқеалар мендек қиморбоз аёлнинг ҳам омадли, ҳам омадсиз, яъни саргардон инсон эканлигимни исботлайди...

Тошкентга қайтиш учун пулим кам эди. Бироқ кимлардандир кўмак сўрашни истамасдим, айниқса, Алиакбардан.

Ниҳоят, самолёт учадиган вақтга ҳам оз қолди. Кўринишим серташвиш, асабий, балки анчайин шубҳали кўринган чоғи, формали кишилар ҳужжатларимни текшириб кўришди. Шундан сўнг хотиржам ўтиролмадим. Назаримда, кимдир мени кузатаётган эди. Аэропортдан чиқиб кетиш ҳақида ўйлай бошладим... Ва бирдан ваҳима бостириб кирди юрагимга. Ўз жонига қасд қилаётган одам охириги дамда фақат ўлимдангина кўрқишини тушунгани каби мен ҳам қамоқдан чўчидим. Йиртқич ҳайвон қаршисида тургандек юрагим орқага тортди.

“Мазангиз йўқми? — сўради ёнимдаги қирқ ёшлардаги аёл. — Рангингиз бирам оқариб кетдики...”

Талаффузига кўра у инглиз эди. Тикилиб қарадим. Кўзлари тешиб юборай дерди.

Сумкамга ёпишган эдим, у қаҳр билан шундай деди:

“Ўтир жойингга, Қора хоним!”

“Сиз... сиз кимсиз?” — деб сўрадим тугилиб. Жавоб бериш ўрнига у қўлимга чипта тутқазди. Кейин бошқа томонга — шунчаки ойнаванд деворга қараб сўзлади:

“Кимлигимни сўрама. Самолётга чиқ-да, бу ерларга ҳеч қачон қайтиб келма. Энди Европа, Кичик Осиё, Кавказда ҳам сени кўрмай!”

Таажжуб ичида қолганим учун қўшиб қўйди:

“Қарталар дунёси меники! Тушундингми?”

Бу аёлнинг нигоҳи умрбод кўз ўнгимдан кетмайди. “Меники!” деб шундай тишланиб гапирдики, гап қайтарганимда, ғажиб ташлармиди!

“Жуда яхши!” — дедим ичимда.

Тошкентга учдим. Тонг чоғи эди. Бироқ менга қуёш чиққисини томоша қилиш насиб этмади.

“Мен билан юринг”, — деди сипо кийинган бир киши.

Яна иккита одам эргашди. Негадир бошқалар ҳам мени қизиқсиниб кузатишарди.

“Қўлга олиндингиз, — кабинет эшиги ёпилгач, ходимлардан бири ўтириш учун стул кўрсатди. — Марҳамат...”

Улар менга бир неча сония сўзсиз тикилиб турдилар.

“Демак, ўша қиморбоз аёл сиз экансиз-да? — деди тўрдаги киши. — Суратдагидан ёш кўринаркансиз. Қамоқдан чиққанингизда анча кексайиб қолган бўласиз”.

\* \* \*

---

Ниҳоят, Лобарнинг ҳикояси ҳам хотима топди. Фароғат жон қулоғи билан тинглаб, қанча вақт ўтганини унутган эди. Шошиб соатига қаради, чорпоядан тушмоқчи бўлди.

— Омин, — деди Лобар фотиҳага эркакчасига қўл очиб, — ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин, Аллоҳу акбар.

Дарвозага етганларида саволомуз боққан келинчакка Лобар:

— Куёвингиз менга учрашсин, — деди. — Японлар айтган “томодачи” қанақа ўйинлигини сўрашим керак.

— Сиз, албатта, ўша аблаҳларни ютиб, бизни ажалдан қутқарасиз, опажон. Мен бунга ишонаман. Сиздай аёл бўлганимда...

— Гапирманг! — Лобар қўл силтади. — Сиз ҳеч қачон мендай бўлмайсиз. Бахтингизни сақлаб қолинг, келинжон.

Тасодифлар туфайлигина яшаб юрган, қамоқдан амнистия туфайли зўрға чиққан бир бахтиқаро аёлникидан тезроқ кетинг. Умрбод менга ишингиз тушмасин.

— Йўқ, мен айтмоқчийдимки...

— Айтманг, — деди қатъий қилиб Лобар.

Бироқ ўжар келинчак кўнгил узиб кетолмас, ниманидир сўрамоқчи бўлиб, безовталанарди.

— Хайр, — деди Лобар.

— Эрингиз нимадан ўлди? Саволим оғир ботади... Тентак деб ўйламанг, ўзи шунақаман, қизиқаман.

— У касал эди, даволатишга Москвага ҳам олиб борганман. Кейин ўғирлаб кетишди, душманларим. Махфий тилла конида ит азобида ишлади. Қисмати шундай экан: на реанимацияда, на қулликда ўлди. Азобларда пўлатдай тобланди. Ўзбекистонга қайтгач, яна маишатга берилди. Охирги қор ёққан куни Чўпонотада “Тико”да ҳалокатга учради. Бояқиш маст экан, Худо кечирсин.

— Ўғлингиз-чи?.. Уни топдингизми?

— Энди топаман, — дея Лобар эшикни очди. — Албатта, топаман! Қасам ичганман, қасам!

— Ҳалиги... хазина...

Лобар ним кулимсиради.

— Жаноб Аноснинг қочоқ хотини ва мозаикага беркитилган сир ҳақида ҳам миридан-сиригача сўрамоқчимисиз? Ҳақиқатан қизиқувчан экансиз, келинжон. Ўтмишда нега момоларимиз бегона эркакнинг кўзига қарамаганлар? Билиб қўйинг, бировнинг сири ҳам бегона эркак каби номахрам. Бошингизга кўп балолар келтириши мумкин. Менимча, мозаика ва хазина қуруқ афсона. Бунда Шомил акага боғлиқ бошқа бир сир бор.

— Қанақа сир?

— Яхши боринг, — деди Лобар жавобан.

Фароғат тузукроқ раҳмат айтмаганини эслаб:

— Раҳмат, опажон, раҳмат... раҳмат, — деб кўчага чиқди. — Куёвингиз, албатта, сизга учрашади. Ўғлингиз топилишини кечаю кундуз Худодан сўраймиз. Меҳмонга ўтасизлар.

Лобар эшикни қулфлаб, оғир уф тортди. Шу пайт ичкари уйдан Қувон чиқиб келди.

— Ишларингиз жойидами? — сўради Лобар.

— Жойида.

— Демак, эплабсиз-да?

— Эпладим. Мана, келинчак келди-ку.

Иккови дўстона кулишди, сўнг уй биқинидаги зинапоядан ертўлага тушишди. Овоз ёзиш аппарати бинойидай ишлаб турарди. Лобар тугмасини босиб ўчирди ва баъзи жойларини қайта эшитар экан:

— Ниҳоят, япон қиморбозини ушладик, — деди. — Шанба куни “Ситора” меҳмонхонасида янчаман ўша ноқасни.

— Хотинимни ҳаммомда улар ўлдирмаган бўлиб чиқсачи? — деди Қувон бош қашиб.

— Ҳеч бўлмаганда, келинчакнинг оиласини қутқараман. Саргузаштларим энди бошланаяпти.

Қувон стулга ўтириб, бармоқларини қовуштирди, бошмалдоқларини ўйнатди. Тўлишган гавдали, бақувват бу йигит кўп мушоҳада қилиши кўриниб турарди.

— Саргузаштларим энди бошланаяпти, деб нимани назарда тутаётганингизни тушундим, — деди у. — Хотинимнинг қотиллари салкам чангалингизда. Улар жазосини олади, қон қусади! Чеченга келсак, аввал Кавказга, кейин Италияга борамиз. Изини топиб, Парвизжонни қутқарамиз! Бунга имоним комил... Лекин ўртада эронлик қашқирлар бор — “Бадахшон”. Парвизжонни топишингиз билан улар сизга қасамни эслата бошлайдилар. — Лобар гапиришга оғиз жуфтлаган эди, Қувон йирик калибрли тўппончани аппарат столига тақ этиб қўйди. — “Техрон”га бундан бошқа чора йўқ, мен жангга тайёрман.

— Ўртада яна бир одам бор, — Лобар ертўла деворига суянди.

— Шомилми?

— Йўқ.

— Усмон ёки Иволгин?

— Йўқ, у биз учун янги одам.

— Ким экан? — деди Қувон қошларини чимириб.

— Боку аэропортидаги аёл. Тахминимча, у Кэтрина эди.

— Америкаликми?

— Ҳа. “Ситора”да япон қиморбозларини мағлуб этганимдан сўнг у менга қарши юриш қилади. Бу — муқаррар юз беради, ишонаверинг!

Қувон иккинчи тўппончасини чиқариб, уни ҳам тақ этказиб қўйди.

— Тайёрман.

Лобар мийиғида кулди. Кейин эса соч турмаги орасидан найча қилинган қоғоз олди. Бу эски қарта эди — “туз-қарға”.

— Афсуски, бундан бошқа чора йўқ, — деди “қора қарта соҳибаси”.

Қувоннинг авзойи ёмон ўзгарган эса-да, Лобарнинг ҳукмига қарши боролмаслигини ошиқона кўзлари айтмоқда эди.

## VII ҚИСМ ЛОБАР ЖОДУГАР КЭТРИНАГА ҚАРШИ

Бу мудҳиш тарих бир аёлнинг ҳалокати билан якун топади. Одамлар неча минг йиллардан бери жиноят олами аталмиш уруш ва қабоҳат, фаҳш ва ўғрилиқ, қимор ва бойлик салтанатларидан беармон бахт ахтарадилар. Мана, бахт бор экан, шунинг учун мазкур салтанатлар умри боқийлик талабини қўймоқдалар дейсиз. Аммо унда на бахт, на ҳаловат бор. У фақат оҳу зорлар, қон, мурдалар ва ҳеч қайтиб очилмас абадий панжаралардан иборат! Нега интилади одамзод? Нега интилаверади?..

Шанба куни Лобар боши ғовлаб уйғонганда, ҳаммасини алоқ-чалоқ тушларга йўйди. Ҳаммом ҳам унинг дилини ёритмади. Ваннада узоқ ўтирди. Бурчак-бурчакларга қаради.

“Мен кимга қарши юриш бошладим? — деди ички овози. — Дунёни эгаллаб бўлаёзган жодугар Кэтринага! Аёл қиморбоз! Мен каби... йўқ, мендан юз баравар кучли қартабоз. Шафқатсиз! Нафақат қимор дунёсида, жиноятчиликнинг бошқа тармоқларида ҳам тенгсиз! Акс ҳолда мени Бокуда қувиб етолармиди?!”

Охирги вақтларда у ҳаммомга кирса, негадир ҳар бир кафель оралиғида, сув йўлида кимнингдир кўзи бақрайиб тургандек ҳадиксирайверади. Гоҳо ўзини ўсмир қиз ҳисоблаб, сув сепмоқчи, хиргойи қилмоқчи, оёқларини ваннадан чиқариб, рақс тушмоқчи бўлади. Яхшиям, бу ҳолатларда уни ҳеч ким кўрмайди. Кўрганда лол қоларди: наҳотки, шу жувон гамбода Лобар бўлса?! У ҳам одамдай ўйнар экан-ку!

Бироқ бугун ўлимга маҳкум этилган каби душ тагида серрайиб тураверди. Кейин ваннага кирди. Инсон ўзининг қай даражада кучли, қай даражада кучсиз эканлигини аниқ билолмайди, деганлари шу бўлса керак-да. Қўл-оёқларига тикиларкан, шу менми, машҳур қиморбозми,

деб кўнглидан ўтказди. Ўзини машҳур чоғладими, дарров қарта ягона қуроли эканлигини ўйлай кетади. Қартани қизалоқлик даврида ҳам кўрган. Қартабозларни фильмларда томоша қилган. Бироқ вақт-соати келиб, қарта ўз қисматига айланишини хаёлига-да келтирмаган.

“Агар бирдан қарта ўйнашдан қолсам...”

Балки шу йўл билан жиноят олаmidан сирғалаб чиқиб кетар? Балки кераксиз “матоҳ” деб ўлдириб юборишар?..

— Мен кимларгадир керакман, — деди Лобар. — Керакман... Афсуски, керакман.

У сочиқни бошидан олганида, кўзгудан бир аёл боқиб турарди: оддий ва ғамчил эмас. Боласини йўқотган, кўп бор адашган, аммо йўлидан ҳамон нажот кутаётган ўжар аёл!

Келишилган вақтда дарвоза қўнғироғи чалинди. Лобар салобат-ла ҳовлига чиқди. Қувон эса ўз жойида, ёндаги хона дарпардаси ортида қолди.

— Ассалому алайкум, — деди сарғишдан келган йигит ичкарига кираркан.

Орқасида яна бир одам кўринди.

— Дадам... дадам ҳам келдилар, — деди Жалолбек узрхоҳлик қилиб.

Лобар кўча эшикни ёпиб, уларга бир-бир қаради, уйга таклиф этмади. Норозиликни пайқаган Жалолбекнинг дадаси бир оз ҳайиқиш ва ҳаяжон билан:

— Тушунаман, синглим, — деди, — сиз мени чақирмагансиз. Лекин ўғлим ким билан қарта ўйнашини билишим керак-ку. Отасиман, ахир! Мен айтмоқчиманки, кимлар билан ўйнайсизлар, шунга...

Лобар тишларини гижирлатгани лаб-лунжидан сезилди. Қувон эса тўппончасини шими камарига қистириб, диванга ўтирган кўйи уларни кузата бошлади.

— Фароғат сизнинг келинингизми? — сўради Лобар.

— Ҳа... мана, ўғлимнинг... — деди ҳалиги киши.

— Адашмасам, келинларингиз кўп.

— Олтита, — қизаринқиради меҳмон, — ҳаммамиз битта жойда ўтирамыз, битта ҳовлида.



— Ҳаммасига қартани сиз ўргатганмидингиз?

— Менми? Мен отасиман... Ота улуг! Лекин буларга киморбоз бўлинглар, бор мол-мулкингларни тикинглар, демаганман.

— Пулинг қолмаса, хотинингни тикиб ўйна ҳам демагансиз, тўғрими? — деди Лобар очиқ зарда билан. Унинг овози дарвозахонада жаранглаб эшитилди.

— Албатта. Мен фақат ўғилларимга...

— Улар хотинларини ютқазаяпти!

— Менга қаранг, синглим, фақат бу ўғлим...

— Қўйинг, Масъуд ака, — деди Лобар эшик тутқичига қўл узатиб, — отам тенги одамга, бунинг устига ўғлининг олдида танбеҳ бергим йўқ. Яхши боринг. Ким билан қарта ўйнар экан, деб ўзингизни хавотирга тушган қилиб кўрсатмай қўя қолинг.

— Ие, ростдан хавотирдаман.

— Жуда яхши, — деб эшикни очди Лобар. — Энди эсингиз кирибди. Аввалроқ ўйлаганингизда, болангизнинг иши бу даражага етмасди. Боринг. Нега ҳайрон бўласиз? Жалолбек ўйнамайди, мен ўйнайман. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очманг! Ўғлинингиз ўйингизга ҳеч қандай қарз ёки мажбуриятсиз соппа-соғ кириб боради.

Эркак ўзгариб қолди, айниқса, қўлини кўксига қўйгани Қувонга эриш туюлди. Кетдими, деб жойидан турган ҳам эдики, бақироқ овоз янгради:

— Синглим, ўлай агар, бир коса сув ичиб кетай!

Жалолбекнинг дадаси ҳаллослаб бориб, дарвозахона бурчагидаги жўмракка оғиз тутди. Лобарнинг қоғогидан қор ёға бошлади.

Ниҳоят, гумроҳ ота қорасини ўчирди. Лобар дарвозани бирийўла икки жойдан қулфлади.

Улар катта қандил осилган салқин хонага киришди.

— Аввал айтинг, — деди Лобар диванга ўтириб, — қартани, бутундай ташладингизми?

Йигитнинг кўкиш кўзларида қўрқув ўйнади. Шу тобда кириб келган Қувоннинг камаридаги тўппонча баттар довдиратиб қўйди.

— Ҳа, кеча айтган гапим, — минғирлади Жалолбек. — Мен ташлаганман, аллақачон.

— Сиз Фароғат тасвирлагандек келишган йигит эмас экансиз. Демак, унга дунёдаги энг ажойиб инсон бўлиб кўринасиз. Қимор ўйнашингиз оппоқ юзга ёпишган балчиқдай бўлди.

Қувон фин столчаси устидаги бодомдан олиб чақаркан, Жалолбекка ўқрайди. Оғзидан пўчоқни чиқариб, деди:

— Нима, шунча зўрман деб ўйладингми?

Куёвнинг кўзлари жавдираб боқди. Табиатан қўрқоқлар қавмидан эканлигини ташқи кўриниши айтиб турадиган эркакчалардан бири эди у. Бемаъни сўз оғзидан чиқишидан чўчиб, бош эгди. Шу ўтиришида кўп танбеҳлар эшитишга тайёр эди.

— Билиб қўй, ўв, — деди Қувон. — Сен ҳали қарта нималигини зиғирчаям тушунмайсан. Тўртта ўйинни ўрганиб, қартабозман, деб юрибсанми? Қарта — мафия ботқоғига ботиш учун танлов варақалари, эшитдингми? Биринг бўлмаса, иккинчинг, албатта, бу ботқоққа ботиб қоласан. Ҳар йили дунё бўйича қарта туфайли қанча одам ўлишини санаганмисан? Сендан сўраяпман, санаганмисан?

Жалолбек гавдасини кўтармасдан бош чайқади. Лобар ҳам ундан гижиниб ўтирган эса-да, ҳар қалай ачиниш туйғуси зоҳир эди.

— Санамай туриб бир парча қоғозга ҳаётингни, яқинларингни тикдингми?

— Бунчалик бўлишини билмаганман, ака, — йиғлоқи овоз тўкилди бу пажмурда гавдадан.

Қувон Лобарга қаради. “Қора хоним” ўз ишига киришишга ҳозирланиб, бармоқларини ишқаларди. Энди ундан эшитмоқ керак эди.

— Жалол, — деди Лобар, — японларнинг биронтасида татуировка кўрдингизми?

— Нима? — анграйди йигит.

— Баданга ёзилган ёзув, сурат, нақш.

— Йўқ.

— Улар рус тилида бемалол гаплашоладими?

Жалолбек бир оз дадиллашиб, нигоҳини ердан узди. Ҷзини хотиржам тутишга уриниб:

— Опа, мен кўрган-кореялар ҳам, японлар ҳам рус тилида гаплашоладилар, — деди. — Сезишимча, инглизча ҳам чўт эмас. Мен мактабда инглиз тилини ўқиганман...

— Хўп. Айтинг-чи, “томодачи” нима?

— Нима? — деди Жалолбек яна гарангсиб.

— Сендан “томодачи” деган қарта ўйинини сўрапти. — Қувон ўрнидан тўриб жавонга яқинлашди. — У биздаги қайси ўйинга тўғри келади?

— Менга аниқ айтишмади, лекин ўзаро гапларидан сездим, “йигирма бир очко” эди.

Қувон яқинда очилган янги қарта қутисидан яшил нақшли қарталарни чиқарди ва нари-бери чийлаб, столчага ташлади.

Лобар дарров иккитага сузди.

— Олинг, — деди Жалолбекка.

У дам Лобарга, дам Қувонга ҳадиксираб қаради.

— Сенинг кимлигингни синаб кўрмоқчи, — Қувон жойига қайтиб ўтирди. — Сўнгги марта ўйна.

Жалолбек жуда иккиланиб-ўйнарди. Ҳатто, ташлаётган қартасини ҳам ярим йўлдан қайтармоқчидек қўлини титратади. Кўзларида-ку умуман ўзига ишонч йўқ...

Ютқазди. Аммо қарта ҳақида эмас, хотинини — кўзлари шахло, оҳудек чаққон, ўткиргина келинчакни сўради:

— У... Фароғат мени мақтадими? Мен ҳаётимда мақтайдиган бирон иш қилмаганман. Қанақа одамлигимни ўзим ҳам яхши биламан... Фароғат эса жуда-жуда бебаҳо. Унга муносиб эмасман, опа... Агар бирон гап бўлса, ўзимни ўлдираман. Бир қарорга келиб қўйганман.

— Ҳа, баъшарангдан маълумсан, — деди Қувон.

Бироқ Лобар изтиробдаги қиморбоз куёвга ён босиб, Қувонга норозилик уфурган нигоҳини қадади.

— Бу йигит рост сўзляпти, мулла дўст. Иродасиз, кўрқоқ ва ақл-фаросатда ҳам йўқроқ. Лекин мақтайдиган битта иш қилиши мумкин: қиморни умрбод ташлайди.

— Ташлайман, — кўзига ёш олди Жалолбек. Йиғлаб юбормаслик учун бошини бир маромда тебратиб, мунгайиб ўтирарди. Лобар ундан кўз узмай алланималарни ўйлаб олди. Кейин оёққа чаққон турди.

— Майли, ҳар ким экканини ўради. Кетдик!

Лобар кофта-юбкасини кийиб чиқди. Худди насронийларга ўхшаб бошига қора дурра ўради. Сумкаси ҳам қора эди. Ҳатто, тирноқлари ҳам қорага бўялган.

— Оқиш кофтангиз билан сарғиш туфлингизни айтмаса, ҳақиқий қора малика бўлдингиз, — луқма ташлади Қувон.

Лобар ним жилмайиб қўйди. Сўнг дарвоза томонда турган Жалолбекка ишора қилди.

— Йигит, бу ёқдан чиқамиз.

Улар ҳовли тўридаги кичикроқ темир эшикчага етдилар. Калит зўрға буралди, аммо занглаб ётган эшикни очиш осон эмасди. Тутқичи бўлмагани боис куч ила тортмоқ мушкул эди. Ва шу пайт нариги томондан қўшни итарди. “Ҳа, яна бир оз, ҳа”, дер эди у.

— Секинроқ, — деди Қувон эшикнинг тарақлаб очилишидан кўнгли тўлмади. — Бова, шунга битта тутқич пайвандлаш керак.

Қўшни чол (бир қўлли пайвандчи) ароқ сасиётган оғзини каппа-каппа очди.

— Ҳа, қиламиз, ҳа...

— Вақтингиз бўлса бизникида ўтира тулинг, — илтимос қилди Лобар. — Ичкарида одам бўлмаса, эшикни ёпиш қийин.

— Гап йўқ, қизим, гап йўқ. Бу ҳовлида сендан аввал яшаган одам неварамни машинасида босиб, оёғини синдирганди. Ифлос, катта ишда ишларди! Сен эса қамалган аёл бўлсанг-да, ҳеч қаерда ишламасанг-да даволатиб, оқсоқлигини йўқотдинг. Лекин-да ичкарида одам бўлмаса, эшикни ёпиш қийин деганинг жа пурмаъно гап! Ҳа, ҳикматлар китобига тирноқ билан ўйиб ёзиш керак. Эшиклар одамларнинг устига тобут қопқоғидай ёпилиш учун ихтиро қилинган...

— Бизни кўрганингиз йўқ, — деди Лобар оғил томон юриб.

— Музлатгичингдаги қулинг ўргилсин шишалардан бўлак ниманиям кўрардим. Ўн саккиз йил қамоқда ўтирганман. Жами уч марта судланганман!

Маҳаллада-чорва билан шуғулланадиганлар анча-мунча эди. Бир қўл чол қачонлардир мол бөққан шекилли, оғилхона қурган. Орқа девор ўйилиб, нариги қўшниликка йўл очилган.

— Лобархон, келинг... келинглр, — деб оғил орқасида бир эркак илжайган эди, сўрида ўтирган кампир шанғиллади:

— Қўй уни! Нега эркак бошинг билан хушомад урасан? Қара, яна иккитасини етаклаб юрибди... Ҳой, келин, пул-мулингиз керакмас. Мошинангизниям қайтариб опкелманг бу ерга. Ана, бир қўлликка қўйинг.

— Бувижон, нима десангиз шу, — деди Лобар.

Учаласи “Лиганза”га ўтиришгач, уй эгаси — томорқадаги эркак дарвозани очиб берди. Машина шитоб-ла муюлишда кўздан йўқолди.

— Ўзбекчиликнинг ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам кўп, — деди Лобар катта кўчага чиққач. — Жилмайиб муомала қилсанг, зиёфат берсанг, чўнтагига тўрт-беш сўм солиб қўйсанг, одамлар хизматингга шай туришади. Уйим Америкада бўлганида-қўшнилр менга бунчалик ёрдам беришмасди. Жиноятчига кўмак бериш учун жиноятчи феъл-атвори бўлиш керак одам-да.

— Бизни жиноятчи деб ҳисоблашса, демақ, қўшниларингиз ҳам жиноятчи, — қовоғини солди Қувон. — Нофаол жиноятчи.

— Тўғриси айтсам, булар онгсизлик...— тўнғиллади Лобар.

— Айтгандай, бунча эрта чиқдик?

— Япон ошхонасида тамадди қиламиз.

Қувон қош чимирди. Кейин бош чайқади-да, йўл четидаги биноларни томоша қилиб кета бошлади. Лобар унинг аҳволи-руҳиятини жуда яхши тушунади. Қувон анчайин ўзгарган. Айниқса, ёшгина хотини ҳаммомда ўлгач, жиззаки ва сергап бўлиб қолган. Баъзан соатлаб битта мавзунини чайнаб ўтиради.

Унинг фаолияти Лобарни зимдан ташвишга қолдирсада, қайтаролмайди. Борган сайин ёвузлашиб кетаяпти бу уста. Шу кетиши бўлса, иккинчи Шомилга айланиб қолмасмикан? Тавба, чечен киллери ҳам яқинлари ўлдирилгач, ваҳшийлашган.

– Қувон, – шивирлади Лобар.

Жалолбек орқа ўриндикда тушкун бир ҳолда ўтирганди, “қора қарта соҳибаси”нинг гапи ўзига қаратилмаганини англаб, бурчакка суқилди. Аммо Лобарнинг гапини эшитмасдан иложи йўқ эди.

– Уларни ўлдирмайсиз...

– Нега?

– Хориж фуқароси, меҳмон. Бизда меҳмонни ўлдирмайдилар.

– Баландпарвоз гаплар!

– Қачон эшитгансиз меҳмонни...

– Узингиз қачон эшитгансиз мафиянинг ҳурматли меҳмон бўлганини! Қотил эканини исботласам ўлдираман! Нега фикрингиздан айниб, амри маъруф қилаяпсиз, Лобар?

– Сиздан беш ёш каттаманми?

– Опалик даъво қилмоқчимисиз?

– Нима бўлаяпти сизга, Қувон? Меҳмонхонада қон тўкилмаслиги керак, гап тамом! Мақсадингиз нима бўлишидан қатъи назар жиззакиликни йиғиштиринг. Овозини ёзиб оламиз, прокуратурага топширамыз.

Қувон четга қаради. Жаҳлини зўрға босаётгани асабий бармоқ ўйнатишидан сезилмоқда эди. Бир вақт у қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади:

– Хотинимни севганманми? Йўқ! Йўқ, севмаганман! Онам ҳавас қилди, совчиликка борди. Эл қатори тўйдан аввал учрашдик, гаплашдик. Қишлоқдаги оддий ёш оилага айландик. Ували-жували бўлишимиз, икки-уч йилда “план” олиб, том солишимиз, болаларга суннат тўй қилишимиз керак эди. Режада йўқ эди келинчакнинг ҳаммомда ўлдириб кетилиши! Лобар, яна қайтараман, хотинимни севмас эдим! Ишқим кимдалиги ўзингизга маълум... Лекин мен унинг учун даҳшатли қасос оламан!

– Қўйинг бунақа гапларни, Қувон.

— Севмасдим деб у бечорани ҳақорат қилмоқчимасман. Қотилларга нисбатан нафратим қанчалик кучлилигини таъкидламоқчиман. Ҳали улар севмаган хотинимни ўлдиришди! Менинг хотинимни! Бегуноҳни! Ҳамқишлоғимни! Ахир, қартабоз-мен-ку! Қарта учун ўлдирса, мана, менинг жонимни олсин эди! Йўқ, мен ўз қўлим билан ўлдиришим керак.

— Аввал исботлайлик, — деди Лобар оғир уҳ тортиб. — Балки хотинингиз ростдан ўзини...

— Лобар, ўртадаги муносабатимиз ҳаққи унга туҳмат қилманг. Ҳеч қачон ўзини ўлдирадиган эмасди.

— Сиз Ўлик оролдан, Ўрта Ер денгизидан қайтишда қарта ўйнамагансиз-ку, — чўрт кесди Лобар.

— Ундан кейин ҳам!

— Хўп, ундан кейин ҳам. Ҳалиги “иш”ларингиздан бирон зоғнинг хабари йўқ. Хўш, бундан қандай хулоса келиб чиқади?

Кувон қўл силтаб тескари гапларни тўкиб солди:

— Хулоса шу бўлаяптики, уни мен ўлдирганман ёки Шомил Россиядаги ҳамма муҳим ишларини ташлаб, ҳе йўқ-бе йўқ қишлоғимизга келган-да, хотинимни ўлдирган. Булар бир-оз шубҳали хулосалар. Энг ишончлисини эшитинг: сиз мени қизгангансиз, ёлланма-қотил юбориб, рақибингиздан ўч олгансиз.

Уларнинг суҳбати бирдан узилди. Иккови ҳам бир-биридан хафа эди. Япон ошхонасига етгач, Кувон машинадан тушиб, сигарет тутатди. У ҳали ҳам асабий ҳолда эди.

— Юринг.

— Кирмайман, — деди Кувон. — Икковларинг, бемалол.

— Ниятим, фақат овқатланиш эмас. Япон руҳиятига киришим керак.

Кувон ноилож эргашди.

— Нима, суши билан кирмоқчимисиз япон руҳиятига? — деди у.

— Йўқ.

— Кимичи-набэга солинган ичак-чавоқлар биланми?

— Ў, кимичи-набэ ҳақида ҳам биладиларми? Лекин унга ичак-чавоқ солинмайди, Қувон.

Столни эгаллашди. Қувон худди бекорчиликдан зерикаётгандек Жалолбекка олақараш қилди.

— Кирганмисаң бу ерга, ўртоқ қиморбоз?

Фароғатнинг эри бош чайқади.

— Яктури нима эканлигини биласанми?

Лобар Қувоннинг оёғини босди. “Унга тегинманг” маъносида им қоқди.

— Ҳар бир туғилган япон боласига хаши совға қилинишини-чи? Ё хаши ҳақида ҳам тушунчалари йўқми?

— кўрсаткич бармоғини дикрайтирди Қувон. — Иккита таёқча. Киноларда кўргансан. Ҳув анави тўнкага қара, хаши билан овқат еяпти.

— Ҳаши эмас, хаси, — деди Лобар.

— Йўқ, хаши, — бўш келмади Қувон.

— Бир нарсага ҳайронман, нега бунчалик ўзгариб кетаяпсиз, Қувон? Одамни хафа қилиб қўйишингиз мумкин, ахир.

Қувон “ҳеч қачон” мазмунида бош чайқаб, кутилмаганда Жалолбекнинг елкасига тушириб қолди.

— Э, нега бунча қарайсан унга? Ҳозир келиб жағингга битта мушт қўяди, кейин сени деб меҳмонхонага кеч қоламиз.

— Йигитни тинч қўйинг, — ниҳоят, амрона оҳангда сўзлади Лобар. — Чалғиманг, мени ҳам чалғитманг! Бемазалик сизга ярашмайди! Энди ростини айтинг, япон жинойтчилари билан қачондан буён шуғулланаяпсиз?

— Эсимда йўқ. Эсимда бўлгандаям манавининг олдида гапирмайман.

— Кимичи-набэ, яктури, хаси...

— Тушундим, кейин гаплашамиз, — деди Қувон овқатга қўл чўзиб.

Суши — ҳар ким ҳам тайёрлай олмайдиган балиқли таом эди. Ўртасига гуруч қўйилган балиқ на қайнатилганга, на қовурилганга ўхшайди, гўё хом. Лобар чайнаётганда,



кўзларини оҳиста юмади. Жодуваш нигоҳлари ҳар чақнаганда, Қувоннинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолади. Бир оз ўтиб ютинади у.

— Кечиринг, Лобар, — деди Қувон ташқарига чиққанларида. — Тўлиқ сизга суянмасам, қизиққонлик қилиб қўяман.

— Бу бошқа гап, — жилмайди Лобар.

— Лекин сиз ҳам қартага муносабатда менга суянишингиз шарт.

— “Оқ қарта”ни назарда тутаяпсизми? — сўради Лобар паст овозда.

— Йўқ, қанақа “қарта”лиги аҳамиятсиз. Муҳими — қарта жодуси. Гувоҳ бўлдимки, сиз японча овқат орқали япон қартаси руҳиятига сингишга уринаяпсиз. Уларни ҳис этаяпсиз. Ахир, бу жодугарликка олиб боради.

Лобар “Лиганза” эшигини очиб, бир зум ўй суриб қолди.

— Сиз жодугар қартабозга айланиб қолишингиз мумкин, Лобар. Ҳозиргина ошхонада қўллаган тадбирингизнинг охири — магия.

— Магия? Шунинг-а?

— Ҳа. Сизга бир нарсани айтмоқчиман. — Қувон шундай деб сал нарида турган Жалолбекка қараб қўйди, — Боя аҳд қилдиму аммо гапиролмадим. Кэтрина ҳақида бир нималар дегандингиз, ертўлада.

— Америкалик қартабоз аёл Кэтринами?

— Худди ўша. Биласизми, японлар билан шуғулланиш асносида у ҳақда ҳам ғалати маълумот топдим. Аниқроғи, тасодифан қўлга киритдим.

— Қанақа маълумот? Нима эшитсангиз эртароқ айтишингиз лозим эди, вазиятни кўриб турибсиз.

— Бугунги қиморга унчалик алоқаси йўқ. Қулоқ солинг, Кэтрина ўн йилдан буён Жодугар номи билан машҳур экан. У магия соҳасида жиддий шуғулланган. Ҳатто, спиртлар уюшмасига ҳам алоқадор. Қаерда инс-жинс, телепатия, руҳ олами, шарпалар хусусида нимадир биладиган одам бўлса, ахтариб топади. Ўрганмагунча қўймайди. Ҳамма куч қарталар дунёсига қаратилади. Ўрганган ҳар бир нарсаси

фақат қартадан ютишгагина хизмат қилиши шарт. Шундай қилиб, жодугар қиморбозга айланган. У билан ўйнаганлар “ҳеч қачон ютиб бўлмайди”, дейишармиш.

Лобар гапиришга оғиз жуфтлаган эди, Қувон шошиб давом этди:

— Сизниям жодугар деганларини эшитганман, Лобар. Бироқ бу омадсиз қиморбозларнинг сафсатаси. Бармоқ ўйинларингизу қартани орқа томондан таний олишингиз кимгадир жодугарлик бўлиб туюлган.

— Мен Кэтрина билан ўйнамоқчи эмасман, — Лобар рулга ўтирди, Қувон ҳам жойини эгаллади. — Японлар билан ҳозир “Ситора” меҳмонхонасида қарта ташлашишим унинг чек-чегараси йўқ салтанатига сўрамай қадам босганим бўлади. Бу ҳаракатимни у ўлиб қолсам эътиборидан четда қолдирмаслиги беш қўлдай аён. Нигоҳини кўрмагансизда, унинг. Тош юракни ҳам ёриб юборади. Бироқ мен сир олиш учун ҳозир қартадан бўлак калитни кўрмаяпман... Ҳой, Жалолбек, ўтиринг, кетдик.

— Кэтрина ҳақиқий жодугар, — деди Қувон суҳбат охирида.

Меҳмонхона жойлашган кўчага бурилмасдан машинани акация дарахтлари тагига қўйдилар. Қувон кўчага қайрилгач, нариги томондаги тўрт қаватли гиштин уйлар томон ўтиб олди. Лобар ва Жалолбек йўлакдан меҳмонхона томон секин бора бошладилар.

— Меҳмонхона ёқдими? — сўради Лобар йўлакда ўтирган боладан писта харид қилгач.

— Ҳим, яхши, — мужмал жавоб берди Жалолбек.

— Улар неча марта чақиришди?

— Бу ерга бир марта.

— Зинадан чиқишда, рўпарада пальма дарахтлари борми?

— Ҳа, сиз ҳам кирганмисиз? — бир оз жонланди Жалолбек.

— Йўқ, мен уларга мажнунтол қўйинглар деганман, холос.

Мажнунтол бизнинг меҳмонхоналарга жуда ярашади.

Ходим тўғри иккинчи қаватга бошлади. Ҳақиқатан сунъий пальма дарахтлари қизил чироқларини йилтиллайтиб кутиб турарди ва Лобар таъкидлаганидек ярашмасди бу маконга.

фақат қартадан ютишгагина хизмат қилиши шарт. Шундай қилиб, жодугар қиморбозга айланган. У билан ўйнаганлар “ҳеч қачон ютиб бўлмайди”, дейишармиш.

Лобар гапиришга оғиз жуфтлаган эди, Қувон шошиб давом этди:

— Сизниям жодугар деганларини эшитганман, Лобар. Бироқ бу омадсиз қиморбозларнинг сафсатаси. Бармоқ ўйинларингизу қартани орқа томондан таний олишингиз кимгадир жодугарлик бўлиб туюлган.

— Мен Кэтрина билан ўйнамоқчи эмасман, — Лобар рулга ўтирди, Қувон ҳам жойини эгаллади. — Японлар билан ҳозир “Ситора” меҳмонхонасида қарта ташлашишим унинг чек-чегараси йўқ салтанатига сўрамай қадам босганим бўлади. Бу ҳаракатимни у ўлиб қолсам эътиборидан четда қолдирмаслиги беш қўлдай аён. Нигоҳини кўрмагансизда, унинг. Тош юракни ҳам ёриб юборади. Бироқ мен сир олиш учун ҳозир қартадан бўлак калитни кўрмаяпман... Ҳой, Жалолбек, ўтиринг, кетдик.

— Кэтрина ҳақиқий жодугар, — деди Қувон суҳбат охирида.

Меҳмонхона жойлашган кўчага бурилмасдан машинани акация дарахтлари тагига қўйдилар. Қувон кўчага қайрилгач, нариги томондаги тўрт қаватли ғиштин уйлар томон ўтиб олди. Лобар ва Жалолбек йўлакдан меҳмонхона томон секин бора бошладилар.

— Меҳмонхона ёқдими? — сўради Лобар йўлакда ўтирган боладан писта харид қилгач.

— Ҳим, яхши, — мужмал жавоб берди Жалолбек.

— Улар неча марта чақиришди?

— Бу ерга бир марта.

— Зинадан чиқишда, рўпарада пальма дарахтлари борми?

— Ҳа, сиз ҳам кирганмисиз? — бир оз жонланди Жалолбек.

— Йўқ, мен уларга мажнунтол қўйинглар деганман, холос.

Мажнунтол бизнинг меҳмонхоналарга жуда ярашади.

Ходим тўғри иккинчи қаватга бошлади. Ҳақиқатан сунъий пальма дарахтлари қизил чироқларини йилтилладибу кутиб турарди ва Лобар таъкидлаганидек ярашмасди бу маконга.

қамаб қўй. Эргаштириб қелган аёлининг доврўғи Япониягача етган бўлса-да, шахсан менга денгиз қарамичалик аҳамиятга эга эмас.

Хитоши (типратикан сочли, миқти кимса) Жалолбекни етаклаб ваннахонага киритди-да, қовоғини солиб таҳдид қилганча эшикни қулфлади.

— Бошлаймиз,— деди Накамура ҳамтовоқларига кулиб қараркан.— Қарта келтиринглар.

Шу заҳотиёқ Танака қўйнидан қарта чиқариб, елпигичдек ёзди ва бир зумда йиғиштириб, узатди.

— Хоҳлайдиларми шунақасидан? — Накамура столга яқинроқ ўтирди.

— Менга аврасини эмас, астарини кўрсатинг, — деди Лобар.

Накамура қарталарнинг ички томонини кўрсатди. Лотин ёзувидаги инглиз қарталари эди у.

Лобар бош қимирлатди. У араб, хитой ёзувидаги ёки беҳаё суратлар туширилган қарталарда ўйнамасди.

— “Томодачи” яхши ўйин, — деди япон лабига сигарет қистириб. — Бу номни ўзим қўйганман.

— Ўзингиздан бошқа ҳеч ким “томодачи” деб атамаганидан сездим.

— Ҳа, кўп қиморхоналарни кезгансиз. “Томодачи”, бу — “дўст” дегани.

— Иблис билан, — кесатди Лобар.

Накамура иягини янада кўтариб, учига чиққан ар-зандалардек ҳаволанди. Афтини бужмайтириши ҳаддан ташқари сохта эди.

— Иблис менинг тоғам-ку, — деди у. — Оббо, “қора қарта”... “Қоп-қора қарта-ей...”

Ўйинга эндигина чоғланган эдиларки, Лобар қарталарига кафт босиб сўради:

— “Широи одори” нима эканлигини айтинг.

— Буни мендан сўраяпсизми?

— У ҳақда илк марта ҳозиргина эшик тагида эшитдим. “Оқ қарта рақси” ва “Широи одори” бошимга тушган ҳамма фалокатларга сабабчи эканлигини тантанали эълон қилдингиз. Наҳотки? Буни билмас эканман.

— Илинтираман деб хомтама бўлманг, сизга ахборот бергани ёки гап талашига эмас, қарта ўйнашга келганман.

— Айтинг, у нима? — қатъий оҳангда сўзлади Лобар.

— Нима, “нима”?! — Накамураинг жигибийрони чиқди.

— Уйнанг, акс ҳолда ўйнамасдан ҳукми-ижро-этамиз, ваннахонадаги йигитча устидан. Хоҳлайсизми шуни?

— Қўрқоқ, — деди Лобар.

— Накамура сапчиб турмоқчи эди, Танака елкасидан босди. Кўз қарашларида “ўзингни бос-да, қарта ўйна” мазмунини ифодалади.

Икки томон ҳам жаҳл билан қарта ўйнай бошлади. Бундай ўйин узоққа чўзилмаслиги тайин эди. Бир-бирини аёвсиз дўппослаётган боксчилар охир-оқибат ўзларини қўлга олиб, ўйинни бахайр тугатиши мумкин, аммо қартада яхшиликни кутиб бўлмайди. Қарта ишнинг пачавасини чиқаришга мойиллик уйғотади. Кўпроқ ютсам, эзсам, устидан кулсам, бўғсам, ўлдирсам... дейди қиморбоз. Бўлмаса, у қиморбозлик қилиб нима қилади!

Ўйин шиддати асло пасаймади. Накамура ҳар гал қўли баланд келса кекқаяр, дўстларига кўзини олайтириб, қилиқлар қиларди. Ютқазса столга энгашиб, еб қўядиган алфозда қарталарга бақрайди.

Умумий ҳисобда устунлик Лобарда эди. Кўп ўтмай японнинг суроби тўғирланди.

Накамура бор кучи билан ўпкасига ҳаво тортиб, деди:

— Ютаяпман деб ўйлама, “қора хотин”! Сени барибир ейман! Сигир гўштини егандек... гамбургер ўрнида сеники!

— Қора терга ботиб кетдинг-ку! — деди Лобар пинагини бузмай.— Яхшиям, қалбаки қартангда ўйнадинг.

— Нега қалбаки бўлар экан?! Ҳой, оғзингни юм! Қалбаки эмиш-а!.. Сенга айтаяпман, менга тик қарама! Бу қарталар бобомдан қолган.

— Бобонг кимдан қолган?! — оёққа қалқи Лобар. Чунки Накамура қарталарни аралаштириб юборган, Фароғат ва Жалолбекнинг баҳосини ютқазганлиги эса деярли орани очик қилиб қўйган эди.

— Ўлдираман ҳозир! — япон панжаларини очиб

ҳозирланган эди, шериклари тутиб қолишди. Шунда ҳам у жўжахўроздай сакрар, юлқинар, митти кўзларини олайтирарди.

— Сен, — қўлини бигиз қилди Лобар, — бир неча қартани яшириб, найранг кўрсатдинг. Шунчалик латта экансанки, ҳатто найранг билан ҳам ютолмадинг. Тфу сенга, шўрбалиқ!

— Қанақа найранг, ҳой ярамас?!

— Аввало, қалбаки қарта деганда қўлда ясалганини тушунма, қисик кўз! Унинг ичида “туз-чиллик”, “қирол-қарға”, “ўн-чиллик”, “тўққиз-таппон” — яна санайми — бир неча қарталарни кўрмадим. Кейин бирдан сенинг қўлингда пайдо бўлиб қолдию, яна йўқолди.

— Қарталарнинг ҳаммаси сенга тушавермайди...

— Мени алдаёлмайсан. “Қора қарта”чи етарлича қарта бор-йўқлигини дастлабки уч қўлдаёқ пайқайди.

— Олиб қоч, жодугар! Роса репетиция қилган кўринасан!

— Қарталар циркуляциясида сенинг найрангларингдақа “гасодиф” учрамайди. Бунчалик саводсиз деб ўйламагандим сени, Накамура! — деди Лобар дадил товушда.

— Сан!

— Нима?

— Накамура Сан деб гапир, эси паст!..

Шундан сўнг уларнинг тортишишида тутуруқ қолмади. Бир-бирига алмойи-алжойи гаплар айтишдан нарига ўтмадилар. Қувон ҳам жиғибийрон бўлаётгандир, ахир у Лобарнинг кийимига ўрнатилган микрофон орқали барча гапдан бохабар эди.

Бир вақт Хитоши олдинга ташланди-да, Лобарни тирсаги билан деворга тақаб, “ширқ” этиб буклама пичоқ чиқарди. Чинқириб юбормасин деб “қора хоним”нинг оғзини ёпди. Накамурага япон тилида алланима деган эди, Танака эпчиллик билан эшикка чопди. Афтидан у йўлакка кўз югуртирмоқчи эди. Калитни бураган заҳоти эшик қарсиллаб очилди, хонага тўппонча ўқталган Қувон отилиб кирди. Япон жиноятчилари бараварига ортга тисланишиб, бир қатор бўлдилар. Қувон оёқ учиди эшикни ёпди. Сўнг Лобардан сўради:

- Тўппонча борми буларда?
- Йўқ, шекилли... Қувон, ҳали мавриди эмасди-ку.
- Сўйиб ташлагунча кутайми? Анави валак-саланг қани?
- Ваннахонада.

– Тирикми ишқилиб?

– Юраги ёрилиб ўлмаган бўлса, тирик, — деди Лобар ва ваннахона эшигини очди. Жалолбек ўлгудек дўппосланган кишидек зўрға қадам босиб, букчайиб чиқди.

– Учаласининг ҳам шимини еч, — буюрди Қувон унга.

Жалолбек тушунмай анграйди.

– Бўл, шимини тўпифигача тушириб, камарларини қисиб боғла. Ким билади, қаратэ-паратэдан хабари борми!

Жинойтчилар доврўқ кўтаришмоқчи эди, Қувон тумба устидаги баклашка сувини гиламга тўкиб, тўппонча оғзини унга тикди. Русчалаб:

– Қайсингдан бошлай? — деб баклашкали тўппончани Накамурага қаратди. Ўқ овози кесилса, то учаласини қайта-қайта отиб ташласа ҳам бирон зоғ шовқинни эшитмаслигини улар тушунишди.

Шимлар ечилиб, камарлар боғланди. Қўллар бошларга қўйилиб, бармоқлар кийиштирилди. Қувон оромкурсига ўтириб, Лобардан сўради:

– Учаласи ҳам русчани тушунадими?

Лобар бош силкиди.

– Яхши, — деди Қувон Накамурага қараб. — Хўш, Жалол энди сендан қарз эмасми? Бу йигитни айтаялман, ўв...

Ҳазабини зўрға босган Накамура:

– Йўқ, — деди. Кейин қўлини оҳиста туширди. — Аёлнинг қаршисида шимсиз туриш ноўнғай.

У камарни бўшатиб, шимини кўтарди. Лобар “отманг” демаганида, Қувон эҳтимол тепкисини босиб юборармиди.

– Бу жуда ёмон туйғу, — дея Накамура столдан сигарет олиб тутатди. — Биринчи бор шу аҳволга тушишим.

У ўтирди. Шерикларига имо қилиб, давом этди:

– Бирортамизда қурол йўқ. Токиодан яланғоч қўл билан келганмиз. Очиғини айтсам, бизда пичоқ бор, холос. Дўкондан харид қилинган.

Қувоннинг буйруғи билан Жалолбек бандиларнинг пичоқларини йиғиштирди. Токиолик кимсалар шимларини кийиб, тизилиб ўтиришди.

— Ҳар эҳтимолга қарши, — дея Қувон пайпоғидан юқоридаги тасмага қистирилган иккинчи тўппончани олиб, Лобарга узатди. — Лекин айтиб қўяй, томоғимга учар ханжар қадаб қўйганларингда ҳам, барибир тепкини уч марта боса оламан.

Накамура истеҳзоли кулимсиради.

— Мақсадинг нима? — деб сўради. — Йигитчани қутқариш бўлса, қутқардинг. Лобарни ҳимоя қилишми, мана, у сенсиз ҳам энди ўзини ҳимоя қила олади.

— “Якудза” аъзосимисанлар?

— “Якудза”? — Накамура зўрма-зўраки кулди.

— Биз “Якудза” ҳақида ҳеч нарса билмаймиз.

— Билмаймиз, — такрорлашди Хитоши ва Танака ҳам.

— “Широи одори” нима дегани?

Накамура елка қисиб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

— Демак, сир бой берилмайди, — деди Қувон асабий ҳолда. Бирортасини отиб қўйишидан, Лобар ҳам чўчиб ўтирарди.

— Бу хонимга, — дея Накамура ияги билан Лобарни кўрсатди, — микрофон ўрнатиб, мени чув туширдинг. Жуда яхши! Лекин қуролингни қўйнингга сол. Ҳақиқат шуки, биз мафия одамлари эмасмиз. “Якудза”га-ку умуман алоқамиз йўқ. Онт ичаман.

— Унда кимсанлар?

— Қиморбозлар.

— Японияликми?

— Ҳа, япониялик. Нима, муҳожирларга ўхшаймизми?

Қувон пешонасига шап этиб уриб, ишқалади. Афтангори ҳамон ўзгармаган, заррача ҳам жаҳлидан тушмаган ҳолда деди:

— Эшитинглар! Қаерлик ва қайси тоифа бўлишларингдан қатъи назар саволимга жавоб беринглар: “Оқ қарта”, “Широи одори” нима дегани? Аммо-лекин қулоғимга



лағмон оссанглар, меҳмон эканликларинг, ёшларинг катталиги, бола-чақанг борлиги — ҳеч қандай важни ҳисобга олмайман.

Японлар Лобар ва Жалолбекнинг юзларидан нимадир уқмоқчидек синчков назар солдилар.

— Булар, — деди Қувон, — ҳеч нима йўқотмайди. Терговда бир оз қийналишади, холос. Мен эса сенларга ўхшаганларнинг дастидан бор бахтимдан айирилдим. Ё ўзимни отаман, ё хорижга қочаман. Бекорга қурбон бўлманглар!

— Биз қиморбозмиз... — Накамура бепарволик билан елка қисди.

— Келишолмадик, — Қувон тепкига бармоқ теккизган эди ҳамки, япон шоша-пиша деди:

— Қиморбозлар ҳамма нарсени қимор билан ўлчайди. Агар “оқ қарта” ва “Широи одори” ҳақида нимадир билмоқчи бўлсанг, мен билан қарта ўйна. Ютсанг, айтаман. Ютқазсанг, кетишимизга изн берасан. Розимисан?

Қувон Лобар билан кўз уриштириб, тўппонча тепкисидан бармоғини олди.

— Менга қаранглар, — ҳансиради у. — Худо ҳаққи, ҳозир пешонангга ўқ узаман “Оқ қарта” ҳақида нима биласан? Майли, батафсил айтма, унинг бизга нима алоқаси бор?

Накамура тиззасига уриб, гавдасини орқага ташлади. Ҳиссиз совуқ, чиранганнамо кулди.

— Жаноб, “оқ қарта”ни ўзлари сўраяптилар-ку! Боз устига қурол билан таҳдид қилиб! Яна “нима алоқаси бор” дейди-я!

Ниҳоят, Қувон ўз сирини бирмунча очиб қўядиган гап айтди:

— Сенларнинг изингларга тушганимга сабаб, хотинимни “оқ қарта” ўйнаганликда айблаб ўлдиришди. Маълумотларига кўра, қотиллар уч киши бўлган. Учови ҳам кўзи қисик.

Накамура ер тепиб оёққа турди-да, қуруқ тухмагга учраган ҳалол одамдек ўт-олов бўлиб қизарди. Пешонаси алтираб, қўлини тўппончадай ўқталиб:

— Бор-э, аблаҳ одам экансан! — деб қичқирди. — Шунақаям бўхтон қиласанми?! Хотинингни ўлдирган эмишмиз! Аёлни-я?! Ахборотинг учун мен “оқ қарта” деганда Лобарнинг “қора қарта рақси”ни билгани учун пичинг қилиб айтдим. Қоранинг зиддияти нима? Нима, ахир?! Оқми? Оқ, албатта! Пичинг қилиш учун тескари маънодаги сўзлар қўлланилади. Ё менга ишонмаяпсанми? Ишонмаяпсан-а?!

У қўли билан ҳавони қилич каби кесиб, шундай бақирдики, Лобарга хотин киши чинқираётгандек туюлди.

— Утир, — буюрди Қувон босиқлик билан.

Накамура ортиқча гапга ўрин қолдирмай ўзини оромкурсига ташлади.

— “Оқ қарта” фақат пичинг экан-да, шундайми? — деди Қувон. — Унда нимасини яшираяпсан?

— “Широи одори” тарихини! Улар курашни аёлларни ўлдиришдан бошлайди.

— “Широи одори”нинг маъноси нима?

Накамура бирдан ҳовуридан тушиб, овозини пасайтирди.

— “Оқ рақс”, — деди у ранги гезариб. — Аслида пичинг билан айтганим билан ростдан ҳам аллақандай “оқ қарта рақси” ўйинларига алоқадор жинойи гуруҳ бор. Мен шунчаки сўз ўйини қилгандим, хотинининг ўлдирилгани хаёлимда ҳам йўқ. Ишонасанми, боя эшик тақиллаганда Жалол билан келган аёл Лобар эканлигини билмагандим, тахмин қилгандим. Мана, у ҳақиқатан Лобар бўлиб чиқди.

Қувон Лобарга қўл чўзиб:

— Қарта! — деди важоҳат ила.

Лобар ўз қартасини узатди. Қувон очилмаган қарта қутисини японга улоқтирди.

— Суз! Мен ўйнайман!

— Қувон, бу нима қилганингиз?.. — пичирлади Лобар ўзбек тилида. — У шундоқ ҳам “Широи одори” сирини айтаяпти-ку!

Аммо Қувон Накамурадан кўз узмади.

— Агар ютсанг тўрт томонинг қибла. Бой берсанг миридан-сиригача сўзлайсан. Шерикларинг ҳам билганларини айтади.

Накамура қартага очофатларча ёпишди. Шундай чийлай бошладики, ҳатто шерикларининг ҳам кўзлари ўйнаб кетди.

Зудлик билан икки қўлга сузилди. Лобар Қувоннинг билагидан тутиб, нимадир деди, йигитнинг қулоғига гап кирмади. Ягона одам шу эди Ўрта Осиёда “оқ қарта рақси”ни чечен кампирдан ўрганган! Лобар вужудида яширинган қартанинг қора кучларини қиморбозларга ошкор этиб қўйиб, ҳалигача балои-қазолардан қутулгани йўқ. Қувонга нима бўлган? Наҳотки, у ҳам Лобарнинг хатосини такрорласа?!

— Фас! — деди Накамура тишларини иржайтиб қарта ташларкан.

Қувон кетма-кет мот қилди. Накамура яна тайёр эди. Қайта-қайта ютқазди.

— Тамомсан! Қани, энди лаънати жиноий уюшма ҳақида гапир!

— Секинроқ, — Накамуранинг кўзлари шубҳали ўйнади. — Улар ҳақида овоз чиқариб сўзлаш ниҳоятда хавфли... хавфли... Ҳали ҳеч нарса билмайсан! Бу жодугарларни билганинга эди... Ма, ўқи!..

Қувон Накамура берган қоғозга кўз ташлаб, шундай сарлавҳани ўқиди:

“УЛАР АЁЛЛАРНИ НЕГА ҲАММОМДА ЎЛДИРИШАДИ?”

Қувон диққат билан ўқий бошлади:

“Аёллар улғу зотдир. Эркаклар аёлларга суяниб яшашади. Шунинг учун аввал кимни ўлдиришни бил!

Қарта ўйинлари Шарқда тарқалди. Қарта доналарида аёл сурати бор. “Қирол” — ота, “дама” — қиз. Иккови ўйнаш.

“Валет” — жаллоддир.

Белгилар: “ғишт”, “қарға”, “чиллик” ва “таппон”. Эътибор бер, бу қора тунда ҳаммомда ўлдирилган аёл, дегани. Қарта, аввало, аёлларнинг бошини ейди. Сен аёлдан бошла!

Яна диққат қил! “Ғишт” — ҳаммом биноси, “қарға” — қора тун, “чиллик” — сув томчилари, “таппон” — аёл юраги.

Ҳар бир “оқ рақс” ўйинини ўйнаган кас охир-оқибат шундай қурбон бўлгусидир!”

— Фақат шуларми? — деди Қувон қоғозни силкиб.

— Шунинг ўзи етарли эмасми? — Накамуранинг энсаси қотди.

— Етарли эмас, етарли эмас, — такрорлади Қувон.

Накамура Лобарнинг мавқеи-баландлигини сезиб ўтирган чоғи, ўрнидан сиполик билан туриб, кийimini тузатди, ҳамтовоқларига ҳам ишора қилди. Сўнгра учала япон бараварига енгил таъзим бажо келтирдилар.

— Орамиз очиқ, кетишларинг мумкин, — эшикка имо қилди Накамура. — Лобар, ҳарқалай танишганимдан хурсандман. Буюринг; биз ажралайлик.

Лобар Жалолбекка ниғоҳ ташлади, “кўрдингми, оиланг тақдирини ижобий ҳал қилдик, энди ҳеч қачон қарта ўйнама”, деди кўзлари.

Жалолбек кетгач, эшик қия очиқлигича қолди. Қувон ҳамон зўр бериб ўйлар, бир фикрга келмасдан бошқасига ўтар, кўнгли тўлмас, мантиқсизлик ғашига тегар эди. Бошини чангаллаб у ёқ-бу ёққа юрди. Кейин тўппончасини кўз тушмайдиган қилиб бекитди-да, эшикни ланг очди.

— Марҳамат, азиз меҳмонлар! Суҳбатни ошхонада давом эттирамиз.

— Биз Японияга учишимиз керак.

— Саккиз соат бор, Накамура Сан. Ошхона нари борса икки соат вақтимизни олади. Нима дедингиз, Лобархон?

Накамура:

— Биз элчихона вакили билан ҳам учрашишимиз керак, — деганди, Қувон:

— Мени элчихона вакили деб тасаввур қилинг! — деди. — Қани, юринг, Лобар билан танишганингизни нишонлаймиз. Мутлақо дўстона!

Меҳмонхонада кенгроқ жойнинг ўзи йўқ эди. Улар кўчага чиқиб, ёнидаги “Осиё қуёши” ошхонасига киришди. Биринчи маъқул жиҳати, бу — бўлмалардан иборат эди.

Улар овозларини пастлатиб, бир-биридан кўз узмаган ҳолда ўтирдилар.

— Майли, мени осонликча қўйвормайдиганга ўхшайсан,  
— Накамура ичимликларни кўриб яйраб кетди. —  
Билганларимни сўзлайман. Хитоши ва Танака эса бу  
борада мутлақо қар-сөқов.

Шундай қилиб, мен уларнинг хатини русчага ўгирдим.  
Улар ким, биласизларми? Япон оролларида бирида қўним  
топган қиморбоз-каллакесарлар, аксарияти, японлардан  
иборат махфий гуруҳ! Фаолиятлари янги замон техникаси  
билан чамбарчас боғлиқ. Кўпроқ интернетга суянишади.  
“Оқ рақс” деганда улар ўлим маъносини тушунадилар.  
Оқлик йўқлик демакдир. Бу йўқликда оқлик мавжуд.  
Тушунаёпсанми, улар ўзларидан бошқа ҳеч ким оқлик  
ичра пайдо бўлишини истамайдилар.

Аниқ жойини билмайман, менимча, Россиянинг  
Қозоғистонга чегарадош шаҳарларидан бирида, Урустик  
деган кимса (исмидан қайси миллатга мансублигини  
аниқлаёлмадим) қарта сирларини ўрганади. Афтидан  
у собиқ маҳбус эди. Кўп вақт бир жойдан қимирламай  
ўтириш оқибатида анча натижаларга эришган. “Оқ қарта”  
энг қисқа ютиш усуллариининг мажмуасидир. Урустик  
тез орада бойиб кетади. Бироқ доврўғи “Широи одори”  
раҳбарининг қулоғига чалинган, изидан одам қўядилар.  
Нима қилиб бўлса ҳам Урустикни йўқ қилишлари лозим  
эди. Лекин уни ҳадеганда тутолмайдилар. Урустик тулкидай  
айёр, мушукдай сезгир бўлган. Шу билан бирга хотинини  
ҳам ўлгудай севган. Қартабозни йўқотиш муддати чўзилиб  
кетаверади, Урустик қарта оламида жавлон ураверади.  
Шунда у ҳақида бир маълумот қўлга киритилади.  
Яъниким, ҳозиргина айтганим севги масаласи. Ҳа, “Широи  
одори”нинг жазолаш қонунларига “аёлларни ўлдиришдан  
бошлаш” деган жазо моддаси ўшанда киритилган.

Яна бир жиҳат: Урустикнинг қартабоз бўлиб етишишига  
ўша аёл ҳам муносиб ҳисса қўшган. Қўлига тез-тез  
қарта оладиган, эри билан шунчаки ўйнайдиган, ҳатто,  
болаларига қартадан уйча қурадиган бекалар йўқми?  
Урустикнинг хотини худди шунақа эди.

“Широи одори” малайлари уни ҳаммомда ўлдиришади.

Бугхонага қамаб, печкага ўт қалайверадилар, қалайверадилар. Бугхона тандирдай қизиб, деворлари ҳам чатнаб кетади.

Урустик қотиллик содир этилганини билгач, ҳаммаси ниманинг эвазига эканлигини ўша заҳотиёқ тушуниб етади. Бироқ энди кеч бўлганди. Севимли рафиқаси асфаласофилинга кетган, болалари онасиз қолган эди.

Урустик ароққа ружу кўяди. Кўп вақти қаҳвахоналарда ўта бошлайди. Аммо-лекин императорнинг ҳам бойлиги ҳисоб-китобли. Урустик тез орада пулларини совуриб кўяди. Қисмат яна қиморхона томон етаклайди. “Оқ қарта”ни билган кимса ҳеч вақт оддий усулда ёки бирон фаройиб йўлда ўйнолмайди. Хотинининг бошига етган бизнинг россиялик яна “оқ қарта”ни намойиш этиб, чўнтагини қаппайтирди. Ўзинга маълум, маишатбозликка берилган одам сир сақлаёлмайди. Қолаверса, унда эҳтиёткорлик қобилияти ҳам сўнади.

Яна бир нарсани таъкидламоқчиман. “Широи одори” кишилари бошқа, малайлари бошқа. Малайлар кимлар? Ўз хўжайинларини ҳам тузук-қуруқ танимайдиган бетайин қиморбоз-қотиллар. Урустик шунақаларнинг иккитасини майиб қилади.

Токи “Широи одори” ташкилоти бор экан, малайлар қўзиқориндек ўсиб чиқаверади. Урустик нималарни ўйлаган, менга қоронғи. Балки у “Широи одори”нинг хужумини бутунлай бартараф этдим, қутулдим, деб байрам қилгандир...

Бир куни аллақайси қиморхонадан қайтаётиб (қиморхона деганим ертўладаги бир омборхона) чиқиндихонада ўт ёқиб исинаётган икки дайдини кўриб қолади. Урустик мийиғида кулимсираб, “эҳ, бояқишлар” деб минғирлайди. Мункайган дайдилар кутилмаганда барзангиларга айланади ва қиморбозни олов ёнига судраб келишади. Аслида улар исиниб ўтирган дайдилар эмасди. Урустик сўнгги лаҳзаларда кўрадики, ҳалигилар консерва банкада қўрғошин эритаяптилар. Бир зумда қўл-оёғини чирмаб боғлайдилар. Устига миғиб олган биттаси Урустикнинг жағини очиб, пичоқ тикади, иккинчиси эса қўрғошин

қуйиб юборади. Урустик охирги марта типирчилайдию ёруғ дунё билан видолашади.

Шу-шу “Широи одори” кимга қарши курашса аввал хотини сирли равишда ҳаммомда ўлади, кейин қиморбознинг ўзи ўлдирилади, ваҳшийларча. Бунинг учун “Широи одори” каттагина пул ажратади. Айниқса, долларнинг қиймати баланд мамлакатларда малайлар истаганча топилади. Ахир ўттиз-қирқ минг доллар ҳазилакам пулми! Мана, биз арзимас чақа учун олис Токиодан келиб, ютқазиб ўтирибмиз. Сен жуда яхши ўйнаркансан, кутмагандим.

Қувон секин Лобарга қаради. Икковининг ҳам нигоҳида “ўзлари эмасмикан “Широи одори” одамлари?” деган савол зоҳир эди.

Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқса, Қувоннинг “оқ қарта” усулида ўйнагани ошкор бўлди-қўйди (Лекин буруноқ ошкор эди ҳам. Хотини ҳаммомда ўлди-ку, ахир).

— Мен уларни қандай топсам бўлади? — сўради Қувон.

Накамура жавоб берди:

— Ахтаришдан фойда йўқ. Уларни фақат ўлимдан олдин кўриш мумкин, яъни қатл этаётганларида.

— Бу сенинг фикринг, — деди Қувон. — Менимча, бирон аъзбси ҳеч қачон қўлга тушмаган махфий ташкилот йўқ.

— “Широи одори” ҳақида билганларинг шуми? — Лобар Накамурага синовчан тикилди, япон бардош беролмагандек кўзларини қисди, худди юмиб олгандек.

— Шу.

— Нега фақат “оқ қарта”ни билганлардан ўч олади? Мисол учун, мен “қора қарта”ман. Миллионлаб доллар ютган вақтларим бўлган. Не сабабдан бирон марта таҳдид солишмаган? Душманларим ҳамиша ўзимнинг ичимдан чиққан ёки бўлмаса қуйи табақадаги қартабозлардан.

Накамура кифт қисди. Унинг учун ҳозир рус ароғи устидан сигарет чекиш барчасидан муҳим эди. Лобар ёндиргич оловига қараб, хаёлидан ўтганини тилига чиқарди:

— Бир лаҳзада “лоп” этиб жизганак этиш — “Оқ қарта”. Буни фақат “оқ қарта”ни билганлар ёки “Широи одори” аъзолари эплашади. Тўғрими?

— Сен “оқ қарта”нинг маҳоратингдан юқори эканини қаяқдан биласан? — деб қолди Накамура тўсатдан. — Ё бирон марта “оқ қарта”чини кўрганмисан?

Бу очиқдан-очиқ қопқон Лобарнинг жигига тегди.

— Тез ютадиган қиморбозларни кўп кўрганман, — деди қўл силтаб. — “Оқ қарта” деб шуларни айтаяпсанми? Рақибим кучсиз бўлса, мен ҳам тез тугатаман ўйинни. “Оқ қарта” киму “қора қарта” ким, буни ажратиб бўлмайди.

— Масалан, мен ҳеч қайси қимор оқимига кирмайман, лекин Накамура Санни ютдим. Энди мен “яшил қарта”манми? — деди Қувон пичинг аралаш.

— Ўз гапингдан ўзинг тонма, — деди Накамура Қувонга.

— Сен “оқ қарта” соҳибсан!

— Тфу, бу — тухмат!

— Тухмат бўлса, нега “Широи одори”нинг изидан тушмоқчисан? Ахир, сен “оқ қарта” бўлганинг учун хотининг ҳаммомда ўлдирилган, бояги гапингнинг маъноси шу.

— Майли, — дея Қувон Лобарга кўз қирини ташлаб Накамурага сўзлади, — очиқроқ айтай. Сендан аввал менга катта тухмат қилдилар. Қиморбоз эмишман! Қартанинг сирларини аллақандай японлардан ўзлаштириб, Европа ва Осиеда қарта ўйнаганмишман. Ёнимда ўтирган шу аёл биледи, мен ҳеч вақт қиморнинг орқасидан пул топмаганман. Лекин ёшлигимдан қарта ўйнаб юрардим. Қишлоқ болалари мол-қўй боққанда, синфдошларининг туғилган кунда, гаштакларда қарта ўйнашади. Улғайгач, қартани йиғиштирдим. Туркияга портда ишлашга борганман. Булардан ташқари битта-иккита ноҳўя ишлар қилганман... Бироқ мен қиморбоз эмасман, хотиним-ку, умуман қарта ушламаган... Қисқаси, менга “Широи одори” аъзоларидан бири керак.

— Улар жуда узоқда, — деди Накамура мазах қилаётгандек афтини бужмайтираркан.

— Сенлар, — гапга аралашди Лобар, — мени топдинглар! Ўртадаги масофа олислик қилмади-ку.



— Суҳбат тугади. — Шундай деб Накамура ошхона хизматчиларини чақирди. — Бизни кузатиб қўйинглар, — деди ҳаммани ҳайрон қолдириб. — Милиция ҳам чақиринглар, мўнга ҳозир кимдир телефон қилиб, меҳмонхонагача бўлган йигирма қадамни босиб ўтгунимча елкамга йигирма марта ўқ узишга ваъда берди. Кўриб турибсизлар, мен терминатор эмасман.

Улар бир дақиқа ҳам гувоҳсиз қолишни истамасдилар. Лекин Лобарнинг ҳам, Қувоннинг ҳам қўлидаги тўппончалар зарарсиз ҳолда турарди.

— Сени топиш осон, — кулди Накамура Лобарга, — “Широи одори”га ўзингни тенглаштира. Ҳақиқатан, масофа олис, жудаям олис.

Лобар билан Қувон кўча бошига қараб юрдилар. Сайёҳлар нега гавго кўтараётганига одамлар ҳайрон эди.

— Охирги гапим, — Накамура меҳмонхона эшиги олдидан сўзлади. — Сен ўзинг бошладинг, Лобар! Энди фақатгина ўзингдан ўпкала! У жуда ёмон!

Қувон чидаёлмай, чопиб борди-да, Накамурани бўғиб, устунга бошини урди.

— Билдик, дайди итдай изғиган қаланғи-қасанғи қиморбоз экансан! “Оқ қарта”, “Широи одори” деб бекорга бошимни қотирдинг! Қўлингдан зиғирчаям иш келмайди! Айт, аслида кимсан?

— Накамура Сан, япон қиморбози.

— Тўтиқушдай такрорлама! Лобарга нимани писанда қилаяпсан?

— Қўйвор ёқамни! Кимни писанда қилаётганимни ўзи яхши билади.

Орган ходимлари етиб келиши мумкин эди. Шунини ўйлаб Лобар Қувонни кетишга тезлади. Улар японлар билан шу алфозда ажралишди.

“Лиганза”га ўтиргач, Лобар тўппончани қайтариб берди.

— Яхши бўлди, ҳаммаси яхши бўлди, — деди машинани катта кўчага ҳайдаб.

— Японияга бораман, — Қувон юзини четга бурди. — “Широи одори” қотилларини топмагунимча қўймайман.

— Ўзи бормикан шунақа уюшма, Қувон?

— Бор, — жавоб берди йигит ишонч билан. Сўнг шунчаки ўжарлик қилмаётганини исботлаш учун деди: — “Ситора” меҳмонхонасига келмасимдан аввал билардим.

— Шунақами? Ҳим-м... Кўплаб маълумот тўплаг инингиз япон ошхонасидаёқ аён эди. Лекин буларнинг бари афсона бўлиб туюлаяпти.

— Мен учун эса ҳақиқат, аччиқ ҳақиқат.

Светофорда қизил чироқ сўнгач, машинани олға юргизаркан, Лобар ним кулимсирашини яширолмади.

— Нега кулаяпсиз? — ачиқланди Қувон.

— Дантон.

— Нима?

— Дантон деган ёзувчи шунақа гап айтган: “Ҳақиқат. Аччиқ ҳақиқат”. Мопассаннинг китобини ўқияпман, ўша ерда, кириш сўзида учратиб қолдим.

— Хотиржам китоб ўқиб ётибсиз, — кесатди Қувон. — Мопассан... Мопассан... Эшитганман. Жудаям уятсизларча ёзди. Эркак ва аёлнинг тўшақдаги ҳолатлари...

— Қўйинг-э, — кулиб юборди Лобар. — Мени ким деб ўйлаяпсиз! Беҳаё китоб ўқийманми?! Мопассан, бу — сеvimли ёзувчим. Ўтган куни табиат тасвирини ўқиётиб қурбақа бўлгим кеп қетди. “Ҳаёт” романида Жанна деган қиз табиатни кузатади. Қурбақанинг ҳовуздан ойга термулиши шундай тасвирланганки...

— Шундоқ ҳам қурбақамиз, ланнати жиний тўдалар нафақат қурбақа, итбалиқ ўрнида ҳам кўрмайди. Жанна деган қизнинг қурбақаси бўлишни хоҳлаб қолдингизми?.. Айтгандай, Накамура Кэтринани назарда тутдими?

— Қачон?

— “Ўзинг бошладинг”, “у жуда ёмон” деб вайсади-ку, қисик кўз.

Лобарнинг табассуми йўқолди. Гўё унинг юзига булут соя солган эди. “Лиганза”нинг тезлиги бирдан пасайиб, машиналар қувиб ўта бошлади.

— Ҳа, у Кэтринани айтди. Менимча, жодугар билан алоқалари бор. Эҳтимол, мени синаш ёки атайин қимор

ўйнатиб, шу тариқа уруш бошлаш учун америкаликнинг ўзи ёллагандир. Барчасини, ҳатто Фароғатнинг оиласидаги фожиагача уюштиргандир.

— Совчи келаяпти деб эшитдим, — луқма-ташлади Қувон бутунлай бошқа мавзуда.

Лобар унга қаради.

— Бу гапни қаердан олдингиз? Тавба-тавба! Қайси эркак менга уйланарди?! Қамалган, қиморбоз, уч бор эрга теккан...

— Лекин жуда гўзал, — гапни илиб кетди Қувон. — Ўттиз ёшли ўт-олов.

— Ўтин демоқчимисиз?

— Аёллар ўттиз ёшида хотинмисан хотин бўлади-да.

— Бу гаплардан кейин дўстлигимиз тугади деяверинг, ўртоқ Қувон.

Қувон илжайди.

— Бобом раҳматли айтган: хотиндан дўст чиқмайди, дўст дўсти билан ётмайди. Шунинг учун бир-биримизни дўст демайлик. Одам уялади...

— Ўлдираман ҳозир! — юзига қизиллик югурган Лобар Қувонни муштлади.

Кулишдилар, ҳазиллашдилар. Уларга кўзи тушганларнинг ҳаваси келди. Машиналарида эр-хотин ҳазил-ҳузул қилиб кетаяпти, қандай ажойиб жуфтлик, деб ўйлашгандир. Бироқ хаёллар бир ён эди, ҳаёт бир ён. Келгусида уларни нима воқеалар кутаётганини Худодан бошқа ҳеч ким билмасди.

\* \* \*

Кўп ўтмай Қувон Тошкентга кетди. Лобарнинг сезишича, у япон ва инглиз тилларини ўрганишга аҳд қилган эди. Хотинининг қотилларини топмагунча тинч ва бахтиёр ҳаёт кечиролмаслигини “қора қарта соҳибаси” жуда яхши англади. “Майли, ихтиёр ўзида, — деб ўйларди у. — Йигитнинг ўч олгиси келдими, ҳеч ким қайтаролмайди. Лекин Қувон ўт билан ўйнашаяпти. “Широи одори”

янглиш маълумот ёинки қуруқ тухмат билан келинчакни ўлдирган бўлиб чиқар. Қандай бўлмасин, бу катта фожиа. Нега энди Қувон ҳам қурбон бўлиши керак экан?..

Қайтаролмадим! Уни қайтаролмадим!.. Сизни севаман, ташлаб кетманг, оила қурайлик, дейишим керакмиди?! Тўғри, Қувон кўнглимдаги йигит. Беш ёш кичик бўлса-да, эримга айланиб қолишини истайман... Мана, у кетди...

Ахир, менда ҳам ғурур бор. Қандай ялинаман? Ўша марҳум келинчакни деб қилаяпти-ку, шу ишларни! Хотинингизнинг қасосини олманг, барибир тирилиб келмайди, ўзингизни ўйланг, дейманми? Мен борман-ку, нега қўйнингизга солмаяпсиз, деганим эмасми бу?.. Балки менинг ташвишим ўғлимни ахтариб топишдангина иборатдир?! Қувонга чалғиётгандирман...”

Лобар қасрмонанд ҳовлисида ёлғиз яшаёлмади. Аввалига холаларининг қизлари келиб туришди. Кейин улар уй-уйларига кетиб қолишди. Лобар сабабини узунқулоқ гаплардан билгач, қариндошларидан ҳам кўнгли қолди. Туғишган холалари қизларининг бузилиб кетишидан кўрқиб, Лобарникида яшаманглар, умуман борманглар, деганмиш. Биринчи эрининг отаси туғишган тоғаси эди. Балки ёмон гаплар шу оиладан урчигандир? Нима бўлганда ҳам Лобар қаттиқ ўксиди. Ўз яқинлари ундан ҳазар қилди-я! Ахир, қизлар келгач, Лобар ҳар қандай эркак зоти билан уйда гаплашмай қўйганди. Иши борми, марҳамат, кўчада ёки ресторанда. Лекин ўзбекчиликка тўғри келмайдиган келиб-кетишлари гап теккизмасин. Ҳатто, у бир қўл чолнинг ҳовлисига олиб чиқадиغان эшикни ҳам бутунлай пайвандлатиб ташлади. Хирапашша чол кўчада кўрса, “онагинам Лобар, жиндай қарз бериб туролмайсанми?” деб пул сўрагани-сўраган эди..

Бир куни Лобарнинг онаси эшик қоқди. Лобар йиғламоқдан бери бўлиб ҳол сўрашди. Ичкарига киргач, она деди:

— Қизим, манави оқ сочларимни кўраяпсанми? А, кўраяпсанми? Саноклигина эди. Кун сайин кўпаяпти.

Айтмоқчи бўлганим бу эмас. Хўп, розиман, сочим қордай оқарсин. Лекин бунинг боиси нима, деб сўрайсанми, йўқми? Гапир, қизим. Нега мени баттар эзиб мунғаяверасан?!

— Шу кунлари кайфиятим йўқ, сиз ҳам эзаверманг, ая.

— Ёлғиз турма деб минг марта айтдим. Уйга бормаяпсан...

Нима, қўшнилар еб қўядими? Москвада жувонмарг бўлган йигитнинг онасиям қазо қилди. Ё қорангни кўрса тиштирноғи билан ташланадиган яна кимлардир борми? Тавба, уйимиздан илон чиқмаган бўлса...

— Ая, бориб турибман-ку, ахир!

— Қисқаси, мақсадимни айтмай. Сени эрга бермоқчиман.

— Ким?.. Сиз-а? — деб юборди Лобар.

Онасининг кўнглига оғир ботди. Ичидан зил кетгани маънос кўзларидан сезилди.

— Онангман... — деди. — Ҳаққим йўқми?

— Нега эрга беришга бунчалик қизиқасиз-а? Шундай юришим нима учун ёқмайди-я? Ўзи бошидан шу феълингиз бошимга етди, тоғамнинг ўғлига узатдингиз.

— Ўтган гапларни қўзғаман. Бундай юришингдан ҳеч ҳам рози эмасман. Одамлар кимга чиқариб қўйишганини биласанми?—

Лобар уф тортиб, тирсагини хонтахтага таяди. Муштида тилла узук ярақлаб кўринди.

— Ая, бегоналарни қўйинг. Холамлар нима дейишди? Бузуққа чиқариб қўйишди-ку! Эркаклар билан гаплашаман, иш юзасидан. Нима, сиз ҳам мени ёмон йўлга юради, деб ўйлайсизми? Тижорат иши фақат аёллар билан бўладими?!

Лобар юзини терс ўгириб, совқотаётгандек билакларини ишқалади. Кўзларида ҳамон ёш филтиллади. Онасининг раҳми келиб, шаштидан тушди.

— Эй худойим-ей... — дея чўзиб нолиш олди. — Нима қилишниям билмайман. Эр бўлиб мундоқ бошингга офтоб чиқармаган Абдуллага аза тутиб, кўк кийдинг. Хурматини қилиб ўтирибсан. Лекин қандай гаплар эшитаяпман, биласанми? Хўжа кўрсинга кўк кийиб, меҳмонхоналарда айш-ишрат суриб, юрибди, дейишяпти.

– Ая!..

– Тўхта, гапимни тугатай. Дадангнинг ҳам руҳини чирқиллатма! Шунинг учун, қизим, бундай юрма. Абдуллага умуман аза тутмасанг ҳам бўлади. Қўй ўшани! Сени қимор ўлгурга қайтарган ҳам ўша... Лобар, шарт эрга тег-қўй. Аза уч кун деган.

– Йўқ, мен ўғлимни топмасдан турмушга чиқмайман, – Лобарнинг овози қалтираб кетди.

Онаси асабий тебранди. Юзидаги ажинлар икки барабар кўпайгандек туюлди. Бир оздан сўнг журъатсиз ҳолда, бош эгиб сўзлади:

– Қўй, болам, Парвизжоннинг тириклигига ишонмайман. Ҳозир нима кўп, кампутер кўп. Ўлганниям тирикдай кўрсатиб беради. Неварам бояқишнинг руҳини чирқиллатма.

– Ая, илтимос, ўғлим ҳақида бундай гапирманг. У тирик... Ҳали кўп яшайди! Мен ўлишим мумкин... Парвиз учун ўламан ҳам...

Орага совуқ сукунат чўкди. Кейин уни Лобарнинг ҳиқиллаши бузди.

– Ўлган деб гапирманг, ая, – йиғлади Лобар. – Ҳамма гапирсаям сиз гапирманг. Яна эшитсам, мени қайтиб кўрмайсиз...

– Бойсан, бадавлатсан... Ёшсан, чиройлисан... Биронга прокурорга тег, ўғлингни бир ойга қолдирмай топиб беради.

– Устимдан кулаяпсизми, ая?!

– Оғанг бўла туриб устингдан куламанми?! Миянг шундай заҳарланганки, қора қобиғингдан чиқолмаяпсан. Атрофингга бир қара, қизим, кимга айланиб қолдинг?!

Она-боланинг бундай тортишуви аслида илк марта эмасди. Кейин ҳам давом этди, аммо тайинли ечим топмади.

Июннинг бошида Лобар бир хабар эшитди: Қувон Токиёга кетганмиш. Озиқ-овқат дўконларини ишга тушириш билан шунчалик банд эдики, Қувоннинг қандай жўнаб кетганини сўраб-суриштиролмади ҳам.

Онасининг битта-иккита кайвониларга маслаҳат солгани

оқибатида уч-тўрт эркак оғиз солди. Бироқ Лобарнинг ким эканлигини суриштиргач, қайтиб қорасини кўрсатмай кетишди.

Шу билан Лобарнинг қулоғи совчилардан тинчиб, ишларини бамайлихотир йўлга қўйиб олмоқчи эди. Аммо бир куни туш чоғи қўл телефони жиринглади.

— Алло, сиз Лобармисиз? — сўради бир эркак ингичка овозда.

— Ҳа, мен, — деди Лобар истамайгина.

— Сиз билан танишмоқчиман, ташқарида кутаяпман. Мумкин бўлса чиқинг, гаплашиб олайлик, турмуш масаласида...

— Телефон рақамимни ким берди? — зарда билан сўзлади Лобар. — Менга қаранг, телефон рақамимни, иш жойимни суриштириб, изимдан пойлаб...

— Тўхтанг, аввал шартимни эшитинг, Лобархон, койимоқчи бўлсангиз кейин койиверасиз. Турмушга чиқишга розилик берсангиз, ўғлингиз Парвизжон қаерда эканлигини кўрсатаман. Шунчаки манзилини айтиб қўя қолмайман, қўлим билан кўрсатаман, ҳа, қўлим билан!..

Лобар бир зум ҳанг-манг бўлиб қолди. Бундай таклиф бўлишини ҳеч қачон ҳаёлига келтирмаганди: “Менга турмушга чиқсангиз, ўғлингиз қаердалигини кўрсатаман...”

Ўтган сониялар “ўғлинг тирик, ма, ол!” деган хитобга қоришиб кетгандек туюлди. Беихтиёр юмилган кўзлар очилиб, ҳозиргина вужудини эгаллаган ширин туйғулар гўр азобига айланиши мумкинлиги ҳам эсланди. Ахир, уни шунча вақт инсон қиёфасидаги иблислар алдаб келаётган эмасмиди?!

— Сиз кўрсатасизми? — сўради Лобар оний жимликдан сўнг. — Ўғлим қаердалигини кўрсатасизми? Сиз...

Нотаниш кимса Лобарнинг гапини бўлиб:

— Ҳа! — деб дадил оҳангда тасдиқлади. — Шунинг учун юзма-юз гаплашайлик, кўчага чиқинг, деяпман.

Негадир унинг ингичка, дадил овози одамга ишонч бағишларди. Жўмардликдан, тантилиқдан, валламаатликдан

дарак бериб турарди. Лобарнинг қўлидаги телефон терг. ботиб кетди, нариги томондаги киши ҳам ҳаяжонланаётган бўлса, эҳтимол.

— Ҳозир чиқаман, — деди Лобар.

— Яхши, — дея хотиржам тортди нотаниш кимса ва ортиқча мулозамат қилмай, телефонини ўчирди.

“Қора қарта соҳибаси” чуқур уҳ тортиб, столга суяниб қолди. Сочи шалоладай оқиб тушди. Кимдир жиддий безовта қилганини фаҳмлаган омборчи йигит ёнига келиб, қўл қовуштириб турди. Лобар унга қарамади. Йўл-йўлакай сочини йиғиштириб, тўғридан-тўғри озиқ-овқат дўкони ичидан кўчага чиқди. Йигит ҳам эргашди. Умуман олганда, Лобарнинг қўли остида ишлайдиганлар унинг ғам-ташвишлари нималар эканлигини билиб қолишган. Ҳозир қандайдир хавф таҳдид солаётгандек туюлиб, ҳаммаси безовта бўлишди.

Бироқ қўнғироқ қилган шахс “Нексия”сига суяниб, ҳеч кимдан ўзини яширмай, жилмайиб қараб турарди. Кўчанинг нариги томонида эканлигини билдириш учун очиққўнғил эркаклардек қўл силкиб қўйди.

Қовоғи солиқ Лобар ундан кўз узмай бостириб борди. Сочи буткул оқарган эллик ёшлардаги новча кимса бирон университет ёки лицей ўқитувчисига ўхшарди, папка етишмасди қўлтиғига.

У бўйинбоғини тўғрилаб, қайтадан жилмайди. Оралари очиқ, бир оз сарғайган тишлари, кўкиш кўзлари, пешанасидаги сезилар-сезилмас чандиқ — барчаси Лобарга жуда-жуда яқиндан кўринди.

— Қўнғироқ қилган сизмисиз? — сўради Лобар.

— Ҳа, мен. — У шундай деб “Қора қарта соҳибаси”нинг ортида кўриқчи мисол турган омборчига, дўкондан қараётган сотувчиларга кўз югуртирди. — Исминим Абдуманнон. Домламан. Бу йигитга айтсангиз, бизни холи қолдирсин. Мумкин бўлса, албатта.

— Абдуманнон, кетаверинг, — буюрди Лобар омборчига.

Омборчи “Нексия” рақамларига зимдан қарагач, дўконга қайтди.



— Ие, у билан адаш эканмиз, — кулди домла.

— Ўғлим қаерда, Абдуманнон ака?

Домла жиддий тортди. Эшик тутқичига қўл узатиб, деди:

— Машинага ўтиринг, бу ерда гаплашиш ноқулай.

Лобар у билан ёнма-ён ўтирди.

— Бирдан мақсадга кўчмоқчи эмасдим, — дея кўзларини пирпиратди домла, шунинг учун... — у қалитни буради. — ...шунинг учун бир оз айланиб...

Машина жойидан силжиди. Абдуманнон аканинг қоқсуяк жундор қўллари қалтираётгандай таассурот қолдирарди кишида. Лобар ўлиб қолса ҳам бу нусхага турмушга чиқолмаслигини кўнглидан ўтказди.

— Гапни айлантирсак айлантирибмиз-да, — деди Лобар. — Кўринишингиздан маълумки, хотинингиз анча семиз экан.

— Қ-қанақасига? — анграйди домла. — Буни менинг қиёфамдан билиб бўладими? Ахир, у бақалоқ, лекин...

Абдуманнон ака ютиниб олиб, Лобарга қия назар ташлади, гапини давом эттиролмади.

— Неваралардан нечта? — ўтқир нигоҳини қадади Лобар.

— Учта.

— Бақалоқ бўлсаям хотинингиз бор экан, неваралардан ҳам худо берибди. Бундан чиқди, келинингиз бор, эҳтимол, куёвингиз ҳам йўқ эмасдир. Нима жин уриб, менга уйланмоқчисиз? Биладан, ёшман, келишганман, қолаверса, айрим эркаклар сабаб-бесабаб ёшини тусаб қолади. Айниқса, пули кўпайса, хотинни иккита қилишни хоҳлаб қолувчилар сон-мингта. Ҳа, нима дедингиз?

— Никоҳ, бу — ҳалоллик! — бўш келмади Абдуманнон ака. — Шундай домлаларни кўрдик, Лобархон, ўз талабаларига кўз олайтиришдан тоймайди. Бир гал мени ҳам рўпара қилишди. Декан ўринбосарининг микрорайонда квартираси бор эди. Тушликка таклиф этишди. Нар-бері жиҳозланган махфий ишратхона, астаффируллоҳ. Ўринбосарнинг рўпарасига ўтирганимни биладан, ошхонадан патнис кўтарган таниш жувон чиқиб келди. Ким денг? Сиртқи бўлимда ўқийдиган талабам.

Унинг эри, бир нафар фарзанди борлигини биламан. Яна шуни биламанки, у ҳусн-латофатда тенгсиз! Қадди-қоматига маҳлиё бўлмаган эркак йўқ! “Сиз нима қилиб юрибсиз?” — дея кўзларим қинидан чиқиб кетаёзди. У эса ўринбосарга “ўзингиз жавоб беринг” деган маънода карашма қилади. Ноилож, бирга едик-ичдик. Аммо мен зинога ботмадим. Жувон имтиҳондан керакли баҳо олиши зарур экан, “Маили, шу пиширган овқатингиз учун ҳам қўйиб бераман”, дедим. Очиғи, ундан нафратланолмадим. Декан ўринбосарига нисбатан ҳавасми, ҳасадми, шу вақтгача менга, бегона бўлган туйғу тугён-урди. Гарчи бузуқчилик қилмаган бўлсам-да, хаёлим ўша жувонда эди. Лобар, мен сиз ўйлаганчалик ёмон эмасман.

— Сизни ёмон деб ўйлаётганим йўқ, — деди Лобар елка қисиб. — Бадгумон одам экансиз. Тўғриси айтсам, менга уйланмоқчи эмассиз. Асл ниятингиз бошқа.

Абдуманнон ака бола каби бўрнини тортиб қўйди-да, бош чайқади “Нексия” шак-шубҳасиз шаҳар четига йўл олган эди.

— Зийрак экансиз, Лобар. Лекин асл ниятим сизни бузуқчиликка тортиш эмас...

Лобар “оббо, ҳароми-ей” дегандек нафрат ила бошини сарак-сарак қилди. Нима бало, агар истаса, фаҳш йўлига торта олармиди шу нўсха?!

— Телефон рақамим ва иш жойимни ким маълум қилганини айтсангиз, асл ниятингиз нималигини айтаман.

— Ниятимни шундоқ ҳам ўзим айтаман, фурсат келсин, шошилманг.

— Бироқ ўғлим ҳақида ёлгон сўзласангиз сизни кечирмайман. Ким бўлишингиздан қатъи назар!

Абдуманнон ака бир нима демоқчи эди, айтмай қўя қолди. Бир оз жим кетишди. Асфальтдан ҳовур кўтарилар, олис уфқда пахтадай лўппи булутлар кўзга ташланар, тепаликлардаги майсалар сония сайин қовжирар эди.

— Хўп, ўзимни қийнаган саволга ўтаман, — деди Лобар.

— Боя машинага чиққанимдаёқ сўрамоқчи эдим, лекин кутган жавобимни эшитмасликдан қўрқиб тилимни тийгандим.

— Хуш...

— Ҳозир ўғлимни тирик ҳолда кўрсатасизми? — Лобар гапираётиб бирдан ҳолсизланди.

— Асл ниятим... — чайналди домла. — Асл ниятим йўқ. Мен бировнинг топшириғини бажараяпман. Телефон рақамингизни, дўконингиз манзилени у берди.

— Ўғлим ҳақидаги гапингиз ёлғонми ҳали?! — қичқирди Лобар.

— Ўзингизни босинг, сизга уйланмоқчи эмасман. Ёлғон бўлса, фақат шу гапим ёлғон! Ўғлингизни эса у кўрсатади. — Домла “Нексия”ни шаҳар қабристонига элтувчи тор асфальт йўлга бурди. — Шартига кўнинг, вассалом.

Лобарга, албатта, бу қабристон таниш эди. Ахир, Парвизни дафн этишган. Тоғасининг мозори ҳам шунда. Биринчи эри ҳисобланмиш тоғаваччаси ҳам. Абдулла ака ҳам... Хизматга кириб, Москвада ўликлари хор бўлган йигитлар ҳам, эҳтимол, шу тупроқда ётса, руҳлари таскин топармиди...

Машина бурилган заҳоти қабристон дарвозаси очилган эди, кирганданоқ ёпилди. Лобар бемажол қадам босди. Сўнг дарҳол ўтирди-да; тиловат қилиб, юзига фотиҳа тортди. Парвиз гўрдан ўғирлаб кетилгани исботлангач, мазор бузиб ташланган, гул экилган эди. Абдуманнон ака Лобарни ўша ёққа эргаштириб кета бошлади.

— Тўхтанг, — деди Лобар ярим йўлда. — Сизни ёллаган одам ким? У ростдан ўғлимни... Тирик ўғлимни кўрсатадими?

— Шу ёшимда, домла бўла туриб бу ишга аралашиб қолганимдан қаттиқ ўкинаяпман, Лобархон. Мени қийнаманг, ҳозир кўрасиз, гаплашасиз.

— Кимни? — аччиғи чиқиб кетди Лобарнинг. Эзма ўқитувчи уни қонга ташна қилаётганди. — Ўғлимними, қандайдир аблаҳ товламачиними?!

— Кечирасиз, лекин мен ёш болани кўрмадим... у йўқ...

Лобар йиғламоқдан бери бўлиб қўлларини мушт қилди.

Дам Абдуманнон акани бўғиб ўлдиргиси, дам додлагиси келарди. Тўппончасини ёнида олиб юрмагани учун ўзини қарғади.

Ўқитувчининг кейинги гаплари қулоғига чала-чулпа эшитилди:

— Уйланаман, деб алда деган... йўлда ростини айтдим-ку, лекин кечиринг... Ўғлим Россияга кетиб, унинг қўлига тушиб қолган... Мени шу сабаб танийди у.. Ана...

Лобар баланд-баланд қабртошлар орасидаги кимсани кўрди. Худди қайсидир қариндошининг хотирасини ёдга олаётгандек тек турарди.

— Ўшами? — деди Лобар гижиниб.

Ҳалиги кимса дарҳол йўлакка чиқиб, “қарталар маликаси”га юзма-юз бўлди. Лобар таниди: у полковник Иволгин эди.

— Салом, — деди Иволгин шляпасини ечиб, бошини силаркан. — Ёзда Осиё қабристонлари бу қадар жазирама бўлишини тасаввур ҳам қилмагандим. Ишонасизми, ҳар бир кесак лангиллаган чўғ.

— Энди гапингиз ўтмайди, Иван Антонович. Ўғлим қўлингизда эканлигида одамдай ҳисоблашмадингиз.

— Манави тўнка таклифимни етказдими? — деб Иволгин мундайиб турган Абдуманнон акага ишора қилди.

— Бу қанақаси, ўртоқ... — мингирлади Абдуманнон ака ўсал бўлганидан қип-қизариб.

— Учир овозингни!.. Айтгандай до-мул-ла дейишдими сени? Бор, домуллагингни қил! Бу ердан туёғингни шиқиялат!

— Ўғлим...

— Ўғлинг қамалмайди. Ишонмасанг, Челябинскка бориб кўр, телефон қил, интернетдан хат ёз. Йигирма минг рубль учун юборгансан-а? Домулла экансан, ўқитсанг ўласанми?!

Иволгин аччиқ-мазах сўзларини ёғдириб, яқинлашиб келди. Абдуманнон ака тезда жўнаб қолди.

Лобар полковник хийла чарчаганини, қариганини, салкам чолга айланиб қолганини кўрди. Ўзича тахминлаб, унда қурол йўқ, деган хулосага келди.

— Хўш, довдир таклифимни тўлиқ тушунтиролдими?  
— Турмушга чиқишга розилик билдирсам, — деди Лобар,  
— ўғлим қаердалигини кўрсатасиз...

— Шундай, шундай, — истеҳзоли кулимсиради Иволгин.  
— Майна қилманг, сиз уйланмайсиз. Аҳир, нав-  
қиронлигингизда хотиндан ижирғаниб, кунингиз  
фоҳишаларга қолганини биламан-ку. Боз устига, сиздай  
одам муҳим сирни ўзи мутлақо ижирғанадиган нарса учун  
алишадими?!

— Уйланмоқчилигим рост...

— Икки дунёдаям хотинингиз бўлмайман! Қани, нима  
кароматим эвазига ўғлим қаердалигини кўрсатасиз,  
гапиринг. Шунчаки алдаш учун Россиядан сарсон бўлиб  
келмагандирсиз?!

— Вой, рост деяпману, — кўзлари чақнади Иволгиннинг.  
— Менга турмушга чиқишга розилик беринг. Шунчалар  
ёқимсиз одамманми?

У қимор туфайли ишидан, обрўйдан, юз минглаб  
долларларидан айрилди. Энди Лобар керак, катта  
қиморхоналарда қоп-қоп пул ютадиган жодугар қиморбоз.

— Сизга нега мен кераклигимни билиб турибман,  
полковник.

— Нима учун хотинликка олмоқчи бўлаётганимни  
айтишимга шароит яратмаяпсиз, Лобар. Воҳ, қуёш ёндириб  
юборади ҳозир.

Иволгин сал наридаги қияликда тарвақайлаган толга  
имо қилди. Бироқ Лобар оҳиста бош чайқаб, жойидан  
жилмасликни маълум қилди.

— Тезроқ гапиринг, кетишим керак, Иван Антонович.  
Ўғлим чеченларнинг қўлида. Сиз қаердалигини қандай  
кўрсатмоқчисиз?

Иволгин Парвизнинг мозоридан қолган жойга нигоҳ  
ташлади.

— Юринг, — деди у.

Лобар эргашиди. Полковник найча қилинган қоғозни

олиб, текислади. Дунё харитаси эди бу. Тўртта кесакни бостиргач, қўлини қоқиб, Лобарга ўтириш учун жой кўрсатди.

— Менга қаранг, — деди полковник, — ҳақиқатан, уйланмоқчи эмасман. Хотин зотига тупурганман! Лекин аёл зотига эмас! Аҳир, онам аёл, сиз аёл, Терешкова аёл, Жанна Д'Арк аёл... Уйланиш ҳақидаги гап эса — ҳийла! Сиз менга турмушга чиқасиз, расмийлаштирамиз. Сўнг “асал ойи” баҳонасида саёҳатга жўнаймиз. Шундай саёҳатки, юрган йўлимиз бизни Парвиз яшайдиган уйга олиб боради.

— Ўша уйгача нечта қиморхонага кириб ўтамиз? Умуман, бунинг учун никоҳдан ўтиш шарт эмас, шекилли. Нима, қиморхонага “ЗАГС” қоғоз бўлмаса киритмайдими?

— Шартни мен қўяман, мушукча! Менсиз ўғлингизни тополмайсиз. Ва сизни манавинақа бир ҳовуч тупроқ билан ҳам алдаб кетишаверади. — Полковник харита остидаги эгасиз мазор қолдиғига бармоғини нуқиди.

— Сизга эргашишга розиман, — деди Лобар. — Битта хонада ҳам тунайман. Лекин на хотин, на ўйнаш бўламан. Битта ортиқча ҳаракатингиз темир тобут билан ўлчанади, келишдикми? “ЗАГС” деган даҳмазага эса ўрин йўқ.

Иволгиннинг кўзлари бежо ўйнади.

— Ўҳҳ!.. — деб Лобарга қўл узатганда, ичкиликнинг қўланса ҳиди кўнглини айнитди. — Демак, бугундан бошлаб хотинимсиз?

— Менга нисбатан “хотин” сўзини ишлатманг. Вақтинча қарта столида шериклик қиламан, холос. Энди айтинг, ўғлим қаерда? Агар Италияни кўрсатсангиз, харитангизни йиртиб, юзингизга сочаман. Бёҳазил! Чеченлар Аноснинг хазинасини топиш учун ўғлим билан мени айирбошлаганини ўзингиз айтгансиз. Яна эски гапни эшитганимдан нима фойда?! Менга болам яшаётган шаҳарни, кўчани ва уйни кўрсатиб берасиз.

Иволгин сабр-ла тинглади. Ҳеч қандай ташвиш зоҳир бўлмади кўпни кўрган афт-ангориди. Қайтага, тобора завқланаётгани сезилди.

— Бу кичик масштабли жаҳон харитаси, миссис Иволгин!  
— лабини ялади полковник. — Ҳатто, баъзи мамлакатлар  
нуқтадай жой олганда, кўча ва уйни қандай кўрсатай!  
Аммо-лекин ташвишланманг, болангиз Италияда эмас. У  
мана бу ерда!

Лобар. Иволгиннинг тирноғи ўсган бармоғига қаради:  
Япония! Ҳа, у Японияни кўрсаткич бармоғи билан босган  
эди.

— Бўлиши мумкинмас! — деб юборди Лобар.

— Нега мумкин эмас?! У айнан манави ерда, Токиода.  
Аниқроғи, шаҳар четида.

Лобар шубҳа ва хавотир инган кўзларини полковникка  
қадади. Қўллари беихтиёр ёқасига ёпишди. Иволгин  
мункиб кетди.

— Парвиз қачондан буён Токиода? Ким олиб борди у  
ёққа?! Ким? Молдай сотишдимиз япон қиморбозларига?!

— Японларни шунчалик ёмон кўрасизми? — дея полковник  
ёқасини халос этди-да, харитани йиғиштирди. — Бунчалик  
қўрқмасангиз. Мен шундай даврага олиб бораманки, унда  
қарта, пул, кокаинни маъбуд ўрнида кўришадиган одамлар  
тўпланади. Ўғлингизни қўшқўллаб тутқазишади, агар...

— Тўхтанг! — Лобарнинг нафаси бўғзига-тиқилди. — Аввал  
саволимга жавоб беринг. Парвиз қачондан бери Токиода?

— Бу жуда муҳимми?

— Муҳим! Муҳим! — ҳайқириб юборди Лобар.

Полковник ҳам безовта бўлди. Лобарнинг тирсагидан  
тутиб, қабристон дарвозаси томон етаклади.

— Кўприк устидаги воқеадан сўнг, — деди у, — бутунлай  
хонавайрон бўлдим. Буни яхши биласиз, хоним! Шунча  
вақт таъқибда яшадим. Одам ўз мамлакатига ҳам беғона  
бўлиб қоларкан. Вазирликда ишлаганимда, айниқса,  
бошқармада хизмат қилганимда товонимни яловчилар  
бижғиб кетганди. Бир куни Барнаулда патрул хизматидаги  
ёш йигит-сержантча ушлаб, бўлимга олиб борди. Маст  
эдим. Ҳатто, тепкилашди, ярамаслар! Ахир, мен ким — улар  
ким? Милиция полковнигини тепди-я, итвачча!

— Илтимос, менга хотираларингизни гапирманг. Ўғлим қачондан...

— Бўлди, бўлди! Барнаулни бекорга тилга олдимми? У ерда бир одам билан учрашдим. Май ойининг охирларида жаноб Парвиз бир тўда ялангоёқлар билан Токиога ташриф буюрибди. Менга шуни маълум қилди. Кейин уларнинг изидан тушдик. Афтидан, қаланғи-қасанғилар тўдаси Италияда омадсизликка юз турган кўринади. Токиода эса қандайдир даромаднинг ҳидини олишган. Лобар, гапларим аниқ ва бурро жаранг топиши мумкин эди, афсуски, Россия, Италия, Япония бўйлаб изқуварлик қилишни чўнтагим кўтармади. Ростини айтсам, Токиога бир марта бордим. Сўнгги чақам қолгунча нақ бир ой кездим. Болангизнинг яшаш жойини аниқлаб, Москвага қайтдим-да, қарз олиб, бу ерга учдим. Ишонсангиз, ҳозир Токиога учадиган самолётга оддий чипта ҳам сотиб ололмайман.

— Алдамаяпсизми, Иван Антонович?

— Камбағаллигимни кўзларим ҳам айтиб тургандир?

— Э, уни сўраганим йўқ. Ўғлим ростдан Токиодами?

Иволгин мазах қилаётгандай қилиқ қилди ва бармоғини кўкка дикрайтирди. Сўнг тавба йўлида таъзим қилиб, деди:

— Парвардигори олам шоҳид!

Улар катта кўчага чиқишиб, такси тўхташиди. Лобар оғир хаёлга толганди. Ёнидаги кимса иблис ҳам, сохта Иволгин ҳам эмас. У ўша полковник, ўша Иволгин. Лаънати пакана, лаънати калбош! Бироқ унинг ичи қанақа? Одамнинг ташқи кўриниши ўзгармаслиги мумкин, ичи ўзгарса борми!..

Бир вақтлардагидек ўзини энг зўр одам санамай кўйган бўлсаю бир бойлам доллар эвазига япон қиморбозларига малайликка ёлланган чиқса-чи?! Ахир, яқиндагина пайдо бўлмадими япон қиморбозлари муаммоси! Қувоннинг ёшгина хотинини ҳаммомда ўлдирганликда гумон қилинаётган “Широи одори” жинойи уюшмаси қароргоҳи ҳам Токио четида жойлашганми?!

Қувон! Қувон деган яқин дўсти, қасоскори, халоскори... ҳозир Токиода-ку! Лобар бормоқчи эмасди. Қувонни ҳам



қайтармоқчи эди, бу борса-келмас йўлдан. Не тонгки, ўзининг ҳам қисматига кунчиқар мамлакат сарғузашти ёзилган кўринади.

Лобар шу тобда фолбиннинг башоратини эслади: агар қимордан қайтмаса, атрофи сув билан ўралган тошлоқ маконда отиб ўлдирилади.

“Қимордан қутулолмадим, — ичида хўрсинди Лобар. — Ҳеч қутулолмадим. Ягона ғрзуим энди қутулиш ҳам эмас. Боламини кўриш, ватанга қайтариш, онажонимнинг қўлига топшириш. Сезаяпман, уни мен вояга етказмайман. Бу қабиҳ йўлда мени эрта-индин барибир ўлдиришади. Уларнинг қўли узун. Ер шарини кучоқлашга етади бу қўллар! Қарта ўйнашга мослашган панжалар. Аёл панжалари ҳам бор. Масалан, мендан ташқари жодугар Кэтрина!... Кэтрина!”

Такси Лобарнинг уйи орқасида тўхтади. Машинадан тушиб, дарвоза калитини бураётганда ҳам хаёлида қимор олами ва Кэтринанинг совуқ нигоҳи жо-бажо эди.

— Ўзингизнинг уйингизми? — креслога ўтириб, оёғини чалиштирган полковникнинг оғзидан суви қочди. — Браво! Браво! Мана, шарқона ишбилармонлик! Ўзлари чет элда сарсон юрса ҳам уйни боплаб безайди булар.

Лобар чой дамлаш баҳонасида ошхонага чиқди. Меҳмонхонадан Иволгиннинг пичинг аралаш хитоблари эшитилди. Бир дам ўйга толди: полковник алдаяпти, деган хулосага келди. Унга Лобарни алдаб Токиога олиб бориш топширилган. Балки “Широи одори” уюштираётгандир, балки “Якудза” мафияси. “Ситора” меҳмонхонасидаги анави Накамура турган бўлиб чиқса-чи, бу ўйиннинг бошида!

— Йўқ-йўқ, — пичирлади Лобар ўз-ўзига. — Мен жодугар Кэтринага берган ваъдамини буздим. Дунё қиморхоналари энди унинг назоратида эди-ку. “Ситора”да Накамурани ютдим. Ҳа, япон қиморбозини ютдим, Қувон ҳам ютди... Аблах полковник эса Кэтринанинг малайи...

Лобар тўппонча яширилган ғаладонни тортди. Мана филофида ётибди. Ушлаган ҳам эдики, ортидан Иволгиннинг овози эшитилди:

— Ҳа-я, бир нарсани айтиш эсимдан чиқибди, Лобар. Хоҳлайсизми-йўқми, иккаламиз бир аёлни ўлдиришимиз...

Лобар ғаладонни қаттиқ итарган эди, графин ағдарилиб кетаёзди. Иволгин чаққонлик билан кўл чўзиб, тутиб қолмоқчи эди, Лобарнинг ўзи кичик бахтсизликни бартараф этди.

Гапи бўғзида қолган Иволгин жувоннинг ўткир, айёрона, жодуваш кўзлари қаршисида бир нафас каловланди.

— Хўш, иккаламиз тил бириктириб қайси аёлни ўлдиришимиз керак? — сўради Лобар. — Менга бу анча ғалати туюлаяпти. Наҳотки, милиция полковниги билан бирга аёл зотининг қонини тўксам?!

Иволгин унсиз бош қимирлатиб, стул томон чекинди. Аммо ойнаванд жавонда бир қатор тизилган ароқ, вино, коньякларга кўзи тушиб, очофатларча ёпишди. У бутилкани очиб, пиёлани тўлдириб ароқ қуяётганди, Лобар яна сўради:

— Кутапман, Иван Антонович, ўша аёл ким?

— Менимча, сиз уни жуда яхши биласиз, — Иволгин қадахни жигилдонига қуйиб, газак ахтарди. — Икки йилдан буён у худди тўфон каби қиморхоналарни ўз домига тортаяпти. Қамалмасингиздан илгари унчалик машҳур эмасди. Айниқса, бизнинг Россияда! Дастлаб шунчаки устомон қартабоз деб ўйлагандим. Биласизми, кейин нима қилди? Йирик қиморхоналарни эгаллаб олди. Қандай эгаллаганини тушунтириб ўтирмайман, ўзингизнинг хабарингиз бўлса керак.

— Тўфон денг...

— Ҳа, Америка тўфони.

— Кэтрина.

— Тўппа-тўғри, — деди Иволгин, — билар экансиз-ку. Худди ўша Кэтрина.

Бир оз хомуш тортган Лобар Иволгинга қарамасдан сўзлади:

— Иван Антонович, менга ўғлим керак. Бошқа машмашаларни тиқиштирманг.

— Узункулоқ гапларга қараганда. Кэтринанинг одамлари Японияда ҳам изғиб юришибди.

— Шуни биламанки, — деди Лобар, — япон мафиозлари хийла жиззаки бўлишади. Улар қиморхоналарига аллақандай аёл хўжайинлик қилишларига қараб ўтиришмайди.

— Гапимни нотўғри тушунманг, Лобар. Жодугар Кэтрина мафия назоратидаги қиморхона, ундан тушаётган даромадни тортиб олишга очиқдан-очиқ уринмайди. У қартабозларни бирин-кетин сафдан чиқаради. Қиморхона қиморбозлар мавжуд бўлгани учун ҳам гуллаб-яшнади. Шуни унутманг, Кэтрина мафияга даромад келтирадиган аёл. Бироқ унинг ўргимчак тўрлари домига тушган қиморбозлар ё ем бўлади, ё бутунлай қорасини ўчиради.

— Ё ёмғир ёғади, ё ёғмайди, демоқчимисиз?

— Лобар, битта мисол айтай. Бойлардан биттаси мафиянинг паноҳида яшайди. Мафияга қарам қиморхонага ҳам тез-тез боради. Чўнтагидаги пуллар жиноят уясига икки томондан оқиб тушмоқда. Кэтрина истаса, ўша қиморбоз-бойни йўқ қилади. Қандай йўл билан? Ёлланма қотил юборса, дўқ урса, Кэтринанинг ўзи қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Мафия одамига зуғум қилиб бўладими?! Жодугар ўзгача-усул-қўллайди: фурсат топиб, бойни бошқа жойга, яккама-якка ўйинга таклиф этади: Ютади! Сўнгги чақасигача шилади! Истаса, шарт қўйиб, ютуқ пулларини қайтариб беради. Хуллас, мақсадига етади! Энди тушунгандирсиз; бизни биргаликда кўрса қон босими ошади, қўлидан келгунча ёмонлик қилади, ўғлингизга етиб боришингиз мушкуллашади.

Лобар чой дамлади, патнисга ул-бул ширинликлардан қўйиб, меҳмонхонага йўналди. Иволгин бутилкани кўтарганча эргашди. Оғзи вайсашдан тинган заҳоти:

— Қарта ўйини учун одам ўлдирмайман, — деди Лобар. — Япон қиморхонасига бошлаётганингизнинг ўзи йирик жиноят. Қанийди, ўғлимдан бир мужда келса-ю сиз кераксиз бўлиб қолсангиз! Орқангизга-тепиб, кўчага ҳайдардим.

Полковник букчайиб ўтирганиданми, кичрайгандек

туюлди. Гўё ўз фикри ҳақида қаттиқ бош қотириб, жувоннинг таъналарини эшитмагандек, пўнғиллади:

— Бошқа машмашаларни тиқиштирманг, дейсиз, булар бир-бирига чамбарчас боғланган. Кэтринани йўқотмасдан эркин юролмаймиз. Айтгандай, ҳожатхонангиз қаерда? Боядан бери нимадир эсимдан чиққанини пайқаяпману нималигини билолмаяпман.

Лобар ички ҳожатхона эшигини кўрсатди. Ортидан кузатиб, ҳожатхона томон гандираклаб кетаётган пиёнистага нечоғлик ишониш-ишонмаслик ҳақида ўйларди...

Тўппонча ўқталиш орқали гап сўраш ниятидан қайтди. Яхшиси, йўриғига юраётгандек кўрсатади ўзини. Мабодо, Токиога борсалар, аввало Парвизнинг қаердалигини аниқлайди. Майли, Иволгиннинг тихирлиги билан битта-иккита қимор ўйинида иштирок этади. Аммо фурсат келганданоқ, полицияни аралаштириб бўлса-да, ўғлини халос қилади. Кўради, гаплашади, тўйиб-тўйиб ўпади, йиғлайди. Ҳеч ким ажратолмайди она-болани. У боласини ватанга қайтаради, қандай қилиб бўлса ҳам қайтаради.

Тушликдан сўнг Иволгин ванна сўради. Битта коньяк ва қизил қутили шоколадлардан олди-да, ҳаммомга кириб кетди. Шу заҳоти Лобар ижирғанган ҳолда диванга ўтирди. Телефон тугмаларини босди.

— Алло, Абдуманнон, музлатгичлар тўлдими?

— Ҳа, чўчқа гўшти сиғмай қолди, опа.

— Қанақа чўчқа гўшти?

— “Меҳриқул ҳожи” фирмаси билан шартнома тузгандик-ку; ой охирида колбаса ва сосискалар...

— Нима, “Меҳриқул ҳожи” чўчқа гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадими?

— Мол ва товуқ гўшtidан ташқари...

— Бас! “Чўчқа”ларини қайтариб беринг! Қайтиб олмаса ахлатга ташлаб, шартномани бекор қилинг... Жой тайёрлаш керак...

— Музхонаданми?

— Йўқ, алоҳида квартирадан. Бир меҳмон бор. —

Лобарни аччиқ кўлги қистади. — Музхонадан дейсиз-а!  
“Суғдиёна”даги квартира таъмирдан чиққанми?

— Боя калитни топширишди.

— Вақт тоғиб меникига келинг.

Аймо Иволгин Абдуманнонни кўриб, бурнини жийирди.

Сўнг Лобарни холироқ жойга чорлаб, деди:

— Бу ким?

— Тижорат ишларимга масъул одам. Сиз у билан кетасиз.

— Ҳайвон, — паст овозда сўкинди Иволгин. — Эсингиз жойидами? Йўқотинг уни.

— Бу ерда қолмайсиз.

— Қоламан.

— Унда мен кетаман, — деди Лобар.

Полковникнинг қорая бошлаган тишлари орасидан ҳаво фишиллаб чиқди. Алам билан ихрагани эди бу.

— Кўзимдан нари кетманг, Лобар, сизга маслаҳатим! Акс ҳолда... келажагингизда бахтли инсон бўлолмайсиз. Онт ичаман! Парвиз қаердалигини аниқлаб, лаънати одамфурушларнинг изига тушишим осон бўлди дейсизми! Менимча, сиз ҳалқингиздан уялаяпсиз. Одамлар уят иш қилишга уялмайдилару уялишга келганда уяладилар. Касал тушунча!

Ноилож қолган Лобар Абдуманнон томон ўгирилди, йигит ҳаммасини тушунди. Афтидан, у бекасига қандай одам илакишганини бир қарашдаёқ англаган эди. Афтангоридан Иволгиннинг қандай одам эканлигини ҳар қандай фаросатли киши уқиб олаверарди.

— Опа, мен кетдим, лекин асло ташвишланманг, — деди омборчи ўзбек тилида. — Иложини қиламан...

— Қўшни чол... — Лобар кўзлари-ла имо қилди.

Кечқурун эшик қўнғироғи жиринглади. Иволгин сигаретни кулдонга эзгилаб, Лобарни кузатиш учун дераза тагига келиб ўтирди.

Боягина иккови тил масаласида келишиб олганди: фақат русча гаплашилади.

Қулоғини динг қилди. Ростдан-да русча сўзлар қулоғига чалинди:

– Қўшни...

– Нима, Вадим бова? Бунча ташвишли кўринасиз?

Қўшни чол жувон олдида эркинсиб, рус қамоқхоналарида ўйлаб топилган сўкинишни кириш сўз ўрнида қўллади, дардини айтди: ароқ!

Иволгин кириб келаётган бир қўл чолни кўриб ғазаби тошди. “Лобар қанақа хотин?! — деди ичида. — Пиёниста, гадойларни ҳам киритиб, ароқ беравераркан-да. Ё атайин қилаяптими?”

– Ивашка ўлди, ёмон иш бўлди, — деди чол дераза ёнида ўтаётиб. — Бахтсизликдан дарак, ишқилиб, бало-қазодан асрасин.

– Ҳа, яхши ит эди, — деб қўйди Лобар.

Улар ҳовлидаги ошхонага кириб, бир оз гўнғир-гўнғир қилишди.

– Майли, — деди газак чайнаб чиққан чол, — бажараман, онагинам, бажараман. Фақат суғоравериш билан иш битадимми!

– Кечки овқатни ҳам бизникида ейсиз, — Лобар унга хайрихоҳларча жилмайди.

Меҳмонхонада Иволгин у ёқдан-бу ёққа юрарди. Тўкилмай қолган оқиш сочлари тўзғиб, соҳибини афтодаҳол кўрсатмоқда эди.

– Ким бу? — қўлини бигиз қилди Иволгин.

– Қўшним, — дея Лобар дастурхонни очди. — Бояқишнинг Ивашка лақабли ити ўлибди. Оппоққина, ақллигина эди... Эҳ, полковник, битта пиёниста келганига кайфиятингиз бузилиб ўтирибдими? У кунда-шунда. Бир қўлда бўлсаям анча-мунча иш бажаради, ҳатто, пайванд ҳам қилади. У бир вақтлар қўли гул инсон бўлган. Қамоқда кўп умри ўтган бечоранинг. Агар милиция полковниги эканлигингизни билиб қолсами...

– Ҳуш, билиб қолса нима бўлади? Дорга осадими?

Лобар истеҳзоли кулди.

— Овқат олиб келайми, Иван ака? Ростдан-да кайфингиз учиб кетди, шекилли.

Иволгин анграйиб қаради. Бекордан-бекорга жаҳл қилаётганини ўзи ҳам тушунмоқда эди. Лобар душманликдан нима фойда топади? Ўлдирадими, қаматадими? Ёинки қийноққа солиб, Парвизнинг қаерга яширилганини текинга билиб оладими?

Айёрона кулимсиради собиқ милиция амалдори.

— Мен ҳам у билан ейман, — деди-да, ташқарига йўл олди.

Қатқалоқ бўлиб қолган дарахт тагини юмшатишга эндигина киришган чол Иволгинга кўзи тушиб, тўхтади. У белнинг дастасини чап қўли билан тутар, ўнг қўлтиғи ила даста учини қисар эди.

Иволгин келгунича шу ҳолида қотиб турди.

— Салом, қария, — деди полковник. — Юзта отдингми, икки юзта? Айтмайсанми, мен ҳам ичардим, отамлашардик. Эҳ-ҳе, қамоқда анча-мунча ўтирган кўринасан.

Лобар ҳам чиқди. Сал нарида қўл чалиштириб, буларнинг гапига ноилож қулоқ солди.

— Агар Лобарни чертсанг, сени ўлдираман! — деди чол.

Лобарнинг кулгиси қистади. Қўшнисининг бунчалар тезоблигини билмаган эди. Ахир, унга ҳеч нима бўлмагандек сир бермасдан-шу ҳовлида ўралашиш топширилганди-ку.

— Ким айтди мени чертади деб? — қулочини ёзди Иволгин. — Лобар, жонгинам, манави, Карл ХПнинг истеъфодаги ёғоч аскарлари ҳали сизнинг соқчингизми?

— Соқчи эканлигини билмадим, лекин бу одам шу кеча меникида қолади.

— Ҳа, донг қотиб ухлаш учун бунақаларга жойнинг фарқи йўқ.

Шу вақт чол қўлидаги белни отиб юборганди, гиштин йўлакка тарақлаб тушди. Лобар у кайфи ошиб қолгач, азбаройи рашк қилганидан ёки ўзига топширилган иш эсига тушганидан жазаваси тутаяпти деб ўйлаганди. Бироқ кўтилмаганда чол полковникнинг ёқасига чанг солиб, шундай ўшқирди:

— Аблах, Антон боласи! Сени қайтиб кўрмайман, деб ўйлагандим!

— Мен ҳам, — мингиллади Иволгин ва ёқасини бўшатиб, бир қадам чекинди-да, синчков назар солди. — Сен... сен ўшасан! Қамоқдан қочган қўлсиз маҳбус! Бошимни қиморхонага тикқан малъун! Японларнинг малайи! Ё шайтон, кўзларимга ишонмайман! Сенмисан, Вадим?

Лобар шошиб орага тушди. Гоҳ Иволгинга; гоҳ кўшни чолга қарар, кўзларида бениҳоят ажаб ва ҳайрат акс этарди.

— Бир-бирингизни танийсизми? Тавба!.. Наҳотки... Таниш чиқиб қолганларингни!

— Буни танимай бўладими?! — ҳансиради полковник. — Дунёдаги энг бадахлоқ, айёр, иблиснуса одам мана шу. Асл исми Вадуд. Биз уни Вадим деб атардик. Пешонамдек тор экан дунё! Келиб-келиб шунинг уйи ёнидан кўним топанманми, жин ургур!

— Сенлар учун мен ҳамон кўрқинчли махлуқ эканлигимни биламан. Тушларинггаям кириб чиқишимдан хабарим бор. То тобутга кириб, қўл қовуштириб ётмагунингча таъқиб этавераман.

— Ҳа, айтдим-ку, бу қип-қизил арвоҳ! — чўқинди Иволгин. — Кишт, кишт-э!..

— Ораларингиздан шунчалар даҳшатли гап ўтганми? — Лобар қизиқсиниб, ҳар икковига аланг-жалаанг боқишдан чарчамасди. — Худди мени ҳайрон қолдиришга келишиб олгансизлар.

— Кетдим; — қуруққина хайрлашди Вадуд чол.

— Вадим бова, — тўхтатди уни Лобар. — Кетманг! Кетмаслигингиз керак...

— Умр бўйи мендан қочиб яшаган, — тишланиб гапирди полковник, — Қўяверинг, кетаверсин. Қочоқ ўз номи билан қочоқ-да!

Лобар бир илож қилиб уларни битта столга қарама-қарши ўтқизди. Ўзи ҳам жойлашиб оларкан, деди:

— Сизларнинг ўтмишларингиз аслида мен учун аҳамиятсиз эди. Бироқ ҳозиргина айтилган гаплар



ўйлантириб қўйди. Тушунишимча, сиз — полковник милицияда ишлаганингизда Вадуд бова жиноятчи бўлган, қамалган, қамоқдан қочган. Оқибатда шаънингизга доғ тушган. Иван Антонович, негадир бу кишининг дастидан қиморхонага кириб қолгансиз. Дубайда меңинг қиёфамни ўзгартиришга уринганингизда айтгандингизки, қиморга Пётр алкаш олиб кирган деб.

— Бу Пётр алкашнинг ҳаром тукигаям арзимайди! — бақирди Иволгин. — Нима, сиз уни Пётр деб ўйлайсизми?! Айтаяпман-ку, бу Вадим, лаънати Вадим чўлоқнинг тирик нухаси!

Лобар жаҳлдан қизариб, столни муштлади. Аёллик латофатини йўқотган кўйи қичқирди:

— Ўчиринг овозингизни! Ҳадеб одамни ерга ураверманг! Вадуд бова мен учун қадрли инсон! Билдингизми?!

Тўсатдан орага жимлик чўкди. Учови ҳам бир-бирига қарамасдан хўмрайиб олгандилар. Яқиндан, ошхонанинг очиқ эшигидан қайнаётган чой овози эшитиларди.

Лобар қўлини силкиб сўзлади:

— Вадуд қамоқдан қочган, мени қиморбозга айлантирган, японлар малайи — балойи баттар деяпсиз. Энди ётиғи билан тушунтиринг, бу одамчинг қиморга қандай алоқаси бору нега японларнинг малайи?

Вадуд чол ҳамон тескари қараган ҳолда:

— Тўнғизнинг нимаси полковник, — деб минғирлади.

Рақибни эса эшитмади, шекилли, фақат Лобаргагина жавоб берди:

— У шўро даврида, яъни қамоқхона бошлиғи лавозимида ишлаётганимда қочган. Қочмасидан аввал япон жиноятчилари билан битта камерада ўтирган.

Лобар тақдир унга туйқусдан ўзи ахтараётган одамни учратгандек яшнаб кетди. Ҳазоби аримаган ҳолда ярим қувониб:

— Бова, — деди, — сиз ҳақингиздаги шу гаплар ростми? Нега индамаяпсиз?

Чол негадир чучук тилда:

— Ҳаммаси рост эмас, — деб ёзғирди. — Қанақасига рост бўлсин? Мен қамоқдан қочиб, малъунга айландимми? Қимор ўйнашга мажбур қилдимми? Япон мафияси йигитларига эса ҳеч қачон малайлик қилмаганман. Агар билсангиз, мен империяга ҳам қарам эмасдим.

— Қанақа империяга? — тушунмади Лобар.

Вадуд бова қовоғини уйиб, Лобарга норозилик билан боқди. Кейин қачонлардир одат бўлиб қолгандек, атрофига шунчаки ўгринча қараб, деди:

— Совет Иттифоқига!

Полковник тўлқинланиб кетди.

— Ҳа, бу худди ўша! Вадим баттолнинг нақ ўзи!

— Мен Ивашканинг калласини олишга қасам ичгандим, — Вадуд чол ерга қаради, ягона муштуми тугилди. — Лекин қўлимдан келмади, яна қамалдим. Очiqқда юрганымда эса кўп ахтарганман. Бир қўл бўлсам-да... Айтгандай, Лобар, нега бир қўл эканлигимни шунча вақт суриштирмадингиз, мавриди келди, ўзим айтай, қўлимни манави жаллод кесиb ташлаган.

Чол гапининг сўнгида жаҳл отини жиловлаёлмай, пиёладаги сувни Иволгиннинг юзига сепди-да, бўралатиб сўкинди. Гарчи қўлни кесиb ташлашдек хунрезликка жавобан бу ҳаддан ташқари енгил норозилик эса-да, полковник юзига қон сачраган каби сесканиб тушди.

— Лекин биз прокуратура терговхонасида эмас, бир қартабоз аёлникида ўтирибмиз, — деди Иволгин. — Қўлингни мен кесганлигимни кимга исботлаб берасан? Ҳеч кимга! Мана, биринчи марта гувоҳ олдида юзингга айтаяпман: қўлингни мен чошиб ташладим, мен! Хўш, энди нима қиласан? Нима қилоласан?! Лобар гувоҳ бўлади дейсанми? Кечирасану унинг мен билан боғлиқ муаммоларининг ўзи етарли.

Лобар ўз дардидан чекиниб, сўради:

— Иван... наҳотки, сиз қамоқхона бошлиғи бўла туриб... Вадуд бовада нима қасдингиз бор эди?

— Вадим ўз билганидан қолмайдиган қайсар! Қамоққа ҳам шу феъли етаклаб келган. Қочишга ҳам лаънати

феъли айбдор. Бир қарасанг, обком биносига от билан кирган, бир қарасанг, Москвадан юборилган прокуратура терговчисини бўғиб ўлдирмоқчи... Босмачи!

— Ўзинг босмачисан! — ўшқирди-чой.

Иволгин ҳали ҳам юзини артмоқда эди. Вадуд чолни гапидан кулдими, қисматиданми, елкалари силкинди.

— Лобар, илтимос, бу этикдўзни йўқотинг!

“Қора қарта соҳибаси” ҳамсоясига узрхоҳ нигоҳ ташлади-да, чой дамлаб келишни илтимос қилди. Гап нимадалигини Вадуд чол жуда яхши тушуниб турарди. У бир оз қалтираб, жойидан қўзғалди, Иволгин ортидан хайр маъносида масхарабозларча қўл силтаб, ҳатто тилини ҳам чиқарди.

— Уни бошқа ҳақорат қилмайсиз! — қатъий шарт қўйди Лобар. — Бўлмаса, бизнинг йўлларимиз айро тушади, ҳурматли Иван Антонович.

— Ҳазиллашаяпсизми?

— Ҳазилнинг ўрни эмас! Боламни топиб беришни дастак қилиб, ҳаддингиздан ошаверманг. Ҳаққига кўчганда, сиз менинг ашаддий душманларимдан бирисиз. Йўқолган фарзандим бизни боғляпти, холос. Лекин у чўнтагингизда эмас-ку, истасангиз мана деб чиқариб берсангиз. У олисда номаълум кўчаларда...

Полковник столни чертиб, Лобарнинг гапларига қулоқ солди, аммо охиригача сабр қилолмай илжайди.

— Парвиз шундай ақлли бола бўлганки, кўриб кўзларингизга ишонмайсиз. Ширинлигини айтмайсизми, ваҳ-ваҳ. Қўлимда қанча яшаган бўлса, ҳар бир кун менга байрам эди. Оталик туйғуларим...

— Бас қилинг! Сизда инсоний туйғулар сақланиб қолганига ишонмайман!

Чол чойнакни тўқ эткизиб қўйди. Сендан енгилмайман дегандек ҳурпайиб ўтирди, кўзларида ғазаб учқунлари ялтирарди.

Полковник уф тортиб, янада бурилиб олди, аммо нақ Вадуд чолнинг уйига қараб қолганини сезиб, стулни икки қадам ортга силжитди, Лобарга кўзларини лўқ қилди.

— Қайноқ чойни сепиб юборса, уриб ўлдириб қўяман, — деди қовоғини очмай, — қулоқ-мияси соғ бўлса, тушунтиринг.

Лобар чой қайтарди.

— Вадуд бова, — деди мулойим оҳангда, — қандай ноҳақликларга дучор бўлганингизни англаяпман. Инсон учун бу — даҳшат! Лекин мени ҳам тушунишингизни истардим. Ёрдамингиз керак.

— Нима? — деди чол зўрға.

— Япон мафияси аъзолари билан битта камерада ўтирган экансиз, уларнинг исм-шарифи, Япониядаги манзили эсингиздами?

Иволгин пешанасига шап урди-да, жойидан туриб кетаёзди.

— Нималар деяпсиз, Лобар? Чолингиз саксонинчи йилларда ўтирган. Салкам ўттиз йил ўтди орадан. Ички ишларда ўттиз йил хизмат қилиш амримаҳолу мафияда осонми?

— Унга қулоқ солманг, Вадуд бова, менга ҳақиқатан ёрдамингиз керак. Ўғлим ўғирланганини эшитгансиз, ҳозир у Японияда деган тахмин бор.

— Телба! Фирт телба! — қичқирди Иволгин.

Лобар чой тўлдирган пиёла тутганича полковникка яқинлашди.

— Агар у киши япон жиноятчиларини эслаёлса, биз — учаламиз битта гуруҳ бўламиз, — деди овозини пасайтиб. — Бошқача бўлиши мумкинмас, Иван Антонович.

Шу лаҳзадаёқ чолнинг ҳирқироқ овози эшитилди:

— Уларни умрбод унутмайман, ҳаммаси эсимда, ҳаммаси... Мафия одамлари бўлса-да, милициядан инсофли эди Худо ёрлақагурлар... Манавинақаларни ажал олсин, илойим!..

Лобарнинг оғзи очилиб қолди. Иволгиннинг оқариб кетган юзи эса чолга барчасидан ёқиб тушди.

\* \* \*

Иволгин эртасигаёқ квартирага кетди. “Эр-хотинлик” хусусидаги чучмал режаси бир кун яшади.

Лобар эса Вадуд чолни асраб-авайлаш учун уйига кўчиртириб келди. Қўриқчи тайинлади. Бояқиш чолга эртақлардагидек тўсатдан шоҳона ҳаёт насиб этган эди.

Лобар кун бўйи ҳужжатлар билан овора бўлар, Қувонни суриштирар, интернетдан Токио шаҳрини, теварак-атрофларини фазо кемасининг фотохаритаси орқали кузатарди. Баъзан анча яқиндан, сабр билан кузатиб, дарахтларга ҳам кўзи тушарди. Муъжиза эди бу! Тараққиёт шу даражага етдики, одам ўз уйида ўтириб, ўзи яшаётган жойни, дунёнинг нариги чеккасини фазо кемасидан кузатиши мумкин. Аввал оқиш ерлар кўринади, яқинлаштириб бораверасиз, чизиқлар, бурмалар пайдо бўлади. Кейин шундай яқинлашасизки, машиналар, дарахтлар ҳам кўзга ташланади.

Лобар фазога учгандек бўлди...

Лобар ўғлини кўрди гўё. Мониторга қараб “Болам, қаерлардасан?” деб шивирлади, кўз ёшлари шашқатор оқди.

Кўп ўтмай ҳужжатлар тахт бўлди. Уст-бошлар олиниб, ўзларини қандай тутиш, ким деб таништириш, Японияда бир-бирлари билан қандай алоқа боғлаш келишиб олинди.

Гарчи битта рейсда учсалар-да, Иволгин ўзини буларга нотаниш кишидек тутиши керак эди. Лобар эса гўёки бобосини кузатиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Вадуд чол ҳам кичикроқ айёрлик ишлатди: собиқ камерадошларининг исм-фамилия ва манзилларини Японияга борганда айтаман, уларни ўзим топиб бераман, деди.

Лобар унга ишонди. Аслида Иволгин ҳам алламаяпти. Лобарни қийнаётган туйғу бутунлай бошқа: “Боламни шу сафар ҳам кўролмасам, тамомман!”

Аэропорт биноси ёнида машинадан тушганларида,

телефон жиринглади (телефонни ҳали Абдуманнонга беришга улгурмаганди). Лобар қўнғироқ кимдан эканлигини хаёлига ҳам келтирмай тугмачани босди:

— Алё...

— Алё, — деди нариги томондаги овоз ҳам.

Лобар таниб, эти жимирлаб кетди. Кулоқларига ишонмай:

— Қувон, сизми? — деб сўради.

— Ҳа, мен. Ҳозир қаердасиз?

— Мен... уйдаман, — алдади Лобар. — Сизнинг Токиода эканлигингизни эшитиб, йўл тайёргарлигини кўраяпман. Манзилингизни айтинг.

— Аввал ҳол-аҳвол сўрамайсизми? Мен уларни топдим.

— Кимларни?

— Ўша айтганим... қотилларни.

Лобар лабини тишлади. Ишнинг пачаваси чиққандек уф тортди.

— Қувон, — деди, — илтимос, улар билан жанжаллашманг, кўзларига кўринманг.

— Бунинг иложи йўқ. Лаънатиларни қанчалик қийинчилик билан топганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Мен-ку қандай йўл тутишни биламан, сиз-чи? Йўл тайёргарлигини кўриб, нима, Японияга келмоқчимисиз? Улар сизни бўлғуси қурбонлар рўйхатига ёзиб қўйишганига имоним комил. Аниқ билмасам-да, шундай хулосага келдим. Биз шохида юрган эканмиз, Лобар.

— Мени қўя тулинг..

— Шунга айтмоқчийдим, — деди Қувон.

— Ўч оласиз, лекин сизни тутиб олишади. Умрингиз қамоқда ўтишини истайсизми?! Қувон, энди гапнинг ростини эшитинг: мен ҳозироқ Токиога учаман. Соғ-саломат хурсандчиликда учрашишга нима етсин! Ўзбошимчалик қилиб, ўзингизнинг оёғингизга болта урасиз. Ахир, хурсандчилик...

— Зўрма-зўраки хурсандчилик кимга керак, Лобар?! Минг бир машаққат билан “Широи одори” қароргоҳини топиб, индамай изимга қайтаманми?! Хотиним уларнинг

буйруғи билан ўлдирилганини эса полицияга исботлаб беролмайман. Менинг ғамимни еманг, ўзингиз эҳтиёт бўлинг. Қўриқчи олинг.

— Меҳмонхонангизни айтинг, Қувон, мен чиндан бораман.

Қувон аччиқ ва ҳориган ҳолда кўлди.

— Нега унақасиз-а, Лобар? Токио қўшни шаҳарми сизга?!

— Меҳмонхона номини айтинг, — деди Лобар жиддий равишда.

— Ижара уйда турибман.

— Шу рақамга қўнғироқ қилиб, сизни топсам бўладими?

— Жинни! Шарт эмас. Агар қайтмасам, онамга гапимни етказасизми?

— Жинни мен эмас, сизсиз! Агар билсангиз, мен Японияга айнан сизни деб бормоқчи эмасман, шахсий ишларим чиқиб қолди. Бирйўла сизни ҳам бахтиёр кўрай деяпман-да, ахир.

Қувон хавотирга тушиб:

— Қанақа шахсий ишлар?! — деб бақирди. — Бўлиши мумкинмас! Токиога ишингиз тушдим, демак, бу тузоқ. Тавба, сиз бир неча озиқ-овқат дўконларининг эгасиз. Худди-каттакон-корхонаси бордек иш билан Японияга келишингиз менга жуда шубҳали туюлаяпти. “Ситора” меҳмонхонасидаги японларнинг ҳам қўли бор бунда.

— Балки корхонам бўлганда, бормасдим.

Қувон тушунди чоғи, хайрлашди.

— Хўп, Лобар... Вазиятни кейин айтарман. Ноилож... Агар келсангиз, шу рақамга телефон қилинг, уй эгасиники. Ўтинаман, бошқа ҳеч кимга ишонманг. Сиз хатарли йўл бошида турибсиз.

Полковник билан Вадуд чол Лобардан кўз узмай қулоқ солардилар. Шу пайт аэропорт микроавтобуси келди-да, ундан баланд бўйли учувчилар ва стюардесса қизлар тушдилар, яқинроқдаги мўъжазгина ресторанга кириб кетишди. Негадир Лобар уларга қараб қолганди, Иволгиннинг жаҳли чиқиб:

— Эй! — деб чақирди. — Қани, кетдик!

— Худди биринчи ҳаётимда стюардесса бўлгандайман, — деди Лобар ва телефонни Абдуманнонга тутқазди. — Булар чет эллик учувчиларга ўхшайди. Шаҳар айланиб келишди. Энди овқатланишади.

— Тупурдим уларга! — Иволгин қўлини узатди. — Телефонни бер, йигитча.

У дарҳол текширди-да, телефонни силтади.

— Бу нимаси, Лобар?! Япониядан қўнғироқ бўлибди-ку! Сизга ўзбекча гапирманг, дегандим! “Токио... Токио” деганингиздаёқ сездим. Ким эди у? — Полковник бирдан Вадуд чолга таҳдид солди. — Балки сен айтарсан, ахир, ўзбекчани биласан-ку, у бизни нима қилмоқчи? А?!

— Ҳеч нарса, — чол шундай деб аэропорт биноси сари юрди. — Юринглар. Ваҳима қилишнинг асло ҳожати йўқ. Японияда ўласанми, Россиянгдами, мурданга нима фарқи бор?!

— Қўрқманг, — жеркиди Лобар ҳам Иволгинни, — у яқин кишим эди. Шу рейсда Токиога учаётганимизни билмайди. Билганда ҳам сиз билан зиғирчаям иши йўқ.

— У куёв! — деди Вадуд чол. — Бир-бирига мисоли узук билан кўздай муносиб!

Иволгин ҳайрон бўлиб, атрофга аланг-жаланг боқди, аммо ҳеч ким қарамади. “Ҳазилми, чинми? — ўйларди у. — Куёв эмиш! Лаънати куёв! Шу вақтда Токиода бало бормикан?! Мен ўзимни куёв деб таништирмоқчи эдим-а!..”

\* \* \*

Бир вақтлар одамлар Самарқандга келиш учун неча ойлаб йўл юрган. Лобарнинг отаси асли самарқандлик эмас, вилоятнинг чегарадош туманидан. Ҳали машиналар қатнови йўлга қўйилмаган паллада шаҳарга келиб-кетишга бир кун вақт сарфланган. Кечаси эшак-арава ҳозирланиб, сафарга чиқилган, пешинда етиб келинган. Кечга томон чиқиб кетилиб, ярим тунда етиб борилган. Бугун эса бориш-келишга икки соат ҳам вақт кетмайди. Асфальт йўл, учар машина. Лобар самолёт ўриндиғида



мудрар экан, нечундир шуларни ўйлади. Қишлоқдаги қариндошлариникига бир вақтлар онаси олиб борганди. Узи тенги қизлар ҳам бор эди. Ҳозир нима қилишаяпти экан-а? Лобарни эслашармикан?

Бирдан энтикиб кетди. “Олис Токиога қадамим етади-ю қирқ дақиқалик йўлга боролмайманми? Нега уларни шунча вақт йўқламадим? Агар ўғлимни топсам, Америка, Англия, Пуэрто-Рикога эмас, дадамнинг қишлоғига кетаман. Киндик қони тўкилган жойларда яшайман. Менга уйланадиган бева деҳқон топилади. Қишлоқ аёлига айланаман, яна тугаман. Ун минг кишилик гавжум қишлоқ. Тўйлар, маъракалар, кўпкарилар...

Халқ ўтмишимни билиб олади, лекин ўзгарганимни кўриб, кечиради. Уйимга биронта бегона машинани йўлатмайди, олифта қиморбозларнинг оғзи-бурнини қон қилиб, машиналарининг ойнасини синдириб жўнатишади. Мафия битта ўқ отишга-да журъат этолмайди. Зеро, бу юртда қуролланган тўданинг ўзи йўқ. Бу заминда қароқчию босқинчилар бўлмайди энди. Қуролланган кишилар бир деҳқон аёлига ҳужум қилиш воқеаси юз берсами, ҳамма оёққа туради. Зўравонлар ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди. Ҳеч қаёққа қочиб қутулолмагани учун ҳам бу ерларда зўравонлар йўқ...

Бахтиёр кунлар қачон келаркин-а? Бошда рўмол, атлас кўйлақда бир уй хотин орасида шўх-шодон ўтирармикинман?..”

Келажаги кўз ўнгида воқе бўлди гўё. Бир меҳрибон она бўлади болаларига. Оҳ, Парвизни топишга ҳам шунчалар ишонч ҳосил қилдики, бошқача бўлиши мумкинмас энди.

Хаёлининг бир четидан Қувон сиймоси ҳам кетмасди. Бироқ Лобар борган сайин уни ўйламасликка тиришарди. Яхши ҳам, ёмон ҳам демасди. Қувонни танимасидан илгари ҳаётида йўқ эди у, ҳозир ҳам тўсатдан йўқ бўлиб қолишини истарди...

Ўйғониб кетди. Самолёт аэропортга яқинлашибди. Ҳаял ўтмай ўзини Токиода кўрди.

Кела-келгунча миқ этмаган Вадуд чол ойнаванд йўлакда зўр бериб Лобарнинг ёнида юришга ҳаракат қиларди. Муҳташам бинода ҳаёт қайнайди, карнайдан эълонлар жаранглайди. Бочкадай семиз сайёҳ хонимлар мудрайди, негрлар кўзга ташланади, икки ажнабий қучоқлашиб олишган, гўё бир-бирига елимланиб қолгану устани кутмоқда.

Лобар хушсуврат япон полициячилари аллакимни олиб кетишганини кўрдию юраги орқага тортди. “Мен ҳали ҳеч нарса қилмадим-ку, нега саросимага тушдим?” — деди ичида.

Ўз-ўзидан Иволгинни ахтарди. У енгсиз ола кўйлакда хотиржам, аммо илдам одимларди. Лобар полковникни оқ шимда биринчи бор кўриши. Унга пўрим кийиниш ярашаркан; лекин Вадуд чолга. Лобар муносиб кийим танлай олмади. Бир қўл чол ўтмиш асрлардан тирилиб келиб, бугунги фасонда кийинган тирик қароқчига ўхшарди, кулгиси қистарди кишининг.

— Аэропорт биносидан чиқмасдан бирданига метрога тушамиз, — деди Иволгин уларга етиб олгач, — орқамдан юринглар. Менимча, шаҳарга тўғридан-тўғри чиқсак ўзимизга қийин бўлади.

Ҳа, Иволгин кўпни кўрган туллаглигини исботлади. Тобора қариб-кексайиб бораётган афт-ангори ким эканлигини очиқроқ ошкор этмоқда эди. Одамнинг феъли юзига урса балки атрофдагиларга яхшидир...

Лобарнинг меҳмонхонада қилган биринчи иши пардани очиб атрофга боқиш бўлди. Шунчаки кўз югуртирмоқчи эди, аммо рўпарадаги бинолар ортида, олисдан ярқираб денгиз кўринди. Бир неча кемалар ҳам кўзга ташланарди. Бири шитоб билан кўздан йўқолди.

Лобар эслади: бу ерни интернет орқали фазодан кузатганди. Сунъий йўлдошдан олинган тасвирда ҳам бухтадаги кемалар акс этган эди.

“Парвиз ҳам денгизга маҳлиё бўлгандир, — кўнглидан кечирди “қора қарта соҳибаси”. — Наҳотки, у билан битта шаҳардаман?! Қаерда экан-а ҳозир? Сеҳрли кўзгу бўлганда... Мени кечир, болам. Аммо қасам ичиб айтаманки, бу

гал сени халос этмасдан қайтмайман. Фақат... шу ердан топилсанг... Мафияга ҳам, жодугар Кэтринага ҳам бас келаман. Ожиз қолган онанг мана энди кучини кўрсатади! Уларга шу керак, шекилли”.

Кечки овқатдан аввал Қувонга сим қоқди. Япон аёли билан тил топишиш қийин эди. “Ўзбекистон”, “Қувон”, “турист” деди, барибир тушунмади. Балки Қувонни чақиришни истамагандир.

Таржимон топиб келганда эса телефон ўчириб қўйилганди. Лобар ҳаммасига қўл силтаган кишидек бир ҳузур қилгиси келди.

— Вадуд бова, кетдик, овқатланамиз, — деди чапанилик билан.

Истаган таомларини едилар, истаган ичимликларини ичдилар. Бир вақт ресторанга Иволгин кириб қелди, устмас-уст ароқ ичди. Сўнг япон официант қизларининг қалта юбкаларига кўзини лўқ қилганча бурчакка пусиниб олди. Майшатга муккасидан кетган собиқ амалдор эканлиги шундоққина пешонасига ёзиб қўйилганди.

Ресторанда буларнинг ўзларидан бўлак шубҳали кимсалар кўринмасди. Лобар ўрнидан туришга чоғланган эди, буфет томондаги телевизорда асабий полициячиларни намойиш эта бошлашди. Кейин хароб кўчада ўқлардан илма-тешик бўлган машина, устига қорамтир мато ёпилган мурда пайдо бўлди. Япон тилини бидмайдиганлар ҳам тушунишди: хилват кўчалардан бирида жиноятчилар кимнидир отиб кетишган.

— Мана сизга мафия, — пичирлади Лобар. — Осон эмас, эй Худойим, осон эмас... Ҳеч қачон осон бўлмаган булар билан ўйнашиш...

Алламаҳалда ҳам Иволгин қорасини кўрсатмагач, Лобар ўрнидан турди. Вадуд чол винодан сўнг ўликдай қотиб ётарди.

Эртадан бошлаб учаласи бирданига ишга киришиши лозим эди. Ресторанда валақлаб ўтиришнинг вақtimi ҳозир?! (Бунинг устига Лобарнинг ҳисобидан).

У Иволгиннинг хонаси томон юрди. Йўлакда ҳеч зор кўринмасди. Биринчи тақиллатишданоқ ичкаридан овоз келди:

— Ким у?

— Мен, — деди Лобар. — Гаплашиб олишимиз керак.

Полковник тиржайиб қабул қилди. “Ёш аёл ярим кечаси эркакнинг номерида нимани гаплашади?” — деб димоғидан гапиргани Лобарга чала-чулпа эшитилди.

— Масхарабозликни йиғиштиринг, — қўрс ҳолда деди Лобар. — Сиз бу ерга маишат қилишга келганингиз йўқ, кўп ичдингиз.

— Қарта ўйнаяпман, — дея столга ишора қилди полковник. — Келинг, бир-икки қўл ташлашамиз. Ана, коньяк ҳам бор. Ҳар танаффусда эллик-эллик отиб турамыз.

— Қўйинг бу гапларни, ўғлим яшаётган уйни эртага кўрсата оласизми, Иван Антонович?

Полковник кўз қисиб, қарта столи теварагидаги юмшоқ ўриндиққа ўзини ташлади. Рюмкаларга коньяк қуйиб, шоколад қутисини очди. Ишора қилган эди, Лобар қаршисига ўтириб, кўйлаги этагини товонигача туширди.

— Жавоб беринг...

— Тўғриси айтмайми? — деди полковник. — Ўғлингиз Парвиз қаердалигини билмайман.

Лобарнинг устидан кимдир совуқ сув қуйиб юборгандек бўлди. Безрайиб ўтирган одам бошини сарак-сарак қиларди:

— Билмайман... билмайман... билмайман...

Лобар тани-жони музлаб, ҳатто лаби ҳам жимир-жимир этганини ҳис этди. Ўзини босиб ўтирганига ўзи ҳайрон эди. Йиғлаб юбормаслик учун ўриндиқ чармини маҳкам гижимлаб тилга кирди:

— Иван... нима, алдаганмидингиз?

— Йўқ, лекин болангиз қаердалигини ростдан билмайман.

— Қ-қанақасига?

— Оддий... шунақасига... — Сўнгра бамайлихотир қош чимириб деди: — Япон қонунларига кўра сиз менинг

ўрнимга ўйнаёлмайсиз. Ҳар ким ўзи ўйнаши даркор. Лекин битта гуруҳ бўлиб ўйнашимиз мумкин. Шунинг учун мен ҳам анча-мунча қартабоз бўлишим шарт. Қўлим чиқиб қолган экан, қаранг...

— Минг лаънат қартангизга! — Лобар қарталарни уриб юборган эди, рюмка ҳам отилиб кетди. — Миллион доллар ютиш имкони туғилганда ҳам ўйнамайман! Тушунарлими? Алдаб нимага эришмоқчи бўлдингиз?!

— Эй, нега бақирасиз?! Бутун меҳмонхонани уйғотиб юбораяпсиз...

— Ўлдираман! — паст, лекин важоҳатли овозда деди Лобар. — Барибир ўлдираман, барибир... Мараз!.. Ўзингизни ким деб ўйлаяпсиз?!

Иволгин қўлини бигиз қилди.

— Жудаям иродасиз эканлигингиз учун шу кўйларга тушиб юрибсиз, Лобар! Яхшиям алдамабман! Лекин сизни алдаб-сулдаб дунёнинг исталган чеккасига олиб борса бўларкан. Бу азбаройи соддалик ёки оққўнгиллик эмас. Сиз аҳмоқсиз, Лобар! Турган-битганингиз руҳий касаллик! Бўлмаса, ўзбек аёлидан ҳам шунақа қартабоз чиқадими?! Халқингизни яқиндан биладиган одамга айтсангиз, икки дунёда ҳам ишонмайди.

Лобар эшикка юраркан, кескин қайрилиб:

— Сен ўлик полковниксан! — деди. — Васиятномангни ёзиб қўй. Сени шундай тарзда ўлдираманки, қотил ўзбек аёли эканлигига одамлар икки дунёда ишонишмайди.

Полковникнинг бошидан сархушлик аригандек кўзлари каттароқ очилди, хунук кекирди.

— Тўхтанг! Нима жин урди-я! Мен болангизни топиб бермайман деганим йўқ-ку!

— Аммо унинг қаердалигини билмайсиз! — деди Лобар.

— Токиода, шу шаҳарда! Айнан қаерида, кимларнинг қўлида эканлигини билмайман. Бу фожиа эмас-ку!

— Қандай топмоқчисиз? Полицияга мурожаат этасизми ёки телевизорда эълон қиласизми?

— Лобар, бир гал оғзимдан бол томиб Парвизни

мақтаганимда, менинг ҳам ота бўлгим келиб кетганини айтганимда, заҳар сочингиз. Инсоний туйғуларинг йўқ, дедингиз. Балки йўқдир. Бироқ каминада молиявий туйғулар бор. Гарчи аҳмоқчилик туфайли камбағаллашиб қолган эсам-да, унчалик анойилардан эмасман.

— Гапни чўзмасангиз-чи!

— Болангиз бир қанча вақт қўл остимда яшади. Бежиз уни мақтаганим йўқ. Парвиз айтганларимни сўзсиз бажарадиган ўғил бола. Бир қанча вақт илгари астрономлар байрамига борганимда, мўъжазгина сувенир совға қилишганди. — Полковник сўзлаётиб сафархалтасига яқинлашди. — У Самарқанддаги Улуғбек расадхонасининг макети эди. Шиша ва пластмассадан ясалиб, зар билан ишлов берилган...

— Буларнинг нима алоқаси бор?! — Лобар сабр-тоқатини йўқотди.

— Шошманг. Одам деган ўзидан каттани тинглай билиш керак. Шундай қилиб, мен Парвизга ўша сувенирни ҳадя этдим. “Бу Улуғбек расадхонаси! — дедим. — Қаерда бўлмагин, ҳеч қачон ёнингдан қўйма. Сенга омад келтиради. Уйингга қайтасан, онангнинг ёнида бўласан”.

— Хўп, у ҳаммасини тушунди, деб фараз қилаяпман.

— Кесатмасангиз-чи, Лобар. Ҳечам алдаётганим йўқ.

Иволгин сафархалтасидан алланимани ахтараркан, гапида давом этди:

— Ҳойнаҳой, мени ҳозир айтганим сувенирни ахтараяпти, деб ўйлаяпсизми? У матоҳ Парвизда! Ишонаверинг, қартабоз хоним, ишонаверинг.

Ниҳоят, полковник болалар ўйинчоғини эслатувчи экранли аппаратни топди. Лобарга мақтаниб намоёиш этган кўйи жойига ўтирди. Яна коньяк қўйди.

— Бундан милиция, хавфсизлик хизмати, контрразведка ва кимга керак бўлса, ўшалар фойдаланишади. Парвизнинг қаердалигини билиб олишимга энди ишондингизми?

Лобарнинг томирларига қон югурди. Ниманидир тушунгандек полковник томон юрди.

— Демак... — деб гўлдиреди.

— Демак, — гапни илиб кетди Иволгин, — расадхона сувенирига миттигина датчик ўрнатганман. Мана, қаранг. Сарғиш чироқ ўчиб ёнапти: Бу — болакай ўн-ўн беш чақирим олисда дегани. Эртага биз тўрт томонга юриб кўрамиз. Агар қайси томонда қизил ёнса, биз яқинлашаётган бўламиз. Қанчалик тез ўчиб ёнса шунча яқин борганимизни билдиради. Юз қадам қолганда эса аппарат чийиллаган овоз чиқаради. Хўш, қалай? Парвизнинг манзилини биларканманми?

— Сувенир Италияда ёки Россияда қолган бўлса-чи? — сўради Лобар.

— У ҳолда сарғиш чироқ ёнмасди. Жуда ҳам узоқдан ҳеч қанақа сигнал олиб бўлмайди. Ахир, бу сунъий йўлдош орқали ишламайди-да!

Шундан кейин Лобар ўтирди. Бир оз ўйланди, уф тортди. Ҳарқалай кайфияти жойига тушди.

\* \* \*

— Кечаси билан ўйланиб чиққан шекилли, Лобарнинг қовоқлари илк бор салқиб, кўзлари қизариб кетганди.

— Қалтис йўл тутган экансиз, — деди Лобар Иволгиннинг хонасига кириб. — Боламнинг Японияда эканлигини эшитибсизу битта датчикка ишониб шунчалар журъат этибсиз.

— Жим! — деди полковник тўсатдан. — Чироқ, қизил чироқча! Қаранг!

Иккови бирдан аппаратга қаради: тез ўчиб-ёна бошлаганди.

— Улар яқинлашаяпти, — деди полковник. — Аҳ, аҳ, аҳ... Овимиз бароридан келадиганга ўхшайди.

Ҳозирча Вадуд чолнинг хизматига эҳтиёж сезмагани учун Лобар фақат Иволгиннигина эргаштириб, кўчага шошилди. Осмонни кулранг булутлар тўсган, ёмғир

тўхтаганига қарамай ўткинчиларнинг баъзилари соябон кўтариб олганди. Синчков японлар безовта ажнабийларга қараб қолишди.

— У ёққа, — деди Иволгин чапни кўрсатиб.

Кичик бир майдонча устидан чиқишди. Зериккан каптарлар номигагина қанот қоқиб, дарров кўнди.

— Таксига ўтирамиз, — Лобар машина томон чопди.

Такси осмонўпар бинолар сари шошилди. Иволгин аппаратдан кўз узмай сўкингач:

— Аниқ билиб бўлмапти, бир хил... бир хил... — деб Лобарни туртди.

— Бир оз кутайлик, — деди Лобар аппаратга эмас, машиналар оқимига қараркан.

Аммо аппаратда ўзгариш сезилмади. Афтидан турғунлик ўз ҳукмини ўтказаетганди.

— Юрамиз, — амрона оҳангда деди Иволгин. — Бунақа ишларнинг ҳадисини олганман-ку, ахир. Ҳайда! Ҳайда!.. Ну... — Кейин Лобарнинг қулоғи остида шанғиллади: — Зудлик билан мана шу квартални айланиб чиқишимиз керак. Уч қақирим нари-берини! Албатта, ўз натижасини беради.

Бир жойга етганда, Иволгин шарбат харид қилди. Маза қилиб симириши Лобарнинг гашини келтирди. “Чўчқа, — деб ичида қарғади, — томоғингдан ҳар нима ўтади, бола сеники эмас-да. У хазина калити, холос”.

— Ёмон қараманг, — илжайди Иволгин. — Қиммат бўлса, мен нима қилай?!

У банкани деразадан улоқтирган эди, таксичи бош чайқади, нимадир деди. Полковник унга томон энгашди.

— Ҳой, қисиққўз, марҳамат қилиб казинога ҳайда. Бўл! Казино деб эшитганмисан?

— Бундай қилмайсиз! — қичқирди Лобар.

— Биз шунга келишганмиз! — бақирди Иволгин ҳам. — Шартни мен қўйганман, тушунарлими?! Аввал қимор ўйнаб, жарақ-жарақ пул тўплаймиз, сўнгра Парвиз... Ахир, одам ўғрилари салкам кўлимизда! Радиотўлқинлар уммонида ҳеч қаерга қочишолмайди.



– Кўнглимга сиғмайди қарталар!.. – зорланди Лобар.  
– Майли, болам топилгач, ўйнайман. Ўйнамагани ажал олсин!.. Шартингизни ҳам...

Аммо Иволгин кўнарни. Такси ҳаялламай бир бино эшигида тўхтаб, мижозларнинг тушишини кута бошлади. Иволгин ва Лобар эса ҳамон тортишарди.

Шу пайт таксининг ёнгинасига қоп-қора машина шитобла келиб тўхтади-да, уч киши отилиб чиқди. Бири орқа эшикни очиб, Иволгинни тортиди. Инглиз тилида алланима деб ўдағайлади.

– Пиджакни қўй, болапақир, – деди Иволгин ўзини йўқотмасдан. – Биз россиялик қартабозларимиз. Россияни биласан-а?! Қарта ўйнаймиз, қарта, қарта! Перефаранс, базик, пасьянс! Русчани тушунасанми, галварс?!

Японлар бир-бирига маъноли қарашди. Сўнг таксига жавоб бериб, икковини ичкарига бошладилар. Тўғри иккинчи қаватга кўтарилдилар. Кенг ойнаванд хона ўртасидаги тор доирада тўрт киши ўтирарди. Ораларида фақат биттаси япон эмас эди: баланд бўйли, ҳиндунусха киши. Бўйнининг йўғонлиги калласи билан баробар.

Рус тилини биладиганни тезда топтириб келишгач, Иволгин деди:

– Биз АҚШ долларини тикиб қарта ўйнамоқчимиз.

– Ишонади деб ўйлайсанми? – оёғини чалиштирди тўрдагиси. – Айт, кимсан? Мақсадинг нима? Нега бу ерга манави манжалақингни олиб келиб можаро қилаяпсан?

– Менга ишонмасликларинг мумкин, лекин ёнимдаги аёл дунё бўйича энг кучли қартабоз, “қора қарта рақси”ни биладиган суперқартабоз! Ҳа, жодугар Лобар бу! Жодугар Лобар! У ҳақда эшитмаган бўлишларинг мумкин эмас. Ўрта Осиё, Россия, Туркияда, айниқса, яхши билишади.

Даврада нафас олиш тўхтади. Ҳамма, ҳатто Иволгиннинг ўзи ҳам қотиб қолди.

Тўсатдан тўрдаги киши қаҳ-қаҳ уриб кулди. Турқи-тароватидан бу яхшиликка эмаслиги аён эди. Шунда Иволгин шошиб:

– У жодугар Кэтринани ҳам мот қила олади! – деб ўрнидан сагчиб турди.

Қиморбозлар “зўр-ку” дегандек кўзларини каттароқ очиб, бир-бирига ҳайратланиб қарашди. Боягидек сохта ҳайронлик эди бу.

Иволгин қўйнидан қарта чиқарди-да, таржимонга:

– Уларга айт, биз билан бир-икки қўл ўйнасин, – деди. Сўнг ўзича минғирлади: – Ишонмайсанлар... кўрамиз ҳозир... Шундай боплаймизки, сариқ чақаларинг ҳам қолмайди.

Ўйин бирдан бошланди. Қиморхона соҳиби елкасидан ёзги пиджагини олиб, малайига отди, сумкадаги бир неча бойлам пулни столга ташлади – бор-йўғи шунча вақт сарфлади у Иволгиннинг таклифидан сўнг.

Тўрт қўлга сузилди: токиолик икки қартабозга, Иволгиннинг ўзига, Лобарга. Ҳиндунусха киши эса қўл қовуштириб, қараб ўтирди. У худди муаллимдек камчилик ахтараётганга ўхшарди.

Эҳтиёт бўлинмаса, Лобарнинг пуллари бир зумда туғаб қолиши мумкин эди. Меҳмонхонадан чиқишда нақд ўн етти минг доллари бор эди.

Дарров сигареталар тутатидди, ичимлик таклиф этилди. Лобар бунақа давралардан тўйиб кетганиданми, ўғлини кўриш имкони бўла туриб, қиморхонадан чиқолмаётганиданми, кўнглига қил сиғмасди.

Ўйларди: “...агар қарта ўйнаб бўлгунимизча болам лаънати Иволгиннинг радиодатчиги доирасидан йўқолиб қолса, ортиқ йўриғига юрмайман. Бошига оғирроқ бирон нима билан уриб, қўлидагини тортиб оламан... Худди содда болакайдайман. Қаёққа етакласа кетавераман. Аблаҳлар!.. Энди сенларни етаклайман. Шундай етаклайманки, тўрт оёқлаб чопасанлар...”

Бир гал Иволгин ўйланиб қолганди, Лобар қаҳрли нигоҳини қадади.

– Менинг ортиқча вақтим йўқ, – деди у, – қиморхонадан чиқишимни одамфурушлар кутиб ўтирмайди. Агар бир кор-ҳол бўлса, тамомсиз, тушунарлими?

— Уларни ким деб ўйлаяпсиз? — пичирлади полковник.  
— Ўғлингиз шунчалар зарурки, жавоҳирдай асраб-авайлашади. Бир кор-қол дейсиз, жин ҳам урмайди... Асраб-авайлашганлари учун ҳам уни тополмаяпсиз. Парвиз кўчада қолмайди.

— Жимжимадор гапларингиз қизиқтирмайди.

— Қизиқтирмаса қизиқтирмасин! Лекин шуни билиб қўйинг: бола уларнинг қўлида ўзини бежавотир ҳис қилади. Сиз кимсиз? Уни хазон қиладиган ношуд аёл! Ҳозир кўчага чиқинг-да, болангизни топиб олинг. Аммо йигирма тўрт соат ҳам тиңч-хотиржам яшолмайсиз.

— Бир кунмас-бир кун ҳаммангизни қуритаман!

— Аввал қартадан ютайлик... — столга ишора қилди Иволгин:

Пайдар-пай ютишларига қарамай ютуқ катта бўлмади. Чунки бошиданоқ довнинг чўғи паст эди.

Японлар ҳам шивир-шивир қилиб қолишди. Таржимоннинг ҳар гапидан кейин қиморхона эгаси Лобарга маъноли кулимсираб қўярди.

— Хўш, давом эттирамизми? — деди у сумкасидан яна бир неча даста пул чиқаргач. — Менда пул кўп, ҳали-вери сумкамнинг таги кўринмайди. Айтгандай, бутун дунёга машҳур қиморбоз аёл доим майда-чуйда тикиб ўйнайдими?

Иволгин жавоб берди:

— Биз тортишиб қолдик ва тасодифан ушбу казино олдида тўхтадик. Бугуннинг ўзида шу ерлик катта қиморбоз жаноблар билан ўйнаймиз, деб хаёлимизга ҳам келтирмагандик, шунинг учун ёнимизда пулимиз озлигига ҳайрон бўлманглар. Қартага тикилаётган пуллар, менимча, чакки эмас. Одамнинг ҳаддан ташқари такаббур бўлиши эса ёмон.

Қиморбозлар сардори бошини оҳиста силкиди. Алланималар деб кулди. Таржимон унинг кейинги гапларинигина русчага ўгирди:

— Йўқолган бола ва одамфурушлар ҳақида менинг қиморхонам эшигида баҳслашишларингга бало борми?! Уялмасдан ҳузуримда ҳам шу мавзуни давом эттиряпсанлар.

Тўғри, манави аёл қартани яхши ўйнаркан. Бироқ бу ер Япония! Ҳар жойнинг ўз йўлбарси бўлади. Кэтрина, Лобар ва яна аллакимлар бизни қизиқтирмайди, негаки, менинг қиморхонамнинг доврўғини ёдиган, хазинамни тўлдирадиган ўз одамларим бор.

— Шуларми? — сўради Иволгин ён-веридагиларни кўрсатиб.

Япон қиморбозининг жаҳли чиққани яққол сезилди. У иягини кўтариб юқоридан назар солди.

— Вой тўнка-ей, — деди ғижиниб, — булардан кўрқмайсанми?

— Таъзим қил, ярамас, — деб юборди таржимон ҳам. — Босс “биздан кўрқмайсанми?” деб сўраяпти. Қаерда ўтирганингни унутма!

— Сен... — Иволгин гапини тугатолмади, баланд бўйли ҳиндунуша киши полковникни кўтариб, гиламга улоқтирди.

Иволгин ўзи ўтирган ўриндиқдан учиб ўтаётиб, оёғи осмондан келганига кўрққандек ғалати бақрайди. Бақрайиш лаҳзанинг бир бўлагида содир бўлган эса-да, Лобарнинг кўз ўнгида аниқ-тиниқ, ёрқин бўёқларда жилоланди.

Гурс!..

Қиморбоздан бири чаққон оёққа турди-да, гарчи унчалик бақувват бўлмаса-да, тапир-тупур тепкилаб қолди. Иволгин унинг оёқлари остида ғужанак бўлиб ётарди. Ҳаял ўтмай пешанасида анор сувидай қон сизгани кўринди.

— Эй... Стоп! Стоп!.. — бақирди Лобар.

Айни пайтда уни Иволгиннинг қўйнидаги радиодатчик аппарати синиб қолиши-да ташвишга соларди.

— Мен ростдан ҳам Лобарман, — дея паспортини чиқарди.

— Майнавозчиликни бас қилинглар! Хаёлим жойида бўлмагани учун кўнгилдан ўйнолмадим. Шубҳаларинг ўринсиз! Биз ҳеч қанақа жосус эмасмиз. Ҳурматларингни ҳам жуда ўринлатамиз. Фақат бир-биримизни тўлиқ тушунмаяпмиз. Англашилмовчилик туфайли кўнгилсизлик

бўлишини хоҳламайман! Эшитган бўлсанглар, ўғлимни ўғирлаб, кетишган, гуридан! Ҳа, қабристондан! Улди деб ўз қўлларимиз билан сўнгги йўлга кузатгандик... Яқинда эшитдим, одамфурушлар қандайдир сабаблар билан боламни Токиога олиб келибдилар. Неча йиллардан буён уни ахтараман, изидан қолмайман. Қарта ўйнасам, доим мажбурийликдан ўйнайман. Ҳозирги ўйинга ҳам мени зўрлаб олиб келди манави одам.

– Мен дийдиёнгни эшитмайман! – ўдағайлади қиморбозлар сардори. – Афтинг отникига ўхшайди, биласанми шунини?! Бу ердагиларга умуман ёқмайсан! Умуман! Лобар бўлсанг чиндан, ўйна Бизон билан! Қани, ютиб кўр-чи! Ҳех-ҳех-хе-е... Уни ажодлари руҳи қўллайди. Сендақа жодугарни бир ўйиндаёқ шип-шийдон қилади.

Бизон – ҳиндунуха барзанги эди. У темир қопламали тишларини кўрсатиб илжайди. Қартага қўл чўзаркан, Иволгинни тепкилаган ҳалиги зўравон япон ҳам лип этиб ўриндиқда пайдо бўлди, қўлларини ишқалади.

– Бизда бунақа қилиқ, – деди Лобар қўл ишқалашга ишора этиб, – “Ҳозир ажойиб нарсага эга бўламан” деган маънони англатади. Ҳой сен, чигиртка, ҳозир бирон нарсага эга бўлмайсан, лекин кўрқма, ажойиб томоша қўйиб бераман.

Таржимон гапини тугатар-тугатмас зўравон қиморбоз сўкиниб ўрнидан турди, илло қиморхона эгаси уни шаштидан қайтарди ва қарталарга имо қилиб, сохта кулди.

– Шундоқ ҳам бир неча дақиқадан сўнг бу фоҳишанинг шармандаси чиқади, уни сенинг ихтиёрингга бераман. Албатта, Бизондан ортса!

Қиморбозлар хохолаб кулишди. Бизон қарта сузгач, Лобар ўзида ҳақиқатан ҳам алланечук қора кучни ҳис этиб, бармоқларини ёзган кўйи қарталар устига қўйди.

– Йигирма минг тикдим, – деди Бизон.

– Мен ҳам. – Лобар долларни тап этиб столга ташлади.

Улар қартани очмасдан ўйнай бошладилар. Яна йигирма мингдан тикдилар. Учинчи бор пул ташлаганларида ўртадаги дов юз минг доллардан ошиб кетди.

— Эй... эй... — қиморбозлар хўрозининг кўзлари ўйнади. — Бизон, ишончинг комилми? Ишонмайсанми? Ахир, бу одам эмас... Иблисга ўхшаяпти. Бирон найранг ишлатмаса ўзига бунчалик ишонмасди.

— Буни қарасин, тентак аёл! Тентак аёл! — қичқирди халиги зўравон ҳам.

Қолганлари сўжинишиди.

Шунда Лобар бармоқ учини ҳўллаб, қартага босди. Столдан ярим қарич юқорига кўтарди-да, бошмалдоқнинг енгил зарби билан қартани очик ҳолда ташлади. Бу туз “қарға” эди. Бизон дарҳол зот ҳисобланмиш туз билан бас келди, аммо Лобар унга ўзига хос совға тайёрлаб қўйганди: зот ҳисобланмиш “етти”ни кўндаланг қилди.

Бир сония даҳшатли сукутдан сўнг Бизоннинг бўкириги, ҳатто, биринчи қаватни ҳам ларзага келтирди. У жонжаҳд ила қўлига илакишган нарсани отарди, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмасди. Ўртадаги столни синдириб, ҳамтовоқларидан бирининг башарасини ҳам бузиб қўйди. Лобар кимгадир туртиниб гиламга йиқилди...

Ахийри, бир неча киши бўлиб Бизонга ёпишдилар, сўнгра зўрға йиқитишиб, энсасига тепа-тепа унини ўчирдилар. Лақаби жисмига монанд ҳақиқатан ҳам ҳўкиз эди бу одам.

Иволгин ютуқни қўйнига тиқиб, бир қанчасини қучоқлаб, без бўлиб ўтирар, олма-кесак тераётган кўзлари казинодан қочиб чиқишдан бўлак хаёлда эмаслигидан дарак берар эди.

— Буни қандай амалга оширдинг? — сўради қиморбозлар сардори Лобардан.

— Жуда оддий, айти пайтда жуда мураккаб, — деди “қора хоним”.

— Аниқ гапир, ярамас! — бақирди япон тепа сочи тикка бўлиб.

— Бечора таржимон, — Лобар уф тортди. — Тушунтириб беролармикансан мирғазаб хўжайинингга?! Узини жоду қилдирганлар қимор оламида кам учрайди, лекин

ўшалар негадир менга рўпара бўлаверади. Бизон деган шу махлуқ ҳам ўзини афсун-жодулар ихтиёрига ташлаб, хўп чиранди. Бу жоду бир чақага арзимайди. Ундан кўра қартани тузукроқ ўрганиб, мияни ишлатган афзал эди, агар тўнғизда мия бўлса, албатта! Ютишимнинг сабаби — қарта чийланганда “касса” усулини кўрдим. Қимордаги “касса” атамасини, ҳойнаҳой, эшитмаган бўлсанглар керак, пандавақилар. Қарталарни ўйинга киритишдан аввал аралаштириш шарт. Бу — биринчи қоида! Ҳар қандай тажрибали қартабоз қарта чийланаётгандаёқ ўз арқонини ташлай билади. Сиртмоқни кенг қиладими, торми, ё умуман ташламайдими, рақибининг қарта аралаштиришига боғлиқ. Аралаш-қуралаш бўлаётган қарталар орасидан тузларни ажрата билиш ютуқ гарови. Ҳақиқий қиморбоз аввало сиртдан ўйнайди. Яъниким, у қартанинг ички томонига эмас, кўпроқ сиртқи тарафига эътибор қаратиши лозим. Аҳмоқларгина фақат ички томонга ишонишади... Йўқ-йўқ, ҳаваскорлар ҳам шулар жумласидан. Ахир, сизларни аҳмоқ деб бўладими?! Ҳа, ҳар қандай ҳаваскор қартабоз қартанинг бир хил нақшли сиртидан кўра ичини: “қирол”, “шаҳзода”, “хоним”, “туз” ва бошқаларни қандай ўйнатишни ўйлайди... Нима? Ўтлаб кетма деяптими? Вой, каллаварам! Хўжайинингга таржима қил, тиллага сотиб олса арзийди-ку маърузамни!.. Майли, қисқа қиламан. Хуллас, Бизон қарталарни “касса” усулида, яъни пул санагич аппаратга ўхшаб аралаштирди. Қарталар ўнг қўлдан чапга “уч плюс бир” тарзида сакраб ўтаверди. Учтадан биттаси бошқа жойга ажралиб тушишини шундай атайдилар қарташуносликда! Бундай ҳолларда дарҳол зотга қараш керак. Зот нима эди? Чилликми? Мен ўзимга етти “чиллик” ва туз “қарға” тушганини пайқадим. Кейинги қарталарим нима бўлиши мумкин? Қарташуносликда аниқланмиш олий қарталардан кейинги ноаниқ қарталар “паразитлар” дейилади. Даставвал “паразит”им нима эканлигини билмадим: у ҳам еттими, ўнми, “қирол”ларданми? Аммо Бизонга тикилиб, унинг башарасидан кейинги қартам нималигини билиб олдим.

— Қандай қилиб?

— Ҳар қандай қиморбоз, — деди Лобар, — агар у жодуга ишонса, қарта сузилгач, қарталарига бир нигоҳ ташлайди. Мана шу биринчи нигоҳга диққат қилмоқ даркор. Агар у қарталари устидан чапдан ўнгга томон кўз югуртириб ўтсаю чап қўли бармоқларини ҳам шунга монанд ҳолда, яъни жимжидоқдан бошмалдоқ сари тўлқинсимон ҳаракатлантирса, у жодуга ишонадиган одамдир. Бундай одам билан ўйнаётганинда, албатта, туз ва еттини сиртдан фарқлай олишинг шарт. Жодуга ишонган қартабоз ўз қўли билан аввал тузни, кейин еттини сузиб бердимиз, демак, “Антуан мактаби таълимоти” бўйича бирламчи қўлнинг ўзига ўн тўрт хил қўл келади. Ўн тўрттаси ҳам расволардир. Агар еттини биринчи сузиб, кейин тузни ташласа, билингки, рақибингизнинг қарталари олтмиш бир вариантда келади. Бунинг ҳам ҳеч қандай қўрқинчли томони йўқ. Фақат “Анна уч” тасодифи юз бермаса бўлгани.

Япон қиморбозлари ниҳоят ҳайратларини яширолмайд қолишди. Рўпарадаги аёл ҳақиқатан ҳам ўша машҳур қиморбоз хоним эканлигига улар ишона бошлагандилар. Чўпчак айтаяпти, деб бўладими. Ҳозиргина Бизонни чув туширди. Бизон олти ойдан бери бир марта ҳам бой бермаган рекордчи қартабоз эди. Казинонинг иккинчи қаватида жойлашган ушбу ноқонуний қартахонада ҳали ҳеч ким ютолмагани уни.

Боз устига, Лобар уни ҳаваскор-қартабоз ҳисоблаяпти.

— “Анна уч” тасодифи нима? Бомба эмасми, ишқилиб?

— Бу тасодифнинг юз бериш қонуниятини Анна Сергеевна деган россиялик аёл кашф этиб, ўз номига қўйган. Кези келганда айтиб ўтай, қарғиш ўрган қарта ўйинларини менга у ўргатган, қабри Истанбул яқинида дейишади... “Анна уч” ҳеч қанақа бомба эмас, бу қартадаги...

Лобарнинг тўсатдан ҳайрат ила эшикка қараб қолиши японларни ҳам бараварига бурилишга мажбур этди. Бўсағада Накамура Сан турарди. Афтидан у қиморхонага шошиб киргану Лобарни таниб, қотиб қолганди.



— Эй Накамура!.. — хитоб қилади қиморбозлар сардори, ammo шу лаҳзадаёқ нигоҳлар синоати аён бўлиб, Лобарга ўгирилди. — Нима, бир-бирингни танийсанларми?

Лобар Накамура томонга мағрур, оҳиста одимлаб бора бошлади. Талвасага тушган Иволгин эса Лобар чиқиб кетса, японлар билан ёлғиз қолишдан ўтакаси ёрилиб, букчайганча эргашиди.

“Ситора” меҳмонхонасидаги биринчи ва сўнгги учрашувдан кейин яна юзма-юз келишларига ишонмагандилар. Демак, инсон нима сўнгги эканлигини билмайди.

Накамура Иволгинга беписанд қараб қўйгач, сўради:

— Қани у, Лобар?

— Ким?

— Самарқандаги ҳамроҳинг.

— Билмайман, — деди Лобар. — Ишхонангиз шу ерми? Тасодифан келмаганингизни кўзларингиз айтиб турибди.

— Билмайман, — Накамура жўрттага Лобарнинг жавобини такрорлади.

— Бу ёққа кел! — Накамурани чақирди қиморхона эгаси.

Улар кўзларидан ўт чақнаб, бир-бирига ўз гапларини уқтира кетдилар. Бир оздан сўнг қиморхона эгаси Лобарнинг қошига келгач, қўл узатди.

— Танишганимдан хурсандман. Учрашувимиз мутлақо тасодиф бўлди. Агар яна кўнгиллари тусаса, кошонамга ташриф буюришлари мумкин. Ҳозир эса оқ йўл. Марҳамат! Қиморхонамиз қонунларига биноан ютуқ пуллар тортиб олинмайди. Лекин, илтимос, бу ерда кўрганларингни ҳеч кимга айтма.

Лобар гоҳ унинг сохта мулозаматига, гоҳ Накамуранинг айёрона табассумига диққат қиларкан, деди:

— Майли... раҳмат.

— Хайр.

— Хайр, — дея Лобар эшикка бурилди.

У зинадан енгил учиб тушар, Иволгин қонини артишганда вақт тополмай пулларни қучоқлаганча, ортидан

қолмасликка тиришар эди. Ниҳоят, ойнаванд эшикдан чиқишга ҳам улгуришди. Лобар чиқинди қутисидан бир чети кўриниб турган газетани юлқиб олди-да, полковникка узатиб, пулни ўрашни буюрди. Шу аснода чаққонлик билан радиодатчик аппаратиңи чўнтагидан суғуриб олишга ҳам улгурди.

— Беринг бу ёққа! — Иволгиннинг ранги гезариб кетди.  
— Ҳазилни ёқтирмайман.

— Ҳаққингизни олдингиз, Иван Антонович. Шу ерда хайрлашамиз. Илтимос, самолёт чиптасини эртанги рейсдагига алмаштириб, иложи борича тезроқ туёғингизни шиқиллатинг. Японлар бекорга мулозамат қилмади. Мендан кўра тузукроқ тушунасиз бундай нағмаларни. Кеча телевизордан кўрдингиз, улар аяшмайди.

Иволгин такси томон югуриб, йўл-йўлакай Лобарга деди:

— Бу гапларингиз ўзингизга сийлов! Қани, бўлинг, кетдик.

Аmmo Лобар унга эргашмади. Бошқа кўчага элтадиган тор йўлакдан тез-тез одимлаб, кўздан йўқолди. Иволгин эса овлоқ йўлакдан ўтишга журъат этолмай машинага ўтирди.

\* \* \*

Лобар танҳо қолди. У неча миллион одам яшайдиган, гиж-гиж иморату машиналар тўпланган дунёнинг энг машҳур шаҳрида ёлғиз эди.

Аппарат тугмачасини босгач, сариқ чироғи зўрга милтиради. “Болам олислаб кетибди, — деди у ичида. — Нега тутқич бермайди-я?! Атайлаб қочиб юргандек...”

Негадир Лобар аланглай бошлади. Такси ёллаш хаёлига келмас, қаёққа бораётганини ўзи ҳам билмас эди. Дам умид, дам умидсизлик туйғулари вужудини жимирлатиб юборарди...

Бир кампир қулоғи остидан қичқириб ўтди. Қараса, филдиракли сумкага боғланган, пилдираб келаётган оппоқ

кучукчани босиб олаёзибди. Лобар “нима учун итнинг ҳам, кампирнинг сочининг ҳам туси бир хил?” деб ўйлади. Бироқ бу хаёлдан маъни тополмади.

Қош қорайди. Турли хил чироқлардан товланаётган шаҳар осмонида булутми, тутунми, сузиб юрарди. Лобар йўл ёқасидаги емакхонадан чиқиб, яна аппаратга қаради. Ҳамон сариқ чироқча милтирарди. Иволгиннинг гаплари қулоғида жаранглади: агар сариқ ёнса, датчикли ўйинчоқ ўн-ўн беш чақирим нарида. Яқинлашган сайин қизил чироқ ҳам тезроқ ўчиб-ёнади...

Олд томондан тутун ҳидига қоришган шамол урилди. Лобарнинг эти жунжикиб кетди, ором олишни истади. Бир бекатга яқинлашиб, аппаратга юзинчи, эҳтимол, икки юзинчи марта кўз ташлади. Датчик алдамаётган бўлса, Парвиз ўн-ўн икки чақирим нарида. Радиотўлқинлар унинг ўйинчоғидаги митти матоҳга бориб қайтаркан, “у сенинг қалбингдан жудолик қадар олисдадир” дегандек сариқ чироқчанигина раво кўрарди.

“Машинага ўтириб, бутун шаҳарни айланиб чиқаман”, — хаёлидан ўтказди Лобар.

Такси тўхтатди. Бироқ икки соат юрсалар ҳам, аппаратнинг қизил чироғи болага-яқинлашганликларидан дарак бермади. Шундан сўнг ҳайдовчига меҳмонхона манзилени айтди.

Бир кўнгли Иволгин алдади, деб ҳам ўйлади, лекин умидбахш ҳислар туғени барчасини босиб тушди. Онанинг кўнгли сезмоқда эди: болажониси шу атрофда, Токиода. Авваллари бунчалик ишонмаганди. Одамда баъзан ишонч ҳаммасидан устун келади. Шунда у ғалабадан бўлак ҳеч нарсани кўрмайди...

Меҳмонхона ходими пешвоз чиқиб, алланима деди. Лобар у инглиз тилида сўзлаётганини, ёрдам таклиф қилаётганини тушунди. Бош чайқаб, беихтиёр қўл узатди, номерининг калитини тутқазди. Уч-тўрт қадам юргач, таққа тўхтади. “Қандай қилиб улар сўрамасимданоқ калит тайёрлаб қўйишган? — деди ички овози. — Ва энг қизиги, Вадуд чол менинг хонамда эди. Биз гўё бобо ва неварамиз,

битта хонада турамин... Булар эса калит беришяпти. Демак, чол йўқ. Қаярга кетган?.. Қаярда у?..”

Ортига ўгирилган миждозга меҳмонхона ходимлари саволчан тикилишди. Лобар маст кишидек ҳар бирига жамики диққатини тўплаб қараб чиқди, лекин тузукроқ кўролмади, ҳеч нарсани англолмади энсаси қотди.

— Менга нимадир бўлаяпти... — деди ўз-ўзига.

Кейин лифт сари шошилди. Қаватига кўтарилиб, хонасига чопди. Эшикни очди, чироқ тугмачаси ва...

Ҳақиқатан ҳеч ким йўқ эди. Вудуд чолнинг тўшагида букланган қоғоз ётарди. Хат экан.

“Лобар, ажи-бужи ёзувимга тушунарсан. Ҳар қалай японча иероглифлардан тузукроқ. Мен кетдим. Эртага келаман. Собик иттифоқ турмасида битта камерада ётганим ўша Миямотони топдим. Худога шукр, ҳали ўлмабди. Унинг чап қўли йўқ. Лекин Иволгин кесмаган, бир оз сабабчи, холос. Миямото Иволгин Токиода эканлигини билса, ўлдирмасдан қўймайди. Ахир, у қўли кесилишига сабабчи бўлган, ўз вақтида зуғум ўтказган. Боя менга сирини айтди: икки ўғли “Якудза” мафиясига қўшилиб кетганмиш. Лобар, Иволгин шу ерда эканлигини сир тутишимга кафолат йўқ. Умрбод мажруҳга айлантирган нокасинг сассиқ жони кимга керак!”

Лобар йўлакка қайтиб чиқди. Балки Иволгинни ўлдириб бўлишгандир, деган хаёлда эшикни ҳадиксираб тақиллатди. Жавоб бўлмади. Лобар эрталабгача сабр қилолмаслигини англаб, қават хизматкорини чақирди. У Иволгин меҳмонхонани тарк этганини зўрға тушунтирди.

Бу кеч шундай бўлдики, Лобар мижджа-қоқмай қандайдир фожиани кутиб ётди. Эрталаб эса жўшқин, серташвиш ва шошқин ҳаётни кўриб, ухлаш кераклигини эслади. Аммо ювинишга, аччиқ қаҳва ичиб, шаҳар гирдини айланишга аҳд қилди.

Токио вақти билан роппа-роса тўққиз бўлганида, у кўчага чиқди. Муюлишдан машина ёлламоқчи бўлиб бир оз юрди. Ва ногаҳон аппаратга қаради-ю қичқириб

юбораёзди. Қизил чироқ порлоқ нур таратмоқда эди. Шунчалар қизилки, ҳар ўчиб-ёниши жон олади.

— Болам... — пичирлади Лобар. — Ҳозир... ўғлим... ҳозир...  
~~Ё Оллоҳ!.. У менга яқинлашаяпти... Мана... мана!..~~

Дуч келган таксини тўхтатиб, ҳайдовчининг ёнига ўтирди. Нима деб аташни билмай:

— Жаноб... жаноб... синьор... — деб дудуқланди. — Сизга юз доллар... Ва яна юз доллар!.. Илтимос, манави аппаратдаги қизил чироқ тезроқ ўчиб-ёниши учун объектга яқинроқ ҳайданг, яқинроқ... Қайси томонда эканлигини билмайман... Сиз ҳайдайверинг, мен тўғри ё нотўғри кетаётганингизни аниқлайман... Окей... тушунаяпсиз-а? Ўчиб-ёниш тезлашиши лозим... Мен жосус эмасман... У ёқда ўғлим бор.. Болажонимни ўғирлашган!

Таксичи, қирқ беш-эллик ёшлардаги япон, истараси иссиқ, хушчақчақ инсон эди. Лобарга кўз қисиб қўйди-да, Токио кўчаларидан елдириб кетди. Темирйўл кўпригига етгач, аппарат чироқчаси шунчалик тез ўчиб-ёна бошладики, Лобар ўғли уч юз қадам нари-берида эканлигини ўйлаб ўзини қўярга жой томолмай қолди. Ниҳоят, аппаратдан чийиллаган овоз эшитилди: Иволгиннинг тушунтиргани рост бўлса, бу — объект юз ёки эллик қадам яқин келди дегани эди. Ҳа, у жуда-жуда яқинда, қўл узатса етгудек!

Лобар аппаратдан бош кўтарди. Оқ фургонли машина шувиллаб ўтиб кетди. Бир неча сониядан сўнг аппарат овози тиниб, қизил чироқча яна ўчиб-ёна бошлади.

— Улар узоқлашаяпти! — қичқирди Лобар. — Болам бор фургонда! Тезроқ! Тез ҳайдасангиз-чи, ахир!

Лобар сал бўлмаса таксичини урвориши ҳам мумкин эди. Ҳайдовчи қўлдан келганча чаққонлик билан машинани орқага бурди. Ҳаяжондан хиёл қизариб, ўз тилида алланималар деб бақирди. Бироқ бу бақирлиқ зарда сезилмас, қандайдир завқ бор эди.

Улар қарама-қарши йўлдан бир оз юришгач, фургоннинг изидан тушишга муваффақ бўлишди. Лобар қулоғига қайта-қайта кафт босди, рўпарадан келган машиналарнинг сигналлари кетмай қолганди.

Таксичи хохолаб кулиб, тезликни янада оширди.

— Илтимос, ҳозирча жуда яқин ҳайдаманг! — деди Лобар имо-ишора қиларкан. — Полиция кўрингач, фургоннинг йўлини тўсасиз. Бизниям, уларниям ушлашади. Ҳа, шундай қилмасак бўлмайди. Полиция жонга оро киради, полиция!

Лобар сумкачасидан блокнот ва ручка олиб, машина ҳақида маълумотларни ёзиб қўйди. Одам ўғрилари буни сезгандек тезликни ошириб, автобуснинг олдига ўтди. Светофорлар ва муюлишда қатор турган машиналар кўринди...

Чорраҳа!

Фургон кўздан йўқолиш учун шошарди. Яна кўринмай қолди.

Албатта, ўғли ўтирган машинани топиш, қувиш, кўл етгудай масофада яқинлашиш Лобар учун мисли кўрилмаган омад эди. Ҳозир ўғлини қўлдан чиқарса, қайтиб умрбод тополмайдигандек туюларди. Радиодатчикка ишониб бўлармиди. Улар изни адаштириб кетишган, лоп этиб яна дум пайдо бўлиб қолаётганини сезиб, нимани ўйлашади? Албатта, микрочипни. Шубҳа остига машина, кийим-кечак ва Парвизнинг сувенири тушади. Қарабсизки, сўнгги илинж ҳам кунпаякун...

Ҳадеганда полиция машиналари кўринай демасди. Сабртоқатини йўқотган Лобар охири таваккалини ишга солди: таксичига яна юз доллар бериб, фургоннинг олдини қийиш кераклигини тушунтирди.

Ҳақиқатан мард инсон экан. Азбаройи пул учун эмас, Лобарга раҳми келганидан, жиноятчилардан нафратланганидан шу ишни бажармоқда эди. Яна хахолаб қўйишини-чи.

Зум ўтмай иккала машина филдираклари асфальтда чийиллаганча тор кўчага бурилди. Очикдан-очик қочдиқувди томошаси бўлаётган эди. Такси тинимсиз сигнал чалар, “тўхта” дегандек чироқларини ўчириб-ёқарди.

“Яхши, жуда яхши, — дерди Лобар ичида. — Қанийди ҳозир йўлни полиция тўсса! Ҳаммамизни ушлаб, юзма-юз

қилса... Ұғлим! Болагинам! Ҳозир дийдорингни кўраман! Онажонинг сени қутқаради! Олис Токиода баридан халос бўласан! Самарқандга олиб кетаман!.. Ҳзимизнинг шаҳар эсингдами?.. Лекин-аввалги уйимизни сотиб юборганман... Ҳамма ўйинчоқларинг янги уйда!.. Кейим-кечакларинг..”

Машина қаттиқ тормоз берди-ю гул дўконининг сон-саноқсиз гулларини, қутиларини, сувли тувакларини атрофга сочиб, янчиб бетон устунга урилди. Лобарнинг пешанаси ғурра бўлди, аммо ҳайдовчининг жароҳати уникидан оғирроқ эди. Лобар зудлик билан таксичини чиқариб, йўлакка ётқизгач, рулга ўзи ўтирди. Моторга шикаст етмаган экан, дарров ўт олди. Газни охиригача босди; машина машина бўлгандан бери бундай ўкириб, бундай катта тезликда юрмаган эди.

Лобар ҳеч қайси йўл ҳаракат қоидасини хаёлига келтирмасди. Унинг кўзлари фургонда эди, бошқасини кўрмасди, ҳис этмасди, қўрқмасди. Икки марта пиёдалар йўлагига коптокдек сакраб чиқиб кетди, бир гал пиво ташувчи кичик юк машинаси ён томондан енгил тўқнашди, одам ўғриларига яқин қолганда эса қандайдир идора офисининг зинасига чиқиб, ҳавода умбалоқ ошишига бир-баҳя қолди.

Мотор вангиллар, шамол увиллар, тез-тез тормоз чийиллар, олдинда эса оқ фургон гўё товушсиз, қийинчиликсиз ўқдай учиб борарди. Бурилишда анчайин секинлашиб, таксига қараганда оғир бурилди. Лобар нозик жойни энди пайқади. Мана, ўғриларни қачон бурчакка қисиш керак! Бахтига Токио таркибига кирувчи мазкур тор кўчали шаҳарчада бурилишлар бесаноқ эди. Ва кўз очиб-юмгунча фурсат келди. Лобар бошқараётган машина фургоннинг биқинига бўри мисоли ташланди. Гўё тишлашаётгандек ириллаганга ўхшаш товуш эшитилди. Иккала машина ўзларидан ойна, пластмасса ва металл парчаларини қолдирган кўйи уч юз қадамча суришиб борди, сўнг фургон кучлилик қилди чоғи орқа бурчаги-ла уриб, таксини йўлда кўндаланг қолдирди. Аммо ўзи ҳам бошқарувни йўқотиб гоҳ ўннга, гоҳ сўлга чайқалиб, ахийри умбалоқ ошиб тушди.

Ҳалокат даҳшатини Лобар энди ҳис қилди.

— Парви-и-з!.. — чинқирди у. — Болам!.. Болам...

У машинадан чиққунича фургондагилар бир-бирини халос этиб, қоча бошлашди. Лобар болакайни кўриб қолди.

Ҳа, ростдан ҳам машинада бола бор экан, ана у, ана.

Лобар аввалгидан-да ўткир овозда чинқирди:

— Парви-и-з!!!

Шу тобда одам ўғриларида бири камарига қистирилган тўппончани олди-да, қўшқўллаб ушлаганча ўқ узди. Иккита ўқи ҳам тегмади.

Ўлимдан ҳам баттари — ҳозир уларнинг ғойиб бўлиши эди. Лобар боласини тинимсиз чақирган ҳолда гандираклаб, бир оз энгашиб, эс-ҳушини йўқотгандек тўппа-тўғри бораверди. Тўппонча худди ўйинчоқдек заиф пақилларди.

Эҳ, Лобар болакайни тузукроқ кўролмади. Оқ кроссовка, жинси шим, йўл-йўл футболкани илғади. Сочлари қўнғир эди, адашмаса. Барваста эркакнинг қўлидан ушлаган. Жуда тез чопади.

Йўқ, ўғрилар судраб кетди уни. Негадир Лобарга қиё боқмади, боқишга-да уринмади. “Парвиз!” деган ҳайқириқни, она ноласини, юракдан отилган фарёдни эшитди. Эшитмаслиги мумкин эмас. Нега қарамади? У ўз онасидан кўрқдими?

Лобар қанчалик уринмасин, тез чополмади. “Яна бир неча йилда боламнинг дунёқараши бутунлай ўзгариб бўлади, — деб ўйлади қартабоз хоним. — Мана, мендан қочаяпти. Кейинчалик уни қўйиб юборишса ҳам мени ахтармайдиган бўлади. Пулдор, қартабоз, дунё кезган маишатпараст... Эҳтимол, йирик жиноятчи бўлиб етишар. Бир куни қўлга олиниб, умрининг охиригача қамоқда ўтирадиган шўрпешоёнага айланса-чи?! Ким айбдор бўлади? Мен-ку, ахир... Шунақа бир касга айланса, бошимни қайси деворга ураман?! Додимни ким эшитади?”

Онаизор охирги марта қичқирди:

— Қайт, болам!.. Қайт... Бу — мен... Ме-е-н!..

Кейин юзтубан йиқилди. Еру осмон чирпирак айланди.



“Энди нима қиламан? — деган савол янгради миясида. — Наҳотки, уни қўлдан чиқарган бўлсам?! Наҳотки...”

Иттифоқо, ҳар доимгидай далда берувчи куч уйғонди.

“Эй, — деди ички овоз. — Қани ўрнингдан тур! Судралиб бўлсаям бирон ковакка биқиниб ол. Ҳализамон полиция келса, шўрингга шўрва тўкилади. Жазодан қутулиб қолганингда ҳам мамлакатдан чиқариб юборишлари аниқ. Агар яширинишга муваффақ бўлолсанг, эртага яна ахтаришинг мумкин. Вадуд чолнинг дўсти Миямото кўмак беради. Ишонавер... Иволгиннинг номери ўтмадими, иккинчисига умид боғла. Миямото сулоласи катта кучга ўхшайди. Сен полициядан қочиб қутулолсанггина ўғлингни қўлга киритасан! Бўлмаса, умринг сўроқда, бош оғриқда ўтади. Полициянинг ваъдалари... ваъдалари... миннатлари... Ва ахийри қуруқ ҳисобот!”

Лобар ўзига қараб турган одамларни ҳайрон қолдирганча бошқа кўча бўйлаб чопиб кетди. Гарчи оқсоқланаётса-да, кўз очиб-юмгунча йўқолди-қолди.

Меҳмонхонага бора-боргунча Шомилни қарғаб, кўздан дув-дув ёш тўкди. Жиноят ботқоғига қанчалар чуқур ботганини, бу ботқоқликнинг ҳали-вери охири кўринмаслигини ўйлади.

Боягилар орасида Шомил кўринмади, лекин Парвиз Москва яқинидаги ўрмонда Иволгин қўлидан унга ўтганди-ку. Шомил ёлғизман деб дунёга жар солгани билан, Лобар ҳар доим унинг атрофида чечен жиноятчилари изғиб юрганини кўрган. Болани бериб юбориш Шомилдек чечен киллерининг қўлидан келади. Ҳозир Парвиз унинг малайлари қўлида бўлса ажабмас...

Бир амаллаб меҳмонхонани топиб келган Лобар “балки полицияга борсам яхши бўлармиди”, деб иккиланди. Машиналар зув-зув ўтар, осмонўпар бинолар олисдан ўшшаёйиб қарар, қўлоғи тагида полициячиларнинг ўшқириқлари жаранглагандай туюларди.

Лобар қандай йўл тутишни билмай гарангсиб турди.

Жиноятчилар болани шунча тўсиқлардан ўтказиб, Токиога олиб келганларми, демак, анчайин уддабуро. Нима қилса экан?

Атрофга аланглади. Полиция хуфиялари қаердадир пойлаётганини сезди. Ахир, таксичидан маълумот олишган, меҳмонхонада текширув ўтказилган. “Ҳозир ушлашади”, — деди Лобар хаёлан.

Шу лаҳзада икки киши икки ёнидан келиб, қора машина томон судради. Бир рус тилини бузиб гапираркан, силтади:

— Сеники қочишга уринмасин... Бизники отади... Отиш хоҳлайди...

Лобар улар полиция ходимлари эмаслигини пайқади. Бир сўз демай, ювош алфозда эргашди.

Аммо машина шитоб билан олға қўзғалгач, тушкунлик бутун вужудини қоплаб олди. “Ҳеч нарса қилолмадим, барчаси тамом, илк уринишимданоқ мени яксон этишмоқда”, деб ўйлади, кўз олди қоронғилашди.

— Қаерга кетаяпмиз? — сўради бирпасдан сўнг зўрға тили айланиб.

Япон жиноятчилари индамадилар. Киприклари ҳам қилт этмасди уларнинг.

\* \* \*

Бир замонлар қарта ўйинлари Америкада ҳозирги кунлардагидан ўн чандон кенг тарқалганди. Ўрта аср романларида тасвирланганидек учига чиққан фирибгар, тўппончадан беҳато отадиган мерган, хийла пичоқбоз, отлар ишқибози, хотинбоз, ўғри ва, албатта, қартабоз бўлиши лозим эди бахт излаган киши. Худди бугунги одам метро, аэропорт, вокзалларда ўзини қандай тутишни, телефонлардан фойдаланишни билганидек ўша замонларда юқоридаги қусурлар зарурият ҳисобланарди гўё. Минг-минглаб шундай одамлар янги халқнинг кўпчилик қисмини ташкил этди. Янги давлат равнақ топгани сайин аксарият

кишилар кўниккан яшаш тарзи ҳам такомиллашиб борди. Қиморхоналар қайтадан қурилди. Ва дунё тарихидаги энг йирик казинолар бунёд бўлди. Қимор пайдо бўлгандан бери биринчи марта миллион доллар бөй берилди, янги эра бошланди. Ҳар соҳада истеъдодли кишилар бўлганидек худди даҳо даражасидаги олим мисол қимор оламида ҳам бошқалардан фарқли ўлароқ “буюк шахслар” майдонга келди. Уларнинг асосий қимор воситаси қарта эди. Қиморхоналарда янги-янги ўйинлар чиқди, лекин “даҳо”лар учун қартадан афзали топилмади. Зеро, бошқа ўйинларда кўпроқ омадга ишонилса, учлик, тўртлик, бешлик, еттилик қарта жамланмаларининг сузилиши фириб маҳсули бўла оларди ва ҳамиша ҳам омадга қараб қолинмасди. Шу важдан қарта ўз аҳамиятини йўқотмади, моҳир қиморбозлар, жинойий уюшмалар кучларини қарта столида намойиш эта бошладилар.

Баъзи давраларда эркак-аёлнинг фарқига борилмас эди: пулдор аёллар ҳам бамайлихотир қарта ташлашар, уйларида меҳмонлар олдидан бўшаган идишларни йиғиштириб олгандек ютуқ пулларга қўл чўзар, ҳеч ким ҳайратланиб қарамас эди.

Аmmo-лекин бу ҳодисалар уммон ортида юз бераётганди. Секин-аста Европада ва Осиё мамлакатларида ҳам ондасонда аёл қиморбозларнинг дараги чиқиб қолди. Йўллар очилди, қарталар дунё-бўйлаб янада чирпирак бўлиб, чаппор уриб, ҳатто темир йўллардаги поездлар каби гулдираб, самолётлардек гувиллаб кезинди.

Тажрибали қартабоз дунёга келиши учун ўн йил вақт керак эди, ҳар ўн йилда тенгсиз қартабоз бўй кўрсатарди. Кэтрина юзлаб қиморхоналарни забт этганида, одамлар ҳайрон қолмади (аёлдан аскар чиқди, ҳайдовчи чиқди, фазогир чиқди, қиморбоз ҳам чиқди). Ҳайрон қоларли жиҳати шу эдики, айнан жодугар Кэтринанинг рақиби ҳам аёл бўлди. Қиморбозларга шуниси нашъа қйларди: агар иккови тўқнаш келса, қайси бири ютаркан? Кэтринани боғласа яхши бўларди, айримлар учун эса Лобарнинг шармандаси чиқиши муҳимроқ эди.

— Қимор эркакларники! — деган хитоб тез-тез айтила бошлади.

Бироқ жодугар Кэтринанинг дасти узун эди. Гўёки бир ҳатлашда уммондан учиб ўтиб, кунчиқар мамлакатда Лобарнинг гирибонидан олган эди.

Қора машина елдек учиб, қора ниятли аёл ҳузурига етказганда ҳаммаси юқоридаги тарихнинг оддий, қонуний давоми сифатида намоён бўлди.

— Лобар! — хитоб қилди Кэтрина унга кўзи тушган маҳал.  
— Сени худо уриб қўйгани рост, шекилли... Яқинроқ олиб келинглар бахтиқарони!

Лобар дўкон остида жойлашган мўъжаз зал бурчагида аллақандай китоб ўқиб ўтирган Кэтринани — Боку аэропортидаги ўша аёлни дарров таниди. Негадир уни шунақа жойда учратаман деб кўнгли сезганди.

— Нима, тилингни еб қўйдингми? — аччиқланди Кэтрина китобга белги қўйиб, секин ёпаркан. Кўзойнагини бурни учига қадар туширди. — Гапир!

— Буларга сиз буюрдингизми?

— Нимани?

Лобар атрофидагиларга қаради.

— Мен меҳмонхонага етгандим, дам олишим керак эди, чарчаганман. Сиз эса зўравонлик билан бу ерга келтирдингиз. Яхши эмас.

— Биладан, — деди жодугар ўрнидан туриб, — Кацусика томонда тўполон қилиб чарчагансан. Бунинг учун сенга дам олишга рухсат берадилар. Оз эмас, кўп эмас, етти-саккиз йил.

— Бу менинг ҳаётим...

— Ундай бўлса, сенинг ҳаётингда мен нима қилиб юрибман?! — ўшқирди Кэтрина. — Заррача ишим нўқ эди сен билан! Аммо сенинг шахсий ҳаётинг деб аталмиш маҳдудликда менинг қиморхоналарим, миллионларим, емларим, қолаверса, ўзим... Ҳа, ҳа, мана шу вужудим ҳам муаллақ турибди.

— Қ-анақасига?

Бунга жавобан Кэтрина ўрнига қайтиб ўтирди. Сўнг шотирларига ғалати нигоҳ ташлади.

— Нега қараб турибсанлар?! Ўлдиришлар уни! Суҳбат тугади.

Шу заҳоти японлардан бири тўппонча чиқариб, икки қадам ортга тисланди. Лобар унга тик қаради. Умрига нуқта қўяжак ўқ бошини қандай тешиб ўтажагини, бир оғиз сўз қотишга-да, инграшга-да улгуролмаслигини тасаввур қилди, шундай тасаввур қилдики, аввал ҳам шу тарзда ўлдиришгандек. Ҳозир тўппончанинг қора оғзида ёлқинни кўради, товуш ҳам эшитилади...

— Бу ерда отма, — деди Кэтрина тўсатдан китобдан бош кўтариб. — Мурдани ахлатхонага олиб бориш ортиқча муаммо.

Япон русчага тушунмади, тумшуғи билан имо қилди: “Нима?”

Кэтрина яна русча сўзлади:

— Шаҳардан четга чиқинглар. Тошлоқнинг ўртасига будда ҳайкалидай қўйиб, юрагидан отинглар. Дарвоқе, тошлоқни ҳозир сув босаяпти. Мурданинг устига тош бостирсанглар, кўп ўтмай сув тагида қолади.

Рус тилини чала-чулпа биладиган жиноятчи шерикларига тилмочлик қилди. Улар ўз тилларида шоша-пиша гаплашдилар. Кейин Лобарни ўртадаги бильярд столига ётқизиб, оғзига латта тикдилар. Эндигина қўл-оёғини боғлашга киришган ҳам эдиларки, эшик томондаги зинадан дупур-дупур қадам саслари келди. Ҳамма, шу жумладан, Лобар ҳам қаради. Келаётганлар бирдан тўхташди, орқадаги кишига йўл бердилар.

Кириб келган кимса етмиш ёшлардаги чаққонгина чол эди. Протез қўли уни совуқроқ кўрсатарди. Соғ қўли ила Лобарга ишора қилиб, япон тилида қаттиқ-қаттиқ гапирди. Шотирлар Кэтринага қарагач, рус тилида:

— Миссис, буларингга айт, Лобарни бўшатсин, — деди чол. — Нима, сен қиморбозмисан ёки мафия бошлиғи?

— Биз ажрим қилишимиз керак.

— Фақат қарта столида, — таъкидлади чол.

Лобарни халос этганларидан сўнг Кэтрина бошқа бурчакдаги оқ стол-стулга яқинлашди.

— Марҳамат, — дея таклиф этди Лобарнинг халоскорини.

Улар ўтиришгач, чол Лобарга қараб жилмайди.

— Бу ёққа кел.

Учаласи давра қуришди.

— Вадуд ҳам шу ерда, — кулимсиради чол.

Кэтрина баттар тумшайиб олди-да:

— Исмингиз Миямото Сан, шундайми? — деб сўради. — Яхши эслаяпман. Биз ўтган ҳафтада Нагояда учрашганимизни ҳисобламаганда (ахир, у ерда менга узоқдан қарадингиз, холос), беш йил бурун Малайзияда, соҳил яқинидаги тепаликлар орасида юзма-юз келганмиз.

— Ҳа, мени хитойлик деб ўйлагандинг, Кэтрин.

Жодугар кулди, ингичка, қонсиз лаблари Лобарга кимнидир эслатарди. Кинодаги ёвуз қаҳрамонними, Анна Сергеевнаними, аниқ тўхтама келолмади. Иккинчи бор диққат қилганида, Кэтрина сигарет чекмоқда эди. Во ажаб, қаерда пайдо бўлди унинг оғзида?..

— Мени авом деб ўйламанг, — деди у Миямотога кўз остидан карашма қилиб. — Япон, корейс, хитойни фарқлай оламан. Аммо ўзингиз инсоннинг фарқига бормайсиз. Инглиз, немис, итальян, француз, рус... Майли, улар европаликлар, бу эса, — жодугар кескин ияк учуриб Лобарни кўрсатди, — туркий! Мабодо туркийлар сизнинг қавмингизга кирмайдими?

Миямото саволга жавоб бермади, кўзлари янада қисилиб, бармоғини нуқиди.

— Барибир мени хитой деб ўйладинг.

— У ерда хитойлар маҳалласи бор эди. Сиз ҳам хитойликларга ўхшаб кийингандингиз.

Миямото бош чайқади. Эътироз бир оз дағал оҳангда эшитилди:

— Қанақа одамсан?! Боғдан келсам, тоғдан келасан! Ҳеч қанақа либос, ирқ, миллат ҳақида гапирётганим йўқ. У ерда, иккинчи тепаликда масжид жойлашган. Хитой маҳалласи четида яшовчи мусулмонлар ҳар куни эрталаб

сұқмоқдан масжидгача яёв боришади. Тоza ҳаво — танга даво! Худди шу пайтда хитойлар ҳам йўлга чиқишади. Улар югуришни машқ ҳисоблашмайди. Икки тепалик оралиғини бир сайр қилса, бундан аъло спорт йўқ. Ҳеч ўйлаб кўрганмисан, Кэтрин, кимлар кўпроқ фойда қиляпти? Албатта, масжидга қатновчилар! Чунки улар ҳам жисмонан, ҳам руҳан ўз вазифаларини адо этмоқдалар. Худо икки тоифани ҳам тепаликлар орасида зир қатнаттириб қўйибди. Бири шунчаки танасининг соғлиғи учун бориб-келяпти. Иккинчиси эса у дунёнинг ҳам ғамини емоқда.

— Жуда яхши диний маъруза.

— Мен ўшанда намозга бораётгандим, — деди Миямото.

— Мусулмонликни қабул қилганимдан хабаринг бор-а?

— Албатта, кўриниб турибди.

— Бунга Вадуд деган одам сабабчи бўлган. Чақиринглар уни!

Шу пайт Вадуд чол остона ҳатлади, маст шекилли, қоқилиб кетаёзди.

Кэтринанинг унга кўзи тушган маҳал юзида ижирганиш зоҳир бўлди. Сигаретини эзгилаётиб, ўзича гапиринди:

— Лаънати пиёнисталар!

— Бу одам билан мен, — деди Миямото, — етти йил панжара ортида бир ҳаводан нафас олганман. У мен учун дунёдаги энг қадрли инсон. Таниш, Кэтрин...

— Тупурдим унга! — қичқирди жодугар. — Миямото Сан, марҳамат қилиб столимнинг булғанишининг олдини олсангиз! Бу нимаси, ахир?! Бас, чидаёлмайман.

Кэтрин жойидан сапчиб тургач, Миямото мийиғида кулди. Эзмалик билан деди:

— Мени хитой деб ўйладинг, мен эса масжидга бораётгандим. Шуни билки, Лобар ҳам бекордан-бекорга олис ўлкадан бу ерга келгани йўқ. У ўғлини ахтараяпти, тушунаяпсанми? Ўғли йўқолган. Ҳозир қиморбоз ва мафиозлар қўлида. Малайзия тепаликларига ҳар бир одамнинг бир тепаликдан иккинчисига юриши эрталабки жисмоний машқ бўлиб туюлганидек, Лобарнинг бир қиморхонадан иккинчисида пайдо бўлиши ҳам муддаоий қимор бўлиб кўринапти. Сен шошма, Кэтрин!

— Хурматингиз ҳаққи, уни қатлдан қайтардим. Яна нима истайсиз? Биласиз, обрўйингиз бор. Лекин мени қийин аҳволга солиб...

— Шошилма, — такрорлади Миямото. — Сен уни бутунлай қўйиб юбормайсан. Истардимки, орқадан пичоқ санчмасанг.

— Нима?

— Сенинг одатингнй яхши биламан. Шунинг учун қарта столини ажрим столи дедим. Кел, у билан яккама-якка қарта ўйна. Ютсанг, сенга тараф йўқ. Лекин доврўгини эшитганингданоқ қотил ёллаб, сафдан чиқаришга уринишинг номардлик.

— Уни янчиб ташлайман! — илондек вишиллади Кэтрина. — Қарта бобида фаррош менинг тенгим эмас.

— Кўрамиз, — деди Миямото ва эшик олдидаги йигитларига им қоқди. Бири югургилаб келиб, қарта тутқазди.

Лобар бош эгиб, жим ўтирарди. Вадуд чолнинг ҳам дами ичига тушган, тез-тез ўртоғига кўз ташлаб қўяр, “ишқилиб, Лобар устун келармикан?” деб интиқ бўлаётгани сезиларди.

— Пул тикмаймиз, — деди жодугар. — Бу ўйинга одам жони тикилади. — Кейин ўз-ўзидан газаби тошиб кетди. — Ҳаёт-мамот ўйини! Кимнингдир сафари қарийди!

Қолганлар уч қадам наридаги стулларга ўтиришди. Ним ёритилган залда сигарет ва қон иси сузиб юрарди. Чоллар йўталар, томоқ қирар, қайсидир барзангининг оёғи тагида пол ғичирлар эди. Бирдан барчаси қарта шитирлаши остида қолди. Кулдондан кўтарилаётган тутун гўёки жодугар Кэтринанинг тилсимларидек ғалати эврилиб туйқус ғойиб бўларди.

Лобарнинг чўчиётганини ҳамма пайқади. Истамаётган эди ўйинни бояқиш аёл. Одамдан хоҳиш йўқолсаю устига устак ҳаяжондан қалтирай бошласа қийин, жуда-жуда қийин.

Кэтрина кўз узмасди. Тавба, у Лобарга қараб турган ҳолда қарталарни қандай кўраркан-а?!



Биринчи қўл сузилди. Лобарнинг қарталари иш бермади. Иккинчи қўл... учинчи...

Шутобда Лобарнинг хаёлида ўз-ўзидан Дубай манзаралари намён бўлди. Самарқандлик бахши қиз уни “қора қарта рақси” жодусидан қутқариш учун жин ҳайдар маросимини ўтказган эди. Наҳотки, келиб-келиб шу пайт таъсир қилган бўлса, оддий Лобарга айланиб қолса!

Бешинчи ўйинда бор имкониятни бой берди, ҳатто бир марта ҳам устун келмасдан батамом ютқазди. Кэтрина ғолибона ишшайди. Шунда Лобарнинг хаёлига бир гап келди:

— Мен сизнинг қурбонингиз бўлолмайман, — деди донadona қилиб.

Ҳамма Лобарга қаради.

— Нима учун? — ажабланди жодугар Кэтрина. — Ахир, ҳозиргина жонингни ютиб олдим-ку.

— “Широи одори” рўйхатидаман.

Кэтрина сезилар-сезилмас қалқиб кетди. “Оқ рақс” ўйинлари бўйича қиличини қайраб юрадиган япон жиноий уюшмаси номи, албатта уни бефарқ қолдирмаганди, Ҳатто, Миямото ҳам хиёл саросималаниб, гоҳ америкалик қиморбоз хонимга, гоҳ Лобарга аланг-жалаңг боқди.

— Сен “қора қарта”чисан, — таъкидлади Кэтрина. — Айтаётган уюшманг эса сенга даҳл қилмайди. Уларнинг рўйхатида эмассан.

— Балки Лобар аъзосидир, — бир қадар яқинлашди Миямото.

Кэтрина янада тумшайди. Қовоғидан қор ёғарди унинг. — “Широи одори” одамини ўлдириш... — деб гапини давом эттираётган Миямотони Кэтрина қаттиқ жеркиди:

— Бас, Миямото Сан! Агар у “Широи...” аъзоси бўлса ҳам ўлдиришга ҳаққим бор. Чунки ўз ҳаётини тикди, барчангиз шоҳидки, ютқазди.

— Барибир уни ўлдирмоқчи эдинг, сенинг ниятинг кучли рақибни йўқ қилиш! — дея Вадуд чол жонланди. — Чунки сен қўрқоқсан! Лобардан қўрқасан!

— Учир, эй сассиқ чол! — қичқирди жодугар. — Сенга нима?! Ақлинг етмаган ишга тумшуфингни суқма!

Агар қўрққанимда, — у шундай деб атрофдагиларга кўз югуртирди, — жонимни тикиб ўйнардим!

— Мен бунга йўл қўймайман! — бақирди Вадуд чол. — Ўлсам ўламанки...

У кўзлари олайиб, оғзидан тупук сачраб, қалтираб сўзлаётганда Кэтрина тарафдорлари мийиғида кулишиб, чумолининг чиринишини кузатаётган алфозда беписанд турдилар. Аммо шу фурсатда Лобар бутунлай ўзини ўнглаб олди. Ҳарқалай ёлғиз эмаслиги катта далда берганди. Қолаверса, инсон жодуга ишонсаю жоду олдирса, лекин ёвузликка суянишда давом этса, яна бурунги ҳолига қайтиши қандайдир илмий ҳақиқатга ўхшаброқ кетади.

Ҳаётда ким бўлиб қолишидан қатъи назар, ҳозир ютмаса ҳолига маймунлар йиғлашинигина ўйларди. Бир гал ютмай, кейин қартани умрбод ташлайман, деб хаёл қилолмасди. Бир марта ютиш учун тақдирни ўзгартириш керак: Ҳа, тақдирни инсон ўз қўли билан ўзгартириш имконига эга, илло кейинчалик ўз ҳолига қайтариш эса унинг имкониди эмас.

— Сени, — деди Лобар Кэтринага ғазабнок нигоҳ ташлаб, — тиланчи-гадой ўрнидаям кўрмайман. Аёл киши бўлиб, қартабозга айланиб қолишим ота-онамга, қариндош-уруғларимга иснод келтирди. Ҳаммасини яхши тушунаман. Сен эса қаерда қартахона дарагини эшитсанг, тулкидай ҳаво искаб келсан. Аёлсан-ку! Аёллар бунақа қилмайди. Йўқ, сен аёл эмассан! Жодугар дейишади. Жодугардан ҳам баттарсан!

— Нима-нима?!

— Иблиссан, урғочи тўнғизсан!

— Ўлдиришлар уни!

Лобар қулочини кенг ёзиб, тантанавор деди:

— Майли, лекин ўлимдан кейинги томошалардан завқланолмайсан. “Широи одори” рўйхатидаман ва шунинг учун ҳам сенга атайин ютқаздим. Барибир ўлдиролмайди, деб ўйлагандим. Қароринг қатъийлигини кўриб кулгим

қистаяпти. Менинг қатлим сенинг Япониядан омон-эсон чиқиб кетолмаслигини билдиради, шуни тушунасанми?

— Жин ургур!.. Нима, “Шиروي...” сени ўлдиришини билдириб, атайин Токиога келдингми? Ўз бўйинини тигга тутгани... Э, кимни алдамоқчисан?

— “Қора қарта”чи бўлсам-да, улар “оқ қарта” бўйича айблаб, сиртдан ўлимга ҳукм этишди. Албатта, бу — туҳмат! “Шиروي одори” аввал ҳам туҳмат билан бир танишимнинг хотинини, яъниким ёшгина келинчакни ҳаммомда ўлдирди. Шуни билиб қўй, Кэтрина, мен ўлим учун келганим йўқ! Улардан исбот талаб қиламан!

— Кимдан? — совуқ кулди жодугар. — “Шиروي одори” данми?

Лобар олдинга энгашиб:

— Сен ўйлаганчалик ожиза эмасман, — деди. — Охири пайтлари қиморхоналарда жавлон ураётганини билиб юрибман. Аммо ўша қиморхоналарнинг эгалари ҳисобланмиш мафия одамлари сен келмасингдан аввал менга хушомад қилишган. Жон-жаҳдим билан қимордан қочишга уринаверишим оқибатида, боз устига қамалиб қарта-дунёсида кўринмай қолишим натижасида уларнинг ҳафсаласи пир бўлди, Японияга келишимнинг асл сабаби — ўғлимни қутқариш! Кейин марҳума келинчак масаласию менга қилинган туҳмат... Гапимдан сезмаяпсанми, “Шиروي одори” жиной уюшмасидан ўн баробар катта ташкилотларга дахлдор инсонман. Хатойим шуки, менга зор кишиларга айтмасдан ўз ҳолимча юрибман. Кацусикада эса ўғлимнинг ортидан қувдим... Афсус, Италия мафиясига муружаат қилсам, яхши бўларкан.

— Кўрдингми?! — деди Миямото бир қошини кўтариб. Вадуд чол ҳам энгил нафас олди.

— Хўп, иш чувалашиб кетди, — дея Кэтрина туриб, нари-бери юра бошлади. — “Шиروي одори”ни ҳам, Италия мафиясини ҳам ҳурмат қиламан. Биз ҳаммамиз улардан кўрқамиз, шундай эмасми? Лекин қарши курашмаган ҳолда одам одам билан ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Лобарга Боку аэропортида айтганман. У мендан нарироқ

юриши керак эди. Бироқ шахсий иш баҳонасида дастлабки кунларданоқ ўзини қартага урди. Бир марта эмас, икки марта ўлдирсам арзийди.

— Баҳсга нуқта қўямиз! — столни кафти ила урди Лобар.  
— Атиги бир қўл ўйнайсанми ҳақиқий Лобар билан?

Кэтрина бостириб келди. Важоҳатидан от ҳуркарди.

— Ютқаздингми, аввал ҳаққимни бер!

— Жонимними?

— Қартага нима тиккан эдинг, сурбет?!

Яна Миямото аралашди:

— Кэтрина, — деди у, — барибир Лобардан қўрқаяпсан. Аслини олганда, огоҳлантиришга-да ҳаққинг йўқ. Ахир, сен унинг хўжайини эмассан. Лобар истаган жойда, истаган одами билан қарта ўйнай олади.

— Бу ўтган гаплар. Ҳозир эса қиморга тикишга ҳеч вақоסי йўқ. Шунча одам гувоҳлигида жонини бой берди. Тузукроқ ўйнолмаслигини кўрдинглар.

— Дубайда юргананда, — дея Лобар алам билан сўзлади, — ҳаммаси жонимга тегиб кетганди. Дарбадарлик, қуллик ва барчасига сабабчи бўлмиш қимор! Тасодифан Дилором исмли ҳамшаҳаримни учратиб қолдим. У беш йилдан буён Бирлашган Араб Амирликларида яшаркан. Ёш қиз, лекин бахшилиқдан хабари бор. Бахши, бу — касаллик ва жодуларни ҳайдайдиган аёл. У мени “қора қарта рақси” жодусидан халос этишга ваъда берди. Шунча йилдан бери кор қилмади деб юрардим. Бирдан қарта ўйнашни истамай қоляпман. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Қўлим борса ҳам кўнглим бормади...

— Энди-чи? — сўради Миямото лабини ялаб. — Сен “қартабоз Лобар” ҳолатига қайтдингми? Кўзларинг бошқача чарақляпти.

— Икки баравар қайтдим, Миямото Сан. Агар яна бир имкон бўлса эди, америкалик манави калондимоғ хотинни шарманда қилардим.

— Ростданми?

— Ишонаверинг, — деди Лобар.

Шунда-чоллар бир-бири билан кўз уриштиришди, бошларини секин қимирлатишди.

— Кэтрина, Лобар билан охирги марта ўйнайсан, — Миямото кулимсираб гапирди, — биз — Вадуд иккимиз жонимизни тикамиз. Розимисан? Агар рози бўлмасанг, Лобарни ўлдирмайсан. Чунки биз гувоҳмиз. Эртага унинг қасосини оладиган кишилар, албатта, топилади.

— Ҳазилни ёқтирмайман, Миямото Сан, — деди Кэтрина қаддини ғоз тутиб, — Ўғилларингизни танийман, уларнинг ҳурмати бор. Сизга ёмонлик қилолмаслигимни яхши биласиз. Нега бу олқинди қиз шу қадар мафтун этаётганига ҳайронман. Ҳатто, жонингизни беришга тайёрсиз-а?

Миямото гапирмоқчи эди, Кэтрина қўлини кўтарди. Тушундим, дегани юзида зоҳир эди. Енгил одимлар билан жойига қайтиб, сассиз чўкди. Кафтини ёзган эди, енгичидан қўрғошин тусли қарта бойлами тап этиб тушди.

— Бошладик, — деди у кўзлари чақнаб.

Шу заҳоти Лобар қора кўзойнак тақиб олди. Аввало, ким ўйинни бошлашини аниқлаш учун французча экартенинг дебочасига асосланган “сайланма доналар”ни тердилар. Ва ниҳоят қарталар Лобарга ўтди.

— Фақат инглизча, — уқтирди жодугар Кэтрина.

Лобар ҳам шунга рози эди. Дарҳол икки қўлга қарта сузди. Негадир жодугар тишининг оқини кўрсатди.

— Чарчамангми, бўтам? — деди бутунлай бошқача, эркакмонанд бўғиқ товушда.

Лобар индамади. Қўллари қизиб бораётганини ҳис этаркан, савол бежиз берилмаганини фаҳмлади. Жодугар қартасида бир синоат бор эди.

— Тезроқ тугатмоқчиман, — деди Лобар қарталарини ташларкан. — Бир!

— Икки, — деган жавобни айтди Кэтрина.

— Уч, — дея Лобар чуқур нафас олди. Қимтилган лаблари уни қатъиятли кўрсатарди.

Кэтрина дастлабки қартасини хужумга ташлади. Лобар муносиб жавоб қайтарди. Кейинги қарталари ҳам устун келди.

Миямото қикирлаб кулиб юборди. Ёшига ярашмаган кулгисигами, Кэтринанинг ютқазганигами, мўъжаз залдагилар ҳайрон бўлиб қолишганди.

Япон соғ қўлини силтаб, баланд овозда деди:

— Бўлди, Кэтрина, бўлди! Ҳақиқий Лобар сендан устун. Бугуноқ бутун Япония хабар топади.

Негадир жодугар миқ этиб оғиз очмади. На хусуматини, на боягина Лобарнинг жонини ютиб олганини эслади. У буткул абгор аҳволга тушгандек бошини кўтаролмади ҳам.

Икки чол соғ қўллари-ла қучоқлашишди.

— Сен бунни қўйиб юбор, — деди Миямото Кэтринага. — Биринчи сафар ютдим деб ўтирасанми! Ҳаққиға кўчганда, икковингнинг ўртангда ҳеч қандай душманлик йўқ. Икковинг тенгсан, тамом-вассалом. Фақат, Кэтрина, қизганчиқлик қилдинг, холос. Аммо кўрқма сен! Лобарга ифлос қиморхоналар ортиқ керакмас. Тўғрими, қизим?

“Қизим” деб менга айтаяпти, деган хаёлдан ток ургандек сапчиган Кэтрина илкис қад ростлади-ю бошқа манзарани кўрди: чоллар Лобарга оталарча жилмаярдилар.

— Кўзимга кўринмаларинг! — чинқирди Кэтрина. — Йўқолларинг!.. Ҳой, ҳайдаб солинглар!

Чиқа бошлашди. Шунда Кэтрина Лобарга ёпишди.

— Сен қаёққа?

— Қўй уни, — Миямото Лобарни иккинчи томондан тортди, — зўравонлик қилма. Очиғини айтганда, ойнага бир қарашинг керак, кечирасану қип-қизил жиннисан.

— Ҳей-й!.. — Кэтринанинг кўзлари олайди.

— Бу ер Токио, — хотиржам ҳолда деди Миямото. — Шовқин-сурон, нотоза ҳаво ўғилларимнинг асабига салбий таъсир қилган, улар сенинг бу муомаланг ҳақида эшитишса...

Жодугар чангалини бўшатди. Лобар худди ер остида бир йил қамалиб ўтиргандек эркин нафас олиб, ташқарилади. Ҳаёт бирдан ўзгариб кетган эди.

— У ёқда жуда чатоқ иш бўлибди, — шипшиди Миямото Лобарга. — Ҳалокат катта, одам ўлмагани ҳарқалай яхши.

— Ўғлимни олиб қочаётганларга етолмадим... — Лобарнинг товуши титраб чиқди.

— Топамиз, албатта, топамиз. Хафа бўлма. Оёғим остида она замин бор экан, ҳеч ким менни яксон этолмайди. Вадуднинг муддатини яна бир ойга чўзсам, у Японияда қолади, сен эса ўғлинг билан кетаверасан.

— Раҳмат, айтганингиз келсин... Мени қандай топганингизга ҳайронман.

— Иволгинни ахтараяпман, — деди Миямото синовчан назар солиб.

— У-унинг қаердалиги менгаям аниқ эмас. Юз минг долларча пулни олгач, ғойиб бўлди. Начора, унинг дарди шу эди.

— Сенга ўхшаб мен ҳам полициядан ёрдам сўрашни ёқтирмайман.

Улар машина сари юришди. Миямотонинг икки йигити орқада келарди, учинчиси машинада экан, тушиб эшик очди. Айни шу лаҳзада бошқа бир машина келиб, тикрайган сочли йигит ойнадан калла чиқариб, алланималар деди. Кейин Миямотонинг қаршисига чопиб келиб, оғзи бидирлашдан тўхтамади. Кунботиш томонга ишора қилгач, полиция машинасининг сиренаси эшитилди.

— Лобар, — деди Миямото шошиб, — манави йигитни ўғлим юборибди. Полиция бу ёққа сени қидириб келаётганмиш. Кэтрина чақиб берган, шекилли... Йўғ-э, ҳозиргинанинг ўзида қандай чақади? Унда ўғлим бизга машина юборишга улгурмасди... Майли, ҳозир ўй суришнинг вақти эмас, машинага чиқ.

Нотаниш йигит қўйнидан телефон олиб рақам тергач, Миямотога тутди. Бир оғиз гаплашилди.

Шундан кейин воқеалар кўз очиб юмгунча содир бўлди: Лобар орқа ўриндиққа ўтирган ҳам эдики, машина вангиллаб юриб кетди, кутилмаганда муюлишда тормоз берилдию бир йигит бостириб кирди. Қўлида пичоқ ялтиради. Пўписасига қараганда, ҳайдовчи ва унинг тили, бир бўлиб, Лобарни олиб қочиш ниятида эдилар.

— Бу қилиқларинг ортиқча! — деди Лобар, лекин афтидан улар япон тилидан ўзгасини тушунмас, тушунишни ҳам истамасдилар.

Машина тезлиги ошгандан ошди. Ҳар бир светофорда сабрсизлик-ла тўхтар, шошилинич илгариларди.

Шаҳар четида ҳам чароғон йўллар пешвоз чиқди. Осмонўпар бинолар олачалпоқ чироқларини милтиратиб тобора ортда қоларди. Денгиз томонда чексиз қоронғилик тўнини кийган тун увлагандек туюлди.

“Ўлдим”, — деди Лобар ичида.

Машинани ҳеч ким тўхтатмади. У катта йўлдан четга бурилди-да, қоронғилик қўйнига шитоб-ла кириб борди. Фаралар ёруғида асфальт ўртасидаги оқ чизиқлар ҳам алланечук сирли манзара касб этарди.

Навбатдаги бурилишда микроавтобусга дуч келишди. Машина уч-тўрт қадам ўтиб тўхтади. Фақат ҳайдовчи тушди. Кўп ўтмай кимлардир ғала-ғовур қилиб яқинлашишди. Эшик очилгач, бир аёл энгашди. Бу — жодугар Кэтрина эди. Совқотган, шекилли, бояги либоси устидан қорамтир аёл ташлаб олибди.

У Лобарга ҳиссиз нигоҳинигина ҳада этди.

— Бу аҳволга ўзингни ўзинг туширдинг, — деди тишларини ғижирлатиб. — Садқаи аёл кет! Болангни ўғирлаганлари ҳам ёлғон! Гўё уни ахтариш баҳонасида кезмаган юртинг қолмади. Кимсан?! Афт-ангорингга бир қара! Ҳеч ким эмассан! Яна мени аёл эмасликда айблашинг ортиқча! Иблис дедингми? Қўрғошин тусли заҳарли қартамни энг ёмон кўрадиган одамимга бераман...

— Сени соғ қўйишмайди, билиб қўй! — деди Лобар.

Бунга жавобан Кэтрина заҳаромуз кулди ва микроавтобус томон қўл силкиганди, кимнидир сургаб кела бошлашди. Лобарни ҳам машинадан тортиб олишгач, икки банди юзма-юз бўлди.

— Юзини ёруғликка тутинглар, — амр этди жодугар. — Сўнги бор бир-бирини кўриб қолишсин.

Лобар қичқириб юборишдан ўзини зўрға тийди. Қаршисида Қувонни кўриб турарди. Афт-ангори калтаклар оқибатида таниб бўлмас даражага келган, суяшмаса йиқилади.



— Қувон? — деди Лобар кўзларига ишонмай.

— Бахтга қарши ўша! — ҳаволанди жодугар. — Шуми мени соғ қўймайдиган кас?! Шунга ишондингми?

— Малайлари Кэтринага полиция таёғини тутқазишди. Аёл бор кучи билан Қувонни устма-уст урди. Инграшга ҳам мадор тополмаган йигит унсиз қулади.

— Хумордан чиққунча урдим, уравердим, кўрдингми ҳолини? — мақтанди жодугар. — Мендан аввал “Широи одори” йигитлари ўласи қилиб дўппослаган экан. Уриб ўлдириб қўя қолишарди, аммо мен уни сўраб олдим. Икковини бир жойда, ўз қўлларим билан ўлдираман, дедим. Албатта, бунинг учун қимордан тушган бир юз эллик минг долларни қуртдай санаб бердим. Йўлимда гов бўлганларнинг қисмати шу. Қани, йигитлар, иккаласини ҳам машинага ортинглар. Қатлгоҳ кутмоқда.

Қўл-оёқлари боғланган икки вужуд микроавтобуснинг орқа ўриндиқлари тагига ташланди.

— “Широи одори”га қарши курашиб бўладими?! — мазах қилди Кэтрина йўл-йўлакай. — Балки “Широи одори” мендирман?! Хеҳ-хеҳ-хе... Сен-чи, Лобар, қартада бало, жиноят кўчасида эса гўлсан. Одам ҳам мафияга тиккама-тикка борадими, ё Биби Марьям! Жинни, аҳмоқ, галча! Мени ютишинг мумкинлигини билардим... Балки ютмаганингда омон қолармидинг? Анави бобойларинг халос этарди, эҳтимол... Нега ишондинг-а уларга?! Бирининг ўнг қўли, иккинчисининг чап қўли йўқ. Қизик, ўша чўлтоқлар нима каромат кўрсатарди, нимасига суяндинг? Телефондаги сохта овозни ўғлиникидан фарқлаёлмайдиган бўлса-да, Миямото ўзича бир олам. Доим атрофида уч-тўрт қўриқчиси билан юради. Кимга керак унинг сассиқ жони?! Қачон қарама ўғилларига ортиқча баҳо беради. Сени ўлдирганимдан сўнг, Лобар, улар менга ҳеч нарса қилишолмайди. Ҳатто; оғиз очолмайдилар. Сендан сариқ чақалик фойда йўқ уларга. Вадуд деган кимсанинг ҳурматига бирон нима дер, демоқчимисан? Дейди, фақат менга эмас,

Худого дейди. “Аллоҳу акбар, жойи жаннатдан бўлсин!”  
 Ҳа, улар мусулмон. Мусулмонлар шунақа дейишади одам  
 ўлгач. Тўғрими?.. Тўғри демай кўр-чи!.. Айтгандай, Вадуд  
 ёшлигида отдан кучли бўлган дейишди. Ҳозир қанча  
 морфин кўтаради, деб ўйлайсан? Ун грамм, йигирма, ўттиз...  
 Лекин мен унинг ҳам қийналиб ўлишини истайман.

Машиналар соҳилбўйига етди. Бу ерни соҳил эмас,  
 кўлмакзор деб атаса жоиз бўларди. Негаки улар пиёда анча  
 вақт кўлмакларни айланиб ўтиб, катта сувга яқинлашдилар.  
 Денгиздан, шамол эсарди. Лобарнинг эти жунжикиб,  
 беихтиёр қалтирай бошлади. Совқотгани етмагандай  
 Кэтрина унинг оёқ кийимини ечиб, отиб юборди.

— Нариги дунёга ялангоёқ кетилади, — деди у.

Қувон ўзини бир оз тутиб олганди. Уни тош устига  
 ётқазиб қўйишганда, қақдини кўтара олди ва алланима  
 деб гулдираганча кузатиб ётди.

Лобарни тизза бўйи сув кечтириб, тошлоқ оролчанинг  
 ўртасига етказдилар, тошга тиз чўктирдилар.

— Мана, ҳаммаси таом! — қичқирди жодугар Кэтрина;  
 унинг қўлига милтиқ беришди. — Эй Қувон! Сен ҳам  
 эшитаяпсанми? Билиб қўй, менда барча маълумотлар бор  
 эди, барчаси! Икковинг севишганинг, оила қуролмаганинг,  
 бир фолчи атрофи сув билан ўралган тошлоқда Лобарнинг  
 отиб ўлдирилишини башорат қилгани, “Широи одори”  
 томонидан келинчакнинг ўлдирилиши... Ва ниҳоят,  
 болакай баҳонасида Японияга келишларинг, мени  
 ўлдиришни режалаштирганларинг!..

— Сени ўлдиришни Иволгин режалаштирган, —  
 пичирлади Лобар. — Мен эмас... Қувон эмас...

Бироқ унинг гапларини Кэтрина эшитмади. Милтиқни  
 мўлжалга тўғрилаб, шундай деди:

— Донғи кетган қартабоз аёлни ўз қўлларим билан  
 йўқ қилаётганимдан хурсандман. Чунки мен халқаро  
 қимордаги ягона аёл бўлиб қоламан. У эса ўлади, абадий  
 кўз юмади. Алвидо, Лобар! Жаҳаннам эшиклари ланг очик!

Милтиқ гумбурлади. Лобар ортига қалқиб кетди, сўнг  
 олдга йиқилиб, тош каби қотди. Қувонга ҳозиргина

унинг қора шакл-шамойили кўриниб турганди, энди фарқлаёлмай қолди, қай бири тош, қай бири Лобар.

Йигит ожиз ингради. Харсангдан сирғалиб тушди.  
Кўзларидан тирқираб ёш чиқди.

Бир оздан кейин қараган эди, Кэтринанинг малайи тош бостирмоқда эди.

Улар сув кечиб, Қувоннинг бошига қайтишди.

— Ҳозир сув кўтарилишни бошлайди, — деди жодугар. — Наридан бери тош бостирдик. Сув юзасига чиқиб қолмасинда, ахир. Балиқлар маза қилиб есин!

Қувон шалоқ сўзлар билан сўкинди. Кэтрина унинг сочидан тортиб, юзини ўзига қаратди.

— Жағинг соғ, шекилли. Ҳим-м, кўзларинг ҳам кўраяпти... Нима қилсам экан?

Кэтрина денгиз томонга қаради. Кейин деди:

— Мана, сув босиб келмоқда. Лобарнинг қабри, агар шуни қабр деб атасак, сув тагига қандай гум бўлишини томоша қилишинг мумкин. Бу — Японияда кўрган охириги мўъжизанг... Йўқ-йўқ, нималар деяпман, нафақат Японияда, ёруғ дунёдаги сўнгги томошанг.

Қувон энди сўкинишга ҳам куч тополмади. Кўзини юмди, қайтиб очганида ҳақиқатан сув босиб бўлганди.

— Лобар... — шивирлади у. — Лобар... Кечиринг, сизни қутқаролмадим... Мен айбдорман. Қайтарсам бўларди. Ҳаммасини тушуниб тургандим-ку... Билардим-а бу йўл адойи тамом қилишини... Мен ҳам қайтмадим... Эсиз... Эсиз...

Жодугар малайи Қувоннинг томирини ушлаб, деди:

— У тирик.

Иккинчи малай у ёқ-бу ёғини текшириб кўргач:

— Лекин тез орада ўлади, — деб қўшимча қилди.

Шундан сўнг Қувоннинг қўл-оёғидан ушлашиб, қўлмакка улоқтирдилар...

Оғзи-бурнига сув кириб, ўқчиб бош кўтарганда денгиз қўлмакни ҳам ўз домига олганди. Қувон учун ҳаётда кўп нарса ўз интиҳосига етганди. У оғир гавдасини кўтаролмай ажалини кутиб ётаркан, хаёл уфқларида бир аёл кўринди.

Гоҳ онасига, гоҳ Лобарга ўхшарди. Ким бўлишидан қатъи назар у жудаям қадрли инсон эди. Қувон изларини кўзига суртгиси, этагини тавоф қилгиси, бошида айланган зор борки, қувиб солгиси келди.

“Сен ўлаяпсан”, — деди ички бир овоз.

— Мен? — ҳайрон бўлди Қувон.

Бирпасдан сўнг аллақасқдан садо эшитилгандек туюлди:

— Тур, болам...

— Қувон, тулинг...

Овозлар икки хил эди: бири онасиникига, иккинчиси Лобарники.

Қувон бор кучини тўплаб, оёққа қалқди, аммо қалқиб, сувга йиқилди. Интилди, денгиз сари талпинди. Малъунлар Лобарни отиб ташлаб, тош бостириб қўйган жойда тўлқинлар ҳукм сурмоқда эди.

Мана, бир тўлқин ёпирилиб келди-ю Қувонни мувозанатдан чиқарди. Кейингилари ҳам уни орқага суриб бораверди. Ўн бор йиқилиб, ўн бор турди бечора йигит.

Ахийри, Қувонни табиат ҳам четга суриб ташлади. У эса мағлубиятни тан олмай олға ташланар, ёввойи шижоат уйғонгандек эди.

Кечиккан туйғу эди бу. Бир неча йил муқаддам, ҳали жиноят оламига кирмасдан бурун шундай жаҳд қилмоғи лозим эди.

Аввал ўз қалбини қутқарган одамгина бировларни қутқара олади...

Соҳилдан хийла нарида, тошлар орасидан кимдир лип этиб ўтди-да, йўл четидаги “Тойота”га ўтирди. Кўп ўтмай қизил чироклар ҳам кўринмай қолди.

Қувон бошини тошга қўйиб йиғларди.

### III китоб тугади

*Адаби-ваоини нашр*

**Азамат ҚОРЖОВОЪ**

# **ҚИЛ УСТИДАГИ ТАКДИР**

**III КИТОЪ**

Муҳаррир: О.Қанаев

Тех.муҳаррир: Ш.Ҳошимов

Дизайнер: Р.Ташматов

Саҳифаловчи: Н.Муҳитдинова

Рассом: Д.Эшматов

Босишга берилди 30.06.2016. Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$  "Times  
New Roman" гарнитураси. Шартли босма табағи 14,75.  
Нашр босма табағи 15,0. Адади 4000 Буюртма № 22

*«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.*

*Нашриёт лицензияси: АІ №270*

*«Design-Print» МЧЖ ЎИЧК босмаҳонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.*